

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Р.Р. ҲАСАНОВ

ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАР

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2019

Ҳасанов Рустам Рабимович

Институционал назариялар: ўқув қўлланма. – Тошкент. 2019. – 233 б.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиевнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

Набиев Э.Ғ., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Хажиев Б.Д., иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

Ўқув қўлланма “Институционал назариялар” фани дастурига мувофиқ ёзилган бўлиб, унда институционал қарашларнинг методологик асослари, объекти, предмети ва асосий тушунчаларининг мазмун-моҳияти ёритилган. Шунингдек, қўлланмада жамиятда расмий ва норасмий институтларнинг ролига, бозор институти, шартномалар, трансакция харажатлари, хуфёна иқтисодиёт, мулкчилик, фирма, давлат ва уй хўжалиги назарияларининг асосларини ёритишга кенг ўрин берилган.

Институционал назариялар шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари масалаларини ёритишда профессор Б. Беркиновнинг “Институционал иқтисодиёт” китобидаги материаллардан манба сифатида фойдаланилди.

Қўлланма олий ўқув юртларининг бакалаврият йўналиши талабалари, магистрантлар, докторантлар ҳамда ўқитувчилар, шунингдек, институционал назариялар билан қизиқувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

	бет
Кириш.....	5
1-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАР ҚАРОР ТОПИШИНING ОБЪЕКТИВ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Илк институционал қарашлар.....	8
1.2. Институционал назарияларнинг ривожланиш тенденциялари.....	14
1.3. Институционал назарияларнинг тамойиллари.....	31
2-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАРНИING ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ.....	34
2.1. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти.....	34
2.2. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш.....	43
2.3. Режа ва бозор институти.....	50
3-БОБ. МУЛК ХУҚУҚИ.....	58
3.1. Мулк институционал назарияларнинг объекти сифатида.....	58
3.2. Мулк ҳуқуқлари назарияси.....	62
3.3. Мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси.....	68
3.4. Институционализмда мулккий полиформизм.....	74
4-БОБ. ФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИНИING ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ.....	80
4.1. Шартномалар тушунчаси ва унинг турлари.....	80
4.2. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси.....	87
4.3. Уй ҳўжалиги ва унинг хиллари.....	93
4.4. Трансакция ва трансформация харажатлари.....	108
5-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ИҚТИСОДИЁТ ТУРЛАРИНИING ТАЛҚИНИ.....	120
5.1. Давлатлар хиллари. Давлат институционал ташкилот сифатида.....	120
5.2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг институционал жиҳатлари.....	127
5.3. Хуфёна иқтисодиёт.....	132
6-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА АГЕНТ МУАММОСИ.	147
6.1. Буюртмачи — агент тушунчасининг мазмуни.....	147
6.2. Хусусий корхоналарда буюртмачи — агент муаммоси.....	148
6.3. Банк бошқарувчиси агент сифатида.....	150
6.4. Жамоа корхоналарида буюртмачи — агент муаммоси.....	151
6.5. Нотижорат касалхоналар менежери агент сифатида.....	152

6.6. «Буюртмачи — агент» тузилишидаги рағбатлантириш.....	153
7-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ТАШҚИ ТАЪСИР ВА ИЖТИМОЙ НЕЪМАТЛАР.....	158
7.1. Ташқи таъсирлар.....	158
7.2. Ташқи салбий таъсир ва самарадорлик.....	160
7.3. Ижобий ташқи таъсирлар ва самарасизлик.....	163
7.4. Ижтимоий неъматлар.....	165
7.5. Самарадорлик ва ижтимоий неъматлар.....	168
7.6. Институционал кафиллик ва маънавий масъулият.....	170
8-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ.....	174
8.1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари ҳақидаги назариялар.....	174
8.2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда институционал ўзгаришлар ва унинг сабаблари.....	179
8.3. Истеъмолчилар ҳуқуқи институционал объект сифатида.....	182
9-БОБ. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА	192
9.1. Табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлик.....	192
9.2. Экологик муаммолар ва институционализм.....	196
9.3. Экологик хавфсизлик ва Орол муаммолари.....	200
10-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК.....	212
10.1. Ижтимоий ҳамкорлик ва бизнес фаолияти.....	212
10.2. Иқтисодиётни модернизациялашда ижтимоий ҳамкорлик.....	214
10.3. Ижтимоий ҳамкорликда оиланинг институционал жиҳатлари.....	217
ХУЛОСА.....	220
Фойдаланилган адабиётлар.....	230

КИРИШ

Институционал назариялар замонавий қарашлар ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан бири бўлган назарий йўналишлардир. Ушбу йўналиш Ғарб мамлакатлари иқтисодиёти ривожланиши, талаб ва таклиф қонунларининг ишлаши, хўжалик юритувчи субъектларнинг хулқ-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият кўрсатиши, иқтисодий ўсиш ва шу каби бошқа бир қатор жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишда кенг татбиқ этиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларини такомиллашувига, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётни билиш ва уни ривожлантириш қонуниятларини белгилашнинг самарали воситаси зарур. Ана шундай воситаларни амалда қўллаш учун институционал назарияларни билиш ўта муҳим ҳисобланади.

Бу ўз навбатида ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш юзасидан белгилаб берган мамлакатни модернизация қилиш, кичик тадбиркорликни фаол ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини юксалтириш йўналишларини изчил амалда ижросини таъминлаш масалаларини ҳал этишда “Институционал назариялар” фанининг назарий ва амалий воситалари алоҳида ўрин тутаяди.

Ҳар қандай давлат иқтисодиёти институционал муҳитни ташкил этувчи маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ўзгариб боради. Институционал ўзгаришлар доимий давом этадиган, амалий вазиятга янгича талабнинг қўйилиши, техника ва технологияларнинг янгиланиб бориши, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг такомиллашуви, ҳолатга креатив ёндошувларнинг кўчайиши ва бошқа реал воқийликлар таъсир этадиган назариялардир.

Институционал назариялар қарор топишининг илк даврида институционал қарашларнинг дастлабки гипотизалари шаклланди ва тамойиллари ишлаб чиқилди ҳамда жамият ривожланишидаги роли асосланди. Бунда институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти, ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш орқали режа ва бозор институтининг асосий жиҳатлари изоҳлаб берилди.

Институционал назарияларда асосий ўринни мулк ҳуқуқи эгаллайди. Бунда мулк институционал назарияларнинг объекти сифатида қаралади ва мулк ҳуқуқлари назарияси яратилади. Асосий эътибор мулккий полиформизмнинг муҳимлигига қаратилади.

Институционализмда фирмалар фаолиятининг институционал таҳлили кенг ўрин олган. Бунда шартномалар тушунчаси ва унинг турлари, ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси, уй хўжалиги ва унинг хиллари, трансакция ва трансформация харажатлари билан боғлиқ назарий қарашлар илгари сурилган.

Институционалистлар ўз ғояларини ривожлантириб, иқтисодиёт турларининг талқинини беради. Улар давлатлар хилларини тадқиқ қилиб, давлатга институционал ташкилот сифатида қарайдилар. Иқтисодиётни расмий ва норасмий турларга ажратиди ва иқтисодий муносабатларга хуфёна иқтисодиётнинг таъсирини очиб беради. Ривожланишнинг институционал ва инновацион турларини алоқадорликда тараққий этишини кўриб чиқади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодиётнинг янги хўжалик юритувчи субъектлари – йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар барпо этилди. Шу билан бир вақтда улар фаолият юритишини белгиловчи расмий қоидалар (конституция, қонунлар, фармонлар ва бошқалар)ни ва норасмий чекловларни ўз ичига олувчи институционал муҳит яратилди. Ана шу муҳит жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларини такомиллашувига, мавжуд салоҳиятлардан, айниқса инсон капиталидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Китобхонлар миллий иқтисодиётнинг шаклланиш жараёнларини ундаги таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш усулларини билишлари, шунингдек, иқтисодиётнинг тармоқ тизимини ва уларни тавсифловчи кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари институционализм нуқтаи-назаридан ўрганиши ва келгусида профессионал билимга эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

Шуларни ҳисобга олганда институционал назарияларни чуқур ўрганиш ва Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ислохотларни кенгайтириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашни муҳим назарий асоси сифатида фойдаланиш давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига киришини тезлаштиради.

1-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАР ҚАРОР ТОПИШИНИНГ ОБЪЕКТИВ АСОСЛАРИ

- 1.1. Илк институционал қарашлар.
- 1.2. Институционал назарияларнинг ривожланиш тенденциялари.
- 1.3. Институционал назарияларнинг тамойиллари.

1.1. Илк институционал қарашлар

Илмий иқтисодий назариялар шаклланиши XVII асрда Европада дастлаб В.Петти, Буагильбер, кейинроқ эса, А.Смит ва Д.Рикардоларнинг классик иқтисодий таълимотлари билан тавсифланади. XIX асрнинг етмишинчи йилларига келиб, классик назариянинг К.Менгер, М.Жевонс, Л.Вальрас ва бошқа тадқиқотчиларнинг фаолияти замиридаги маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида А.Маршаллнинг “Иқтисодиёт принциплари” асарида ўз ифодасини топди. Кейинчалик А.Маршаллнинг қарашлари Ж.Б.Кларк изланишларида такомиллашди.

«Эски» институционализм назариясининг моҳиятини янада тўлиқроқ кўриб чиқиш учун ушбу илмий йўналишнинг кўзга кўринган вакиллари Т.Веблен, К.Поланьи ва Ж.К.Гэлбрейт қарашларига мурожаат этиш мумкин. Машинали ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишини таҳлил қилишда капиталист билан ёлланма ишчи ўртасидаги муносабатлар тизими меҳнат тақсимоти қабул қиладиган қуйидаги ташкилий шакллар орқали уларнинг ўзаро таъсирига эътибор қаратилди: табиий меҳнат тақсимоти → кооперация → мануфактура ва мутлақ қўшимча қийматни шакллантириш → хусусий ишчининг пайдо бўлиши → машиналарнинг пайдо бўлиши → фабрика → нисбий қўшимча қийматни шакллантириш.

Карл Поланьининг таъкидлашича, айнан миллий ресурслар ва меҳнат бозорининг шаклланиши асосида давлатнинг аралашуви ётади. Ғарбий Европанинг барча ички бозорлари маҳаллий бозорлар табиий эволюциясининг натижаси эмас, балки давлатнинг аралашуви орқали барпо этилган.

Т.Веблен «Бекорчи синф назарияси» (1899) асаридаги одатлар тўғрисидаги таҳлилда холизм методологиясини қўллайди. Одатлар индивидларнинг бозордаги, сиёсий соҳадаги, оиладаги хатти-ҳаракатлари доираларини белгилаб берувчи институтлардан бири ҳисобланади. Инсонлар хатти-ҳаракати Веблен томонидан иккита жуда қадимий одатдан келиб чиқиб таърифланади. Бу одатларни у рақиблик ҳиссиёти (бошқалардан биринчи бўлиш, умумийликдан ажралиб туриш истаги) ва маҳорат ҳиссиёти (ҳалол ва самарали меҳнат қилишга мослашиш) деб номлайди. Т.Вебленнинг фикрига кўра, рақиблик ҳиссиёти мулкчилик ва бозордаги рақобатнинг асосида ётади. Ушбу ҳиссиётнинг ўзи индивид ўз танловини амалга оширишда ўз фойдалилигини кўпайтиришни эмас, балки бошқаларнинг кўз ўнгида ўз нуфузини оширишни кўзловчи «ошқора истеъмол»ни изоҳлайди. Масалан, сотиб олмоқчи бўлган автомобилни танлашда истеъмолчи унинг нарҳига ва техник хусусиятларига эмас, балки муайян русумдаги машинага эгалик қилиш орқали таъминланадиган нуфузга эътиборни қаратади.

Ва ниҳоят, “эски” институционализм намоёндаси Ж.К.Гэлбрейт ўз таҳлилинини ахборот ва ахборот алмашувининг иштирокчилар ўртасида тақсимланиши масалаларидан бошлайди. Унинг асосий фикри – ҳозирги бозорда ҳеч ким тўлиқ ахборотга эга эмас. Ҳар бир шахснинг билимлари ихтисослашган ва хусусий аҳамиятга эга, ахборот тўлиқлигига фақат ушбу тўлиқ бўлмаган билимларни бирлаштирувчи ташкилот доирасида эришиш мумкин, деб таъкидлайди. Бунда ҳокимият алоҳида шахсдан гуруҳга бирлашган, индивидуалликка эга бўлган ташкилотлар қўлига ўтади. Сўнгра мазкур ташкилот индивидларнинг хатти-ҳаракатига кўрсатадиган таъсирни таҳлил қилиб, индивидлар тавсифларини институционал муҳит функцияси сифатида кўриб чиқади. Масалан, унинг таъкидлашича, истеъмол талабининг ўсиши истеъмолчиларнинг ўз ички туйғулари юқори бўлишидан эмас, балки уларни ишонтириш учун рекламадан фаол фойдаланувчи корпорациялар манфаатларининг ўсишидан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларнинг йирик йўналишлари шаклланди.

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларини ўрганишнинг энг кенг тарқалган ёндашувларига кўра, улар учта йўналишни ўз ичига олади: неоклассика, институционализм ва кейнсчилик. Бироқ, мамлакатимизда мазкур йўналишлар – айниқса, институционализм йўналиши соҳасидаги илмий-назарий, ўқув-услубий жабҳалар яхлит баён этилган адабиётларни етарли, деб бўлмайди.

Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита классик ва неоклассик назариялар билан боғлиқ. Бинобарин, неоклассика тамойилларидаги юқорида кўрсатилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, бозор моделини тузишга йўналтирилган назария – институционализм ҳисобланади. Ушбу назариянинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, бозор муносабатларини таҳлил қилишнинг янги соҳасидир.

Институционализм бугунги кунда иқтисодиёт фанининг энг тез ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу кўпроқ неоинституционал иқтисодий назарияга ёки янада кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, неоинституционал назарияга ёки неоинституционализмга тааллуқли.

Илмий манбалар гувоҳлик беришича, неоинституционализм чуқур тарихий илдизга эга. XIX аср охири – XX аср бошида юзага келган “эски” институционализмнинг асосчилари бўлиб Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс ва У.Митчеллар ҳисобланишади. Ҳозирги замон иқтисодчилари уларнинг ишларидан бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва иқтисодиёт фанининг анъанавий усуллари ёрдамида изоҳланиши қийин бўлган жараёнларни таҳлил қилиш имконини берувчи ғояларни топмоқда.

Бироқ ўтган асрнинг 60-70 йилларигача институционал йўналиш анча суст ривожланган. Кейинчалик эски ғоялар иккинчи босқич институционалистлари – Ж.К. Гэлбрейт, Р. Хайлбронер, Ф. Перру, Ж.Фурастье, Г. Мюрдаль ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

“Эски” (замонавий) институционализмнинг учинчи босқичи асосан Ж.Ходжсон бошчилигидаги “кембридж мактаби” олимларининг фаолияти билан боғлиқ.

Шу билан бирга турли иқтисодий мактабларга мансуб бир қатор иқтисодчилар институционал тизимларни таҳлил қилиш билан шуғулланиб, ўз тадқиқотларида институционал ёндашувдан бевосита ёки билавосита фойдаланишган.

Институционал назариянинг кўп сонли масалаларини ёритувчи адабиётларда институционализм турли йўналишларининг методологик хусусиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга катта аҳамият берилган.

“Эски” институционализм билан неоинституционализмда кўплаб умумийликлар мавжуд – бу институтларни тадқиқ этиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ўрганишга нисбатан эволюцион ёндашувнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилишдир. Умуман олганда ушбу иккита ёндашув кесишув нуқталарига эга эмас.

Россиялик олим Р.Нуреевнинг фикрига кўра, “эски” институционализм билан неоинституционализм ўртасида, камида, учта асосий фарқ мавжуд¹.

1. Агар “эски” институционалистлар замонавий иқтисодий назария муаммоларини жамиятдаги бошқа фанлар усуллари билан ўрганишга интилган ҳолда ҳуқуқ ва сиёсатдан иқтисодиёт томон боришса, неоинституционалистлар бунга тўғридан-тўғри қарама-қарши йўлдан боришади, яъни улар ўз таҳлилида неоклассик иқтисодий назария воситаларига таянади, замонавий микроиқтисодий усулларни қўллаган ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганади.

Р. Институционализм: вчера, сегодня и завтра. В кн. «Институциональная экономика». Учебное пособие / А.Олейник. –М.: ИНФИМ, 2000. -5-7 б.

2. “Эски” институционализм асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга томон интилни, бунинг натижасида, қатор иқтисодчиларнинг фикрига кўра, умумий институционал назария юзага келмади; неоинституционализм дедуктив йўлдан бориб, неоклассик иқтисодий назариянинг умумий тамойилларидан ижтимоий ҳаётнинг муайян ҳодисаларини изоҳлашга интилноқда.

3. “Эски” институционализм радикал иқтисодий тафаккур оқими сифатида асосий эътиборни инсонлар манфаатларини ҳимояловчи жамоалар (асосан, касаба уюшмалари ва ҳукумат) хатти-ҳаракатига қаратди; неоинституционализм қайси жамоа аъзоси бўлиш унинг учун фойдали эканлигини ўз манфаатларига амал қилган ҳолда ҳал этувчи мураккаб индивидга эътибор қаратади.

4. “Эски” институционализм методологик холизмдан фойдаланади, уни умумий тарзда қуйидагича таърифлаш мумкин: “институтлар бирламчи, индивидлар иккиламчи”. Ушбу ҳолат неоинституционал назарияга асос қилиб олинди.

Шу нуқтаи назардан “эски” ва “янги” институционал мактабларни бир биридан фарқлаш лозим. Инглиз иқтисодчиси Ж.Ходжсон у ёки бу йўналишга мансуб олимларни қуйидагича тарзда таснифлашни таклиф қилади:

“Эски” институционал мактаб вакиллари: Т. Веблен, Ж.Р. Коммонс, У. Митчеллар, Й. Шумпетер, Ж.К. Гэлбрейт, Ф. Найт, К. Полани, К. Айрес, Г. Мюрдаль.

“Янги” институционал мактаб вакиллари: Р. Коуз, Д. Норт, О.Уильямсон, Р. Познер, М. Олсон, Ф. Хайек.

Ж.Ходжсоннинг қарашларига кўра, агар “эски” мактаб дарвинизмга асосланиб, рақобатлашувчи институтлар тўғрисидаги асослардан фойдаланган ҳолда институтларнинг узоқ вақт мобайнида ривожланишини кўриб чиққан бўлса, “янги” мактаб ижтимоий дарвинизмдан йироқлашиб, ўз тадқиқотларини методологик индивидуализм нуқтаи назаридан олиб

бормоқда. Шундай қилиб, Ж.Ходжсон “янги” мактабни кўп жиҳатдан танқид қилади. Унинг таъкидлашича, “янги” мактабнинг ночорлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотларга жамият ўзининг “табиий ҳолатида” асос қилиб олинган бўлиб, унда қандайдир инсоний муносабатлар мавжуд, лекин институтларсиз; институтлар урф-одатлар ва қоидалар билан биргаликда пайдо бўлиши, сўнгра эса инсонлар томонидан қонуният сифатида очилиши ҳисобга олинмайди. Масалан, К.Магнер пулнинг пайдо бўлиши муаммосини тадқиқ этишни жамиятнинг унда пул мавжуд бўлмаган институтлардан ҳоли бўлган ҳолатини таҳлил қилишдан бошлаб, сўнгра эса уларнинг пайдо бўлишига индивидуал агентларнинг оқилона қарорлари натижаси сифатида қарайди. О.Уильямсон ҳам асос сифатида институтлардан ҳоли макон – институтларсиз бозорни кўриб чиқади, сўнгра эса трансакция харажатларини қисқартирувчи тузилмалар сифатида фирмаларнинг пайдо бўлишини тадқиқ этган. Ж.Ходжсоннинг таъкидлашича, неоинституционал оламнинг бундай тахмини нотўғри, чунки жамият азалдан институционаллашган. Ушбу хулоса, унинг таъкидлашича, кўплаб иқтисодчиларнинг “эски” мактаб институционалистларининг ғояларига қайтишига сабаб бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “янги” институционал мактаб, неоинституционал назария ва янги институционал иқтисодиёт – буларнинг барчаси битта нарса эмас. “Янги” мактаб, Р. Нуреевнинг фикрича, ўз асосларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи иккита сўнги йўналиш: неоинституционализм учун неоклассик назария ва янги институционал иқтисодиёт учун “эски” институционализм йўналишларига асос бўлиб хизмат қилди.

Янги институционал иқтисодиёт вакиллари томонидан нафақат ушбу йўналиш доирасида, балки бошқа йўналишлар доирасида ҳам тан олиниб, кенг қўлланилган бир неча назария ишлаб чиқилди. Булар ўйинлар назарияси (Ж. Фон Нейман, О. Моргенштерн, Ж. Нэш) ва тўлиқсиз оқилоналик назарияси (Г. Саймон) ҳисобланади. Янги институционал иқтисодиётнинг

ҳозирги замон ишланмаларини француз мактаби иқтисодчилари – Л.Тевено, О. Фавро, А. Орлеан, Р. Буайе ва бошқалар ишларида учратиш мумкин.

Алоҳида эътибор бериш керакки, институционалистларнинг баҳс-мунозаралари бир йўналишнинг бошқа йўналишдан устунлигини исботлашга қаратилган. Бир қатор иқтисодчилар, хусусан, Т. Эгертсоннинг таъкидлашича², “...фақат вақт мунозараларда ҳакам сифатида иштирок этиши мумкин. Айнан методологик зиддиятлар туфайли Ж.Р. Коммонс бошчилигидаги эски америка институционалистларининг уринишлари муваффақиятсизликка учради, чунки, 1984 йилда Р. Коуз ёзганидек, “ҳеч қандай назарияга эга бўлмаган улар (америка институционалистлари) ҳали англаб етишни талаб этувчи қуруқ изоҳли материалдан бошқа ҳеч нарсани таклиф эта олишмади”.

1.2. Институционал назарияларнинг ривожланиш тенденциялари

Замонавий иқтисодий фанда институционализм назарияси етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу назариянинг дастлабки келиб чиқиши XIX–XX аср бошида тўғри келади ва асосчилари Т.Веблен, Д. Коммонс, В. Митчел ва бошқалар ҳисобланади. Институционализмнинг дастлабки ғоялари умумжаҳон миқёсидаги ўзгаришларга қаратилган бўлиб, асосан Европа мамлакатлари иқтисодиётидаги ўзгаришларни ижтимоий нуқтаи назардан таҳлил қилишга бағишланган. Институционализмни кейинги талқини Америкада Дж. Гелбрейт, Д. Белл, Францияда Ф. Перри, Швецияда Г. Мюрдаль ва уларнинг издошлари томонидан ривожлантирилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида оламда бўлиб ўтган аниқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли жаҳондаги мамлакатларнинг салоҳиёти кескин ўзгарди, илгари илғор бўлган давлатлар 2-ўринларга (Англия, Франция), нисбатан қолоқ бўлган давлатлар эса 1-ўринларга чиқиб олишди (АҚШ, Германия). Худди шу даврда етакчи мамлакатларда эркин рақобатга

² Эгертсон Т. Экономическое поведение и институты. –М.: ДЕЛО, 2001. – С. 18-19.

асосланган иқтисодиётдан кўпинча монополистик (моно-бир) иқтисодиётга ўтиш кучайди. Монополия кучайиши монопол фойда олишга имкон яратди ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир қила бошлади. Шу сабабли антимонопол чоралар қўллаш ғояси илгари сурилди, бу биринчи АҚШда рўй берди. Кейинчалик (ва ҳозирда) барча давлатлар бундай чорани қўллайдилар. Антитрест сиёсати йўли билан иқтисодиёт устидан ижтимоий назоратнинг турлича метод (усул)лари қулланила бошланди. Ана шу усулларнинг назарий асослари юзага келди ва ҳозирда ҳам мавжуд.

Институционализм йўналиши АҚШда XX асрнинг 20–30 йилларида кенг тарқалди, аммо у анча олдин, XIX асрнинг охирларида вужудга келган (Т.Вебленнинг 1899 й. чиққан «Бекорчи синфлар назарияси» асари билан боғлиқ). Бу йўналиш номи лотинча «instituto» - урф-одат, кўрсатма, муассаса сўзидан олинган ва капитализмнинг империализм босқичига ўтиши билан боғлиқ равишда рўй берди (саноат ва молия монополиялари, корхоналарнинг йириклашуви ва бошқалар), чунки бу давр ривожланиши эркин рақобатга асосланган аввалги давр таълимотлари билан изоҳлаш мумкин бўлмай қолди.

Бу таълимот йўналиши вакилларининг фикрича, институтлар жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳизмат қиладилар. Институтларнинг ўзаро таъсири ва ҳамжихат фаолияти ижтимоий ходисалар, масалан, оила, давлат, монополия, касаба уюшмалари ва бошқа муассасалар ётади, яъни жамоат руҳининг намоён бўлиши, юриш-туриш ва ўйлаш усулини халқнинг маълум гуруҳлари учун одатий, анъанавий, шунингдек ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа кўринишларини ўз ичига олади. Бу йўналиш мафкурачиларининг фикрича, иқтисодий категориялар бўлган хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда, савдо ва бошқалар жамият руҳининг пайдо бўлиши шаклидир. Демак, улар объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тўла тан олмайдилар ва жамоат руҳиятининг эволюциясини таҳлил этадилар.

Институционализм маълум маънода неоклассик йўналишга муҳолифдир. Неоклассиклар бозор иқтисодиётини ўзини-ўзи бошқара оладиган (А.Смит

фикри) система деб қарасалар (соф иқтисодиёт фани), институционализм тарафдорлари иқтисодиёт ривожлинининг ҳаракатлантирувчи кучлари моддий омиллар билан бирга тарихий контекста қараладиган маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга ҳам боғлиқдир деб ўйлайдилар.

Демак, бу янги йўналишнинг тадқиқот предмети сифатида ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга ноиқтисодий муаммоларни таҳлил этиш илгари сурилади. Шу билан бирга, тадқиқот объектлари, яъни институтлар биринчи ёки иккинчи даражали деб қаралмайди ва бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Бу йўналишнинг тадқиқот усулида айрим олимлар фикрича Германияда вужудга келган тарихий мактабга катта ўхшашлик бор.

Тарихий ва ижтимоий муҳит омилларининг ҳисобга олиниши тарихий мактаб билан яқинликни англатса ҳам, аммо тўла яқдиллик йўқ. Янги йўналиш неоклассикларнинг маржинализм ғояларига асосланган математик ва эконометрик принципларини кенг қўллайдилар.

Институционализм назарияси вакиллари иқтисодиётни бир бутун тизим сифатида қараб, хўжалик агентлари ўртасидаги муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ўзаро таъсирда бўлиши ҳамда сиёсий ва психологик муҳитга боғлиқ равишда жамият ривожига таъсир кўрсатиши талқин қилинган. Институционализмда тадқиқот объекти жамиятда амал қилаётган институтлар ҳисобланади. Институтлар сифатида корпорациялар, касаба уюшмалари ва давлат қаралиб, бунда юридик меёрлар, ғоявий-ахлоқий ва рухий ҳолатлар, урф-одатлар, хулқ-атвор меёрлари ва ўзгаришларга нисбатан ёндошувлар бир тизимни ҳосил этиши реал воқийлик эканлиги тадқиқ этилади.

Институционализм учта асосий ғояга асосланади. Биринчидан, иқтисодиёт назариясининг мавзусини кенг тушунтириш. Институтционалистларнинг фикрига кўра, иқтисодий фанлар фақат иқтисодий муносабатларни ўрганмаслиги керак. Бу унинг объектини жуда тор диорада амал қилишини келтириб чиқаради ва кўп ҳоллада фақат абстракция билан чекланишга олиб келади.

Иқтисодий ҳаётга таъсир қиладиган барча шарт-шароит ва омилларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади, чунки жамиятда ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, сиёсий муносабатлар ўзига хос жиҳатда амал қиладик, улар иқтисодий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ҳукуматнинг бошқарув қоидалари ҳам бозор механизми каби катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, жамиятни фақат амал қилиши нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга унинг тараққий этишини ва трансформациялашувини ҳам ўрганиш керак. Институционалистларнинг фикрига кўра, тизимдаги мувозанатга эришиш фақат бозор механизмнинг барча афзалликларидан самарали фойдаланишгагина боғлиқ эмас, балки унинг хусусиятларини ва камчиликларини бартараф этишга имкон берадиган ижтимоий назоратнинг амалга оширилиши талаб этилади. Чунки, бозор ресурсларни тақсимлаш учун ҳолис ва универсал механизм эмас.

Учинчидан, иқтисодий муносабатлар таҳлилида "иқтисодий одам" позициясидан воз кечишимиз керак. Тадбиркорларнинг таъсирида жамиятнинг индивидуал аъзоларига қарши зарур чоралар кўриш билан эмас, балки ташкилотлар, касаба уюшмалари ва давлат органларининг биргаликдаги, келишилган ҳаракатларини ҳисобга олиш зарур. Давлат экология, таълим ва тиббиётга ғамхўрлик қилиши керак.

Институционализмга хос бўлган услубий хусусиятлар қуйидагилардир:

1) неоклассикага хос абстракциянинг юқори даражаси ва айниқса баҳо назариясининг ортодоксал статик характеридан қониқмаслик;

2) иқтисодий назарияни бошқа ижтимоий фанлар билан интеграцияга интилиш ёки фанлараро ёндошув устуворлигига ишонч;

3) классик ва неоклассик назарияларда эмпиризм (тажрибага суяниш) этишмаслигидан норозилик, чуқур миқдорий тадқиқотлар ўтказишга чорлаш.

Бу йўналишнинг вужудга келиш, шаклланиши ва эволюциясининг маълум тарихи бор. Унинг мафкурачилари Т. Веблен, Ж. Коммонс, У. Митчелл асарларида иқтисодий цикл ва инқирозлар тарихи бўйича фактик материаллар жамланган. Бу олимлар жамият аъзолари учун хос бўлган урф-

одат, анъана, одоб-ахлоқ, инстинктларни ўрганиш билан шуғулланадилар. Уларда назарий тадқиқотдан кўра, ёзиб бориш, қайд этиш услуби ортиқроқдир.

Институционализм эволюцияси (ривож)ни уч даврга бўлиш мумкин:

1. 20–30 йилларда институционализмнинг кенг тарқалиши. Бу даврнинг бош мафкурачиси **Т.Веблен**дир (1857–1920), уни **Ж.Р.Коммонс** (1862–1945), **У.Митчелл** (1874–1948), **Ж.Гобсон** (1858–1940), **У.Гамильтонлар** фаол ҳимоя қилдилар.

2. Урушдан кейинги кечки институционализм. Бу давр мафкурачилари иқтисодиётдаги қарама-қаршиликларни изоҳлаб бериш билан бирга **Ф.Рўзвельт** томонидан илгари сурилган «Янги курс» ислоҳотларини амалга ошириш бўйича тавсияномаларни ҳам илгари сурдилар. Улар демография ва антропологияни ўргандилар, ишчилар ҳаракатининг касаба уюшмалари назарияларини ишлаб чиқдилар. 50 йилларда **Ж.М.Кларк** «**Иқтисодий институтлар ва инсонлар фаровонлиги**», **А.Берли** «**Мулксиз ҳоқимият**» ва «**XX аср капиталистик инқилоби**» китобларини чоп этдилар, **Г.Минз** ўзининг мақолаларида акционерлар сони ортиши, капитал мулкнинг капитал функциядан ажралиш жараёнини қайд этди.

3. 60–70 йилларда ижтимоий-институционал йўналиш, яъни неоинституционализм пайдо бўлди. 60-йиллардаги институционализм асослари америкалик назарийчи **А.Лоу** ва швециялик иқтисодчи **Г.Мюрдаль** томонидан ишлаб чиқилди. Ҳозирги даврдаги ижтимоий-институционал йўналиш таълимоти **Ж.К.Гэлбрейт** ва **Р.Хейлбронерлар** томонидан давом эттирилган.

Бу йўналиш ғоялари «иқтисодий ўсиш омиллари назарияси»нинг мафкурачиси **У.Ростоу**, сўл кейнсчилик йўналиш (ўсиш назарияси) тарафдорлари ҳамда **Жоан Робинсон** асарларида ҳам ўз аксини топган. Америкалик институционализм вакиллари иқтисодий жараёнлар асосининг умумий тушунчасига эга эмаслар. Масалан, **Веблен** иқтисодий жараёнларни рухшунослик, биология ва антропология билан боғланган деб ҳисобласа,

Коммонс – руҳшунослик ва ҳуқуқни, Митчелл – антропология ва математик ҳисоб-китобларни устун қўяди.

Америкалик неоинституционализм назариётчилари иқтисодий жараёнларни индустрия ривожига ва технократия ролининг ўсиши билан боғламоқдалар, шунингдек бу жараёнларнинг боришини тушунтиришда жамият ижтимоий ҳаётига асосланмоқдалар. Бундай хилма-хиллик туфайли ижтимоий-институционал йўналиш ичида турли оқим ва мактаблар вужудга келди.

Институционал назарияларни учта асосий оқимга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий-психологик;
2. Ижтимоий-ҳуқуқий;
3. Эмпирик ёки конъюнктур-статистик.

Ушбу учта оқим ижтимоий, ҳуқуқий ва эмпирик пойдеворга асосланади. Лекин, шунинг учун, барча йўналишлар учун хос бўлган умумийлик ҳам мавжуд. Уларнинг барчаси озми-кўпми буржуа жамиятини ахлоқий-психологик жиҳатдан танқид остига оладилар, иқтисодиёт фанида реформистик йўлни оқлайдилар ва бу оқим олимлари буржуа жамиятини мутлоқ мақташдан четлангандирлар.

Бу йўналиш ғояларига баҳо бериб, ғарб иқтисодчилари институционализмни «Формализмга қарши ғалаён» деб қарамоқдалар, уни классик иқтисодий мактабга қарама-қарши қўймоқдалар. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва аввалгиларидан фарқ қилиши вақт ва шароит тақозоси туфайлидир, чунки капитализм аввалги даврдагидан кескин ўзгарди, давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, касаба уюшмаларининг роли ортиб кетди. Уларни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ эди.

Иккинчи томондан бу йўналишнинг «норозилик қайфияти» «энг юқори наф назарияси»га ҳам қарши қаратилган эди. Агар бу назария микроиқтисодий таҳлил билан шуғулланса, институционализм макроиқтисодий таҳлилни амалга оширади. «Юқори наф» вакиллари жамият асосий иқтисодий субъекти сифатида Робинзон (алоҳида индивид)ни

танлашса, институционализм мафкурачилари коллектив – жамоа «психологияси»ни биринчи ўринга қўядилар. Улар «юқори наф» назариясига қарши чиқиб, жамиятнинг стихияли ривожини ўрнига ишлаб чиқаришни бошқаришда ижтимоий тадбирлар қўллашни афзал кўрдилар.

Бошқа мактаблардан фарқли равишда, институционализм иқтисодий ҳаётнинг баъзи ижтимоий томонларини танқидий ўрганишни асос қилиб олди, аммо давлат монополистик капитализми тизимини қўллаб-қувватлади.

Уларнинг ғояларида «Ижтимоий назорат»ни ҳимоя қилиш орқали янги шароитда иқтисодиётни тартиблашни ташкил этишни лозим деб кўрсатилади. Айниқса, бу шароитда ҳуқуқий масалаларни ривожлантириш муаммоси долзарб қилиб қўйилди. Улар «эркин соҳибкорлик» ва маржинализмга қарши чиқиб, иқтисодиётда автоматик барқарорлик механизми борлигини инкор этдилар ва иқтисодий жараёнларни миқдорий таҳлил қилишнинг тарафдорлари эдилар. Кейнсдан анча аввалроқ улар давлат иқтисодиётга фаол аралашини керак, деган фикрни илгари сурдилар.

Ижтимоий-психологик институционализмнинг асосчиси **Торстейн Веблен** ва унинг тарафдорлари иқтисодий жараёнларга психологик жиҳатдан ёндашиб, иқтисодий ривожланишнинг психологик назариясини яратишга интилдилар. Вебленнинг асосий асарлари «Бекорчи синфлар назарияси» (1899), «Моҳирлик инстинкти» (1914), «**Фаннинг ҳозирги цивилизациядаги ўрни ва бошқа очерклар**» (1919), «Муҳандислар ва баҳо тизими» (1921) ва «**Замонавий ўзгарувчи тизимлар тўғрисидаги очерклар**» (1934) китобларида жамланган. У кенг социологик тадқиқотлар олиб бориш асосида унга замондош бўлган жамиятни жуда қаттиқ танқид остига олди. Капитализм иллатлари мавжуд хусусий мулк билан тушунтирилади (социалистик йўналишни эсланг). Хусусий мулкнинг танқид қилиниши албатта буржуазия мафкурачиларини ҳам ташвишга солди. Унингча, хусусий мулк, айниқса *рантье (абсентеистик мулк)* борлиги туфайли аҳолининг маълум бир қисми паразитик ҳаёт кечиради. Шу туфайли капитализмнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўзилиб боради, айнийди. Веблен

марксист бўлмаган, аммо капитализм тузумининг ярамаслигини тан олган, у ҳатто биринчи пайтларда 1917 йилдаги октябр инқилобини қутлаган, уни мавжуд тузумни ўзгартириш керак, деган фикрнинг тасдиғи деб ўйлаган. Амалда эса у капитализмни «технократик» жамиятда ислохотлар йўли билан «яхшилаш» усулини таклиф этади. Бу ғоялар марксизмга зид фикрлардир.

Веблен иқтисодий жараёнларни шаклланган анъаналар сифатида таҳлил этади. Ана шундай анъанавий ҳаракатлантирувчи кучлар қаторига ота-оналар ҳис-туйғуси, уста инстинкти, яъни яхши ишлашга интилиш, илмга чанқоқлик, соф қизиқувчанлик киритилади. Унинг фикрича, дастлабки инстинкт аввал оилага ғамхўрликда намоён бўлади, кейинчалик эса жамият ва бутун инсониятга бўлган ғамхўрликка айланиб боради. *Дарвинизм* (биологик) ғоялари иқтисодиётга татбиқ этилади. Веблен «**Бекорчи синфлар назарияси**» («*Теория праздного класса*») китобида қуйидагиларни ёзади: «*Жамиятдаги одамнинг ҳаёти бошқа турдаги ҳаёт каби мавжудлик учун курашидир ва демак, танланиш ва мослашиш жараёнини акс эттиради. Жамият структурасининг эволюцияси институтларнинг табиий танланиш жараёнидир*». Дарвиннинг табиий танланиш таълимоти ижтимоий ҳодисаларга механик равишда кўчирилади. Инсоннинг онгли ҳаракатига етарлича баҳо бермасдан, одамларнинг юриш-туриши ғайриихтиёрий сабоқлар, инстинкт, феъл-атвор ва одатлар орқали тушунтирилади. Жамият ривож биологик қонуниятлар билан бир хил деб қаралади, пролетариатнинг синфий кураши инкор қилинади, марксча инқилобга дарвинистик эволюционизм қарама-қарши қўйилади.

Веблен замонавий индустриал технократик концепциялар асосчиси бўлиб ҳисобланади. Индустрия оламига алоҳида эътибор берилади ва унга барча ишлаб чиқарувчилар ва биринчи навбатда муҳандислар ва ишчилар киритилади. Индустрия олами меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш ва самарадорликни оширишни бош мақсад қилиб қўяди. Унга моддий ишлаб чиқариш социал формадан бутунлай ажратиб қўйилади. Ишлаб чиқариш асосан техник кўрсаткичлар, масалан,

техник асос даражаси, малака, билим ва бошқалар билан характерланади. Бизнес олами деганда у молиячилар, трест ташкилотчилари ва тадбиркорларни тушунди. Унингча, бизнес имкони борича юқори фойда учун интилади ва шу сабабли уни беаев танқид қилади, чунки турли молиявий ва кредит найранглари, турли акционер жамиятлари тизими туфайли саноат унга тўла бўйсундирилган. Шу сабабли саноатни бизнес таъсиридан «озод» қилиш керак, дейди у. «Индустрия» ва «бизнес» назариясида ишлаб чиқариш жараёнида моддий мазмун билан унинг социал-иқтисодий шакли ўртасида боғланиш йўқ. Веблен индустрия ва бизнес орасида кескин қарама-қаршилик бор деб хато қилади, шулар капитализм иллатларининг сабабчиси қилиб кўрсатилади.

Инсонларнинг иқтисодий рағбати, аввало, қариндошлик ҳис-туйғуси, билим ва бажарилаётган ишнинг юқори сифатига инстинктив интилишдир (А.Смит – фойда кетидан қувиш).

Бекорчи (тўқ) синфлар тўғрисида фарқ юритилиб, уларга «бизнес олами одатлари» хослиги айтилади. Улар учун товарларга алоҳида баҳо белгиланади ва улар талаб қонунларидан бошқача бўлиши мумкин дейилади. Буни «Веблен эффекти» деб аталади (бу фикрда жон бор, бой мамлакатларда бойлар учун алоҳида дўконлар мавжуд).

Веблен назарияси жамият социал структураси тўғрисида нотўғри тушунча ҳосил қилади, жамият синфларга ажратилмайди, ишчилар ва муҳандислар ягона саноатчилар гуруҳига киритилади, синфий кураш тушунчаси эса умуман йўқ.

Мавжуд тизимни ўзгартириш тўғрисида гапириб, бу масалани Веблен илмий-техника инқилобини кучайтириш, ҳоқимиятни техник интеллигенция қўлига бериш билан ҳал этишни таклиф қилади. Бунинг учун барча инженер-техник ходимлар умумий иш ташлашлари керак, шунда тадбиркорлар уларнинг шартларига кўнишга мажбур бўладилар. Капитализм трансформацияси «техниклар кенгаши» воситасида бажарилади, ҳозирги

замон жамиятида интеллигенциянинг роли биринчи ўринга қўйилади, яъни бизнес оламини инженер-техник интеллигенция енга олади.

Саноат мутахассислари ягона синф сифатида қаралади ва бу синфнинг асосий мақсади техникадан фойдаланишни такомиллаштиришдир. Демак, Веблен янги жамиятни «технократик» кўз билан кўради ва капитализмни сақлаб қолиш йўлини таклиф этади.

Коммонс ижтимоий-ҳуқуқий институционализм йўналишининг асосий вакили ҳисобланади. Унинг асосий ғоялари америка тред-юнионизм мафкурасини ифодалайди. Унинг таълимоти жамоат институтлари фаолиятини (оила, ишлаб чиқариш корпорацияси, савдо бирлашмалари, тред-юнионлар, давлат ва юридик ҳуқуқий муносабатлар) тадқиқ этиш билан боғлиқ.

У мавжуд тузумни ислоҳ ва модернизация қилишга интилади, бизнес тизимини шунчалик самарали қилиш керакки, у ўзини ўзи сақлашга қодир бўлсин, дейди у. Коммонснинг асосий ғоялари **«Капитализмнинг ҳуқуқий асослари»** (1924), **«Институционал иқтисодиёт. Унинг сиёсий иқтисоддаги ўрни»** (1934), **«Жамоа фаолиятининг иқтисодий назарияси»** (1950) асарларида ўз аксини топган.

Олимнинг иқтисодий қарашлари иқтисодиётда юқори наф назарияси ва юридик концепциялар тўғрисидаги қоидаларнинг ўзаро қоришмасидан иборат. Ишлаб чиқаришни бир чеккага суриб, капитализмнинг моҳияти бозор муносабатлари билан алмаштирилади, ҳозирги шароитда бу муносабатлар «одил бўлмаган рақобат»га олиб келмоқда. Капитализмнинг бу иллатини тўғрилаш, алмашув муносабатлари одил бўлишини таъминлаш, рақобат хавфини йўқотиш учун давлат юридик-қонуний органлари воситасида ҳал этиш мумкин, деган ғоя илгари сурилади.

Коммонс капитализмда синфлар мавжудлигини инкор этади. марксизмнинг синфий кураш назариясига «социал низо» (конфликт) таълимотини қарши қўяди, бу низолар антагонистик характерга эга эмас. Мутахассислар бир-бирлари билан курашиши эмас, ҳамкорлик қилишлари

керак. Пайдо бўладиган низолар эса жамият эволюциясини ҳаракатга келтирувчи омилдир. Низоларни ечиш жараёни социал тараққиётга ёрдам бериши зарур.

Коммонс назарияси капитализмни баъзи ислоҳотлар йўли билан яхшилаш усулини таклиф этади. Бу эса ҳуқуқий, юридик меъёрларни такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Ишчи ва капиталист ўртасидаги муносабат жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари орасидаги юридик битим – келишув ҳисобланади, чунки улар маълум қонун-қоидалар асосида тузилади. Бу келишув иштирокчилари орасида жамиятнинг муҳим институтлари: оила, тадбиркорлар иттифоқи ва ҳатто давлатнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. «Келишув» уч моментни ўз ичига олади: низо, ўзаро таъсир, ечим. Юридик ва ҳуқуқий воситалар билан ҳар қандай ички қарама-қаршилик, барча конфликтлар ўз ечимини топиши мумкин. Жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликлар кучайиши конфликтларни юридик ҳал қилиш механизмининг камчиликлари билан белгиланади. Иқтисодий категориялар шу категорияларга оид юридик муносабатлар шаклида намоён бўлади. Коммонс мулк шакллари иқтисодий муносабатлар шаклида таҳлил этмайди, аммо «*Мулк титули*»ни юридик шакл сифатида кўради. У мулкни уч кўринишга ажратади: моддий, номоддий (қарзлар ва қарз мажбуриятлари) ва кўринмас (қимматбаҳо қоғозлар). Кўринмас мулк кўпинча «мулк титули билан келишув» мазмуни бўлиб амалга ошади. Шу сабабли, Коммонс тадқиқотларининг асосини қимматбаҳо қоғозлар – акция, облигация ва бошқаларни сотиш операциялари ташкил этади. Кўриниб турибдики, бу олимнинг ғояларида биринчи ўринда ишлаб чиқариш эмас, балки муомала соҳаси туради. Уч шаклдаги саноат капитали ўрнига фиктив (сохта) капитал олинади, бу соҳа капиталистик хўжаликнинг моҳияти сифатида қаралади.

У жамоат фикри билан ҳисоблашувчи ва иқтисодиётни монополиядан чиқаришни амалга оширадиган ҳукумат тўзиш зарурлигига ишонган. Иқтисодий ислоҳотлар доирасида давлат қонуний қарорлари жамиятдаги

қарама-қаршилик ва конфликтларни тугата олади, бунда маъмурий капитализм босқичига ўтилади.

Юқорида келтирилган Т.Веблен ва Ж.Коммонсларнинг ғоялари амалда, 1929–1933 й.даги иқтисодий инқироз даврида АҚШ президентининг «янги курс» сиёсатида амалий тасдиғини топди.

У Вебленнинг шогирди бўлиб, иқтисодиётда циклик ҳодисаларнинг тадқиқотчиси сифатида машҳурдир (бу иқтисодиётда *конъюнктур-статистик институционализм* оқими ҳисобланади). Митчелл устози Веблендан тадқиқотнинг генетик услубини мерос қилиб олди, унингча иқтисодий ҳодисаларни белгиловчи омиллар бу ижтимоий психология, анъана ва урф-одатлардир, шу сабабли тадқиқот предмети сифатида одамларнинг жамиятдаги ҳулки ўрганилиши керак. Шунингдек, устознинг ишлаб чиқариш ва бизнес ўртасидаги қарама-қаршилик тўғрисидаги фикри ҳам қабул қилинган, бу ишлаб чиқариш ва нархлар фаолияти ҳаракатидаги фарқларнинг сабабини кўрсатади.

Бу олим иқтисодий кўрсаткичлар, рақамлар, бу кўрсаткичлар ўзгаришидаги қонуниятлар билан шуғулланди, капиталистик иқтисодиётни тартибга солишда улардан фойдаланишнинг йўллари излади. Аммо у капитализм қарама-қаршиликларини ҳал қилиш ёки уни яхшилаш тўғрисидаги назарияларни яратмади. У иқтисодиётга таъсир этувчи омилларни аниқлашга интилди, булар, унинг фикрича, молия, пул муомаласи ва кредит категориялари эди. Бу категорияларни тартибга солиш йўли билан иқтисодиётга таъсир этиш, ҳатто циклик тебранишларни ўзгартириш, олдини олиш мумкин, дейди у. У ўзининг «**Иқтисодий назария типлари тўғрисида лекциялар**» (1935) асарида иқтисодий масалаларни маданият ва социология муаммолари билан ўзаро алоқада, аммо асосан психологик таҳлил асосида тадқиқ этади. Сиёсий-иқтисодий институтлар тўғрисидаги таълимот сифатида қаралади. Капиталистик ишлаб чиқаришни тартибга солиш зарурлиги, Митчелл таълимотининг бош хулосасидир.

Митчелл институционализми Веблен назариясидан, биринчидан, танқидий эмаслиги билан, иккинчидан абстракт назарияси бўлмасдан ўша даврнинг эмпирик тадқиқоти эканлиги билан фарқ қилар эди. У ўз асарларида инқирозсиз «амалий цикл» масалаларига алоҳида эътибор бериб, инқирозларнинг ҳақиқий сабабларини бўяб кўрсатишга уринган, пул муомаласи муаммоларини диққат марказида тутган. Молия ва пул муомаласи институтларини инсонлар хулқини тушунтириш учун фойдаланилади. Унингча, тадбиркорлар жамият манфаатлари эмас, балки ўз фойдаларини кўпайтириш учун ҳаракат қиладилар ва бу ахлоқий ҳаракат оқланади, мавжуд институция (давлат, мулк ва бошқалар) бунга имкон беради.

Инсоний жамият ривожини айрим индивидлар тараққиёти шаклида эмас, балки жамият аъзоларининг коллектив алоқаларининг такомиллашуви сифатида характерланади. Бу алоқалар такомиллашуви шу институцияларнинг эволюцияси, давлат институтларининг ривожини ҳамда уларнинг иқтисодийётга аралашуви деб қаралади. Капитализм қарама-қаршиликларини ечишда давлат йўли билан тартибга солиш энг қулай восита деб қаралади. Иқтисодийётни ўрганишда математика ва статистикани кенг қўллаш йўли билан, Митчелл «кичик ва катта циклар» давомийлигини ҳисоблаб чиқди. У ўзининг ҳисоб-китобларига асосланиб, капитализмнинг инқирозсиз ривожланиш модели лойиҳасини яратди. Бу олимнинг тадқиқотларидаги ижобий томонлар шундан иборатки, мамлакатларнинг миллий хўжаликлари бўйича бой фактик материаллар тўпланди, улар асосида натурал ва қиймат кўрсаткичларининг ривожланиб боровчи қаторлари яратилдики, «динамик қаторлар» таҳлили номини олди. Бу таҳлил асосида олинган жамловчи кўрсаткич ва индекслар иқтисодийётдаги ҳақиқий аҳволни акс эттирган ва капиталистик конъюнктурани, айниқса ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларидаги ҳолатни баҳолашда улардан фойдаланилган.

Бу йўналиш тарафдорлари цикларни ўзаро алоқадор параметрларнинг таъсири оқибатида вужудга келади ва капиталистик ишлаб чиқариш динамикасини белгилайди, деб қарайдилар. Шу сабабли улар цикларни

тасодифий ягона ҳодиса эмас, балки доимий капитализм иқтисодиётига хос хусусият деб ҳисоблайдилар. Улар тадқиқот қилаётган омиллар қаторига биринчилардан бўлиб муомала соҳаси кўрсаткичларини қўядилар, яъни нархлар, акциялар курси, пул муомаласи ва бошқалар.

Инқирозлар инкор этилади, бу амалий циклларни тан олиш билан исботланади (унда инқирозлар йўқ). Иқтисодий қаторларнинг назарий асосини бекаму-кўст деб бўлмайди. Масалан, 1929 йил арафасида Гарвард мактаби вакиллари томонидан берилган иқтисодий об-ҳаво прогнози («*Конъюнктур барометр*») иқтисодиёт равнақи – «*prosperity*» бўлган. Аммо амалда нима бўлгани ҳаммага маълум (1929–33 йиллардаги оғир инқироз). «*Гарвард барометри*» уч эгри чизиқдан иборат бўлиб, А) спекуляция индекси; В) бизнес индекси; С) пул бозори индекси. Ўтган йиллар тажрибаси асосида эгри чизиқлар ҳаракати тўғри келмайдиган лагалар (вақт оралиғи) топилиб, «барометр» муаллифлари эгри чизиқларнинг янгидан четга чиқишини аниқлаш имкони борлигини ва шу йўл билан иқтисодий тушкунликни кўра билиш ва олдини олиш мумкин деб ўйлаганлар.

Митчелл тадқиқотлари эмпирик ва институционал услубларнинг қоришмасидан иборат. У иқтисодий циклнинг амалдаги моделини лойиҳалаштиришга муваффақ бўла олмади.

У. Митчелл ўз устозининг илмий хизматлари ва унга бўлган чексиз ҳурмати сифатида «Веблен таълимоти» асарини яратди, унда устоз китоб ва мақолаларидан кўчирмалар кўп келтирилади, бу китоб Митчелл вафотидан кейин нашр этилган.

Циклик (даврий) ўзгаришлар назариясига рус олими Н.Д.Кондратьев (1892–1938) катта ҳисса қўшди. У жаҳондаги етакчи капиталистик деб номланган мамлакатлар иқтисодиётининг кўп йиллик (100–150 йил) ривожланишини таҳлил этиб, бу ўзгаришларнинг бир йилдан кам (фаслий), 3,5 йиллик, 7–11 йиллик савдо-всаноат ва 50–60 йиллик катта циклларини ажратиб берди. У 1929 йилдаги «Буюк депрессияни» олдиндан (прогноз) айтиб берган, аммо совет даврида «капитализм қачон ўлади» деган саволга

«капитализм ўлар, аммо қачонлигини айта олмайман» деб жавоб берганлиги учун қатағонга учраган ва отилган. Бу олимнинг буюк хизматлари жаҳон иқтисодчилари томонидан юқори баҳоланган ва амалда қўлланилмоқда.

Юқорида институционал йўналишнинг асосий ғоялари ва дастури кўриб чиқилган эди. Ҳозирги даврда ҳам бу йўналиш ғоялари долзарблигича қолмоқда. Таниқли иқтисодчининг ибораси билан айтганда, «Веблен костюми яхши ҳизмат қилмоқда ва у деярли эскирмаган». Бу йўналишнинг отаси Веблен томонидан илгари сурилган таълимотда ҳозирги замон жамиятини қайта қуриш, трансформация масалалари ниҳоятда муҳим ўринни эгаллайди. Уларнинг фикрича, илмий-техника тараққиёти туфайли жамиятдаги социал қарама-қаршиликлар йўқолиб боради. Жамиятнинг конфликтларсиз эволюцияси, унинг индустриал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал ёки «неоиндустриал», инфор­мацион жамият сари ривож­и рўй беради. Техник-иқтисодий омилларни мутлоқлаштириш туфайли янги конвергенция назариясини илгари суриш имкони яратилди (*Ж.К.Гэлбрейт, Питирим Сорокин – АҚШ, Раймонд Арон – Франция, Ян Тинберген – Нидерландия*).

«Индустриал», «постиндустриал» жамият назарияси икки социалистик ва капиталистик тизимни ягона тизимга келтирувчи «конвергенция» назариялари янгилик эмас. Масалан, XIX аср охирида немис иқтисодчиси (юқорида берилган) В.Зомбарт «Ҳозирги замон капитализми» асарида плюрализм, яъни турли социал тизимларни – капиталистик, социалистик, майда ишлаб чиқарувчиларни ягона плюралистик жамиятга бирлаштириш ғоясини айтган эди.

Ж.К. Гэлбрейт асарларида бу фикрлар тўлароқ ифодасини топган. Унда иккала тизимда рўй бераётган умумий ўзгаришлар қайд этилади (режалаштиришдан фойдаланиш, давлат ва корпорация ўртасидаги фарқларнинг йўқолиб бориши, ташқи муҳитни ўрганиш, фан ва таълимнинг меҳнат тақсимо­ти ўсишида асосий омил эканлиги ва бошқалар). Аста-секин капитализмнинг «ёмон» томонлари социализмнинг «яхши» хусусиятлари

билан чирмашиб кетиши кераклиги айтилади, «капитализм трансформацияси» рўй бериши башорат қилинади.

Ж.К.Гэлбрейтнинг асосий асарлари қуйидагилардир: «**Мўл-кўлчилик жамияти**» (1958), «**Янги индустриал жамият**» (1967), «**Иқтисодий назариялар ва жамият мақсадлари**» (1973), «**Пуллар**» (1975), «**Ишончсизлик асри**» (1977). Бундан ташқари, олимнинг кўпгина мақола ва интервьюлари ҳам бор.

Супериндустриал жамият тўғрисидаги ғоялар америкалик футуролог *Тоффлернинг* «**Учинчи тўлқин**» китобида баён этилади. Унда «янги цивилизация» даври вужудга келади, дейилган.

Кейинги пайтларда *неоинституционализм* назариялари ҳам пайдо бўлмоқда. Бу назарияларда техник омилларни мутлоқлаштиришдан чекинилади ва асосий эътибор инсонга, социал муаммоларга қаратилади. Шундай йўл билан мулк ҳуқуқи (*Рональд Клуз* – АҚШ), жамоат танлови (*Жеймс Бьюкенен* – АҚШ) ва бошқа назариялар вужудга келди. Бу қарашлар натижасида ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати ҳам ўзгармоқда, бу сиёсат тобора капитализмни ижтимоий томонга буриш сари бормоқда.

Умуман, институционал тадқиқотлар мавзуси жуда кенг. Бу истеъмолчи талабининг назарияси ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлик назарияси ҳамда йирик корпорацияларнинг таҳлилини ўз ичига олиши даркор.

Институционализмнинг тўртта асосий йўналиши мавжуд:

1. Ижтимоий-психологик (*Т. Веблен* бошчилигида), иқтисодий жараёнлар ривожланишининг психологик концепциясини эълон қилиш;

2. Давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий органлари ёрдамида иқтисодий муносабатлардаги қарама-қаршиликлар ва низоларни бартараф этиш имкониятини берувчи юридик қонунчиликка асосланиш (*Ж. Коммонс* бошчилигида);

3. Иқтисодиётда циклик ҳодисаларни эмпирик ёки конъюнктур-статистика орқали тадқиқ этиш (Митчелл бошчилигида);

4. Ижтимоий, яъни жамиятнинг барча аъзолари учун кафолатланган даромадни таъминлашда иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммоларини кўриб чиқадиган (Бу гоёнинг таниқли вакили Ж. Галбрейт) йўналиш.

Институционализмнинг кўпгина гоёлари ривожланган давлатлар иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Масалан, АҚШ Президенти Ф.Д. Рузвелт даврида институционалистларнинг бир нечта ижтимоий ривожланиш концепцияларида акс эттирилган қоидалардан фойдаланилган. Натижада институционалистлар томонидан илмий асосланган ижтимоий дастурлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш амалиётига айланди. Бунда кўпинча дастурий ва индикатив режалаштиришдан (хусусан, Францияда) фойдаланилди.

Институционализм – иқтисодий-ижтимоий фикрлашнинг йўналиши бўлиб, бунда институтлар таҳлилига асосий эътибор қаратилади. Институционализм деганда, энг аввало, одамлар хулқ-атвори билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар қоидалари ва тамойилларини ("ўйин қоидалари") тушуниш керак. Институционализм турли оқимларида «Дастлабки изоҳ» ёндашуви бир-биридан фарқ қилади. Бу институционал оқимларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Умуман олганда, институционализм оқимлари шунчалик турли туманки, уларни бир бутун қилиб ўрганиш мантиқсиздир. Чунки, «Дастлабки изоҳ» ёндошувининг ўхшаш ва тамоман фарқ қиладиган йўналишлари жуда кўп. Дарқиқат, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар турли-туман ва улар тарққиёт даражасига қараб ўзгариб, янгиланиб боради.

Ҳозирги давр институционализмнинг асосий гоёси шуки, инсон постиндустриал жамиятнинг асосий иқтисодий омили, асосий ресурси сифатида қаралади ва янги жамият шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўз сиёсатини қайта кўриб чиқиши керак бўлади, XXI аср эса «инсон асри» деб эълон қилинади.

Иқтисодий эволюция жараёнини тадқиқ қилувчи иқтисодий-глобалистлар шу қоидага амал қиладиларки, эволюция турли иқтисодларнинг ўзаро ягона иқтисодга айланиши эмас, балки турли тизимларга айланишидир. Бу оқибатда янги индустриализацияни таъминлайди, бунда инсон бош, ҳал қилувчи ўз ўрнини эгаллайди.

1.3. Институционал назарияларнинг тамойиллари

Институционализм назарияси унинг асосини ифодаловчи тамойилларга таянади. Институционал классик назариянинг асосий тамойиллари икки қисмдан иборат. Асосий тамойилларнинг биринчи қисмини классиканинг “эски” тамойиллари, иккинчи қисмини эса, неоклассиканинг “янги” тамойиллари ташкил этади. “Эски” тамойиллар “қатъий негиз” бўлса, “янги” тамойиллар неоклассиканинг «ҳимоя қобиғи»ни ташкил этади.

“Эски” тамойилларга қуйидагилар киради:

- бозорда ҳамма вақт мувозанат мавжуд, у ягона Парето (Вальрас-Эрроу-Добре) оптимуми талабларига мос келади;
- бозорда индивидлар томонидан оқилона танлов амалга оширилади;
- индивидларга ташқи омиллар таъсир кўрсатмайди, уларнинг бирор ҳолатни афзал билиши барқарор ва экзоген хусусиятга эга;
- харажатларнинг ягона тури – ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади. Айтиш чоғда айирбошлаш харажатлари эътиборга олинмайди.

“Янги” тамойилларга кўра:

- бозорда айирбошлашни амалга ошириш учун ресурсларнинг хусусий мулкни ташкил этиши асосий замин ҳисобланади;
- индивидларда битим тўғрисидаги барча ахборот мавжуд;
- айирбошлаш чегаралари камайиб борувчи фойдалилик тамойили асосида ҳамда ресурсларнинг дастлабки тақсимланишидан келиб чиқиб, белгиланади.

Тарихан, дастлабки институционализм мактаби эски институционализм эди. У кўпинча Америка институти деб атайдилар. Эски институционализм қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

- оптималлаштиришни рад этиш принципи. Хўжалик субъектлари объектив функцияни максималлаштирувчи (ёки минималлаштирувчи) воситалар сифатида эмас, балки турли хил "одатлар"га – таъқиб қиладиган хатти-ҳаракатлар қоидаларига ва ижтимоий меъёрларга риоя қилган ҳолда баҳоланади.

- методологик индивидуализмни инкор қилиш. Алоҳида олинган субъектларнинг хатти-ҳаракатлари, аксарият ҳолларда, умуман иқтисодиётдаги вазият билан белгиланади. Хусусан, уларнинг мақсадлари ва афзалликлари жамият томонидан шакллантирилади.

- иқтисод фанининг асосий вазифаси прогноз қилиш ва олдиндан айтиш эмас, балки иқтисодиётнинг амал қилишини "тушуниш" билан боғлиқ бўлиши керак.

- иқтисодиётга механик мувозанатли тизим сифатида қарашларни рад этиш ва иқтисодиётни эволюцион ўзгарувчан жараёнлар орқали бошқариладиган тизим сифатида қайд этиш. Эски институционалистлар Т. Веблен томонидан таклиф қилинган "кумулятив дахлдорлик (оқ-қора жиҳатлар)" тамойилидан келиб чиқиб, иқтисодий ривожланиш бир-бирини тақозо этувчи ҳар хил иқтисодий воқеликларнинг ўзаро таъсири билан ажралиб туради.

Классик назариянинг ривожланишида кузатиладиган исталган қоида тузатишлар ва аниқлаштиришлар жараёнида «Эски тамойиллар»ни ташкил қилувчи фикрлар ўзгаришсиз қолишини назарда тутди. Улар тадқиқот парадигмаси, назарияни изчил қабул қилувчи ҳар қандай тадқиқотчининг танқиди қанчалик кескин бўлмасин, “эски” тамойиллардан воз кечилмайди. Аксинча, назариянинг ривожланишига қараб унинг тадқиқот предметига «янги тамойил»ни ташкил қилувчи қарашларга доимий тузатишлар, янги унсурлар киритилади.

Институционализмнинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, у бозор муносабатлари таҳлилининг янги соҳасидир. Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишда методологик индивидуализм ва холизм методологиясидан фойдаланилади. Улар институтлар ёки индивидларнинг бирламчилиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади.

2-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

2.1. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти.

2.2. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш.

2.3. Режа ва бозор институти.

2.1. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги аҳамияти

Институтлар ўзи нима? Т.Веблен институтларни қуйидагича таърифлаган: “*Институтлар* – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи” ёки “*Институтлар* – бу ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижаси бўлиб, улар ўтмиш шароитларига мослашган ва, ўз навбатида, ҳозирги вақт талабларига тўлиқ мослашмаган”.

Е.Эрдвард томонидан “*Институтлар* – бу кўплаб индивидуумлар улардан ҳамма жойда ва ҳар куни фойдаланадиган ва асосан ўзининг ноёблиги билан тавсифланадиган ижтимоий неъматлар. Институтлар алмашув жараёнини соддалаштиради. Улар – қарорлар қабул қилиш жараёнининг яқка тартибдаги қарорларни ижобий қарорларга айлантирувчи ажралмас қисми”, дея таърифланган.

Ж.Ходжсоннинг таърифлашича, “*Институтлар* – анъана, урф-одат ёки қонунчилик чеклови орқали узоқ муддатли ва барқарор хулқ-атвор намуналарининг яратилишига олиб келувчи ижтимоий ташкилот”.

Институт – бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.

Норма – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади. Ушбу унсур: тартибни сақлаш функциясига эга; ўзаро ҳамкорликлар тизимида мажбурий

хатти-ҳаракат бажарилишини талаб этади; шахслар хатти-ҳаракатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик ҳамда муқаррарликни акс эттиради; шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди. Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб бешта унсурдан иборат:

- ◆ индивидларнинг гуруҳланиш белгилари;
- ◆ муқаррарлик омили (керак ёки керак эмас);
- ◆ мақсад;
- ◆ норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар;
- ◆ санкциялар.

Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари бозор, индустриал, анъанавий, фуқаролик, ижтимоий фикр, ижодий фаолият доирасида амал қилади. Бу хатти-ҳаракатлар ўзга шахслар эҳтиёжларини қондириш орқали фойдалиликни ошириш, узлуксизликни таъминлаш, ҳамкорлик талабларини ишлаб чиқиш ва бошқа нормаларга асосланади.

Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари нормаси*

Келишувлар хили	Хатти-ҳаракатнинг асосий нормаси	Келишув предмети	Ахборот манбаи	Вақт (ҳозир, ўтмиш ва келажак)	Фаолият соҳаси (мисол)
Бозор	Бошқа шахслар эҳтиёжларини қон-дириш орқали фойдалиликни ошириш	Товар ва пул	Нарх	Ҳозирги вақтни назарда тутиш	Классик бозор
Индустриал	Ишлаб чиқариш узлуксизлиги, ҳамкорликни технология талабларига бўйсундириш орқали таъминлайди	Технологик жиҳозлар	Стандартлар	Битимлар келгусини ҳозирги даврга ақс эттириш	Ҳарбий-саноат мажмуи
Анъанавий	Анъаналарнинг такрорланишини таъминлайди; катталиқ тамойили	Ўтмишга хос бўлган буюмлар	Одатлар, анъаналар	Битимлар ўтган даврни ақс эттириш ҳисобланади	Оила
Фуқаролик	Жамоавий манфаатларга бўйсунуш, мўлжал - Парето оптимум	Ижтимоий бойлик	қонун	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Сиёсий ҳаёт
Ижтимоий фикр	Машҳурликка эришиш, жамоат эътиборини жалб этиш	Нуфузли буюмлар	Дув-дувлар	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Оммавий ахборот воситалари
Ижодий фаолият	Ўхшаши йўқ, бетакрор натижага эришиш	Ихтиро	Иқтидор	Дискрет вақт	Ижодий фаолият
Экологик	Табиат билан уйғунлашув, экология талабларига бўйсундириш	Табиат объектлари	Атроф муҳит ҳақидаги ахборот	Вақтнинг даврийлиги: табиий даврийлик	Табиат муҳофазаси

* Манба Олейник А. Норма как базовый элемент институтов / Вопросы экономики. –М.: 1999, №2. –С.142.

Ажратилган ушбу 5 та унсур нормаларнинг турли хилларини, яъни ҳамкорлик стратегиясини, хусусан, норманинг ўзини (тор маънода) ва қоидаларни чеклаш имконини беради. Норма хиллари қуйидагилардан иборат:

Ҳамкорлик стратегияси = белги + мақсад + шарт-шароит;

Норма = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит;

Қоида = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит + санкция.

Шаҳарда ёки супермаркетда бир-бирларини йўқотган одамларни қидириш ҳамкорлик стратегиясига мисол бўлади. Бунда: индивидларнинг гуруҳланиш белгиси – бир-бирини йўқотганлик факти; мақсад - бир-бирини топиш; шарт-шароит – учрашиш эҳтимоли яқин бўлган кўзга ташланувчи нарса ёки буюмнинг мавжудлиги бўлади.

1. *Экспансия* – унда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш илгари бошқа келишувлар устуворлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар нисбати. Масалан, сиёсий соҳа сиёсий бозорга айланиши мумкин, бунда фуқаролик келишувининг нормалари бозор келишуви нормалари томонидан сиқиб чиқарилади.

2. *Уриниш* – унда бир ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар нисбати. Шу нуқтаи назардан биринчи бўлиб К.Эрроу томонидан тадқиқ этилган қон топшириш бунга айнан мос мисол бўлади. Гап шундаки, қон одатда пулга (бозор келишуви) ёки бирдамлик нуқтаи назардан бепул (фуқаролик келишуви) топширилади. Ушбу ноўхшатишлик шахсларнинг қон топшириш юзасидан ўзаро ҳамкорлигида ноаниқликнинг юқори даражасини белгилаб беради.

3. *Муроса* – унда турли келишувлар талаблари ўртасидаги зиддиятга барҳам берувчи эгилувчан нормалар намоён бўладиган келишувлар нисбати. Масалан, ҳар қандай реклама кампанияси бозор келишуви ва ижтимоий фикр талаблари ўртасидаги муросани топишни назарда тутди. Ушбу икки

келишув ўртасидаги мурасага бошқа мисол – кўр-кўрона истеъмол, бунда шахс ўз истеъмол танловида товар ёки хизматни истеъмол қилишдан фойдалиликни оширишни эмас, балки у истеъмол қилиш туфайли қўлга киритадиган ҳурматга эришишни кўзлайди.

Институционализм асосчиларидан бири Д.Норт институтлар таркибида уларни учта асосий қисмга ажратади:

- расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.);

- норасмий нормалар (анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий шартлилик);

- қоидаларга амал қилинишини таъминловчи (судлар, полиция ва ҳ.к.) мажбурлаш механизмлари (масалан, жазолаш тизими).

“Институт”нинг юқорида келтирилган таърифидан келиб чиқиб, институтлар инсон томонидан онгли равишда яратилган турли ҳужжатлар (конституция, қонунлар ва ҳ.к.) кўринишидаги расмий, “ёзилган” қоидаларда ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга, улар умумий қабул қилинган шартлилик, хатти-ҳаракат кодексларида, яъни норасмий, “ёзилмаган” нормаларда намоён бўладиган, жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, анъаналар, урф-одатлар кўринишида ёки бошқа шаклда амал қилинадиган инсон онгининг маҳсулини ўзида намоён этиши мумкин.

Институтлар жамиятнинг унинг тарихий барқарорлигини ва ижтимоий яхлитликнинг такрор шаклланишини таъминловчи ўзига хос тузилишини (қобирғасини) ҳосил қилади. Институционал матрица чизма кўринишида жамиятда тенг аҳамиятли мавқени эгаллаб турган ягона учта: сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни бирлаштирувчи ижтимоий шакл сифатида намоён этилган

Институтлар қандай ишлаётганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг “хаётийлиги” ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида институтлар шаклининг ўзгариши рўй беради. Агар расмий қоидаларни у ёки бу қонун, фармонни қабул қилиб ўзгартириш мумкин бўлса, анъаналар ва урф-одатларда ифодаланадиган норасмий чекловларни бир кунда ўзгартириб ёки тугатиб бўлмайди. Улар яна узоқ вақт амал қилишда ва жамият ривожига таъсир кўрсатишда давом этади.

Бироқ институционал тизимнинг ўзида доимий равишда ўзгаришларга эҳтиёж сезилиб бўлиб туради. «Т.Вебленнинг таъкидлашича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик ҳисобланади».

Д. Норт институционал ўзгаришлар субъекти сифатида якка тартибдаги тадбиркорни, институционал ўзгаришлар манбаи сифатида эса нархлар нисбатидаги фундаментал силжишларни ажратади.

Ўзгаришлар механизми қуйидагича: нисбий нархлар таркибидаги силжишлар ишлаб чиқариш омилларининг нархлари ўртасидаги нарх улушига, ахборот қиймати ва технологиялардаги ўзгаришларга таъсирни назарда тутаяди. Ушбу ўзгаришлардан айримлари экзоген хусусиятга эга (инқироз, эпидимия ва ҳ.к.), бироқ аксарият ўзгаришлар эндоген хусусиятга эга бўлиб, инсонларнинг жорий фаолияти кенгайиши натижаларини акс эттиради. Нархлар нисбатидаги фундаментал ўзгаришлар вақт ўтиши билан хатти-ҳаракат эски одатларининг ўзгаришига ва инсонлар томонидан хатти-ҳаракат стандартларини ҳосил қиладиган омилларнинг аглаб етилишига олиб келади. Бироқ, нархлар ўзгаришининг ғояларга таъсири даражаси тўғрисидаги масала ҳозирча кам ўрганилганлигича қолмоқда.

Д. Нортнинг фикрига кўра, мафкура институционал ўзгаришларнинг яна бир манбаи ҳисобланади. Мафкура деганда, у инсонлар улар орқали атрофдаги оламни қабул қиладиган ва баҳолайдиган субъектив моделни тушунади. Мафкуравий майиллик ҳам иқтисодий ҳисоб-китоблардан ҳоли эмас: оламнинг субъектив манзараси кимнингдир фойдали имкониятларини чегаалаши қанчалик катта бўлса, уни қайта кўриб чиқишдан манфаатдорлик шунчалик кучли бўлади.

Шундай қилиб, институционал ўзгаришлар техника тараққиёти, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, яъни улар натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари мувафақиятли фаолият кўрсатган алоҳида шакллари “фойдасиз” бўлиб қоладиган жараёнлар оқибатида юз бериши мумкин. Янги расмий нормалар ўрнига бошқалари қабул қилинади, норасмий нормаларга амал қиладиган инсонлар сони камайиб бориши билан улар аста-секин йўқолиб боради.

Институтлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар ўзлари пайдо бўлишидан аввал амал қилган нормалар ва шароитларга боғлиқ ҳисобланади. Шу тариқа, ҳар қандай янги институт, мавжуд иқтисодий ёки ижтимоий шароитлар (институционал матрица) томонидан белгилаб берилади. Институционал ўзгаришлар сезиларсиз тарзда кечиши ҳам, ёки ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимнинг тезда такомиллашувига олиб келиши ҳам мумкин.

Институционал ўзгаришлар эски ва янги институтлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик хусусияти ҳам катта роль ўйнайди. Д.Норт боғлиқликнинг қуйидаги турларини таъкидлайди:

Биринчиси – ривожланишнинг аввалги йўлига боғлиқлик – чуқур алоқа, янги институтларнинг фақатгина эски институтлар негизида пайдо бўлишини таъминловчи янги институтларнинг эски институтларга кучли боғлиқлиги.

Икинчиси – мутлақ янги институтларнинг пайдо бўлишига бўшлиқ мавжудлиги орқали белгиланадиган нисбатан камроқ.

Боғлиқликнинг ушбу икки хили эволюцион хусусиятга эга, чунки эски институтлардан янги институтларга ўтишда изчилликка амал қилинади. Эволюцион ўзгаришлар жиддий иқтисодий ларзалар содир бўлмаган ва уларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги улуши устун бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг институционал тизимларига хосдир. Изчиллигига қарамай, эволюцион ўзгаришлар сифат жиҳатдан

илгари силжишларни истисно этмайди – миқдорий-сифат ўзгаришлар диалектикаси ўз кучида қолади.

Д. Норт томонидан ажратилган боғлиқликнинг учинчи хили – эски ва янги институтлар ўртасида яққол алоқа (боғлиқлик)нинг мавжуд эмаслиги – инқилобий хусусиятга эга. Инқилобий ўзгаришлар жамият ривожланишининг аввалги ўзгариш чизиғига амал қилишни назарда тутмайди ва тафаккур тарзи одатлари ва анъаналарининг тубдан ўзгариши билан кузатилади.

Ҳатто иқтисодий тизим самарадорлигининг ошишига хизмат қилувчи инқилобий ўзгаришлар ҳам аҳолининг кўплаб гуруҳлари учун жиддий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга бир яққол мисол тариқасида XV–XVIII асрларда Англияда рўй берган аграр соҳадаги туб бурилишлар билан боғлиқ институционал ўзгаришларни келтириш мумкин.

Расмий қоидалар ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириши. Расмий қоидалар ва норасмий нормаларнинг мувофиқлаштирилиши жамиятда муҳим роль ўйнайди, чунки у институтлар мавжуд тизими фаолият кўрсатишининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Одатда, инсонлар баъзан институтлар таркибий унсурларидан бири ҳисобланган жазолаш тизимининг самарадорлигига зиён етказган ҳолда жазолашнинг анча юмшоқ шакллари назарда тутучи нормаларни расмийлаштиришга интилишади. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги баҳс-мунозаралар бунга мисол бўлади.

Келишмовчилик натижасида институционал низо келиб чиқиши мумкин. Бир ҳолатда, институционал низо ҳеч бир ўзгаришсиз институтларнинг пайдо бўлишига, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да, барқарор ҳосилалар – институционал тузоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Эски ва янги институтлар ўртасидаги инқилобий боғлиқлик доирасида улар ривожланишининг учта эҳтимолий йўлини таъкидлаш лозим:

- биринчиси – мавжуд институционал матрицага қарама-қарши бўлган расмий институтларнинг пайдо бўлиши (одатда, ҳамма жойда чуқур ислохотлар даврида, масалан, ўтиш иқтисодиётида қонунлар, фармонлар кўринишида) ва уларнинг илдиз отиши (кенгайиб бориши) ҳамда қабул қилинган расмий нормаларга мос келувчи янги норасмий нормаларнинг шаклланиши;
- иккинчиси – қабул қилинаётган расмий қоидаларнинг норасмий нормаларга тўлиқ мос келмаслиги шунга олиб келадик, норасмий нормалар анча “ҳаётий” бўлиб чиқади ва бунинг натижасида янги қабул қилинган расмий қоидаларнинг норасмий институционаллашуви юз беради;
- учинчиси – янги расмий қоидалар илдиз отмайди, бу уларнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Институционал тизим самарадорлигига институтлар билан бир қаторда ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатади. Д.Нортнинг фикрига кўра, институтлар иқтисодий назария билан ёритиладиган стандарт чекловлар билан бир қаторда жамият аъзоларининг имкониятларини ҳам шакллантиради.

Институционал доиралар қайси ташкилотлар (сиёсий органлар, иқтисодий тузилмалар, жамоат муассасалари) ҳосил бўлиши ва ишлашини белгилаб беради. Бошқача айтганда: институтлар – бу “ўйин қоидалари”, ташкилотлар эса – “ўйинчилар”. Бироқ бу ҳол ўйинчилар жамиятда ўрнатилган “ўйин қоидалари”га мажбурий тарзда амал қилишини англатмайди. Худди институтлар каби ташкилотлар ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблантиради. “Ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фаолият кўрсатувчи, ташкилотчилар томонидан бойлик, даромадни кўпайтириш учун ёки бошқа мақсадларда ташкил этилган бирликлар ҳисобланади. Ушбу мақсадларни кўзлаган ҳолда, ташкилотлар аста-секин институционал таркибни ўзгартиради”.

Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар)нинг институционал жараёндаги роли ҳозирча кам ўрганилган, бироқ институционал назария доирасида, хусусан, Г.Клейнер томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқотлар шуни

кўрсатдики, ташкилот нафақат товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси, балки куйидаги асосий функцияларни бажарувчи ўзига хос “институт-провайдер” ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва таркатувчиси роли. Алоҳида ташкилотнинг муваффақиятли тажрибаси, унда фойдаланиладиган шартномалар тизимининг самарадорлиги, одатда, бундай тузилмаларни ташкилотнинг ушбу усулларида фойдаланишга ундайди;

- институтлар инкубатори роли. Ташкилотнинг фаолият кўрсатиши натижасида ушбу тузилманинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи ва якуний натижаларнинг катта самарадорлиги билан фаолият кўрсатувчи янги расмий қоидалар ва норасмий нормалар шаклланади ёки, бошқача айтганда, тегишли институционал муҳитда янги институтлар ҳосил қилинади;

- яқка тартибдаги институционал интегратор роли (ушбу нормага амал қилувчилар таркибига янги индивидларни жалб қилиш).

Институционал ёндашувга мувофиқ давлатни алоҳида ташкилот сифатида кўриб чиқиш лозим. Давлатни институт (ижтимоий шартнома негизида расмий қоидалар тизимини шакллантириш ва уларга амал қилиш механизми) сифатида ҳам, ташкилот (давлат бошқарув аппарати таркиби, қонуний жазолаш ва мажбурлаш тизими) сифатида ҳам тадқиқ этиш мумкин.

2.2. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш

Маълумки, неоклассиканинг «қатъий негизи»даги ўзаро ҳамкорликларни таҳлил қилишда дифференциал ҳисоблашдан фойдаланилган. Институционал иқтисодий назарияда юқоридаги тадқиқот усулини таянч усул сифатида қўллаш унчалик қулай эмас. Институционал иқтисодий назариянинг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкор(ҳаракат)лиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Институционал иқтисодиёт формал моделларни тузиш учун Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» (1944) китобидаги фикрларга асосланган ўйинлар назариясидан фойдаланади. Ушбу назариянинг ривожланиши Джон Нэш 1950 йилда киритган мувозанат вазияти тушунчаси билан боғлиқ. Бу билан нокоалицион ўйинларнинг ечиш усули ишлаб чиқилди. 1994 йилга келиб, бирданига уч тадқиқотчи “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанатни биринчи бор таҳлил қилиб чиққанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлдилар. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жог Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ушбу тадқиқот усулининг ўзига хос асосий белгилари ичида қуйидагиларни ажратиш лозим. Биринчидан, ўйинлар назарияси индивидларнинг ўзаро шартлашилган хатти-ҳаракатлари вазиятини таҳлил қилиш билан шуғулланади: ҳар бир шартнинг ҳал этилиши ўзаро ҳамкорлик натижасига ва ўз навбатида, қолган индивидларнинг қарорларига таъсир кўрсатади. Индивид ўз ҳаракатлари масаласини ҳал этаётиб, ўзини контрагентлар ўрнига қўйиб кўриши керак. Иккинчидан, ўйинлар назарияси, мукамал калькулятор сифатидаги индивиддан тортиб то робот сифатидаги индивидгача қатор моделлардан фойдаланган ҳолда, индивидларнинг тўлиқ рационаллигини талаб қилмайди. Учинчидан, ўйинлар назарияси ўзаро ҳамкорликлардаги мувозанатнинг мавжудлиги, ягоналиги ва Парето-оптималлигини назарда тутмайди. Ушбу сабаблар ўйинлар назарияси ёрдамида қурилган институтларнинг формал моделларига бўлган қизиқишни орттиради.

Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари ҳисобга олиниши лозим. Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Бунда ўйин иштирокчиларининг ўзаро келишуви даражасига кўра, кооператив (коалицияли) ва нокооператив(коалициясиз) ўйинлар назарда тугилади.

Шартли равишда айтиш мумкинки, биринчи гуруҳ назариялар макродаражадаги таҳлилга, иккинчи гуруҳдагилар эса, микродаражага эътиборни қаратадилар.

Кооператив (коалицияли) ўйинлар – бу иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин бўлган вазиятлар. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда яқка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади, бунда иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин эмас. Ўйинлар асосан матрица шаклида намоён этилади. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда иштирокчилар ўзаро зиддиятли муносабатда бўладилар. Ҳар бир иштирокчи ўз ютуғини оширишга ҳаракат қилади. Бирининг ютуғи иккинчисининг ютқизишига олиб келади. Ҳар бир ўйин иштирокчисининг зиддиятли вазиятларни ҳал этиш борасидаги ҳаракат дастури ўйин иштирокчисининг стратегияси дейилади.

$$G=F(N,St,P).$$

Демак, ўйин (G)ни таҳлил этишда уч қисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмуаси (St); иштирокчиларнинг ютуқ (P)лари асос бўлади.

Ўйинлар назарияси учун бир неча таянч моделлар мавжуд. Ушбу моделлар Нэш бўйича мувозанат нуқталарининг сони билан ва уларнинг Штакельберг бўйича ва Парето бўйича мувозанат нуқталарига мос келиши ёки мос келмаслиги билан фарқ қилади.

Умумий кўринишда моделлар типологияси ўйинлар назариясида фойдаланиладиган иккала иштирокчиси учун қуйидаги кўринишга эга бўлади:³

St/N	2	1	0
=	I. $N_1=St_1=St_2=P \neq N_2$	II. $N=St_1=St_2=P$	
		III. $N=St_1=St_2 \neq P$	
≠	IV. $N_1=St_1=P_1 \neq (N_2=St_2=P_2)$	V. $N=St_1=P_1 \neq (St_2=P_2)$	VII. $St_1=P \neq (St_2=P)$
		VI. $N=St_1 \neq (St_2=P)$	VIII. $St_1=P \neq St_2$

³ Олейник А.Н. Институциональная экономика. Теория игр и моделирование взаимодействий / Вопросы экономики. №3, 1999. –С. 141-6.

I модел. Масалан, иккита талаба томонидан учрашув жойининг танланиши вазиятини акс эттиради. Улардан ҳар бирини ё кутубхонада ёки буфетда топиш мумкин. Буфетдаги учрашув иккала талабага ҳам фойдалиликни таъминлаши назарда тутилади: улар кофе ёки бирор хил шарбат устида суҳбат ўтказишлари мумкин.

1-талаба	2-талаба	
	Кутубхонага бориш	Буфетга бориш
Кутубхонага бориш	0; 1	2; 2[N ₂]
Буфетга бориш	3; 3[N ₁ St ₁ St ₂ P]	1; 0

Бу ўйин унинг ёрдамида «фокал нуқта» – иккала талаба томонидан ўзлари танлайдиган учрашув жойи ғояси акс этирилиши туфайли қизиқарли. Агар иккаласи ҳам бир-бирини яхши билса, улар бир бирини топиши мумкин бўлган жойни тахмин қилиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. «Фокал нуқта» буфет бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

II модел. Эр-хотин ўртасидаги қатъий шаклдаги кескин вазиятни намоён этади. Эр-хотин иккита муқобил – концертга ёки футболга бориш вариантдан бирини танлаш йўли билан кечки вақтни қандай ўтказишни ҳал этади. Ҳар бирининг фикри равшан: хотин – концертга, эр – футболга боришни афзал кўради. Бунда эр-хотин кечки вақтни биргаликда ўтказишдан ҳордиқ чиқаришни анча паст баҳолашади.

Эр	Хотин	
	Концертга бориш <input checked="" type="checkbox"/>	Футболга бориш
Концертга бориш	1; 3	0; 0
Футболга бориш <input checked="" type="checkbox"/>	2; 2[N ₁ St ₁ St ₂ P]	3; 1

Ўйин шуниси билан қизиқки, бу ерда иккала иштирокчида ҳам устун стратегия мавжуд «концертга бориш» – хотин учун, «футбол матчида бориш» – эр учун.

III модел. «Маҳбуслар дилеммаси» муҳокамаси.

1-гумондор	2-гумондор	
	Айбни тан олиш ☒	Айбни тан олмаслик
Айбни тан олиш ☒	1; 1 [N St ₁ St ₂]	3; 0
Айбни тан олмаслик	0; 3	2; 2 [P]

IV модел. Эр-хотин ўртасидаги аввалги қаттиқ шаклдаги ихтилофли вазиятнинг юмшоқроқ варианты. Қатъий шаклдаги ихтилофли вазиятнинг юмшоқ шаклдан фақат битта фарқи мавжуд, эр-хотин биргаликда ўтказилган кечки вақтдан кўрилган манфаатни юқори баҳолашади:

Эр	Хотин	
	Концертга бориш	Футболга бориш
Концертга бориш	2; 3 [N ₂ St ₂ P ₂]	0; 0
Футболга бориш	1; 1	3; 2 [N ₁ St ₁ P ₁]

V модел. Ушбу модель қуролсизланиш муаммосини ифодалайди. А мамлакат Б мамлакатга нисбатан уруш бошлаш масаласини ҳал этади, Б мамлакат эса қуролланиш ёки қуролсизланиш вариантларидан бирини танлайди. Муаммо шундан ибортки, қуролсизланган Б мамлакат тажовузкор А мамлакат учун осон ўлжага айланади, қуролланган мамлакат эса тажовузга тажовуз билан жавоб қайтариши мумкин:

А мамлакат	Б мамлакат	
	Қуролланиш	Қуролсизланиш ☒
Уруш эълон қилиш	0; 0	3; 1 [N St ₁ P]
Уруш эълон қилмаслик	2; 2 [St ₂ P]	1; 3

VI модел. Бирон-бир романни ўқиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан боғлиқ оғир маънавий танлаш вазиятини акс эттиради. Биринчи китобхон, агар у китобни ўқий олмаса, афсус чекади, лекин, агар у ушбу романни барибир ўқишни бошласа, ўзи бундан уялади. Иккинчи китобхон –

мунофиқнинг фикрига кўра, китобни ўқишни ҳаммага тақиқлаш лозим, лекин агар романни ўқиш керак бўлса, у ҳолда фақат унинг ўзи ўқиши лозим:

1-китобхон	2-китобхон	
	Ўқимаслик <input checked="" type="checkbox"/>	Ўқиш
Ўқимаслик	0; 3	3; 1 [St ₂ P]
Ўқиш	1; 1 [N St ₁]	2; 0

VII модел куйидаги ўйин кўринишида амалга оширилади. Ҳар бир ўйинчи ўйин бошида 2 долларга эга ва ушбу сумманинг ярмини қутига солиб қўяди. Сўнгра қути биринчи ўйинчига топширилади, у ушбу суммани ўзида қолдириши ёки қудуққа ташлаб юбориши мумкин. Иккинчи иштирокчи биринчи ўйинчининг хатти-ҳаракатини олдиндан айтиб бериши лозим ва, агар у бунинг уддасидан чиқса, 1 доллар олади. Бундан ташқари, агар қути қудуққа ташланмаса, ўйинчилар ундаги суммани ўзаро бўлиб олишади:

1-ўйинчи	2-ўйинчи	
	Қудуққа ташлаш	Қудуққа ташламаслик
Қудуққа ташлаш	0; 2	2; 0
Қудуққа ташламаслик	3; 1 [St ₂ P]	1; 3 [St ₁ P]

VIII моделда давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатлар ифодаланади. Сармоядорда ҳаракатларнинг иккита варианты мавжуд – мамлакатда инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик. Давлат эса инвестициялардан олинadиган даромадларга юқори солиқ белгилаши ёки солиқни умуман бекор қилиши мумкин:

Давлат	Сармоядор	
	Инвестиция киритмаслик	Инвестиция киритиш
Солиқ жорий этиш	0; 1	3; 0
Жорий этмаслик	1; 2 [St ₂]	2; 3 [St ₁ P]

Юқорида изоҳланган моделларни кўриб чиқиш индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган қатор муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради:

- мувофиқлаштириш муаммоси Нэш бўйича иккита нуқта мавжуд бўлган ҳолларда пайдо бўлади (I, IV моделлар). Мувофиқлаштириш муаммосининг ҳал этилиши кўшимча институционал шарт-шароитлар жорий этилиши, «фокал нуқталар» ёки келишувлар мавжуд бўлишини талаб қилади. Масалан, эр-хотиннинг қизиқишлари бир жойдан чиққан ҳолларда, улар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириши анча осонлашади;

- бирга бўла олишлик муаммоси Нэш бўйича мувозанат мавжуд бўлмаган вазият учун хосдир (VII, VIII моделлар). Агар институтлар стратегияларни танлашни чекламаса ва «йўналтирмаса», индивидлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштира олишмайди. Масалан, давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатга давлатнинг нуфузи омилининг жорий этилиши (2, 3) яқунда тўхталиш имконини беради;

- кооперация муаммоси – Нэш бўйича мувозанат мавжуд, у ягона, лекин Парето бўйича оптимал эмас (III модел – «маҳбуслар дилеммаси»). Ушбу вазиятда ҳам институционал чекловнинг жорий этилиши Парето бўйича оптимал натижага эришишни таъминлайди;

- адолатлилик муаммосининг долзарблиги – Нэш бўйича ягона мувозанат асимметрик, ютуқнинг ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари ўртасида адолатсиз тақсимланиши билан тавсифланади (V, VI моделлар). Адолатсизлик муаммосини ҳал этиш вариантларидан бири такрорланадиган ўйинларга ўтиш ва «аралаш» стратегиялар асосида нормаларни яъни, t_0 вақт лаҳзасида индивид А стратегияни, t_1 вақт лаҳзасида эса Б стратегияни танлаганда бўлади.

Институционал иқтисодий назариянинг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» (1944) китобидаги фикрлар институционал иқтисодиётда ўйинлар назариясини татбиқ этиш учун асос бўлган. 1994 йилга келиб, биринчи бор “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанат таҳлили учун бир варакайига уч тадқиқотчи иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлди. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жон Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари ҳисобга олиниши лозим.

Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан кооператив(коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Ўйин (G)ни таҳлил этишда уч қисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмуаси (St); иштирокчиларнинг ютуқ (P)лари асос бўлади.

Ҳар бир ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли хиллари мавжуд бўлиши мумкин: устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат

2.3. Режа ва бозор институти

Нормалар индивидларнинг ўзаро мувофиқ муносабатлари барқарорлигининг асосий кафолати ҳисобланади. Индивид контрагент ҳаракатларини тушуниш ва ўз ҳаракатини улар билан мувофиқлаштириш учун у ёки бу нормани танлаш баробарида умуман тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Индивид нормадан четга чиқса, уни нормага қайтарувчи тартибга солиш механизмининг мавжудлиги нормалар тизимини шакллантиради. Шунингдек, нормалар тизими макро ва микродаражалар ўртасидаги асосий боғловчи бўғинга айланади.

Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизимида иқтисодиёт конституцияси дейилади. Иқтисодиёт

конституцияси буйруқбозлик ва бозор тизимларидаги ўзаро зид нормаларга амал қилади. Масалан, бозор тизими фақат индивидлар ўзларининг кундалик иқтисодий фаолиятида у асосланадиган нормалардан фойдаланган даражага қараб барқарор ва такрор ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи индивидлар ўртасидаги битимлардан макроиқтисодий даражага ўтиш бозор хатти-ҳаракатлари нормалари орқали амалга оширилади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини ўзида намоён этади. Тақчилликнинг маълум даражада барқарорлашуви ҳамда иқтисодий агентлар ушбу даражага мослашуви тизимда *нормал тақчиллик* ҳолатини юзага келтиради. Бунда буйруқбозлик иқтисодиёти учун хос бўлган навбатнинг нормал узунлиги, ресурслар ва тайёр маҳсулотларнинг нормал захиралари ва ҳоказолар тушунилади. Бошқача айтганда, нафақат Вальрас бўйича умумий мувозанат иқтисодий тизимнинг барқарор ҳолати билан чекланилади, балки тизим ҳатто мувозанатсиз ҳолатда ҳам барқарорлашиши мумкинлиги намоён бўлади.

Умуман олганда, буйруқбозлик ва бозор тизимларида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Қуйида ушбу нормаларнинг иқтисодиётда намоён бўлиши кўриб чиқилган (2.3.1.-жадвал).

2.3.1.-жадвал

Иқтисодиёт конституциялари нормаларининг гуруҳланиши

Бозор конституцияси	Буйруқбозлик иқтисодиёти конституцияси
Мураккаб утилитаризм	Оддий утилитаризм
Рационал мақсадли феъл-атвор	Мафкуравий кадрият рационаллиги
Деперсонификацияланган ишонч	Персонификацияланган ишонч
Эмпатия	«Сен – менга, мен – сенга»,
Ижобий маънода эркинлик	
Қонунга ихтиёрий бўйсунуш	Қонунга тилда бўйсунуш

Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормал ҳолатлари учун зарур бўлган нормалардан бири оддий утилитаризм ҳисобланади. Бунда индивид томонидан ўз фойдалилигини оширилиши ўзига хос равишда намоён бўлади. Яъни, **оддий утилитаризм** – индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.

Индивид истеъмол маданиятидаги оддий утилитаризм “квартира – машина – дала ҳовли” учлигида акс этади. Индивидда бундай идеалнинг тарқалиши ва қулай ҳаёт шароитларини таъминлашга интилиш шўролар (советлар) жамияти намунасида XX асрнинг 70-80-йиллардаги ўзига хос шаклга эга тенденциялар билан тавсифланади. Бунда истеъмолнинг маълум даражасига эришиш учун ноёб (тақчил) ресурслардан фойдаланиш имконияти самарали меҳнат бўйича эмас, балки маълум касб тоифасидаги ходимлар (савдо соҳаси, бюрократик аппарат, темир йўл ва ҳаво йўли транспорти ходимлари, чет элга чиқиш имкониятидагилар) ўртасида бўлинган эди.

Яъни, утилитаризм нормаси буйруқбозлик иқтисодиётида фақат оддий шаклда – индивиднинг самарали фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдалиликни оширишга интилиши сифатида мавжуд бўлган. Иккинчидан, тақчиллик шароитидаги истеъмолда фойдалиликни оширишга интилиш навбатда туриш зарурлиги, асаббузарликлар, оворагарчиликлар, жанжаллар (низолар) туфайли келиб чиққан юқори руҳий кечинмалар билан чекланди. Буйруқбозлик тизимининг бу тавсифи «сабр чегараси» тушунчаси билан ҳам изоҳланади. Сабр чегараси деганда низолар ва кескинликлар жамланишининг ундан кейин иқтисодий агентлар шикоят қила бошлайдиган ва норозилик намоёиш этадиган даражаси тушунилади. Шундай қилиб, буйруқбозлик иқтисодиётининг биринчи нормаси *оддий* ва *чекланган утилитаризмдан* иборат.

Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари тизимининг иккинчи унсури тўлиқсиз рационал фаолият билан изоҳланади. Бунда, биринчи навбатда

ахборотнинг чекланганлиги ва тўлиқсизлиги билан шартланган тўлиқсиз рационаллик тушунилади. Иқтисодий агентлар эркин шаклланмаган нарх ва тақчил ресурслар шароитида нархлардаги мавжуд ахборотни нархга тааллуқли бўлмаган – захиралар ҳажми, навбатларнинг узунлиги ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирадилар. Соф кўрсаткичларда ахборот олиш эса, ҳамма вақт уни йиғиш билан боғлиқ юқори даражадаги харажатларни келтириб чиқаради. Натижада тизимда «низо», яъни сотувчилар ва харидорлар позицияларини мувофиқлаштиришда кечикишлар пайдо бўлади. Низо прогнозлардаги хатолар, манфаатдор шахсда бошқа субъектларнинг ҳолати ва мақсадлари тўғрисида ахборотнинг мавжуд эмаслиги, манфаатдор шахснинг қарор қабул қилишдаги беқарорлиги, ўзгарувчан шароитга мослашишдаги ўнғайсизлиги шаклига эга бўлади. Бундан ташқари, тўлиқсиз рационал фаолият, иқтисодий агент учун фақат ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш воситаларини танлаш эркинлиги билан шартланган. Мафкура билан белгиланган партия-хўжалик аппаратининг мафкуравий мақсадлари режа топшириқлари шаклини қабул қилувчи муайян маъмурий ва хўжалик вазифаларига айланади. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг фаолияти – мафкуравий кадрият рационаллиги нормасига асосланади.

Ишонч нормаси иккита шаклда давлатга ишонч сифатида ва бир бирини яхши билган шахслар доираси билан чекланган микродаражадаги ишонч сифатида мавжуд бўлади. Ҳар қандай аҳамиятли битимнинг давлат органига: партия, режа, таъминот органига мурожаат этиш билан боғлиқлиги сабабли давлатга ишонмасдан туриб, йўл тутишнинг иложи йўқ. Бундай вазиятда бевосита контрагентга ишониш мутақо ортиқча – давлат учинчи томон сифатида битим шартларининг бажарилишини кафолатлайди. Бироқ микродаражадаги *ишонч* барибир *максимал индивидуаллашган* шаклда мавжуд бўлади.

Бу норма ҳам уй хўжалигида, ҳам корхонада амал қилади. Уй хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида оғирлик марказининг оила-

қариндошчилик таркибига, дўстлар ва таниш-билишларга кўчирилади. Масалан, ўзаро ҳамкорлик умуман врач, сартарош билан эмас, балки *таниш* врач ёки сартарош билан амалга оширилади. Корхоналар хатти-ҳаракатини ҳам худди шундай таърифлаш мумкин. Улардан ҳар бири барқарор шерикчилик доирасига эга бўлиб, бунда ушбу корхоналар раҳбарлари ўртасида шахсий даражада ишончли муносабатлар йўлга қўйилади. Яъни, директорлар ўртасида ўзаро ёрдам ва ўзаро ишонч тамойиллари асосига қурилган корпоратив муносабатлар шаклланади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг навбатдаги базавий нормаси «*сен – менга, мен – сенга*», ёки ўзаро хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги келишувдир. Тақчил ресурсни олишнинг кенг тарқалган вариантларидан бирига кўра, истеъмолчи ва етказиб берувчи вақти вақти билан вазифаларини алмаштириб туради, яъни “бугун мен пўлат бериб тураман, сен эса эртага болтдан ёрдам қилиб турасан”. Айнан ҳар қандай бартер битимининг асосида «Сен – менга, мен – сенга» нормасидан фойдаланиш ётишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳатто, бартер алмашуви занжир бўйича амалга оширилиши мумкин бўлса-да, ушбу нормага локал ва таниш-билишлар доираси билан чекланган хусусиятни йўқотиш имконини бермайди.

Ва ниҳоят, *қонунга бўйсунмиш* нормаси. Ҳар қандай ўзаро муносабатнинг давлат назорати остида бўлишига қарамай буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида қонунлар партия манфаатларига бўйсунган. Бунинг учун расмий асос бўлмаса-да, партия қарорлари *де факто* қонун кучига эга бўлган. Ҳатто эълон қилинган *де юре* умумхалқ мулкчилик шакли ҳам *де факто* мулкчилик шакли билан, хусусан, бюрократик органлар – «идоралар» (вазирликлар ва идоралар) мулки бўлган. Бюрократиянинг бундай ўзбошимчалиги оддий фуқароларнинг қонунга нисбатан муносабатига акс таъсир ўтказган. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг хатти-ҳаракати *қонунга тилда бўйсунмиш* нормаси сифатида тавсифланади. Демак, буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясининг асосий нормалари тизимнинг мувозанатсиз ҳолатини барқарорлаштирига хизмат қилади.

Бозор конституцияси – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади. Бозорлардаги барқарор мувозанат бозор нормаларидан фойдаланишнинг натижаси ҳисобланади. Бозор конституциясининг асосида ётувчи биринчи норма – *мураккаб утилитаризм* нормаси бўлиб, у нафақат индивидни ўзининг фойдалилигини оширишга йўналтиришни, балки унинг олинадиган фойда билан ўзининг самарали фаолияти ўртасидаги алоқани англаб етишини назарда тутди. **Яъни, мураккаб утилитаризм** – индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.

Мураккаб утилитаризм нормаси индивиднинг эҳтиёжлар даражаси ва самарали фаолияти ўртасидаги номувофиқликни истисно этади. Баъзан, бундай номувофиқлик юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига ва юқори меҳнат самарадорлигига эга бўлмаган мамлакат аҳолиси ўртасида юқори истеъмол стандартларининг тарқалишида юзага келадиган «номувофиқ кутишлар инкилоблари» асосида ётади. Ушбу вазиятда асосан оммавий ахборот воситалари орқали юз берадиган янги истеъмол стандартини қабул қилиш жамиятда ҳукмронлик қилувчи самарали фаолият моделига тааллуқли бўлмайди.

Бундан ташқари, қулай шароитлар мавжуд бўлганида оддий утилитаризм фойдалиликни оширишни ренти қидиришга айлантиришни назарда тутди. Мукамал рақобат вазиятидан ҳар қандай четга чиқиш, алмашиш (тарифлар, квоталар) учун чекловлар ўрнатилиши оддий утилитаризм саъй-ҳаракатларини ренти қидиришга ёки, бошқача айтганда, фойдага самарасиз йўналтирилишга айлантиради. Индивиднинг ренти кўпайтиришга интилишини норматив чеклаш сифатида мураккаб утилитаризм, яъни индивид томонидан бошқалар зиёнига эмас, балки фақат ўз фаолияти ҳисобидан ютуққа эришиш мумкинлигининг тан олинishi муқобил вариант ҳисобланади.

Агар утилитаризм нормаси индивиднинг мақсадли функциясини белгиласа, *рационал мақсадли феъл-атвор (хулқ, хатти-ҳаракат)* нормаси фойдалиликни муайян вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлаган ҳолда оширишни муайянлаштиради. Маълумки, рационал мақсадли феъл-атвор индивид томонидан ўзининг рационал қўйилган ва ўйланган мақсадига эришиш учун ташқи олам предметлари ва *инсонларнинг* маълум феъл-атворидан фойдаланишини назарда тутаяди. Ахборотнинг тўлиқсизлиги ва уни қайта ишлаш бўйича когнитив қобилиятларнинг чекланганлиги шароитида рационал мақсадли феъл-атвор найранг қилишга айланади: агар индивид катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлса, у ўзининг ҳамкори билан найранг қилади. Индивид шу усул билан атрофидагиларни ўз мақсадига – фойдалиликни оширишга эришиш воситасига айлантиришга уринади.

Айрим агентларнинг фойдаланилган автомобиллар бозори ва «маънавий хатар» билан боғлиқ суғурта бозорида бошқаларни зиёнга учратиши ахборот асимметриясидан фойдаланишга классик мисол бўлади. Бундай айёрлик, яққол ёки нозик шаклда алдаш билан шахсий манфаат кўзланадиган хатти-ҳаракатга оппортунизм номи берилган. Рационал мақсадли феъл-атворни оппортунизмга айлантиришга қарши кафолатлар барча иштирокчилар фаолиятининг қуйидаги ё таркибий ёки расмий-ҳуқуқий жиҳатлари билан тавсифланади:

- мукамал когнитив қобилият ва алмашувда тўлиқ ахборотга эга бўлиш;
- шартнома тузишда махсус таомиллардан фойдаланиш.

Иккинчи жиҳат оптимал шартнома назариясини махсус ўрганиш предмети ҳисобланади, шунинг учун бу ерда бозор конституциясининг иккинчи унсури сифатида *тўлиқ рационаллик* мезонларига жавоб берувчи *рационал мақсадли феъл-атворни* таъкидлаш лозим.

Мақсадли рационал феъл-атвор шаклланишининг асослардан бири атроф-муҳит предметлари ва одамларнинг феъл – атворини кутилаётган воқеликка нисбатан мос равишда айта олишдир. Индивид томонидан қабул

қилинадиган қарорлар хатарининг ҳамкор фаолияти асосида аниқланган вазиятлари кутилаётган воқеликка контрагент ҳаракатларининг мос бўлиши учун ўта аҳамиятлидир. Ўзаро боғлиқлар шароитида индивидлар ўртасидаги мунособатларни тартибга солувчи норма сифатидаги ишонч бўлган тақдирда мақсадли рационал ҳаракатга эришилади. Индивидга ўз ҳаракатини бошлашидан олдин атрофдаги ҳаракатлар аниқ бўлиб, индивид танловига айрим атрофдаги ҳаракатлар бўйича кутилишларнинг таъсир қилишига ишонч дейилади. Бозордаги битим билан индивидуаллашмаган ишонч ўртасидаги боғлиқлик олдиндан тўловларнинг амал қилишида намоён бўлади. Бу энг оддий бозор битими ҳисобланади. Иқтисодиёти ривожланган малакатларда ишончнинг индивидуаллашмаганлиги бўйича ўтказилган сўровларга жавоблар (Дания – 94 фоиз; Германия – 90 фоиз; Франция – 84 фоиз)да юқори натижалар олинган.

Бозор конституциясининг яна бир нормаси эмпатия бўлиб, бунда индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизиқишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат қилади. Айрим шахслар доираси билан чекланмаган эмпатия индивиднинг ўз ҳаракатларида эркинликка чиққани билан боғлиқ. Инсоннинг фаолияти қанча эркин бўлса, у атрофдагиларнинг ҳаракатини шунча яхши тушунади ва уни олдиндан айта олади. Бу эркинлик нормасининг рационал асосланган мақсадга эришишда тўсиқ эмас, балки муваффақият шартига айланишини таъминлайди. Сўнгги норма легализм бўлиб, бунда қонунни ҳурмат қилиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади. Бу норма айни чоғда, мулкӣ ҳуқуқларнинг самарали ҳимоя қилинишига ҳам йўл очади. Юқорда баён этилганлардан шу нарса келиб чиқадики, бозор конституцияси нормаларида ҳам айрим нуқсонлар мавжуд бўлгани ҳолда, уларнинг ўзаро боғлиқ тарзда амал қилиши тизимнинг мунтазам такомиллашувига хизмат қилади.

3-БОБ. МУЛК ХУҚУҚИ

3.1. Мулк институционал назарияларнинг объекти сифатида

3.2. Мулк ҳуқуқлари назарияси.

3.3. Мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси.

3.4. Институционализмда мулкый полиформизм.

3.1. Мулк институционал назарияларнинг объекти сифатида

“Мулкчилик” тушунчаси ва мулкчилик муаммоси асрлар давомида жуда кўп соҳанинг билимдонлари, файласуф ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва иқтисодчилар, социологлар ва сиёсатшуносларни қизиқтириб келган бўлиб, шу кунда ҳам бу муаммо долзарблигича қолмоқда.

Иқтисодий мактабларнинг вакиллари мулк ва унинг моҳиятига турлича таъриф берганлар. Ғарб иқтисодчилари мулкчилик деганда инсоннинг буюмларга бўлган муносабатини тушунадилар. Император Юстиниан V нинг “Рим давлати ҳуқуқи” асарида мулкка эгалик қилиш фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқи деб ифодалаган. Бу тарифда “ҳуқуқи” ва “эгалик қилиш” деган жумлалар ҳамда “фойдаланиш” ва “тасарруф этиш” деган сўзлар ғарб таълимотида ўз аксини топган.

XVII асрда Прудон: “мулкка эгалик қилиш ўғрилиқ” — деб таъриф берган. Демак, у кимдир мулкдан маҳрум бўлишини назарда тутган⁴.

Кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар энг аввало ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи тақозо этадиган мулк муносабатларидир. Ишлаб чиқарилган моддий неъматлар истеъмол қилиниши керак. Бироқ бирон-бир маҳсулотни истеъмол қилмоқ учун кишилар энг аввало уни ўзлаштириб олишлари керак. Ўзлаштириш бўлмаса, ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш кишилар ўртасида алоҳида ижтимоий муносабатлар, яъни уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва меҳнат натижаларига ўзлариникидек ёки ўзганикидек қарашдан иборат

⁴ Қаранг: Аникин А. Юность науки. - М.: Политиздат, 1976, с. 198-218.

муносабатларига мувофиқ келувчи тамойил мулкчилик муносабатлари дейилади.

Жамият тараққиёти тарихий-табиий жараён сифатида, ўз ривожланиши йўлидан чиқмай борганда, мулкий муносабатлар бир хил мулк ҳукмронлигидан турли-туман мулкнинг мувозанатига ўтиш томонига қараб ривожланади. Турли-туман мулкчилик аралаш иқтисодиёт тизимида хосдир.

Агар ўтмишдаги мулкий тизим муайян мулк шаклининг ҳукмронлиги билан ажралиб турса, ҳозиргисида турли мулк шакллари мувозанати ва биргаликдаги ривож билан характерланади. Демак, мулкка эгаллик қилиш заминидан ижтимоий муносабатлар ётади.

Мулкчилик муносабатларини Ш.Шодмонов, Т.Жўраевлар «Мулк муносабатлари мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир»⁵ – деб таърифлаганлар.

М.А.Сажина, Г.Г.Чибриковалар мулкчиликка “ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида моддий неъматларни ўзлаштиришнинг ўзига хос бўлган тарихий шакли” — деб таъриф берганлар⁶.

Мулкчилик ўзлаштириш борасидаги муносабат бўлиб, у эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади. Улар мулкчиликнинг ажралмас унсурларидир. Эгаллик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туришидир. Унда мулк бўлган бойлик қисман ўзлаштирилади. Фойдаланиш, ишлатиш — мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олишдир.

Тасарруф этиш мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб

⁵ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. -Т.: 2000, 84- бет.

⁶ Қаранг: Сажина М.А., Чибрикова Г.Г. Основы экономической теории.-М.: Экономика. 1995, с.1.

сақлаш, кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-ҳаракатларни амалга ошириб боришни ифодалайди³.


Бозор иқтисодиёти шароитида мулк турли шаклларда бўлади. Мулк шакллари ўзлаштиришнинг характери, яъни унинг турли кўринишларини ифодалайди. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, якка тартибда, жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк асосан икки турга яъни, давлат ва нодавлат мулк шаклларига бўлинади. Давлат мулки — бойликнинг ўз вазифасини адо этиши учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир.

Нодавлат мулк шаклларига хусусий мулк, жамоа ва фуқароларнинг шахсий мулклари киради (Қаранг: 3.1.1-чизма)

3.1.1-чизма

Мулк шакллари



³ Қаранг: Экономическая теория, /Колл. авт. К.Абдурахманов -Т.: Шарқ, 1999, с. 116.

Нодавлат мулк шакллари ичида хусусий мулк муҳим ўрин тутди, Ш.Шодмонов ва Т.Жўраевлар: “Хусусий мулк айрим соҳибкорларга қарашли ёнланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир”¹, - деб таъриф берганлар. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир, деб кўрсатилган. Хусусий мулкчилик сўзсиз ташаббускорлик ва ғайратчанликни, меҳнатга масъулиятлилиқ муносабатларини рағбатлантиради.

Хусусий мулкнинг икки кўриниши бор:

- индивидуал-хусусий мулк. Бунда бойликни, мулкни, ўзлаштириш алоҳидаланган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади;

- корпоратив-гуруҳий хусусий мулк. Бунда бойликнинг индивидуал тарзда, аммо мулкдорлар шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир.

Жамоа мулклари — бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир.

Шахсий мулк эса фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, у ўз ичига шахсий истеъмол ва уй-рўзғор буюмларини олади.

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шarti кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашув муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитни вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосий вазифалардан бири мулкчилик масаласини ҳал қилиш ҳисобланади. Шу сабабли мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

¹ Шодмонов Ш. Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни.-Т.:Меҳнат, 2000, 87-бет.

3.2. Мулк ҳуқуқлари назарияси

Мулк ҳуқуқлари назарияси ўтган асрнинг 60-70 йиларида шаклланди. Ҳозирги вақтда унинг ривожланиши алоҳида мустақил концепция сифатида эмас, балки иқтисодий таҳлилнинг учта йўналиши – ҳуқуқ иқтисодиёти, янги иқтисодий тарих ва иқтисодий ташкилот назариясининг методологик ва умумназарий асоси сифатида давом этмоқда.

Америкалик машҳур иқтисодчилар – Р.Коуз ва А.Алчиян мулк ҳуқуқлари назариясининг асосчилари ҳисобланади. Мазкур назариянинг кейинги ривожига узоқ хориж мамлакатларининг Й.Барцель, Д.Норт, Р.Познер, С.Пейович, О.Уильямсон, Ю.Фама, Э.Фуруботн, С.Чунг каби олимлари ўз ҳиссасини қўшишди. Россия иқтисодий адабиётларида мулк ҳуқуқлари назарияси Р.Капелюшников, В.Радаев, А.Радигин ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди.

Ўзбекистонда мулк муносабатларини ислоҳ қилиш, мулкнинг ҳуқуқий асослари ва мулк назариясининг бошқа жиҳатлари Х.Абилқосимов, Н.Юсупова, Н.Неделькина, Ш.Шодмонов, Т.Шодиев, С.Ғуломов ва бошқарларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳуқуқий механизмнинг жамиятнинг кундалик ҳўжалик ҳаётидаги ролини ўрганади. Бунда мулк ҳуқуқларини оптимал тақсимлаш масаласи марказий муаммо сифатида эътироф этилади. Институционал иқтисодиёт назариясига кўра, ким мулкдор ҳисобланиши тўғрисидаги масала эмас, балки мулк ҳуқуқларини тафсирлаш тўғрисидаги масала анча муҳим ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқлари деганда, неъматларнинг мавжуд бўлиши муносабати билан инсонлар ўртасида юзага келадиган ва улардан фойдаланишга тааллуқли бўлган рухсат этилган кундалик муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабатлар неъматлар борасидаги хатти-ҳаракатнинг исталган шахс бошқа инсонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда уларга амал қилиши ёки уларга амал қилмаганлик учун харажатлар қилиши лозим бўлган нормаларини

белгилайди. Қуйида мулк ҳуқуқлари назариясининг Р.Капелюшников⁷ томонидан санаб ўтилган асосий қоидаларини кўриб чиқамиз:

- мулкчилик муносабатлари “инсон/ашё” муносабатлари сифатида эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатлар сифатида талқин этилади: мулк ҳуқуқлари атамаси инсонлар билан ашёлар ўртасидаги муносабатларни эмас, балки инсонлар ўртасидаги ноёб ашёлардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни ёритади;

- мулкчилик муносабатлари ноёблик муаммосидан келиб чиқади: ноёбликни қандайдир омилисиз мулкчилик ва адолатлилик ҳақида гапиришдан маъно йўқ;

- мулк ҳуқуқларининг талқини ўзига ҳам моддий, ҳам жисмсиз объектларни (шахсий эркинликкача) ўзлаштирган ҳолда, барча нарсаларни қамраб олувчи хусусиятга эга. Мулк ҳуқуқлари инсоннинг исталган турдаги ноёб ресурслардан фойдаланишга нисбатан нуқтаи назарини қайд этади;

- мулкчилик муносабатларига жамият томонидан рухсат этилган муносабатлар сифатида қаралади (давлат томонидан рухсат этилган муносабатлар бўлиши шарт эмас). Ўз навбатида, улар нафақат қонунлар ва суд қарорлари кўринишида, балки ёзилмаган қоидалар, анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий нормалар кўринишида мустақамланиши ва ҳимоя қилиниши мумкин;

- мулк ҳуқуқларига хатти-ҳаракат маъноси берилади – бир хатти-ҳаракат усулларини улар қўллаб-қувватлайди, бошқаларини эса йўқ қилади.

Рухсат этилмаган хатти-ҳаракатлар ҳам мулк ҳуқуқлари назариясининг диққат марказида туради. У иқтисодий жihatдан тушунилади: тақиқлар ва чекловлар уни бартараф этмайди, балки у билан боғлиқ харажатларни (эҳтимолий жазо кўринишида) оширган ҳолда салбий омил сифатида таъсир кўрсатади. Рухсат этилган хатти-ҳаракат нормаларига амал қилиш ҳам, уларни бузиш ҳам оқилона иқтисодий танлов ҳаркатларига айланади.

⁷ Капелюшников Р.И. Экономическая теория прав собственности. – М.: ИМЭМО, 1990.

Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан таклиф этилган (Оноре рўйхати) ва қуйидаги 11 та унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлиқ” ҳисобланади:

1) эгалик қилиш, яъни ашё устидан мутлақ назорат қилиш ҳуқуқи;
2) фойдаланиш, яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳуқуқи;
3) бошқариш, яъни ашё ким томонидан ва қандай фойдаланилиши мумкинлигини ҳал этиш ҳуқуқи;

4) даромад олиш, ашёдан аввалги шахсий фойдаланишдан ёки башқа шахсларга ундан фойдаланишга руҳсат этишдан келиб чиқадиган неъматларни олиш ҳуқуқи (бошқача айтганда – ўзлаштириш ҳуқуқи);

5) ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш, уни истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи “капитал қиймат” ҳуқуқи;

6) хавфсизлик ҳуқуқи, яъни экспроприацияга қарши иммунитет;

7) ашёнинг мерос бўйича ёки васиятнома бўйича ўтиши ҳуқуқи;

8) муддатсизлик;

9) зарарли фойдаланишни тақиқлаш, яъни ашёдан ўзгалар учун зарарли усул билан фойдаланишдан ўзини тийиш;

10) ундириш кўринишидаги жавобгарлик, яъни ашёни қарзни тўлаш учун олиб қўйиш имконияти;

11) қолдиқ хусусият, яъни кимгадир ўтказилган ваколатларнинг уларнинг ўтказиш муддати тугагач ёки исталган бошқа сабабга кўра ушбу ўтказиш ўз кучини йўқотган ҳолларда, “табiiй” равишда қайтарилишини кутиш.

Ушбу таърифлар аниқдек туюлганига қарамай, бу 11 та унсур Л.Беккернинг фикрига кўра, “кўп сонли – тахминан 1,5 мингта комбинацияни амалга ошириш имконини беради, агар уларнинг ҳуқуқ субъектлари ва

объектлари бўйича вариацияланишини ҳисобга олсак, у ҳолда мулк шаклларининг хилма-хиллиги, ҳақиқий ваҳимали омилга айланади”⁸.

Мулк ҳуқуқлари назариячиларининг нуқтаи назаридан, мулк ҳуқуқи мавжуд бўлган ва у мавжуд бўлмаган вазиятлар ўртасида қатъий чегара ўтказиладиган ёндашув унчалик ҳам тўғри эмас. Мулк ҳуқуқи – бу қатъий белгиланган нуқта эмас, балки узлуксиз қатор. А.Алчиян ва Г.Демсецнинг таъкидлашича⁹, ашёга бўлган у ёки бу ваколат мулкдорга қай даражада тегишли эканлиги ҳақида унинг қарори ашёдан ҳақиқий фойдаланишни қанчалик белгилаб беришига қараб фикр юритиш мумкин. Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳар қандай алмашув ҳаракати аслида ваколатлар тўплами билан алмашиш эканлиги тўғрисидаги базавий тасаввурдан келиб чиқади.

Ҳуқуқшуносалар ва иқтисодчиларнинг фикрига кўра, “Оноре рўйхати”даги унсурлардан энг заифи – бу тўққизинчи унсур – *зарарли фойдаланишни тақиқлаш* унсуридир. Зарарли фойдаланишни тақиқлаш билан боғлиқ муаммо шундан иборатки, бошқа шахсларга зиён етказишнинг кўплаб усуллари нафақат таққаланмаган, балки қонун билан ҳимояланади. Хусусий мулкчилик ҳуқуқий ҳолати шароитида, одатда, бегона мол-мулкнинг истеъмол қийматига бевосита таъсир этиш йўли билан жисмоний зиён етказиш мамкин эмас, лекин унинг алмашиш қийматини пасайтирган ҳолда билвосита йўл билан зиён етказиш мумкин. Тадбиркор рақобатчининг фирмасига ўт қўйиб, уни ҳонавайрон қилишга ҳақли эмас, лекин у ўзининг ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширган ҳолда, рақибни ҳонавайрон қилишга ҳақли. Ўрта асрлар цехларида хатти-ҳаракатнинг ушбу усули ҳам ноқонуний ҳисобланар эди. Зарарли фойдаланишни тақиқлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ҳажмини аниқ белгилашнинг мураккаблиги мулк ҳуқуқларини чеклашнинг йўл қўйилдадиган чегаралари тўғрисидаги асосий муаммони юзага чиқаради. Ушбу ҳуқуқнинг маъноси шундан иборатки,

⁸ Becker LS. Property rights: philosophical foundations. — Cambridge, 1977. P. 21.

⁹ Alchian A., Demsetz H. The property rights paradigm // Journal of Economic History 1973. M. 33. № 1. P. 17.

ҳатто тўшамга “тўлиқ таъриф”даги барча унсурларни киритиш ҳам мулк ҳуқуқини чексиз қилмайди.

Индивидлар учун мулкчилик ҳуқуқларини ўрнатиш ҳамда ушбу ҳуқуқларга уларнинг амал қилиш зарурати қонунга ихтиёрий бўйсунтириш нормалари билан ўзаро узвий боғланган. Мулкчилик ҳуқуқлари индивидлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлардаги ноаниқликни камайтирувчи институтлардан бири ҳисобланади.

Мулкчилик ҳуқуқларини таҳлил қилиш учун иккита фермер ўз подаларини бири паст ҳосилдор бўлган иккита яйловда ўтлатиши мисолини кўриб чиқамиз. Берилган ҳолатга кўра, ем-ҳашак захиралари ушбу яйловларнинг ҳар бирида бир вақтнинг ўзида иккита подани ўтлатиш имконини бермайди.

3.2.1-жадвал

Фермерларнинг яйловларан фойдаланиш имкониятлари

Кўрсаткичлар		2-фермер	
		Биринчи яйловда ўтлатиш -P ₂	Иккинчи яйловда ўтлатиш-1- P ₂
1-фермер	Биринчи яйловда ўтлатиш - P ₁	2; 2	8; 4 [N ₂ P ₂ P St ₁]
	Иккинчи яйловда ўтлатиш -1- P ₁	4; 8 [N ₁ P ₁ St ₂]	1; 1

Ушбу ҳолатда Парето бўйича оптималлик нуқтаи назаридан иккита бир хил яқун (4; 8) ёки (8; 4) мавжуд. Яқунлардан бирини қайд этувчи институционал қарорлар бир нечта бўлиши мумкин. Улардан энг оддийси яйловдан фойдаланишдаги устуворликни унга биринчи бўлиб ўз подасини олиб келган фермерга берувчи қонун қўллашдан иборат. Келиш тартиби бўйича ноёб ресурс (яйлов)ни тақсимлаш – навбат институти фаолият кўрсатишининг асосида ётувчи тамойиллардан бирини ақс эттиради. Бироқ навбат институтидан фойдаланиш подани қайси яйловга олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида фермерларнинг иккиланганини

камайтирмайди, балки оширади. Бундан ташқари, иккиланиш ундан кейин ҳам ҳар сафар яйловни танлашда такрорланади.

Яйловда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилишигина масалани ҳал этишнинг муқобил варианты бўлади. Масалан, 1-фермер биринчи яйловнинг, 2-фермер эса иккинчи яйловнинг мулкдори ҳисоблансин. Ҳатто фермерларнинг нафлилиги нуқтаи-назаридан бундай қарорнинг номутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда, *иккаласининг* ҳам манфаатлари йўлида мулкчилик ҳуқуқларини тан олиш ва ҳурмат қилиш лозим. Кам ҳосилли яйловни олувчи иккинчи фермернинг мулкчилик ҳуқуқлари жорий этилгунга қадар ва ундан кейинги нафлилигини таққослайлик.

Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилгунга қадар иккинчи фермер, агар у подасини биринчи яйловга олиб борса, $2 P_1 + 8 (1 - P_1) = 8 - 6P_1$ га, агар у подасини иккинчи яйловга олиб борса, $4 P_1 + 1 (1 - P_1) = 3P_1 + 1$ га эга бўлади. Сўнгра, иккинчи фермер томонидан биринчи яйловнинг танланиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, $P_1, EU = P_2 (8 - 6P_2) (3P_1 + 1)$ га, оддий ҳолатда $P_1 = P_2 = 1/2$ га эга бўламиз, бу $EU = 3,75$ ни беради. Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилганидан кейин эса иккинчи фермерга 4; яъни, $4 > 3,75$ га тенг бўлган ютуқ қафолатланган.

Иккала фермер ҳам бир вақтнинг ўзида битта яйловдан фойдаланган ҳолларда паст ютуқларга эришишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Мазкур ҳолат очиқ фойдаланишда бўлган ресурсларни нооқилона истеъмол қилишда ўз аксини топадиган «жамоат мулки фожиасини» намоён этади. Бундай ресурслардан фойдаланишнинг хусусий ва жамоат сарф-харажатларининг номувофиқлиги уларнинг тугашига олиб келади. Бошқача айтганда, ресурсга нисбатан мулкчилик ҳуқуқлари аниқ ўрнатилмаган ҳолларда унинг истеъмол қилиниши салбий ташқи таъсирлар ёки экстерналларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Яна мисол тариқасида иккала фермер томонидан бир вақтнинг ўзида бир яйловдан фойдаланилишини тасвирловчи ҳолатни кўриб чиқамиз. Мисолда ишлаб чиқаришнинг фақат иккита омили – фермерларнинг ери ва меҳнати ҳисобга олинсин.

Фараз қилайлик, яйловга қўшимча меҳнат бирлиги сарфланган, яъни биринчи фермер эгаллаган яйловга иккинчи фермер ўз подасини олиб келди. Ушбу ҳолатда қўшимча меҳнат сарфининг самараси пасаяди. Ишлаб чиқариш (етиштириш) умумий ҳажми ошгани ҳолда қўшимча меҳнат қилган фермернинг манфаатдорлиги пасаяди ва ўртача маҳсулотнинг камайиши юз беради. Агар яйлов хусусий мулкчиликда бўлса, у ҳолда мулкдорнинг шахсий сарф-харажатлари кўпроқ самара келтиради ва рента энг юқори бўлади. Агар яйлов умумий фойдаланишда бўлса, меҳнат сарфи самарадорлигининг даражаси пасайиб, рента йўқолади. Юқорида баён этилганларга яқун ясаб, таъкидлаш лозимки, мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнтилиши камида иккита сабабга кўра иқтисодий агентлар манфаатларига мос келади, яъни уларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги ноаниқлик (иккиланиш) камаяди ва ресурслардан фойдаланиш оптималлашади.

3.3. Мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси

Иқтисодиётда, хусусан мулкий муносабатлар шакллари ўрганишда мулкни таснифлаш муҳим ўрин тутаяди. Кўпчилик иқтисодчилар ва файласуфлар учун таснифлаш мезони сифатида мулк субъекти олинади. Агар мулк бир шахсга тегишли бўлса, у – хусусий. Агар у бир неча шахсга тегишли бўлса – жамоавий. Агар у бутун жамиятга тегишли бўлса – умумхалқ ёки давлат мулки ҳисобланади. Бундай ёндашув Ғарбдаги тадқиқотчилар учун мулкнинг учта шаклини ифодалашга асос бўлган.: хусусий, жамоавий ва ижтимоий. Баъзан уларга акциядорлик (корпоратив) ва давлат шакллари ҳам қўшимча қилинади. Баъзида акциядорлик мулкни жамоавий шакл деб, давлат мулкни эса ижтимоий шакл деб ҳисоблашади. Лекин бундан моҳият ўзгармайди.

- ихтиёрий шаклдаги мулкнинг намоён бўлиши қатор омилларга боғлиқ.


Жумладан:

- меҳнат шартлари ва натижаларини ўзлаштириб олиш усуллари;
- меҳнат шартлари ва натижаларини тасарруф этиш хусусиятлари;
- меҳнат шартларини такрор яратиш;
- фаолият турлари бўйича алмашишнинг асосий усули;
- натижалари қайта тақсимлаш усуллари;

Мулкчилик муносабати тарихан қандай шаклларда ривожланганлиги катта қизиқиш уйғотади (3.3.1-расм).

1. Жамоавий мулк. Мулк Ғарб ҳуқуқий тизимининг асос (антик тараққиёт)ини ташкил этади. У учта асосий хусусият билан тавсифланади:

- жамоавий мулк жамиятга – уни тўлақонли аъзолар деб тан олувчи индивидлар йиғиндисига тегишли;
- жамоавий мулкни қайта тақсимлаш ҳуқуқи мулк жамиятга тегишли;
- жамоавий мулк жамоавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.



3.3.1-расм. Мулк шакллари эволюцияси

Жамоавий мулкнинг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- а) бошқариш (тақсимлаш) ижтимоий;
- б) эгалик қилиш хусусий;
- в) жамоавий мулк объектдан воз кечиш тақиқланган;
- г) ижтимоий мажбуриятлар тизими;
- д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.

Жамоавий мулкнинг ривожланиши давлатчиликни юзага келтирган. Ушбу босқичида давлат мажбур этиш аппарати сифатида ҳали жамиятга қарши турмайди.

2. Олий мулк давлат мулкнинг дастлабки шаклидир. Давлатни ташкил этиш кўп ҳолларда мулкни, масалан, ерни зўрлик билан тортиб ва босиб олишлар оқибати бўлган. Олий мулкнинг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- а) мулк ва ҳокимиятнинг бўлинмаслиги;
- б) хизмат учун мукофот сифатида ресурсни ҳадя қилиш шаклида фаолият билан алмашиш;
- в) меҳнат шароитларини ишлаб чиқарувчиларга бириктириш (хусусий эгалик);
- г) бириктирилган ресурсларни тасарруф этиш учун давлат монополияси;
- д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.

Давлат бошлиғи бундай мулкнинг «олий мулкдорига» айланган ва уларни ўз фуқароларига тарқатган (ҳадя қилган). Ерни эгаликка олиш ва ундан фойдаланиш шарти давлатга хизмат қилишдан иборат бўлган. Олий ҳокимият ихтиёрида энг муҳим таъсир этиш воситаси – тортиб олиш (тасарруф этиш) ҳуқуқи қолдирилган. Бу бир вақтнинг ўзида иккита ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этиш имконини берган: ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжларини қондириш ва ишлаб чиқарувчини ўзи фойдаланадиган ресурсни такрор этиштиришга мажбур қилиш.

Аста-секин вақт ўтиши билан олий мулкчилик институти шароитида, давлат монополияси хўжалик фаолияти маҳсулотлари билан алмашув

ривожланишига тўсқинлик қила бошлаган. Иқтисодий эҳтиёжларнинг таъсири остида мулкчилик институти ўзгара бошлади. Натижада турли ишлаб чиқариш усулларига хос бўлган икки хил институт шаклланди: табақали ва кўп поғонали мулк.

3. Табақали мулк – олдинги даврда асосий меҳнат шарти бўлган табиий ресурсларга табақали монополияларнинг шаклланиши билан тавсифланади, дворянларнинг ўзларига «бириктирилган» мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқининг кенгайиб бориши билан изоҳланади.

Табақали мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- а) мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши;
- б) ишлаб чиқариш воситалари чекланган айланмасининг пайдо бўлиши;
- в) ҳокимият ҳуқуқларига нисбатан мулкчий ҳуқуқларнинг чекланган хусусияти;
- г) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;
- д) мулкдан олинадиган даромадни қайта тақсимлаш янги шаклининг пайдо бўлиши. Ривожланишнинг Европа моделига хос бўлган табақали мулкчилик институти давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш босқичи сифатида таърифланади.

4. Хусусий мулкчилик индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади ва қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- иқтисодий агентларнинг мустақиллиги;
- меҳнат шароитлари ва натижаларининг эркин айланиши;
- ҳокимият ҳуқуқларига қараганда мулкчий ҳуқуқларнинг етарлилиги;
- мулкдорнинг мулкчий жавобгарлиги.

Хусусий мулк институтининг шаклланиши тобеликнинг янги шакли – иқтисодий тобеликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажралиши билан бир қаторда ишлаб чиқарувчининг ўз меҳнатининг маҳсулига бўлган ҳуқуқидан маҳрум этилиши юз берди.

5. Корпоратив мулк. Кўплаб тадқиқотчилар корпоратив мулкни хусусий мулк билан тенглаштириб, корхонани ташкил этишнинг корпоратив шаклини мулккий мажмуани ишончли бошқариш шакли сифатида талқин этишни таклиф қилишади. Корпоратив мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: мулкнинг айрим шахсларга тақсимланганлиги; иқтисодий агентларнинг тобелик муносабатлари; иқтисодий агентлар жавобгарлигининг чекланганлиги; қайта тақсимлаш муносабатлари соҳасида мулкдан келадиган даромадлар ролининг кескин ортиши; мулкдор – корпорация ҳуқуқларини билвосита ҳимоялаш орқали меҳнат шароитларини такрорий яратиш.

6. Ижтимоий мулк. Ижтимоий мулк юридик ва жисмоний шахслар мулки билан бирга мавжуд бўлади. Жамият мулки, кўп ҳолатларда давлат томонидан бошқарилишига қарамай, унга тегишли эмас. Жамиятнинг муаммоси ресурсларни такрорий ишлаб чиқариш ва мулкдан даромад – монопол рентани олиш устидан назорат ўрнатишдан иборат.

Ижтимоий мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) жамиятнинг ҳокимият аппарати сифатида давлатдан ажратилиши;
- б) жамиятнинг табиий ресурсларга монополияси;
- в) ижтимоий мулк объектларидан фойдаланишнинг концессион механизми;
- г) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;
- д) ижтимоий мулкдан келадиган даромадлардан жамият аъзоларининг ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш.

7. Кўп погонали мулкчиликнинг вужудга келиши мулкдор ваколатларининг турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланиши жараёнини ўзида намоён этади. **Кўп погонали** мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- а) мол-мулк ва ҳокимиятнинг ажратилмаганлиги;

б) мол-мулк учун тўлиқ ҳуқуқларига эга бўлган шахсларнинг мавжуд эмаслиги;

в) мулкдор ваколатларини амалга оширишда иштирок этишнинг хизмат хусусияти;

г) улар ўртасида мулкчилик ваколатлари тақсимланадиган субъектлар ўртасидаги тобелик муносабатлари;

д) меҳнат шароитларининг ишлаб чиқарувчиларга бириктирилиши. Таъкидлаш лозимки, *кўп погонали* мулкчилик институти барча хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат шароитларини тасарруф этишдаги ҳуқуқларини сезиларли даражада чеклагани ҳолда, меҳнат натижаларининг эркин айланишинини истисно этмади. Демак, табиий ресурслар эмас, балки хўжалик фаолиятининг маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига айланишига қараб мазкур институтнинг иқтисодий асоси нурайд бошлади. Лекин бу ноиқтисодий мажбурлашга асосланган ҳокимият ўз мавқеини осонгина бўшатиб берганлигини англамайди. *Кўп погонали* мулкчилик институти ўз шаклини ўзгартирди. Тарихга ушбу ўзгаришнинг иккита йўналиши маълум: тоталитар ва бюрократия мулкчилиги.

8. Тоталитар мулкчиликка собиқ иттифокда мавжуд бўлган «давлат мулкчилиги» институти яққол мисол бўлади.

Тоталитар мулкчиликка мос келувчи режали-тақсимлаш иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига бириктирилган мол-мулкка фақат амалда эгалик қилишади ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳам, уни сотишдан олинган маблағларнинг ҳам эгаси ҳисобланмайди. Тоталитар мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- ҳокимият ва мулкнинг ажратилмаслиги;
- ишлаб чиқариш воситаларига давлат монополияси;
- меҳнат шароитларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида марказлашган тарзда қайта тақсимланиши;
- ишлаб чиқарувчининг ўзи етиштирган маҳсулот ва уни сотишдан олинадиган даромадни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши;

- меҳнат шароитларини марказлашган режалаштириш механизми ёрдамида такрорий яратиш.

9. Бюрократия мулкчилиги кўп поғонали мулкчилик ривожланишининг табиий маҳсули ҳисобланади. Ишлаб чиқариш эмас, балки қайта тақсимлаш катта миқдордаги пулларни пайдо қилади. Унинг асосий хусусиятлари:

а) мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;

б) ресурслар ва маҳсулотларни қайта тақсимлаш жараёнида амалдорлар иштирокининг қонунчиликда белгиланган имконияти;

в) нархлар ва тарифларнинг бюрократик тартибга солиниши;

г) хуфёна иқтисодиётнинг катта улуши;

3.4. Институционализмда мулккий полиформизм

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлди:

- собиқ тоталитар тизимдан қолган давлат мулки монополияси (яккаҳокимлиги)ни тугатиш;

- тенг ҳуқуқли хилма-хил мулкчилик шакллари вужудга келтириш;

- нодавлат мулк шакллари асосланган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;

- хўжалик субъектлари фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган рақобат муҳитини яратиш.

Чек ёки ваучер усулининг ёмон оқибатларга олиб келиши сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Бир неча авлодлар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг қўшган ҳиссасини ҳолисона баҳолаб бўлмайди. Шунингдек, мулкни тенг тақсимлаш ижтимоий адолатга зиддир.

2. Чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гуруҳини вужудга келтирмайди, балки уни кадрсизлантиради. Бу ерда юртбошимиз «текин нарсанинг қадри ҳам бўлмайди», деган халқ мақолини келтиради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги:

1. Давлат мол-мулкни фақат янги мулкдорга сотиш йўли билан мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш.

2. Хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш.

3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатларнинг яратилганлиги ва таъминланганлиги. Бунга кўра янги мулкдорга анча эскирган асосий фондлар текинга берилди. Меҳнат жамоаси ходимлари хусусийлаштирилаётган корхона акцияларини имтиёзли шартлар билан сотиб олиш имконига эга бўлишди.

Дастлаб кичик хусусийлаштириш амалга оширилди. Ушбу жараён асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулки қилиб бериш негизида амалга оширилди ва 1994 йилдаёқ тугалланди. Шу даврда савдо-сотик ҳажми ва умум овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоизидан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган иқтисодиёт секторига тўғри келди. Шунингдек, давлат уй-жой фондининг 95 фоизидан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди.

Бу ислоҳот 1994 йилнинг ўрталаридан бошланди ва оммавий хусусийлаштириш жараёнлари сифатида тафсифланди. Ушбу босқичнинг мазмунини, хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 21 январда қабул қилган “Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонлари белгилаб берди. Ушбу фармонларга кўра, бу босқичда очик турдаги акциядорлик жамиятлари яратилди, корхоналарнинг акцияларини эркин сотишга чиқарилди ҳамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорлари вужудга келди. Бу босқичда саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агросаноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта тозалаш тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналар, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги сайёҳлик комплексларининг хусусийлаштирилиши бошланди.

Бу даврда хусусийлаштириш жараёнига чет эллик инвесторлар давлат акциядорлик жамиятларининг муассислари бўлишлари учун имконият яратилди. Давлатнинг акциялардаги улуши 26 фоиздан ошмайдиган қилиб кўйилди. Акцияларнинг 50фоиздан кўпроғи эркин сотиладиган бўлди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида стратегик асосий вазифа сифатида давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш олға сурилган. Ушбу вазифанинг мазмунини - давлат мулкни дастлабки хусусийлаштиришни тугаллаш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллаштириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳукмрон мавқеини эгаллайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш вазифаси орқали намоён бўлади.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг қуйидаги асосий мақсадлари белгилаб берилган:

- хусусийлаштириш жараёнига амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидаги ўрта ва йирик корхоналарини киритиш;
- мулкчилик шаклларида қатъи назар яккаҳоқим корхоналарни ихчамлаштириш ва улар учун рақобатли бозор муҳитини яратиш;
- республика аҳолисининг кенг қатламларини, хорижий юридик ва жисмоний шахсларни хусусийлаштириш жараёнига қатнашувини таъминловчи механизмни такомиллаштириш;

- давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарга хусусийлаштирилгандан кейинги даврда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкнинг росмана бозорини вужудга келтириш.

Ушбу хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида эса қуйидагилар белгиланган:

1. Давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш махсус ишлаб чиқилган тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш дастури асосида амалга оширилади.

2. Хусусийлаштириш бўйича барча ишларнинг маркази тармоқ, умум республика даражасидан ҳудудий даражага кўчирилади.

3. Йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда акциядорликка ўтказиш, уларнинг негизида очик ҳиссадорлик жамиятлари тузиш.

4. Қишлоқда деҳқон, фермер хўжаликларини ташкил этиш орқали хусусийлаштиришни амалга ошириш.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш жараёни саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада, агросаноат комплексида, шунингдек ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилади. Бу босқичда саноатнинг ёқилғи-энергетика, кон саноати, машинасозлик билан пахтани қайта ишлаш комплексларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари кенг тус олади.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги, эркинлаштириш ва хусусий мулк миқдосларини кенгайтириш шароитида давлат мулкни хусусийлаштириш ва унинг тасарруфидан чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- хусусийлаштириш жараёнлари тармоқ таркибини белгилаб берувчи йирик корхоналарни қамраб олмоқда;

- хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторларни жалб қилиш, улар билан қўшимча тарзда инвестицион мажбуриятлар бўйича шартномалар тузиш;

- инвестицион мажбуриятлар хусусийлаштирилган корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилади;

- акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ва биржадан ташқари бозорларини ривожлантириш;

- хусусийлаштириш жараёнларига ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозорига жисмоний шахсларни, яъни фуқароларни кенг жалб қилиш;

- хусусийлаштириш жараёни ижтимоий инфратузилма, объектларини ўз ичига қамраб ола бошлади.

Кишилиқ жамиятида барча муносабатлар маълум бир тартиб асосида таркиб топган яхлитлик, тизим тарзида намоён бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тизим таркиби ғоят мураккаб бўлганидан иқтисодчилар унга турли жиҳатдан ёндашиб ўрганишади ва баҳо беришади. Буларга мулкчилик шакли, иқтисодий механизмнинг қандайлиги, иқтисодий фаолиятни, жамиятни бошқариш, тартибга солиш, жамият қандай ғояга асосланади, қандай сиёсат устуворлик қилади ва бошқалар.

Илмий абстракция методини қўллаб, иқтисодий алоқаларни соф тарзда олиб мулк типи ва тартибга солиш механизмига кўра, иқтисодиётни уч тизим анъанавий иқтисодиёт, марказдан режалаштиришга асосланган тизим ва бозор иқтисодиётига ажратилади. Улар ўзига хос белгиларга кўра биридан фарқ қилади. Бу тизимларни ўзини ҳам қатор белгилар асосида биридан фарқловчи босқичларга, тизимларга ажратиш мумкин.

Тарихий тараққиёт тажрибаси кўрсатадики, тизимлар ривожини икки йўл билан юз беради:

1. Тизим ривожланиб маълум бир чегарага етгач, ривожланиш имконияти тугаб, янги, аввалгисига нисбатан кенг имкониятга эга, истиқболли тизим билан алмашади.

2. Мавжуд тизим бағрида янги имкониятлар топилиши жамиятнинг сифат жиҳатдан ривожланишига йўл очади. Биринчиси кўпинча революцион тарзда амалга ошган. Натижада, мавжуд тизим ўрнига аввалгисига нисбатан

инсоният нуқтаи назаридан мукамалроқ тизим ўрнатилган. Иккинчисида жамиятнинг янги иқтисодиёт томон трансформацияси юз беради. Ҳозирги пайтда умуминсоний, умумбашарий тизим сифатида бозор (аралаш) иқтисодиёти эътироф қилинмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт маълум тизим дорасида юз берар экан, кишилиқ жамияти ўз нуқтаи назаридан мукамалроқ тизим ўрнатиш учун интилади. Натижада, тарихий тараққиёт кенгайиб борувчи спиралсимон тарзда рўй беради.

4-БОБ. ФИРМАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

4.1. Шартномалар тушунчаси ва унинг турлари

4.2. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси.


4.3. Уй хўжалиги ва унинг хиллари.

4.4. Трансакция ва трансформация харажатлари.

4.1. Шартномалар тушунчаси ва унинг турлари

Шартнома – белгиланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

Институционал таҳлил оқилона танлов моделининг умумий эмас, балки хусусий ҳолатини кўриб чиқиш учун замин яратади. Ушбу модел универсал эмас, у алоҳида институционал доираларда шахсларнинг хатти-ҳаракатни ёритиш билан чегараланади, бунда шахслар ушбу доираларга чекланган даражада таъсир кўрсатади. Оқилона танлов моделини институционал доираларга жойлаштириш «доира самараси» деб ном олди. Бироқ оқилона танлов институционал доираларини фақат чегаралаш (гиёҳвондлик моддалари, қурол-аслаҳа, бошқа ижтимоий хавфли товарлар ва хизматлар олди-сотдиси тўғрисида шартномалар тузиш учун қонуний тақиқ) сифатида талқин этиш нотўғри бўлади. Институционал доиралар нафақат чеклайди, балки оқилона танловни амалга ошириш учун замин яратиши мумкин. Шу тариқа, ишончнинг норасмий меъёри ҳам, томонларнинг шартномадан келиб чиқувчи *мажбуриятларининг* пайдо бўлиши тўғрисидаги расмий қоида ҳам, ҳатто шартнома тузиш ва уни бажариш лаҳзаси ўртасида анча вақт ўтган тақдирда ҳам ҳуқуқлар билан алмашиш имконини беради. Бундай институционал доираларда амал қилувчи «муносабатли» одам, ўз хусусиятларига кўра homo oeconomicusдан фарқ қилади – биринчи тушунча иккинчисига қараганда анча кенг.



4.1.1-расм. Шартномавий мажбурият доираси

«Муносабатли» одам оқилона мақсадли ҳаракат меъёрига амал қилади, лекин шу билан бирга у ўз хатти-ҳаракатини ишонч, эмпатия ва бозор конституциясини ташкил қилувчи бошқа меъёрлар асосида ҳам қуради.

Уни тузиш ва бажариш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигини назарда тутувчи шартнома одатий ҳолатни ўзида намоён этади.

Бозор конституциясига кўра, шахс хатти-ҳаракатига «табiiй» омилларнинг таъсирини аниқ олдиндан айтишнинг иложи йўқ. Чунки бозор конституцияси *шахс* ва «*табиат*» ўртасидаги эмас, балки *шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисини ўзида намоён этади. Шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижаларига «Табиат» таъсирининг учта варианты мавжуд.*

1. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатмайди, шахслар ушбу ҳолатда *аниқлик* шароитида бўлади

2. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиш мумкин. Шахс томонидан қабул қилинадиган қарорни муқобил натижаларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли маълум бўлганида «ҳисоблаб чиқиш» мумкин.

3. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиб бўлмайди. Қарор қабул қилиш натижаларини «ҳисоблаб чиқиш» мумкин эмас, чунки қарорни қабул қилиш вақтида уларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли эмас, балки фақат унинг муқобил яқунлари маълум.

Хатар ва ноаниқлик шароитида ҳамма шахслар ҳам бир хил ҳаракат қилмайди. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг учта хили мавжуд: хатарга *қарши* инсонлар; хатарга *бетараф* муносабатда бўладиган инсонлар ва хатарга *мойил* инсонлар.

Қайси институционал доиралар инсонларнинг «табiiй» («табиат» билан шартланган) хатар ва ноаниқликларга бўлган муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартномалар тузиш имконини беради? Ушбу институционал доиралар битим томонларидан бирига ўзаро ҳамкорлик натижаларига «табiiй омиллар» таъсиридан қатъи назар, қафолатланган даромад олиш ҳуқуқини қўлга киритиб, хатардан воз кечиш имкониятини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартномада белгиланади. Бироқ бунда шартноманинг хатарга қарши бўлган томони вазият қулай тус олган ҳолларда катта даромад олиш учун эътирозлардан воз кечади.

«Ёллаш тўғрисидаги шартнома» атамаси ёлланма ходим ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорлиги моделидан келиб чиқиб, унда шу нарса назарда тутиладики, ёлланма ходим – хатарга қарши, иш берувчи эса хатарга нисбатан бетараф. Бозор конъюнктураси ва ёлланма ходим ишлаб чиқарадиган маҳсулотга бўлган талаб қандай бўлишидан қатъи назар, у меҳнати учун қатъий белгиланган мукофотни олади. Бунда шартноманинг ўзида қайси ҳаракатларни амалга оширганлик учун ёлланма ходим мукофот олиши аниқ кўрсатилмайди, ҳаракатлар хусусияти «табiiй» омиллар билан шартланган у ёки бу вазият содир бўлишидан келиб чиқади. Амалда ёллаш тўғрисидаги шартнома фақат ёлланма ходимнинг иш берувчининг қарорларига бўйсунити зарурлигини қайд этади.

Энди юқорида айтилганларни қатъийроқ шаклда намоён этамиз. Шартнома тузиш палласида унинг амалга оширилишига шартнома иштирокчиларининг назорати остида бўлмаган e_i воқеалар таъсир кўрсатиши маълум, дейлик. Шу билан бирга ушбу p_i воқеаларнинг содир бўлиши эҳтимоли ҳам маълум. У ҳолда ёллаш тўғрисидаги шартномани тузишда иш берувчи томонидан ёлланма ходим шартноманинг амалга оширилиши

палласида қандай e_i воқеа содир бўлишига қараб бажариши учун x_i вазифани танлаш тартиби тафсирланади. Ёллаш тўғрисидаги шартномада бутун X вазифалар йиғиндиси ҳақида келишиб олинади, шулардан иш берувчи, бунда ўзининг фойдалилик функциясини максималлаштирган ҳолда x_i ни танлаши мумкин. Яъни ёллаш тўғрисидаги шартнома деб X вазифалар йиғиндисининг унда функциянинг максимал қиймати

$$EU[p_1x_1(e_1) + p_2x_2(e_2) + \dots + p_kx_k(e_k)],$$

бу ерда x_1, \dots, x_k қ X бўлган тафсирсига айтилади, бу ерда EU – иш берувчининг кутилаётган фойдалилиги. Ёллаш тўғрисидаги шартномага сотиш тўғрисидаги шартнома муқобил ҳисобланиб, унда эҳтимолий вазифаларнинг йиғиндиси эмас, балки бажариш учун қабул қилинадиган ва e_i воқеалар содир бўлишининг маълум эҳтимоллиги асосида белгиланган муайян вазифалар ҳақида келишиб олинади. Шундай қилиб, сотиш тўғрисидаги шартнома қуйидаги функциянинг қиймати максимал бўладиган (шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида) келгуси даврларда бажариш учун қабул қилинадиган вазифаларни белгилаб беради:

$$p_1U[x_1(e_1)] + p_2U[x_2(e_2)] + \dots + p_kU[x_k(e_k)],$$

бу ерда U – битим иштирокчиларининг x_i топшириғини бажаришдан умумий фойдалилиги.

Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини топширади.

Сотиш тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

Сотиш тўғрисидаги шартнома фақат унинг иккала томони ҳам хатарга нисбатан бетараф бўлиб, кутилаётган воқеалар содир бўлмаслиги ва шартномада қайд этилган вазифалар юзага келадиган вазиятга мос бўлмаган эҳтимолликка қўнишга тайёр бўлган тақдирда тузилиши мумкин.

Демак, сотиш тўғрисидаги шартнома хатарга бир хил муносабатда бўладиган – хатарга бетараф шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Ёллаш тўғрисидаги шартнома эса хатарга ҳар хил муносабатда бўладиган – хатарга бетараф ва хатарга қарши инсонлар ўзаро ҳамкорлигининг институционал доираларини ёритади. Хатарга қарши шахслар (ёлланма ходимлар) хатарга бетараф бўлган шахслар (иш берувчилар) фойдасига ўзларининг келгусида «табiiй» омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат стратегиясини эркин танлаш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечишади. Шахснинг шартномада белгиланган фаолият тури устидан *назорат қилиш ҳуқуқининг ихтиёрий равишда топширилиши* юз беради. Худди ресурсларни тасарруф этиш ҳуқуқини топшириш каби шахс ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини ҳам топшириши мумкин.

Шундай қилиб, шахс, агар у бошқа шахс томонидан назорат қилинган тақдирда катта фойда ва (ёки) назорат қилиш ҳуқуқи топширилаётган шахсдан компенсация олишига ишонса, ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг топширилишидан *манфаатдор* ҳисобланади.

Шахс томонидан фаолиятнинг шартномада белгиланган соҳалардаги ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг топширилиши ҳукмронлик муносабатларининг асосида ётади. Ҳукмронлик муносабатлари бир неча хилда бўлади:

- *оддий*, унинг доирасида назорат айнан унга назорат қилиш ҳуқуқи топширилган шахс томонидан амалга оширилади;
- *мураккаб*, бунда унга назорат қилиш ҳуқуқи топшириладиган шахс бир вақтнинг ўзида ушбу ҳуқуқни учинчи шахсларга топшириш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади;

- *песонафикацияланган*, унда назорат қилиш муайян шахсга топширилади;

- *позицион*, у назоратнинг муайян шахсга эмас, балки жамиятнинг институционал таркибида (давлат аппаратида, фирманинг ички тузилишида ва ҳ.к.) муайян мавқега эга бўлган шахсга топширилишини назарда тутди.

Энди ёллаш тўғрисидаги шартнома билан сотиш тўғрисидаги шартномани ўзаро таққослаган ҳолда, бевосита шартнома таркибини муҳокама қилишга киришамиз. Шартноманинг учта базавий хили маълум – *классик, имплицит* ва *неоклассик*.

Классик шартнома, унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

Имплицит (бундан «имплицит», яъни охиригача келишилмаган шартнома атамаси келиб чиққан) шартнома эса, аксинча, ўзаро ҳамкорликнинг аниқ белгиланишини истисно этади, шартнома томонлари шартноманинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг тафсилланишини назарда тутди. Бундай шартнома ёллаш тўғрисидаги шартномадан ҳосил қилинган. Неоклассик ёки гибрид, «муносабатли» шартнома ўзида ҳам ёллаш тўғрисидаги шартноманинг, ҳам сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради ва томонларга қўйилмаган ҳолатлар содир бўлганида унинг ҳарфларига амал қилмаслик имконини беради.

Қуйидаги жадвал ёрдамида учта хилдаги шартноманинг таркиби ва параметрларини солиштирамиз.

4.1.1-жадвал

Шартнома таркиби ва хусусиятлари

Классик	Неоклассик	Имплицит
1. Шартнома томонларининг тавсифи		
Иштирокчиларнинг ҳар бирининг ўрнини босадиган шахсни топишнинг осонлиги.	Тенг топишнинг туфайли томонлари	Ўринбосар қийинлиги шартнома бир-бирига
		Битим иштирокчиларининг икки томонлама боғлиқлиги: натижа уларнинг биргаликда фаолият юритишга қодирлигига боғлиқ.

Натижа иштирокчиларнинг таркибига боғлиқ эмас. Томонлар хатарга нисбатан бир хилда бетараф.	боғлиқлигининг юқори даражаси. Томонлар хатарга нисбатан бетараф.	Бир томон хатарга нисбатан бетараф, иккинчи томон хатарга қарши.
2. Шартнома шакли		
Шартнома стандарт шаклда, унда шартномани бажаришнинг барча деталлари ҳақида тўлиқ келишиб олинган.	Шартнома шакли «битимга мослаб» махсус ишлаб чиқилади. Шартнома тўлиқ тафсирланмаган, балки тузатишлар киритиш учун имконият қолдиради.	Шартноманинг асосий қоидалари эксплицит тарзда умуман тафсирланмаслиги мумкин. Шартнома томонларнинг бири томонидан ўз ҳаракатини назорат қилиш ҳуқуқининг бошқа томонга топширилишига олиб келади.
3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар		
Томонлар тўлиқ мухториятни сақлаб қолишади.	Томонлар мухориятни сақлаб қолишади.	Ҳукмронлик муносабатлари: фаолиятни назорат қилиш ҳуқуқини топшириш.
4. Шартнома тузиладиган давр		
Қисқа муддатли.	Ўрта ва узоқ муддатли.	Узоқ муддатли. Шартноманинг амал қилиш даври ҳақида умуман келишмаслик мумкин: у томонлардан бири учун назорат қилиш ҳуқуқидан мустақил фойдаланганга қараганда уни топшириш фойдалироқ экан, амал қилаверади.
5. Кутилмаган ҳолатларга мослашиш усули		
Шартномани янги шартларда қайта тузиш	Музокаралар, позицияларнинг келишиш, «томонларнинг ўзаро муносабатлари мобайнида тўпланган барча ўзаро ҳамкорлик тажрибаси» асосида ўзаро воз кечишлар.	Шартнома томонларидан бирининг бошқа томон қарорларига бўйсунishi (Х вазифалар йиғиндисидан х вазифанинг бажарилишига тааллуқли).
6. Шартнома шартларини бажаришга ундовчи омиллар		
Кучли: томонларнинг мукофотланиши шартномада қайд этилган муайян вазифаларнинг бажарилиши билан боғланган.	Ўртача: «оқлаш» докторинасидан фойдаланиш томонларга мажбуриятларнинг бажарилишига тўсиқ сифатида кутилмаган ҳолатларни баҳона қилиш имконини беради.	Кучсиз: шартнома томонларидан бири назорат ҳуқуқини топширганлик факти учун қатъий белгиланган мукофотни олади.
7. Шартнома шартларини бажармаганлик учун санкция		
Шартноманинг ўзида қайд этилган ҳуқуқий санкциялар.	Томонларнинг узоқ вақтли ўзаро ҳамкорлик қилиши даври мобайнида орттирилган обрўнинг йўқотилиши.	Маъмурий жазо, назорат ҳуқуқини топширганлик учун компенсациянинг кам фойдали шартлари

8. Низолар ҳал этиладиган инстанция		
Суд	Учинчи томон: арбитраж суд, ҳакамлар суди.	Низоларни ҳал этиш қандайдир учинчи томон жалб қилинмаган ҳолда, ҳокимиятдан фойдаланиш асосида амалга оширилади.
9. Низоларни ҳал этиш тартиботи самарадорлигини чекловчи омиллар		
Суд тасарруфида бўлган ахборотнинг чекланганлиги. қонундан фойдаланиш нархи нолга тенг эмас.	Ҳакамлар суди ёки арбитраж судининг обрўси. Учинчи томонга топшириладиган ваколатларнинг чекланганлиги (арбитраж бундан мустасно). Хуфёналик нархи нолдан фарқ қилади.	Маъмурий назоратни амалга ошириш харажатлари. Ҳар қандай низо ўзида томонларнинг нафақат «овоз бериш», балки «чиқиш», яъни топширилган назорат ҳуқуқини қайтариб олиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланиш имкониятини ўзида мужассамлантиради.
10. Мисоллар		
Олди-сотди шартномаси	Франчайзинг. Табиий монополияларнинг тартибга солиниши. Транспорт, энергетика ва хомашё компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли шартномалар.	Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасидаги шартнома. Фирма ичидаги муносабатларнинг бутун мажмуи.

Шахслар ўзаро ҳамкорлигининг умумий доиралари институтлар томонидан белгиланади. Битимларни тузиш шартларининг муайян доиралари эса ўзаро ҳамкорликнинг турли иштирокчилари ўртасида қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 9-боби (101-112-моддалар) битимларга бағишланган. Агар мулкчилик ҳуқуқлари назариясининг атамаларидан фойдалансак, мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги ҳар қандай келишувни шартнома, деб аташ мумкин. Шартномани тузишда шахслар расмий ва норасмий меъёрларни муайян битим эҳтиёжлари учун қўллаган ҳолда, улардан фойдаланишади. Бошқача айтганда, шартнома белгаланган институционал доираларда амалга ошириладиган алмашув мақсадлари ва шартларининг шахслар томонидан онгли равишда ва эркин танланишини акс эттиради.

4.2. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси

Принципиал жиҳатдан янги ҳолат – шахс томонидан ёллаш тўғрисидаги шартнома доирасида ўз ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқининг ихтиёрий

равишда топширилиши – бозор конституцияси меъёрларига тузатишлар киритишни талаб қилади. Биринчидан, мураккаб утилитаризм меъёрига фақат ёллаш тўғрисидаги шартноманинг томонларидан бири – унга назорат ҳуқуқи топширилаётган томон амал қилади. Битимнинг ушбу томонини «принципал» ёки «топшириқ берувчи» деб атаймиз. Битимнинг иккинчи томони – «агент» ёки «ижро этувчи» маълум даражадан ортиқ бўлган мукофот эвазига ўз ҳаракатларини ўзи назорат қилиш ҳуқуқидан воз кечади. Бошқача айтганда, «агент» ўзининг фойда олиш даражасини оширмайди, балки фойданинг маълум даражасига эришишни мўлжаллайди (чекланган утилитаризм меъёри). «Принципал» ва «агент» ўртасидаги муносабатлар қатъий шаклда қуйидаги тенгламалар билан ёритилади:

$$\max EU(\text{principal}) = EU[f(Q), Q, A, S],$$

$$EU(\text{agent}) = EU(Y, A, S) \geq U,$$

бу ерда: Q – шартномани амалга ошириш натижаси ("чиқиш");

Y = f(Q) - "агент" фаолиятига ҳақ тўлашнинг танланган схемаси;

A - ""принципал" томонидан қўйилган вазифаларни бажариш бўйича агент" қўллайдиган саъй-ҳаракатлар;

S – шартнома томонларига боғлиқ бўлмаган «табiiй» омиллар.

Иккинчидан, «агент»нинг хатти-ҳаракати оқилона мақсадли ҳаракат тамойилларини бузади, чунки у мақсадларни танлашда эркин эмас – мақсадлар «принципал»нинг манфаатлари билан белгиланган. «Агент» ўз ҳаракатларида ўз манфаатларига амал қилмаслиги керак, у биринчи навбатда «принципал»нинг манфаатларини кўзлаши лозим. Идеал «агент» «принципал»нинг манфаатларини ўз манфаатлари сингари қабул қилади.

Учинчидан, ишонч меъёрини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. «Агент» «принципал»га у томонидан у ёки бу вазиятда қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан ишониши лозим. «Принципал»га ишонмаган «агент» унга назорат қилиш ҳуқуқини топширишдан манфаатдор эмас. Бундан ташқари, «агент» «принципал» «агент»нинг ҳаракатлари устидан назорат соҳасини шартнома билан

белгиланмаган муносабатларга ҳам ёймаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Тескари ҳолат нотўғри, чунки «принципал» ҳатто «агент»нинг ҳаракатларини ўз фойдалилигини эмас, балки «принципал»нинг фойдалилигини оширишга йўналтириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан маълум даражада ишочсизлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Тўртинчидан, ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш учун эмпатия нормаси талаб этилмайди. «Принципал» мукофотнинг «агент» рози бўладиган энг паст даражасини билиши кифоя қилади. Унда иккала томон ҳам шартнома ёрдамида ўзининг фойдалилигини оширадиган, «симметрик барқарорлик» мезонига жавоб берувчи сотиш тўғрисидаги шартномадан фарқли ўлароқ, ёллаш тўғрисидаги шартнома симметрик барқарорликни назарда тутмайди. Бир томондан, ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга оширишдан ютуқни тақсимлаш ассимитрик хусусиятга эга. Иккинчи томондан - ҳатто «агент»га ўз ҳуқуқларини «принципал»га топширганлик учун тўланадиган компенсация «горизонтал бўйича» эмас, фақат «вертикал бўйича» муносабатларга тааллуқли. Ёллаш тўғрисидаги шартнома бир неча «агент»га амал қилинган ҳолларда улар ўртасидаги муносабатлар «принципал»га мурожаат этиш орқали тартибга солинади ва шунинг учун симметрик барқарорликка эришишга йўналтирилмаган.

Ва ниҳоят, қонунга бўйсунуш меъёрига зарурат йўқ, чунки шартномани амалга ошириш юзасидан келиб чиқадиган низолар умуман қонунга бўйсунуш орқали ҳал этилмайди. Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши билан боғлиқ барча масалалар «ички ҳакам» - «принципал» томонидан ҳал этилади.

Шу тариқа «принципал» ва «агент»нинг ёритилган ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндиси буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясини эслатади. Лекин, бу тасодиф эмас. Неоинституционал назария асосчиси, Нобель мукофотининг лаурияти Роналд Коуз ўзининг «Фирма табиати» мақоласида буйруқбозлик асосига эга бўлган иқтисодий муносабатлар бозор тизимининг ичида ҳам мавжуд, деган

хулосага келади. «Бизнинг иқтисодиётда режалаштириш мавжуд... Фирма ичида... бозор трансакцияларига барҳам берилган, алмашув трансакцияларига эга бўлган мураккаб бозор тузилмасининг ролини эса мувофиқлаштрувчи тадбиркор ўйнайди, у ишлаб чиқаришни ҳам бошқаради».

Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиёти конституцияси нафақат тарихий жиҳатдан қизиқиш уйғотади, балки у алоҳида тузилмалар – ёллаш тўғрисидаги шартнома асосида юзага келадиган *ташкilotлар* доирасида муносабатларни тартибга солади. Ташкilot деганда биз «таърифланадиган чегараларга эга бўлган ва мақсадларга ёки иштирокчи аъзолар томонидан тақсимланадиган мақсадлар йиғиндисига эришиш учун фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштириш бирлиги»ни тушунамиз. Фирмалар (мувофиқлаштиришнинг иқтисодий бирликлари), касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, университетлар, фойда кўрмай ишловчи ташкilotлар ва кўплаб бошқа «мувофиқлаштириш бирликлари» ташкilotлар ҳисобланади. Ушбу таърифдан ташкilotнинг учта асосий хусусияти келиб чиқади.

Иштирокчилар йиғиндиси.

1. Барча иштирокчиларни «принципал» манфаатларидан ҳосил бўлган ташкilot мақадларига мослашув даражаси.

2. Ҳукмронлик муносабатларининг расмий тузилмаси, маълум даражадаги мураккаблик билан тавсифланувчи кўп поғоналилик.

Ташкilot – ҳукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларининг айримлари – «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг унинг бошқа иштирокчиси – «принципал»га топширилиши асосида қурилган мувофиқлаштириш бирлиги.

Ташкilotни мувофиқлаштириш бирлиги сифатида таърифлаш ушбу тушунча ва инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилаб берувчи «институт» тушунчасини аниқ чегаралашни талаб қилади. Уларни куйидаги жадвал ёрдамида таққослаймиз (4.2.1-жадвал):

Институт ва ташкилотнинг фарқланиши

Институт	Ташкилот
<i>Макроинституционал</i> тоифа	<i>Микроинституционал</i> тоифа
Ўзаро ҳамкорликнинг <i>умумий</i> доираларини белгилайди	Ўзаро ҳамкорлик(лар)нинг <i>муайян</i> доираларини белгилайди
<i>Соф ижтимоий</i> <i>неъмат</i> тавсифига эга	<i>Клуб неъмат</i> и тавсифига эга
<i>Индивидуаллашмаган</i> ва <i>нолокал</i> трансакцияларни тартибга солади	Аниқ чегараланган, <i>демак, индивидуаллашган</i> ва <i>локал</i> трансакцияларни тартибга солади
Шахслар институтларнинг ўзгариш жараёнига таъсир кўрсата олишмайди	Ташкилот шахсларнинг онгли равишдаги танлови натижаси саналади
Ҳукмронлик муносабатларининг элементи <i>мавжуд эмас</i>	Ҳукмронлик муносабатлари ташкилот <i>фаолият кўрсатишининг асосида</i> ётади
Трансакция харажатларининг таркибини ва миқдорини белгилайди	Институционал доиралар томонидан белгиланган трансакция харажатларининг тежалишига кўмаклашади

Трансакция харажатларини тежашга тааллуқли бўлган сўнгги фарқ хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш ўша мақсадлар учун сотиш тўғрисидаги шартноманинг институционал доираларидан фойдаланишдагига қараганда анча кам трансакция харажатлари билан боғлиқ. Тежаш, биринчидан, шартномани мунтазам қайта тузиш зарурати йўқолиши муносабати билан, иккинчидан эса, шартноманинг имплицит шакли – ўзаро ҳамкорликнинг барча деталларини аниқ тафсирлашдан воз кечиш ҳисобидан пайдо бўлади.

Трансакция харажатларини тежашнинг қолган бизга маълум воситалари ичида *ташкилот* бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Битимлар тузишда музокаралар юритиш харажатларини тежаш имконини берувчи стандарт (намунавий) шартномалардан фойдаланиш; ўлчаш харажатларини пасайтирувчи сифат, ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш; жамиятда мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва

ҳимоя қилиш харажатларининг камайишига олиб келувчи консенсус мафкурасини шакллантириш каби воситалар шулар жумласидандир. Уларни қўллаш интенсивлигини ошириш билан юқорида кўрсатилган барча учта воситанинг самарадорлиги пасаймайди. Аксинча, ушбу воситалардан қанчалик кенг фойдаланилса, бир битим ҳисобида трансакция харажатларининг миқдори шунчалик кам бўлади.

Ташкилот доирасида трансакция харажатларини тежаш борасидаги ишлар эса бошқача кўринишга эга. Трансакция харажатлари миқдорларининг ўсиши, яъни ташкилий доираларда битимлар кўпроқ амалга оширилиши билан ушбу соҳада унинг самарадорлиги камаяди. Ташкилот ичида битимларни амалга ошириш ҳамон ахборотни қидириш харажатларини, шунингдек музокаралар юритиш харажатлари ва шартнома тузиш харажатларини пасайтириш имконини берса-да, бунда бошқа хилдаги харажатларнинг ўсиши юз беради. Ташкилот ўлчамларининг ортиши билан, биринчи галда, мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари ошади. Биринчидан, ташкилот иштирокчилари сонининг ўсиши билан улар манфаатларининг бирлигига, аниқроғи улар манфаатларининг «принципал» манфаатларига мос келишига эришиш қийинлашади. Шунинг учун «принципал» мониторингни ва «агентлар» ҳаракатини назорат қилиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тўғри келади. Бундан ташқари, ташкилотнинг ўсиши «принципал»ни, «агентлар»ни назорат қилиш бўйича ваколатларининг бир қисмини ўз вакиллариغا топширган ҳолда, мураккаб ҳукмронлик муносабатлари схемасига ўтишга мажбур этади. Ушбу таркибий ўзгаришлар нафақат «агентлар»ни назорат қилиш харажатларининг ортиши билан, балки «принципал» манфаатлари вакилларининг ҳаракатларини назорат қилиш зарурати билан ҳам боғлиқ

Р.Коуз [42] ташкилотнинг ўсиши билан камаювчи самарадорликни «менежментнинг камаювчи маржинал самарадорлиги» деб номлади ва *ҳамма вақт институтга (бозорга) нисбатан ташкилот (фирма) ўсишининг чегараси мавжуд* деган фикрга келди. «Фирма фирма ичидаги битта

кўшимча трансакцияни ташкил этиш харажатлари ўша трансакцияни очик бозорда алмашиш орқали амалга ошириш харажатлари билан тенглашгунга қадар кенгайиб боради...». Яъни, ёлғиз фирмадан ташкил топган иқтисодиёт (буйруқбозлик иқтисодиётини ана шундай дейиш мумкин) бўлиши *мумкин*, лекин менежментнинг маржинал самарадорлиги камайиши туфайли у *самарасиз* бўлади.

Масалан, А фирма бозорда Б, В ва Г фирмалардан (сотиш тўғрисидаги шартнома доирасида) сотиб олинган бутловчи қисмлардан компьютер йиғиш билан шуғулланади, дейлик. Ўзининг трансакция харажатларини оптималлаштирган ҳолда, А фирма Б фирма билан ягона корхона тузишга қарор қилади. У В фирма билан ҳам масалани худди шу тариқа ҳал этади. Г фирмани ягона ташкилий тузилмага киритиш фирма ичидаги бошқарув ва назорат харажатларининг ўсиши туфайли фойдасиз бўлиб чиқиши мумкин. Шундай қилиб, А фирма томонидан В фирманинг кўшиб олиниши *чегара* битим ҳисобланиб, шундан сўнг кейинги кенгайтириш самарасиз бўлиб қолади.

Лекин, институт билан ташкилот ўртасидаги чегаранинг аниқ демаркацияси сотиш тўғрисидаги шартнома (бозор битимлари)нинг ҳам, ёллаш тўғрисидаги шартнома (фирма ичидаги битимлар)нинг ҳам элементларини ўзида бирлаштирувчи неоклассик шартномаларнинг мавжуд бўлиши факти билан қийинлашади. Масалан, А фирма ўз таркибига Г фирмани бирлаштиришдан бош тортиши, лекин айти пайтда у билан бутловчи қисмларни етказиб бериш учун шартнома тузиши мумкин, бу ҳукмронлик муносабатлари асосида эмас, балки икки томонлама келишув асосида бозорнинг «табiiй» олдиндан айтиб бўлмаслигидан кўриладиган зарарларни пасайтириш имконини беради.

4.3. Уй хўжалиги ва унинг хиллари

Уй хўжалиги хусусидаги илмий қарашлар қадимдан мавжуд бўлиб иқтисодий – ижтимоий тараққиёт сабоқларини ҳисобга олган ҳолда

ривожланиб келган. Уй хўжалиги оилага асосланганидан дастлабки қарашларда “оила хўжалиги” деган тушунча қўлланилган. Улар Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда вужудга келган. Бу қарашлар оиланинг меҳнат қилиши, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланиши, топганини сарфлаб истеъмолини қондириши хусусидаги қарашлар билан чекланган.

Турли назарий қарашларда уй хўжаликларининг табақаланишига эътибор берилиб, уларнинг турли тоифаларини тавсифлаш ҳам бўлган. Инглиз иқтисодчиси Ч.Бут оилавий хўжаликларни классификациясини ишлаб чиқиб, уларни қуйи ўрта ва юқори синфларга ажратади, уларни бюджетлари ўртасидаги фарқланиш хусусиятларини кўрсатиб беради. Француз олими Ф.Лепле оила хўжалигини статистик тахлилини ўтказиб унинг бюджет даромадлари ва харажатларини ўрганади, у харажатлар миқдори ва таркибини даромадлар белгилашини кўрсатиб беради¹⁰. Ундан сўнг оила бюджетини атрофлича ўрганган Австриялик иқтисодчи олим Э.Энгель бўлади. У оила даромадларининг миқдори билан унинг харажатлари таркиби ўртасидаги алоқадорликни асослаб беради ва кейинчалик назарий қонун Энгель қонуни номини олади.

Иқтисодиёт назарияси ривожда турли муаллифлар уй хўжаликларининг фаровонлиги ва унга эришишдаги муқобил танловга таянган хатти-ҳаракатлар тахлилига ҳам эътибор берилади. Шу ўринда иқтисодчилардан В.Парето ва А.Пичунинг фаровонлик назарияси эътиборга лойиқдир. Улар назариясига кўра индивидуал ва умумий фаровонлик узвий боғланади, уни таъминлашда бозорнинг ўзидан ташқари давлатнинг тадбирлари ҳам иштирок этади. В.Парето энг юқори фаровонликни таъминлашга рақобатли бозор қодир, чунки бу ерда истеъмолчи нимани афзал кўрса шунга эриша олади деб ҳисоблайди. Унинг “Парето оптимуми” номини олган ғояси асосан ҳеч кимнинг фаровонлиги маълум бир кишининг фаровонлигини ёмон қилмасдан туриб яхши бўлиши мумкин эмас, деб

¹⁰ М.Блауг экономическая мысль в ретроспективе М.1996г. стр-543

кўрсатади. Бу билан у бозор кучларининг фаровонликдаги тенгсизлигига олиб келади ва шу сабабли ижтимоий фаровонликни ошириш учун бозор берадиган даромад билан чекланмай, давлат йўли билан (солиқлар, нархларни тартиблаш) даромадларни қайта тақсимлаш зарур деб таъкидлайди. А.Пичу кишилар фаровонлиги миллий девидент (даромад) билан аниқланиб, унга бир ойлик ўз топган пулига сотиб оладиган нарсаларни ва уй-жойни киритади. Пичу хонадонга тегадиган девидент миқдорини унинг ресурслари берадиган сўнги натижа билан боғлайди¹¹.

Неоклассик назарияда энг катта эътибор бериладиган нарсаси бу - уй хўжаликларининг иқтисодий саъй ҳаракатлари ва уларни белгиловчи мотив кўринишидаги омиллардир. Бунга биринчилар бўлиб маржиналистлар киришган, улар классиклардан фарқли ўлароқ, иқтисодиёт субъектларининг хатти-ҳаракатларини фақат объектив шароит билан эмас, балки субъектив интилишлар ҳам юзага келтиришини қайд этади. Австрия олими Б.Баверк уй хўжаликлари ўз танловида “оптимизм”га берилиб узоқни кўра билмайдилар, ҳозирги неъматларга устуворлик берилиб бўлғуси неъматларнинг юқори нафлилигини кўра билмайдилар деб ҳисоблайди. Аммо, бу фикрни бошқа маржиналистлар К.Менгер ва Ф.Визерлар маъқулламаган. К.Менгер узоқни кўра билмаслик жорий истеъмолга эмас балки мерос қолдириш ва ноаниқ келажак учун жамғариш билан боғлиқ деб ҳисоблайди¹².

Маржиналистлардан швецариялик олим Л.Вальрас барча субъектлар ўз мақсадига эришиш йўлида ўз ҳаракатини рационал қилиб уни оптималлаштиришга интиладилар, аммо бунинг учун ахборотлар етарли бўлиши талаб қилинади, чунки шунга таяниб нима иш қилиши ҳақида иқтисодий қарорга келинади. Унинг фикрига кўра бозор ҳеч кимга устуворлик бермайди, лекин ҳаммага нимани афзал кўрса шунини танлаб олиш учун имкон яратади. Л.Вальрас ғоясини инобатга олган ҳолда К.Эрроу ва Ж.Дебре модели яратилди. Бунга кўра уй хўжаликлари ўз эҳтиёжи учун

¹¹ М.Блауг *экономическая мысль в ретроспективе* М.1996г. стр-551

¹² Е.М. Майбурд *введение в историю экономической мысли от пророков до профессоров*. М.1996г. стр-373.

керак бўлган товарларни бозордан топиб олади ва бунда уларнинг нафлилигидан келиб чиқади¹³.

Истеъмолчи уй хўжалиги хатти-ҳаракатига Д.Патинкин моделида катта ўрин берилган. У уй хўжаликлари келажакдаги харидни таъминлаш учун пулнинг ҳаммасини сарфламасдан “касса қолдиғи” ҳосил этади деб ҳисоблайдилар ва бунинг натижасида мазкур қолдиқни келажакдаги талаб манбаи сифатида баҳолайдилар.

Неоклассик мактабнинг атоқли намоёниси А.Маршалл уй хўжаликлари талабига фақат даромад эмас балки кишиларнинг ҳоҳиши ҳам таъсир этишини этироф этиб улар танловида субъективлик мавжуд эканини кўрсатади. А.Маршалл оила истеъмол учун кўшимча қониқиш бўлишини айтиб уни истеъмолдаги ортиқчалик билан изоҳлайди, буни истеъмолчи товарларни харид этиш учун пулини тўлаш мумкин бўлган нархлар билан амалдаги харид нархлари ўртасидаги фарқ сифатида баҳолади¹⁴.

Дж.М.Кейнс назариясида истеъмолчининг нимани кутишига этибор берилади, бунда бозордаги ноаниқлик шароитида истеъмолчининг кутишига асосланган хатти ҳаракатлар оқилона бўлади деб қаради. Унинг фикрига кўра мувозанатли нархлардан амалий нархлар катта фарқланганда уй хўжаликларининг истеъмол харажати билан жамғариши ўзгаради. М.Кейнс назариясининг муҳим томони шундаки у хўжаликларининг истеъмоли ва жамғариш қарама-қарши йўналишда ўзгаришини эътироф этади, бу билан уларнинг зиддийлигини кўрсатади¹⁵. М.Кейнс фикрига кўра уй хўжаликларида ликвидлиликни афзал кўриш бўлади ва бу “ликвидлилик тузоғини” ҳосил этади. Хўжалик қўлидаги пул фақат харид воситаси эмас балки “бойлик захираси бўлиб, бу ноаниқлик шароитида тўловга ноқобил бўлиши рискдан ҳимоя қилиши ва келажакни нотўғри баҳолашдан ҳимоя қилади”¹⁶ Ликвидлилик тузоғига илиниб қолиш “жамғариш парадоксини”

¹³ Я.С.Ядгаров История экономических учений. М.2006г. стр-301.

¹⁴ А.Маршалл Основыэкономической науки. М.2008г. стр-166.

¹⁵ Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. Избранное М.2008г. стр-89.

¹⁶ Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. Избранное М.2008г. стр-194.

ҳосил этади, яъни жамғаришга берилиб кетиш истеъмол харажатини қисқартириб ички бозорни торайишига олиб келади.

Бошқа иқтисодчи олимлардан И.Фишер хўжаликларни истеъмолчилар сифатида эътибор қаратиб уларнинг танловидаги хатти ҳаракатлари бугунги ва эртанги кун истеъмол орасида юзага келишини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, хўжаликлар ўз пулини сарфлаганда фақат ҳозирги кунни эмас, балки келажакни ҳам кўзлаб жамғаришга мойил бўладилар ва бу билан “ҳам келажак истеъмоли, ҳам даромадларини дисконтлаш орқали амалга оширилади”¹⁷

Неоклассик иқтисодчилардан фарқлироқ институциализм вакиллари хўжаликлар бозорда ўзини қандай тутишига субъектив омиллар билан бирга институционал ўзгаришлар ҳам таъсир этишини назарда тутадилар. Институционализмнинг отаси Т.Веблен таъкидлашича, кишиларнинг истеъмол танловига уларга хос бўлган рақобатчилик муҳит шароити ҳам таъсир этади, улар истеъмолчилигида ман манлик қоидаси ҳам бор, унга кўра ўз истеъмолини максимумлаштириш билан чекланмай, ўз истеъмолини кўз кўз қилиб бошқалардан ажралиб туришга интиладилар ва бу инстинктдан иборат бўлади. Т.Веблен жамиятда бемаъни ва текинхўрларга истеъмол бўлишини этироф этдики, бу бекорчи синфга хос бўлади ва бу синфни магнатлар, олигархлар ва рантье оилалар ташкил этади¹⁸. У даромад ва истеъмолдаги тенгсизликни қоралаб, уни ўзгартириш учун институционал ислохотлар олиб боришни ёқлаб чиқади.

Т.Саймон кишилар танловида оқилоналик чекланганлигини ва бу бозордан келган ахборотни кўплиги ва уни қайта ишлаб қарор қабул қилиш қийин кечишини ҳисобга олади шулардан келиб чиқиб у танловни хонодон учун қониқарли вариантини ёқлаб чиқади. Т.Саймон истеъмолчи нимага даво қилса, яъни нимага эришишга ҳақли бўлса, шу унинг қониқарли танлови бўлишини асослайди.

¹⁷ М.Блауг *экономическая мысль в ретроспективе* М.1996г. стр-489.

¹⁸ Я.С.Ядгаров *История экономических учений*. М.2006г. стр-337.

Ж.Катон бошқалардан фарқлироқ хонадон харажатларини 2 қисмга ажратади:

- мажбурий (контрактли) харажатлар, булар кундалик истеъмол харажатлари;

- дискрецион харажатлар булар узоқ даврдаги истеъмол товарлари ва жамғариш харажатларидир¹⁹. Дискрецион харажатлар хусусида гап борганда уй хўжаликлари фикр мулоҳаза қилиш, ўйлаб кўриш, нимага интилиш каби рухий ҳолатлардан ҳам келиб чиқилади. У танловдаги субъектив омилга эътибор қаратишни ёқлаб чиқади. Ж.Катон хўжаликлар танловига баҳо берганда истеъмолчи кайфияти индексини қўллаш ва буни сўрўвлар асосида аниқлашни таклиф қилади.

Ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ Т.Беккер уй хўжалигининг янги назариясини асослади, у уй хўжаликларни ишлаб чиқарувчилар бирлиги сифатида баҳолади. У хўжаликларни инсон капиталини яратишдаги ролини атрофлича тахлил этиб уни ишлатиш самарадорлигини иқтисодий жихатдан қаралишини таклиф қилди. Т.Беккер оила қуришда ҳам иқтисодий манфаат борлигини этироф этди, уни бизнесда шерик танлаш билан тенглаштирди. У уй хўжалигини ички ишлаб чиқариш функцияси борлиги буни меҳнатни таклиф этиш ва истеъмол убуьмларига талаб билдириш сифатида қаради ва “оилавий иқтисодиёт” категориясини асослади, хонадон аъзолари уй хўжалигида сарфланган меҳнатни иқтисодий ресурси сифатида баҳолади. У уй хўжаликларни инсон капиталига пул қўювчи инвесторлар қаторига қўшди.

Неоклассик ва институционализм вакилларининг қарашларида умумийлик ва фарқлар борлигини кўриш мумкин. Неоклассик қарашларда уй хўжаликлари бозор қонунига биноан амал қилувчи мустақил субъект сифатида баҳоланади, унинг фаолиятини обектив шароит белгилашини, аммо оқилона танлов асосида ўз фаолиятини бозор талабига мослаштириб бориш, унинг нимани афзал кўриши имкониятлари даражасида чегараланиб

¹⁹ В.М.Жеребин. Экономика домашних хозяйств М. 1998г. Стр-68.

туришини этироф этди. Бироқ хўжаликларнинг ички муносабатлари таҳлилдан четда қолган. Бундан фарқлироқ институционализм вакиллари хўжаликларнинг ички тузилишини ўрганиб улар ҳаракатига хос бўлган мотивларни таҳлил этишди, хўжаликлар субъект сифатида маълум социал структурани ҳосил этиши, унинг фаолиятига институционал муҳит, хатто субъектив руҳий омиллар таъсир этишини кўрсатиб бердилар.

Ҳозирги қарашларга неоклассик ва институционал оқимлар ёндршувининг синези, яъни қоришмаси ҳосдир. Буни МДХ мамлакатларидаги тадқиқотлардан кўриш мумкин. Булар орасида Россия олимларининг тадқиқотлари салмоқли ўрин эгаллайди. Улар бозор ислохатлари муносабати билан ўтиш даврида хўжаликларни адаптив яъни янги шароитга мослашувини тадқиқ этдилар. Россия олимлари ишларида хўжаликларнинг меҳнат, истеъмол товарлари ва молия бозорида ўзини қандай тутишлари кўрсатилади. Буларда хўжаликларни иқтисодий – ижтимоий гуруҳларга ажратишнинг илмий мезонлари, улар хатти ҳаракатларининг энг аввало истеъмоли ва жамғаришдаги мойилликлар трансформацияси, бунга Россия менталитетининг таъсири ва шунга боғлиқ ҳолда ички бозорнинг ўзгариши асослаб берадилар.

Уй хўжалиги кўлам жиҳатидан министртура ҳосил этувчи ғоят кичик гуруҳ бўлсада, унинг ички тузилиши ғоят мураккабдир. Бу ерда қон-қариндошлик, иқтисодий ва социал муносабатлар ўзаро тирмашиб кетгани ҳолда амал қилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мумкин. Илмий адабиётни ўрганиш ва ундаги ғояларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, типология этнодемографик, иқтисодий ва социал мезонлар асосида ўтказилиши мумкин. Уй хўжалиги кўп ҳолларда оила асосида қурилади, шу сабабли унга этнодемографик характеристикасини бериш мумкин. Шу жиҳатдан уй хўжалигини қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Бир оилали;
2. Кўп оилали;

3. Оиласиз;

4. Аралаш;

Бир оилали хўжаликлар таркибан кичик бўлиб, оила аъзоларининг ўзидан ташкил топади. Кўп оилали хўжаликлар табиатдан патриархал бўлиб, ўзида турли оила гуруҳларини бирлаштиради. Булар бир нечта мустақил оилаларнинг мажмуаси бўлиб, бува-буви, ота-она, ўғил-қизлар, ҳатто набиралар оиласининг бирдамлигини англатади.

Патриархал белгилари бор уй хўжаликлари аслида анъанавий тизимга хос бўлади. Бозор муносабати ривожланган патриархал алоқалар узилади, оилалар бир нечта мустақил хўжаликлар ҳосил этадилар. Бу жараён бозор кучларининг нақадар кучли ҳаракат қилишига боғлиқ, шу сабабли бозор муносабатлари эндигина ривожланаётган мамлакатларда патриархал алоқалар оздир-кўпдир сақланиб қолади. Буни Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда патриархал оилаларни парчаланиши ва янги оилаларни вужудга келиши натижасида сўнгги 20 йилда уй хўжаликлари кўпайиб борди, лекин патриархал хўжаликлар ҳам учраб туради. Бу ерда этник омил таъсири ҳам бор, яъни миллий менталитет, патриархал муносабатларни озиқлантиради. Улар узок давр давомида такрорий яратилиб келганидан миллий анъана шаклига кириб қолган. Буни бирёқлама талқин этиб бозор муносабати билан сиғишмайдиган салбий ҳодиса деб бўлмайди, чунки уларда меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик каби умуминсоний ва ижобий қадриятлар ҳам мавжуддир. Оиласизлар хўжалиги бу сўққабошлар хўжалиги ҳисобланади, уни юзага келиши ва сақланиб қолиши аҳоли ҳаёт умри билан боғлиқ. Кишилар узок яшаган жойда бевалар хонадони кам бўлади, аммо оила бузилиши кўп бўлганда сўққабошлар хонадони кўпаяди. Ўзбекистонда оилавий ришталарни кучли бўлиши ва аҳоли умрининг узайиши натижасида сўққабошлар хонадони камчиликини ҳосил этади. Ўзбекистонда аралаш хўжаликлар ҳам кам учрайди. Бундай хўжаликларнинг хусусияти шундаки, бу ерда қон-қариндошлик муносабати бор кишилар билан ўзгалар бирлашиб ягона хўжалик ҳосил этади. Ўзгалар бир ерда хўжайинлар билан бирга

истиқомат қилувчи уй хизматчилари, кўриқчилар ва мураббийлардан иборатдир. Аралаш хўжаликлар аҳолининг бой тоифаси, айниқса, магнатлар ва олигархлар сезиларли миқдорда бўлган жойда учрайди. Ўзбекистонда давлатнинг фаол социал сиёсати аҳолини ўта бой ва ўта камбағалларга ажралишига ва зудлик билан олигархлар ҳосил этилишига йўл бермаганидан аралаш хўжаликлар онда-сонда учраб туради.

Хўжаликларнинг этнодемографик тавсифини миқдоран баҳолаш хўжаликлар типологиясига аниқлик киритиши мумкин, бироқ бунинг учун аҳоли рўйхатлари ўз вақтида ўтказилиши лозим. Ўзбекистонда эса бунинг иложини қила олмаслиги уй хўжалиklarини атрофлича таҳлил этишга имкон бермайди. Хўжаликлар типологияси учун иқтисодий мезонлар муҳим, гарчи бу этнодемографик омиллар таъсирида бўлсада. Иқтисодий жиҳатдан олинганда даромад миқдори типологиянинг бош мезони бўла олади. Шу жиҳатдан хўжаликларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Камбағаллар – кам даромадлилар.
2. Ўрта ҳоллар – даромади ўртачалар.
3. Бойлар – даромади кўплар.

Камбағаллар хонадони – бу даромади тирикчилик минимумига етмайдиганлар хонадони. Бу гуруҳни деталлаштириб, ундан одатдаги камбағаллар ва ўта камбағалларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Мамлакатларнинг тараққиёт даражаси ҳар хил бўлганидан камбағаллик чегарасини аниқлашнинг миқдорий кўрсаткичлари (даромад миқдори) бир хил бўлиши мумкин эмас. Дунёнинг бой ва камбағал мамлакатларида қабул қилинган тирикчилик минимумининг қиймати турлича, шу сабабли бир ерда даромад миқдorigа қараб камбағаллар гуруҳини ҳосил этувчи уй хўжаликлари бошқа ерда ўрта ҳолларга хос даромад соҳиби бўлишлари мумкин. Иқтисодий тараққиёт даражасини ҳисобга олмай туриб хўжаликлар типологиясини аниқлаб бўлмайди. Айрим муаллифлар Ўзбекистонда камбағал хўжаликларни аниқлашда жон бошига яратилган ЯИМ миқдорини

назарда тутиб, озиқ-овқат истеъмоли минимумига қараб белгилашни таклиф этишади. Бизнингча, бу тўғри ёндашувдир.

Даромадга биноан типология амалга оширилганда, хўжаликлар А.Джинни белгилаган квинтел ва децил гуруҳларга ажратилади. Квинтел гуруҳига хўжаликларнинг ҳар гуруҳидан олинган 20 фоиз, децилларга эса 10 фоиз киритилади. Ўзбекистонда ҳам бундай типология амал қилинади. Ўзбекистонда ўтказилган сайланма статистик таҳлилга кўра, уй хўжаликлари қуйидагича тақсимланади: **1** ва **2** квинтел – 22фоиз, **3** квинтел – 60 фоиз, **4** ва **5** квинтел – 18 фоиз. Бу квинтеллар жон бошига ҳисобланган даромадлар жиҳатидан жиддий фарқланади. Биринчи ва бешинчи квинтеллар ўртасидаги фарқ **8** мартадир.

Квинтел гуруҳларини Маслоу пирамидасига жойлаштирилганда, улар қуйидаги тоифаларни ташкил этади:

Биринчи Квинтел ўта камбағаллар, ғоят кам таъминланганлар;

Иккинчи Квинтель камбағаллар – кам таъминланганлар. Ҳар иккала квинтель қуйи синфларни ҳосил этади;

Учинчи Квинтель – ўрта холлар, яъни ўрта синф вакиллари;

Тўртинчи Квинтель – бойлар;

Бешинчи Квинтель – ғоят бойлар;

Охириги икки квинтелга кирувчилар жамиятнинг юқори синфини ҳосил этадилар.

Уй хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан турларга ажратилганида даромадларнинг фақат миқдори эмас, унинг манбааларини ҳам назарда тутиш лозим. Шу жиҳатдан қаралганда уй хўжаликлари қуйидаги типларга ажралади:

1. Меҳнат даромадига эга бўлганлар. Булар ёлланиб ишлаб даромад топувчилар, капитал соҳиби эмас, улар ўз мулки бўлган иш кучини сотиб даромад оладилар. Улар фирмалар, фермер хўжаликлари, давлат идора ва ташкилотларига ёлланиб кун кўрадилар, улар даромади иш ҳақи шаклига эга.

2. Тадбиркорлик даромади олувчилар. Бу тоифанинг капитали бор, у ишга солинади ва даромад олинади. Бундай хўжаликлар таркибан бир хил эмас. Улардан бири капитал келтирадиган ва фойда кўринишидаги даромад олса, бошқаси ўз мулкани ижарага бериб мол-мулк даромади шаклидаги капитал даромади ва рента шаклидаги даромадини оладилар. Уларнинг яна бир тури пул капитали келтирадиган ва фойиз шаклидаги даромадни оладилар.

3. Ўзини ўзи иш билан таъминлаб даромад олувчилар. Бу тоифага яқка меҳнат билан шуғулланувчилар ва томорқа, дала-ҳовли соҳибларини киритиш мумкин. Ўзбекистонда бу тоифани тадбиркорлар сафига киритиб, улар даромадини тадбиркорлик даромадига қўшадилар. Бизнингча, бу тўғри эмас, бу ерда ҳар хил усулда ишлатилувчи мулк, табиатан турлича даромадлар сунъий равишда бирлаштирилади. Бу ерда аралаш даромад мавжуд бўлиб, бу меҳнат, капитал ва кўчмас мулк келтирилган даромадлар жамланади, шу боис айтилган тоифани хўжаликларнинг алоҳида турига киритиш илмий жиҳатдан тўғри бўлади.

Хўжаликларнинг даромадга биноан типологиясида социал трансфертлар тариқасидаги даромадлар ҳам муҳим ўрин тутди. Буларга одатда пенсия, нафақа ва стипендияларни киритишади. Уларни Ўзбекистон уй хўжаликлари ялпи даромадидаги ҳиссаси юқори эмас ва пасайишига қараб боради. Трансферт даромади олувчи хўжаликлар соф ҳолда камдан кам учрайди. Булар одатда мустақил яшовчи пенсиянерлар хўжалигидир, булар жаъми пенсия олувчиларнинг 5-6фоиз ташкил этади холос. Аммо мустақил пенсиянерлар хўжалигига келган барча тушумлар миқдоран кичик, шу сабабли улар энг кам даромад олувчиларни ташкил этади.

Хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаштирилганда мулкый муносабатни, ва бандликни ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу жиҳатдан олганда ўз мулкига эга ёки ўзга мулкани ижарага олувчи хонадонлар фарқланади.

Уй хўжаликларини улар елкасига тушадиган социал юк жиҳатидан ҳам таснифлаш зарур. Бу ишда этнодемографик ва иқтисодий омилларнинг

таъсирини биргаликда назарда тутилади. Демографик омиллар уй хўжалигидаги меҳнатга лаёқатли кишилар билан меҳнатга лаёқатсизлар ўртасидаги нисбатни белгилайди. Иқтисодий омиллар эса бир хўжаликка ҳисобланган даромадларни турлича қилади. Бундан хонадондаги даромад топувчилар билан боқимандалар нисбати келиб чиқади. Натижада хонадонга тушадиган социал юк, яъни ишга яроқсизларни боқиш сарфи ҳар хил бўлади. Агар даромад кам бўлгани ҳолда қарамоқдагилар кўп бўлса, социал юк шунчалик оғир бўлади. Аксинча даромад кўп бўлатуриб қарамоқдагилар оз бўлса айтилган юк енгиллашади. Ўзбекистон шароитида бу юк камайишга мойил бўлсада, у анча оғир. Кейинги пайитда хонадонда ишловчилар сони, ошгани ҳолда даромад топмайдиганлар (болалар) ёки кам трансферт даромадига эга бўлганлар (пензионерлар) сони қисқариб борди. Натижада социал юк қисқарди. Бироқ хўжаликларда даромаднинг мутлоқ миқдори камлигидан социал юк анча оғирлигича қолмоқда, чунки кам таъминланганлар хонадонининг ялпи даромаддаги ҳиссаси салмоқли ўрин (22фоиз) эгаллайди. Хўжаликлар тавсифланганда бандлик даражаси ва ҳудудий хусусиятларни ҳам назарда тутилади. Иш билан бандлар ва ишсизларнинг мақоми бирхил эмас албатта, бу хўжаликлар фаровонлиги социал ва хатто руҳий ҳолатини белгилайди. Ҳудудий жиҳатдан шаҳар ва қишлоқдаги уй хўжаликлари фарқланади. Шаҳардагилар индустриал меҳнат билан машғул бўлиб кўп даромад олгани ҳолда ўз меҳнатидан тўлароқ қониқади шаҳар ҳаётидаги қулайликдан фойдаланиб юқори турмуш сифатига эришади. Аксинча қишлоқдагилар асосан камунумли аграр меҳнат билан банд бўлиб кичик даромад кўргани ҳолда зерикарли меҳнат билан банд бўладилар, лекин бандлик даражаси паст юради. Бу ерда турмуш сифати ҳам пастроқ.

Уй хўжалиги типологиясини социал белгиларга қараб ҳам аниқлаш лозим. Шу жиҳатдан уларни ишчи, хизматчи, деҳқон, тадбиркор ва пенсиянерлар хўжалигига ажратиш мумкин. Бу хўжаликларни қайси социал тоифага мансублигини билдиради. Бу мансублик бир қатор иқтисодий

оқибатлар мавжудлигини билдиради. Бу мулкни бўлиши ёки бўлмаслиги, мавжуд мулкнинг миқдори, уни даромад келтириши билан тавсифланади.

Уй хўжаликлари жамиятдаги социал ва иқтисодий ўзгаришлар таъсирига берилади, бунинг натижасида мустақил ва қарам хўжаликлар пайдо бўлади. Уларнинг нисбати бозор ислохотларининг чуқурлиги ва изчиллигига, улар яратадиган эркинлик даражасига боғлиқдир. Институционал жиҳатдан қаралганда чегараланган ва мустақил, турғун ва нотурғун хўжаликларни ажратиш мумкин.

Иқтисодий мустақилликка эга хўжаликларни том маънодаги хусусий хўжаликлар деб аташ мумкин. Улар хусусий мулк эркинлигига асосланади, бозор талабига қараб муқобил танловга боради. Ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий қарорларга келади, ўз фаолияти учун ўзи жавобгар бўлади, улар функционал чекланишлардан йироқ туради, давлатга қарам бўлмайди. Айни пайитда давлат томонидан функционал чекланган хўжаликлар ҳам мавжуд, булар жумласига бюджет ташкилотларида ишловчи ва давлат ажратган даромадга қараб қолган кишилар хўжалиги, шунингдек давлат буюртмалари, унинг харид нархларига боғланиб қолган, шунингдек мустақиллиги чегараланган тадбиркор хўжаликлар киради. Буларга мисол қилиб Ўзбекистон фермер хўжалиklarини олиш мумкин. Уларни функционал чекланишларини ер ва сувнинг давлат мулки бўлиши, ресурслар бозорида қишлоқ хўжалиги хомашёси бозорида давлат монополиясини бўлишини юзага келтиради.

Ўтиш даврининг иқтисодиёти нотурғун хўжаликларни бўлиши билан ажралиб туради. Нотурғун хўжаликлар бу трансформациялашувга кирган хўжаликлардир. Бу ерда бир хўжалик турини бошқасига айланиши кечади. Бу жараёнда ёлланма меҳнат қилувчиларни тадбиркорларга айланиши, томорқа хўжалигини деҳқон хўжалигига, яъни мустақил товар ишлаб чиқарувчи хўжалигига айланиши, ишчи ёки хизматчи хўжалигини янги муносабатларга кириши юз беради.

Аммо бу нотурғун хўжаликлар фақат ўтиш даври иқтисодиётига хос деган гап эмас. Шаклланган бозор иқтисодиёти шароитида ҳам нотурғун хўжаликлар бўлади, булар рақобатбардош бўлмай тугаб кетадиган, бошқаларга қўшилиб кетадиган хўжаликлардан, тадбиркорлар хўжалигидан ёлланиб ишловчилар хўжалигига айланаётган ёки аксинча, меҳнат даромадидан тадбиркорлик даромади олишга ўтаётган уй хўжаликларидан иборат бўлади. Турли типдаги хўжаликларни бўлиши жамиятдаги муносабатларнинг табиати ва ривожланиш даражасидан келиб чиқади.

Уй хўжаликлари иқтисодий тизимларнинг тарихий ривожланиши ва трансформациялашувининг маҳсули сифатида умумий интернационал ва миллий хусусиятларни ўзида мужассам этади. Умумийлик кўпчилик мамлакатлар ва миллатларга хос белгилар бўлиб, улар бозор иқтисодиёти ривожланган сари кучайиб боради, умумжаҳон характерга эга бўлади, чунки бозор муносабатлари ресурслар, ва товарларни миллий чегарадан чиқиб халқаро оборотга кириши бўладики, бу иқтисодиёт сингари уй хўжаликларини ҳам интернационаллаштиради. Бу жараён глобализация шароитида янада кучаяди, чунки иқтисодиётни мамлакатлараро ва халқаро миқёсда интеграцияси юз беради. Интеграцияга уй хўжаликлар ҳам тортилади, бу ерда миллий қадриятлар контакти ҳосил бўлади. Миллий кўникмаларнинг бир қисми йўқолиб кетса бошқаси ўзгарган шароитга мослашиб трансформацияга дуч келади. Эркин бозор муносабатларига ўтилиши МДХ мамлакатларини, жумладан Ўзбекистондаги интеграцион жараёнларни кучайтиради. Бу ерда ҳам уй хўжалиги фаолиятидаги миллийлик тобора умумийликка айланиб бормоқда. Бироқ миллийлик дарҳол йўқ бўлмайди, чунки унинг тарихий илдизлари чуқур жойлашади. Уй хўжаликларига хос менталлик асрлар оша ва турли тизимлар шароитида шаклланиб уларга хос аломатларни ўзига сингдиради. Миллийликни қуйидаги омиллар шакллантиради:

1. Мамлакат географик жойлашуви ва табиий ресурсларга нақадар бой бўлиши. Ресурслар кўп ва арзон жойда уй хўжаликларида меҳнат фаоллиги

заиф бўлса, ресурслар танқис жойда ишчанлик кучли бўлади. Бунга мисол қилиб кўчманчи ва ўтроқ хўжаликларни олиш мумкин.

2. Тарихан шаклланган ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик анъаналари. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон уй хўжалиklarининг майда ишлаб чиқариш ва савдо-сотикқа мойиллигини олиш мумкинки, бу кичик бизнес учун қулайлик яратади.

3. Шаклланган мойиллик ва урф-одатларни нақадар сақланиши, улар доимо такроран ҳосил бўлавергач барқарорликка эга бўлади а хўжаликларнинг истеъмоли ва жамғаришига таъсир этади. Бунга мисол қилиб намоёишкорона истеъмол ва қишлоқдаги ер ижарасига бўлган кучли интилишни олиш мумкин.

4. Товар-пул муносабатларининг нақадар ривожланганлиги, чунки оддий муносабатларнинг сақланиши шунга боғлиқ бўлади.

5. Миллий иқтисодий интеграциялашув даражаси. Интеграция турли миллат ва элатга тегишли хўжаликларнинг контактини кучайтиради, улар бир-бирига яқинлашиб тажриба ва кўникмаларни айирбошлаш қиладилар. Контакт қанчалик кучли бўлса, уй хўжаликлардаги миллийлик қисқаради. Бозор тизими эндигина ривожланаётган мамлакатларда миллий белгилар кучли бўлади. Улар Ўзбекистонда қуйидагилардан иборат:

1. Йирик оилалар асосида қурилган уй хўжаликларининг кўплиги.

2. Кўп оилали хўжаликларнинг сақланиб қолиши.

3. Оиласизлар хўжаликларининг оз бўлиши.

4. Хўжаликларда ишловчиларга нисбатан ишламайдиганлар (истеъмолчиларнинг кўп бўлиши, натижада ишловчиларга тушадиган социал юкнинг оғир бўлиши.

5. Майда ишлаб чиқариш ва савдо-сотик ишларини хонадонлар афзал кўриши.

6. Хўжаликларда ортиқча меҳнат ресурсларининг мавжудлиги.

7. Аграр меҳнат билан шуғулланувчи қишлоқ хонадонлари салмоғининг катталиги, қишлоқда ер ижара кўникмаларини сақланиши.

8. Ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи ва натурал истеъмолга мойил хўжаликларнинг сақланиб қолиши.

Айтилган белгиларни нафақат тарихан шаклланиб шу кунга қадар етиб келган миллий одат ва кўникмалар, балки бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, индустриал потенциал ва ишлаб чиқариш таркиби ҳам белгилайди.

4.4. Трансакция ва трансформация харажатлари

Трансакция харажатлари тушунчасини қўллаган ҳолда дастлабки тадқиқотлар Р.Коуз томонидан фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш учун ўтказилган. Бунга 1960-йилларда саноати ривожланган етакчи мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви сабаб бўлган. Ягона хўжалик тизимини яратишга бўлган интилиш, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, мулкнинг янги турлари, масалан, интеллектуал мулкнинг пайдо бўлиши, мулк ҳуқуқларининг алоҳида ваколатларга бўлиниб кетиши – буларнинг барчаси трансакция харажатларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиш мумкин. Микродаражада гап жараёнларни корхона (фирма), алоҳида иқтисодий субъектлар даражасида таҳлил қилиш ҳақида, макродаражада эса умуман иқтисодий тизимни таҳлил қилиш ҳақида боради. Ушбу таҳлил қилиш белгисига мувофиқ трансакция харажатлари назариясида иккита ёндашув мавжудлигини изоҳлаш мумкин: биринчиси, Коуз – Уильямсоннинг трансакцион ёндашуви (барқарор фаолият кўрсатувчи институтларни таҳлил қилиш учун) ва иккинчиси Нортнинг трансформацион ёндашуви (институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш учун).

Бундай ёндашувлар ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда трансформацион жараёнларнинг институционал жиҳатларини тадқиқ этиш имконини беради. Хусусан биринчи ёндашувни давлат ва хусусий мулкчилик

тузилмаларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш, норасмий институтларнинг шаклланиш жараёнларини, жамият ва иқтисодиётнинг криминаллашувини изоҳлаш учун, иккинчи ёндашувни эса буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтишнинг институционал сабабларини, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда ислоҳотлар жараёнларининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш учун қўллаш мумкин.

Трансакция харажатларини иқтисодий таҳлилга киритиш, Р.Коузнинг фикрига кўра, бозорга қарама-қарши бўлган фирма каби ўзини ўзи онгли равишда назорат қилиш имконига эга бўлган “оролчалари”нинг мавжуд эканлигини тушунтириш учун зарур бўлган.

Ўзининг “Фирма табиати”, деб номланган мақоласида (1937) Р.Коуз трансакция харажатларини “нархлар механизмидан фойдаланиш харажатлари”, “очиқ бозорда алмашув трансакцияларини амалга ошириш харажатлари” ёки “бозор харажатлари” сифатида белгилаган. Кейинчалик “Ижтимоий харажатлар муаммоси” мақоласида (1960) Р.Коуз “бозор трансакция харажатлари” иборасидан фойдаланган. Уларнинг моҳиятини у қуйидагича ифодалаган: “бозор трансакциясини амалга ошириш учун ким билан битим тузиш маъқуллигини аниқлаб олиш, ким билан ва қандай шартларда битим тузишни истаётганлиги ҳақида барчага маълум қилиш зарур, дастлабки музокараларни ўтказиш, шартномани тайёрлаш, шартнома шартларининг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун маълумотларни йиғиш ва ҳоказолар”²⁰.

Аммо, иқтисодиёт адабиётида “трансакция харажатлари” ибораси мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бунда трансакция харажатларига берилган қуйидаги таъриф кенг тарқалди: “трансакция харажатлари – ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари, музокаралар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш, шартноманинг бажарилишини назорат қилиш ва юридик ҳимоялаш харажатлари”.

²⁰ Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело ЛТД, 1993. – 8-9 б.

Илмий манбаларда берилган таърифларга мувофиқ, трансакция харажатларини қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

1. Ахборотни излаш харажатлари (нархлар, мавжуд товарлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тўғрисида ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш учун сарфланган вақт).

2. Музокаралар олиб бориш харажатлари.

3. Алмашувга кирган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва сифатини ўлчаш харажатлари.

4. Тафсирлаш ва мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоялаш харажатлари;

5. Оппортунистик хатти-ҳаракатдан ҳимоялаш харажатлари, бунда битим шартларини бузувчи ёки бир томонлама фойда олишга йўналтирилган ноинсофлик хатти-ҳаракат тушунилади.

Трансакция харажатларини таснифлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Таснифлашни битимни тузиш босқичларига мувофиқ амалга оширган маъқул. О.Уильямсон трансакция харажатларини битим тузилгунча ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган харажатлар, дея таърифлайди. Агар шерикни қидириб топиш, манфаатларни мувофиқлаштириш, битимнинг бажарилишини назорат қилиш битим тузишнинг босқичлари сифатида ажратилса, у ҳолда трансакция харажатларини таснифлаш қуйидаги 4.4.1-жадвал кўринишга эга бўлади.

4.4.1.-жадвал

Трансакция харажатларининг таснифланиши

Битим тузилгунча амалга оширилган харажатлар	Битим тузилганидан кейинги харажатлар
Ахборотни қидириб топиш харажатлари - имкониятли шерик ҳақидаги, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга киритилган тўлиқсиз ва номукамал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади.	Мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари - битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларнинг бажарилишидан бош тортилишини олдини олиш харажатлари

Мулоқот юритиш харажатлари - алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади	Тафсирлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари – судлар, ҳакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфлари, шунингдек мулкчилик ҳуқуқларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз ҳимоядан кўрилган йўқотишлар
Ўлчаш харажатлари – битим предмети бўлган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш учун зарур бўлган харажатлар	
Шартнома тузиш харажатлари – битимни юридик ёки ҳуфёна (норасмий) расмийлаштириш харажатлари	Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари – учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинадиган фойдали самара қисмига эътирозларидан ҳимоялаш харажатлари

Трансакция харажатларининг бундай таснифланиши уларни миқдорий баҳолаш масаласига нисбатан микро ва макроиктисодий даражада ёндашиш имконини беради. Масалан, квартирадан фойдаланиш ҳуқуқининг мулкдор томонидан ижарачига топширилишини назарда тутувчи квартирани ижарага олиш бўйича битим тузишда ижарачининг трансакция харажатлари қуйидаги шаклларга эга бўлади (4.4.2.-жадвал).

4.4.2.-жадвал

Квартира ижараси бўйича трансакция харажатлари

Харажат мазмуни	Харажат шакли
Ижарага топшириладиган квартиралар, уй-жой бозоридаги нархлар ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатлари: махсус нашрларни харид қилиш ва эълонлар бўйича қўнғироқлар ёки риэлторлик фирмасига мурожаат этиш;	Пул шаклидаги харажатлар ва вақт сарфлари;
Танланган квартиралар мулкдорлари билан ижаранинг алоҳида шартлари ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатлари;	Воситачи сарфлари ва вақт сарфлари;
Танланган квартираларни бориб кўриш жараёнида уй-жой сифатини баҳолаш харажатлари	Воситачи зиммасига юклатиш мумкин бўлган вақт сарфлари ва

	транспорт харажатлари
Ижара шартномасини юридик расмийлаштириш, уни нотариал тасдиқлаш харажатлари;	Пул шаклидаги харажатлар;
Мулкдорнинг ижара шартларини ўзгартириш (ижара тўловини ошириш) бўйича оппортунизмни олдини олиш харажатлари;	Вақт ва асаб сарфлари;
Мулкдор ижарачига квартирани сақлаб туриш юзасидан эътироз билдирган ва / ёки шартномани муддатидан олдин бузишни хоҳлаган тақдирда шартнома амал қилиши муддатига берилган фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш харажатлари.	Вақт сарфлари ва судга мурожаат этиш билан боғлиқ пул шаклидаги харажатлар

Шундай қилиб, уй-жойни ижарага олишда юзага келадиган трансакция харажатларини миқдорий баҳолашга ё воситачилик фирмаларининг даромадларини таҳлил қилиш, ёки ўртача соатлик иш ҳақига кўпайтирилган бевосита пул харажатлари ва вақт сарфларини кўшиш ёрдамида эришиш мумкин.

Трансакция харажатларининг кўплаб турлари бевосита кузатилмайди ва шунинг учун бундай тоифа харажатлар ҳажми статистик қийин ўлчанади.

Инсонлар ҳамма вақт, ҳеч қандай харажатларни қилмасдан, натижада ишлаб чиқариш қиймати ошиши учун ҳуқуқларни қўлга киритиш, бўлиш ва ўрин алмаштириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Бу “ноль даражали трансакция харажатлари” деб юритилади ва бу ҳуқуқий чегараларга боғлиқ ҳисобланади.

Ноль даражали трансакция харажатларида ишлаб чиқарувчи шартномага пировард натижада ишлаб чиқариш қийматини ошириш учун зарур бўлган барча нарсани киритади. Агар трансакция харажатлари мавжуд бўлмаса, фирманинг фаолият кўрсатиши учун ҳеч қандай иқтисодий асос бўлмайди.

Қандайдир баланд трансакция харажатларига эга бўлган аниқ ҳолатда шартномаларнинг кўпчилиги тузилмайди ва амалга оширилмайди. Чунки уларни ижро этишдан келадиган фойда харажатларга қараганда анча кам бўлади. Шу тариқа, трансакция харажатлари амалга ошириладиган трансакциялар сонига таъсир кўрсатади (трансакция – шартнома шаклидаги

битим). Шуларни инобатга олганда корхоналар нисбий устунлигини ошириш учун трансакция харажатларини тежаш имкониятларини қидириш зарурдир.

Микродаражада турли хусусий ташкилий тузилмаларда харажатларни таҳлил этишда қуйидаги тамойиллар қўлланилиши лозим:

1. Трансакция (битим-шартнома) – бу таҳлилнинг базавий бирлиги.
2. Ҳар қандай муаммони, бевосита ёки билвосита шартномавий муаммо, деб қараб, уни трансакция харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан ўрганиш фойдалидир.
3. Трансакция харажатларини тежашга турли трансакцияларни уларни бошқариш тузилмаларига табақалаштирилган тарзда бириктириш йўли билан эришилади.
4. Ташкилий тузилмани танлаш муқобил вариантларни қиёсий институционал баҳолаш асосида кечади.

Микродаражада трансакция харажатлари – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади. Бунда қуйидаги харажатлар, яъни шартнома лойиҳасини тузиш, музокаралар юритиш ва келишув кафолатларини таъминлашда юзага келадиган харажатлар, шунингдек шартномани самарасиз мослаштириш, унга тузатиш киритиш билан боғлиқ бўлган, шартномани амалга ошириш бўйича танланган йўлда қайтиш, шартномадаги хатолар ва кутилмаган ташқи низолар натижасида юзага келадиган харажатлар фарқланиш лозим.

Шуни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётда институтларни шакллантиришда, улар фаолиятини самарадорлигини оширишда трансакция харажатлари асосий роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан²¹ О.Уильямсоннинг қуйидаги хулосаси диққатга сазовор: “моддий ва хомашёларга кам харажатлар билан кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган жамият эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқаришда трансакция харажатлари улуши паст бўлган жамият ютуқга эга бўлади”.

²¹ Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма: фирмы, рынки, «отношенческая контракция». – СПб.: Лениздат, CEV Press, 1966. –с. 640-641.

Микродаражада трансакция харажатларини таҳлил қилишга нисбатан Коуз – Уильямсон ёндашуви трансакцион ёндашув, деб юритилса, макродаражада Норт ёндашуви трансформацион ёндашув, деб юритилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дастлаб трансформация харажатларини ўрганиш ишлаб чиқариш назарияси доирасида олиб борилган ва харажатларнинг ушбу тури кўпинча ишлаб чиқариш харажатлари – материални жисмоний ўзгартириш, бунинг натижасида муайян қийматга эга бўлган маҳсулот олинадиган жараёнидаги харажатларга тенглаштирилган. Ушбу харажатларга нафақат материалга ишлов бериш харажатлари, балки ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилган. Шундай қилиб, бундай талқин этишда трансформация харажатлари тушунчаси кенг маъно касб этади, чунки ушбу ишлаб чиқариш харажатларига уларни фақатгина шартли равишда ишлаб чиқариш харажатлари, деб аташ мумкин бўлган трансформация харажатлари ҳам киради.

Мазкур ҳолатда трансформация харажатлари муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш билан эмас, балки институционал тизимни ўзгартириш билан боғлиқ. Шундай қилиб, трансформация харажатларига қуйидаги умумий таърифни бериш мумкин: трансформация харажатлари – бу эски институтларни тугатиш, иқтисодий тизимда янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар. Булар таркибига нафақат юқорида санаб ўтилган харажат турлари, балки янги институтлар, шу жумладан, янги тадбиркорликни ташкил этиш ва бу фаолиятни юритиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам киритиш мумкин.

Трансформацион ёндашувга мувофиқ жамиятдаги эски расмий ва норасмий қоидаларнинг тугатилишига ва янгиларининг белгиланишига олиб келувчи ўзгаришлар трансформация харажатларининг ошишига сабаб бўлади.

Республикамизда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, янги қонунчилик тизимини барпо этиш, бозор тизимларини шакллантириш ва шу каби бошқа институтларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради.

Трансформация ва трансакция харажатлари ўртасида фарқ мавжуд бўлишига қарамай, ушбу харажатлар ўзаро узвий боғланган. Т.Эггертссон томонидан ифодаланган қуйидаги фикр унинг моҳиятини очиб беради: агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иқтисодиёт ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар, ҳамма вақт оптимал йўналиш бўйича ривожланади. Яъни институционал тизим фаолият кўрсатишининг трансакция харажатлари катта бўлмаганда ҳар қандай ўзгаришларга юқори трансформация харажатларининг таҳдиди тўсқинлик қилади, техник тараққиёт ва (жисмоний ва инсон) капитални жамғариш эса автоматик тарзда иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, институционал тизимни ўзгартириш нафақат трансформация харажатларининг ўсишига, балки илгариги тизимда мавжуд бўлмаган бир қатор трансакция харажатларининг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Юқорида айтилганларнинг барчаси кўп жиҳатдан самарасиз институтларнинг узок вақт мавжуд бўлишини ва иқтисодий ташкилот турғун шакллариининг фаолият кўрсатишини ҳам изоҳлайди.

Ўзгаришларга тўсқинлик қилувчи асосий кучлар Д.Норт томонидан ҳам кўриб чиқилган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат – агар бу ғазна даромадлари билан харажатлари ўрасидаги фарқни камайтиришга ёрдам берса;
- ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи нуфузли гуруҳлар;
- жамиятнинг унинг аввалги ривожланиш йўналишига боғлиқлигини белгилаб берувчи институционал матрица.

Ўз навбатида, юқори трансформация харажатлари, юзага келган институционал тизимнинг самарадорлигидан қатъи назар, унинг ўзига хос барқарорлаштирувчиси ҳисобланади.

Янада самарали институционал қоидаларнинг жорий этилиши ва институтларнинг ташкил этилиши катта миқдордаги трансформация харажатлари билан боғлиқ, бироқ янги институтлардан (трансакция харажатларини тежашдан) келадиган самара анча катта бўлиши мумкин.

Ислоҳотларга сарфланган маблағлар оддий инвестицияларга қараганда катта хатарлар билан боғлиқ бўлишига қарамай, янги институтларнинг кўпроқ самарадорлигини кутиш, шунингдек бошқа мамлакатлар тажрибаси институтларни импорт қилувчи ислоҳотчиларни ҳаракатга келтиради.

Бундай ўзгаришларни трансформация харажатларининг юқори даражасига эга бўлган ўтиш иқтисодиётида ҳам кузатиш мумкин. Ўтиш иқтисодиётида трансформация харажатларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. ***Ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан янги институтларни барпо этишга йўналтириш.*** Эски хўжалик механизмини тугатиш, нархни шакллантириш ва солиқ солишнинг янги усулларига ўтиш, хусусийлаштириш механизмларини яратиш, молия ва банк тизимини тубдан ўзгартириш – буларнинг барчаси ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан четлаштириш билан боғлиқ.

2. ***Қайта ташкил қилиш харажатлари.*** Унинг иккита жиҳатини фарқлаш лозим. Биринчидан, ислоҳотлар жараёнида эски тизимининг бузилиши янги тизимнинг самарадорлиги намоён бўлгунга қадар юз беради. Бозорни эгаллаб олиш бўйича қатъий курашда иштирок этувчи кўп сонли иқтисодиёт субъектларининг фақатгина бир қисми ўз лойиҳаларини амалга оширади, натижада – жамият йўқотишларга дуч келади. Иккинчидан, мувозанатга томон ҳаракатланиш жараёнида турли субъектлар, шу жумладан, давлатнинг ҳам, ҳаракатларининг уйғунлашмаганлиги. Ушбу

жиҳат ислоҳотчилар томонидан етарлича баҳоланмаган ва бу ҳанузгача етарлича ўрганилмаган.

3. *Ўтиш рентасини қайта тақсимлаш харажатлари.*

Буйруқбозлик тизимида жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг қатъий тартибга солиниши алоҳида гуруҳлар учун имтиёзларнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу рента даромади билан бир хил бўлади. Улгуржи ва чакана нархлар, шунингдек, ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқлар ҳисобидан олинган рентанинг катта қисми давлатга келиб тушиб, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида қайта тақсимланди, уларнинг кичик қисми эса амалдорлар ва хуфёна бозор субъектлар томонига ўтди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ушбу хилдаги рента даромадлари ва суниестеъмол қилиш имкониятларининг йўқолишига олиб келиши лозим.

Трансформация харажатларининг турларини таҳлил қилиш ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда уларнинг ўсиши механизмини тушунтириш имконини беради: институтларнинг дастлабки сифати қанчалик ёмон бўлса, уларни такомиллаштириш учун шунчалик кўп инвестициялар йўналтирилади; тизим мувозанатдан қанчалик йироқ бўлса, ўтиш жараёни шунчалик узок давом этади ва тугатиш йўқотишлари шунчалик кўп бўлади; мувозанатдан йироқлик ўтиш рентасини қайта тақсимлаш кўламларининг катталигини, демак у учун курашиш оқибатида йўқотишлар катта бўлишини англатади. Таъкидлаш лозимки, ислоҳотлар харажатлари ва фойдаси аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида нотенг тақсимланади, бу кўп жиҳатдан турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ бўлган трансформациялар динамикасида ўз аксини топади.

Ҳозирги вақтда ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳамда ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган кенг кўламли институционал ўзгаришлар муносабати билан катта ҳажмдаги трансформация харажатлари муаммоси ғоят кескин турибди. Бу ўринда трансформация харажатларини қандай қилиб қисқартириш мумкин ва уларни қисқартириб бўладими, деган савол туғилади.

Институционал муҳитни сунъий равишда ўзгартиришда (мавжуд институтларни ўзгартиришда ёки мутлақо янги институтларни импорт қилишда) кўп жиҳатдан уларда бундай институтлар жамият эволюцияси жараёнида шаклланган ва муваффақиятли фаолият кўрсатиб турган мамлакатлар тажрибасини пухта ўрганиш трансформация харажатларининг қисқаришига кўмаклашиши мумкин.

Афсуски, трансформация харажатлари муаммосига олимлар ва иқтисодчилар фақат сўнгги йилларга келиб эътибор қарата бошлади ва, трансформация харажатлари ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг иқтисодиёт фанида энг зарур ва муҳим унсур ҳисобланишига қарамай, улар кам ўрганилган омил бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда, янги институтларни ташкил этишнинг у ёки бу усуллари фойдасига ҳал этиш нафақат уларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлиги турлича эканлиги туфайли, балки инсонлар ўртача чамаланган баҳони чиқаришда кўрсаткичларни ўлчашнинг турли усулларида фойдаланиши сабабли ҳам фарқ қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан трансакция ҳамда трансформация харажатларини ўлчаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Чунки трансакция харажатлари кўпинча ушбу таркибий қисмнинг ўлчаб бўлинмаслиги билан тавсифланади. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган мутахассислар фикрига кўра, иқтисодий таҳлилга трансакция харажатларининг киритилиши деярли барча ҳодисаларни трансакция харажатларини камайтириш йўли билан эришилган самарадорлик нуқтаи-назаридан изоҳлаш имконини берган бўлар эди. Трансакция харажатларини ўлчаш имконини берувчи усулларнинг ишлаб чиқилиши ушбу соҳада эришилган самарали қадам бўлди.

Таҳлилларга кўра, ўлчаш муаммосини шартномалар тузишнинг турли усулларидаги трансакция харажатларини таққослаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бошқарувнинг муқобил аниқ (мавжуд) тузилмаларини таққослашни кўпинча мураккаб математик аппаратни қўлламасдан ёки чегара қийматларни ҳисоблаб чиқмасдан туриб амалга ошириш мумкин. Иккита

қийматнинг бир-бирига мос келмаганлигини кўрсатиб бериш учун ушбу қийматларнинг чегара қийматлари тенглигига эришиладиган шароитларни аниқлашдаги каби нозик ва мураккаб усуллар талаб этилмайди.

Айрим иқтисодчилар ҳар бир муайян ҳолатда харажатларни аниқ тафсирлашни таклиф этади, масалан, бир ҳолатда – бу хусусий тадбиркорликни ташкил этиш харажатлари (тадбиркорлик шаклини рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш ва ҳ.к.), иккинчи ҳолатда мулкӣ ҳуқуқларнинг ҳаракатини таъминловчи харажатлар, учинчи ҳолатда шартномаларни тузиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ харажатлар, тўртинчи ҳолатда корхона ичида қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Трансакцион ёндашувни қўллашдаги ўзига хос мураккабликлар шундан иборатки, айрим трансакция харажатлари ушбу турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келган трансакцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тафсирланиши ва ҳисоблаб чиқилиши мумкин эмас. Бундай харажатларнинг ушбу турлари “виртуал харажатлар”, деб аталади.

5-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ИҚТИСОДИЁТ ТУРЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

5.1. Давлатлар хиллари. Давлат институционал ташкилот сифатида.

5.2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг институционал жиҳатлари.

5.3. Хуфёна иқтисодиёт.

5.1. Давлатлар хиллари. Давлат институционал ташкилот сифатида

Давлат – маълум ҳудудда жойлашган, этник ва бошқа миллатлар бирлигидан ташкил топган, ўзининг ҳудудий чегараларига ва рамзларига, бошқарув шакли ва мақомига эга бўлган субъектдир.

Институционал ёндашувга мувофиқ давлатнинг асосий моҳиятини **“трансакция харажатлари”** категориясидан фойдаланган ҳолда очиқ бериш мумкин.

Д. Нортнинг таърифлашича, **давлат** – зўрликни амалга оширишда қиёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудни қамраб олувчи ташкилот. Ушбу устунликлар нималар билан белгиланади?

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай кафолатланган алмашув, пировардида, мол-мулкни ҳимоялашни соф куч билан амалга оширишга ёки куч ишлатиш таҳдидини солишга олиб келади. Шу маънода зўрлик (куч ишлатиш), иқтисодий жиҳатдан, хўжалик фаолиятининг бошқа икки хилидан фарқ қилмайди.

Бундан ташқари, трансакция харажатлари иқтисодий тизимнинг самарадорлигига таъсир кўсатади, улар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузилмалар фаолият кўрсатишининг самарадорлигини таққослашда базавий мезонлардан бири ҳисобланиб, жамият, шу жумладан, давлат тузуми

фаолиятининг барча соҳаларида агентлик муносабатлари ушбу мезонга асосланади. Демак, у ёки бу тузилмани танлаш ва ривожлантириш минимал трансакция харажатлари билан шартланган.

Шундай қилиб, давлат – назарий жиҳатдан энг самарали мажбур қилиш органи ҳисобланиб, бунда унинг самарадорлиги унинг легитимлигига, яъни “солиқ солинадиган фуқаролар томонидан” давлатда куч ишлатиш ҳуқуқи мавжудлигининг тан олинishiга бевосита боғлиқ. Чунки агар жамоат фикрига мос келадиган бундай тан олиш мавжуд бўлса, у ҳолда давлат ўз функциялари ва мақсадларини амалга ошириш учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланувчи ташкилот сифатида ўз имкониятларини аҳолининг ушбу функциялар ва мақсадлар бажарилишига қаршилигини енгиш учун сарфламаслиги мумкин.

Давлатни фуқаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома орқали таърифлаш «принципал-агент» муаммосини олдинги ўринга суради. Бу ерда биринчи галда ким «принципал» ва ким «агент» эканлигини аниқлаб олиш талаб этилади. Жавоб умуман аниқ эмас. Фуқаро ҳам, давлат ҳам икки тарафлама рол ўйнайди. Бир томондан, фуқаро давлатга айрим функцияларнинг бажарилишини юклаган ҳолда унинг таркибини белгилайди, яъни у «принципал», давлат эса «агент» ҳисобланади. Иккинчи томондан, фуқаро «агент» ролида иштирок этиб, шартномалар бажарилишининг кафили сифатида давлатнинг қарорларига бўйсунди. Ж.Бьюкенен ушбу икки тарафламалиликни «бўйсунувчининг парадокси» деб номлаган: инсон ўзини бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошқарувининг иштирокчиси – объекти сифатида, ҳам ўзи танламаган хатти-ҳаракат меъёрларига амал қилишга мажбур этиладиган субъект сифатида қабул қилади.

«Принципал-агент» модели давлатнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қуйидаги хавф-хатарларни аниқлаш имконини беради. Биринчидан, давлат ўз назорати соҳасини томонлар билан аниқ келишилган битимлар доирасидан ташқарига ҳам ёймайдами, деган хавф-хатар ҳақида 1651

йилдаёқ машҳур инглиз файласуфи Томас Гоббс ўзининг айнан «Левиафан», деб номланувчи китобида огоҳлантирган эди. Иккинчидан, бир томондан, давлат куч ишлатишни қўллаш учун монополия ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, фуқароларнинг манфаатларини инкор этмайдими? Иккинчи томондан, фуқаролар давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортишга уриниб, худди жамоат транспортидаги оддий чиптасиз кимса каби, ўзларини оппортунистларча тутишмайдими? Чунки давлат хизматлари ва жамоат транспорти хизматлари ижтимоий фаровонлик хусусиятига эга.

Ҳар қандай давлатда унинг аъзолари расмий ёки норасмий шартномалар орқали муносабатларини амалга оширишади. **Шартномавий давлат** бу – фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган мажбурият сифатида қарайди.

Қандай шароитда шартномавий давлат мавжуд бўлади?

1. Давлат фаолиятининг аниқ конституциявий доираларининг мавжуд бўлиши. Конституцияда шахслар томонидан давлатга топшириладиган ва ҳеч бир шароитда бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар эксплицит тарзда келишилган.

2. Фуқароларнинг давлат фаолиятида иштирок этиши механизмларининг мавжуд бўлиши. Фуқаролар давлат фаолиятида иштирок этишининг сиёсий механизмлари жумласига демократик тартиботлар киради.

3. Мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашнинг асосий муқобил механизми сифатида бозор институтининг мавжуд бўлиши. Давлат мулкчилик ҳуқуқларининг бозорда нолли трансакция харажатлари чоғида эришилиши мумкин бўлган тарзда тақсимланишига эришишни кўзлайди. Шунинг учун давлат вақти-вақти билан бозорга таққосланмаган ҳолда фаолият кўрсата олмайди.

4. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш муқобил механизмларининг мавжудлиги. «Овоз»дан фойдаланиш, яъни фуқароларнинг давлатнинг фаолиятида иштирок этиши билан бир қаторда «чиқиш» – шахсларнинг шартномалар бажарилишининг бошқа кафилларига мурожат этишининг муқобил вариантлари ҳам мавжуд бўлиши керак.

Шартномавий давлатдан фарқли ўлароқ эксплуататорлик давлати ўз даромадини (солиқ тушумларини), аниқроғи, – давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг даромадини ошириш учун мажбур қилиш монополиясидан фойдаланади. Эксплуататорлик давлатининг мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишдаги асосий мақсади «мулкнинг бошқарувчи рентасини оширувчи таркибига» эришишдан иборат, ҳатто агар бунга умуман жамият фаровонлигига зиён етказиб эришилсада.

Эксплуататорлик давлати фаолиятдан кўриладиган зарарни фақат оғир солиқлар (ноҳақ йиғимлар) ва мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлаш *мунтазам* ва *олдиндан айтиб бўладиган* хусусиятга эга бўлган тақдирда қисқартириш мумкин.

Эксплуататорлик давлатининг фаолият кўрсатишида мажбур қилиш салоҳиятининг фуқаролар ўртасида тақсимланиши муҳим роль ўйнайди. Чунки айнан шахс ёки куч ишлатининг катта имкониятига эга бўлган гуруҳ давлат аппаратини назорат қилади ва куч ишлатишни қўллаш монополиясини қўлга киритади. Айнан шунинг учун ҳарбий технологиянинг ривожланиши эксплуататорлик давлати фаолиятининг асосий омилларидан бирига айланади. Бу эса, ўз навбатида, унинг ички беқарорлигини назарда тутаяди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳарбий технологиянинг ўзгариши куч ишлатиш салоҳиятининг турли аҳоли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланишига, демак, давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг алмашишига олиб келади. Давлатнинг эксплуататорлик моделидан шартномавий моделга ўтиш ҳам мумкин. Бундан давлат қурилиши динамикасининг, демак, мулкчилик ҳуқуқлари таркиби динамикасининг теблантириб турувчи хусусияти ҳақидаги тахминлар келиб чиқади. Рентани ундиришга йўналтирилган

тизимдан кейин самарадорликни оширувчи тизим келиши муқаррар ва аксинча.

Давлатнинг хилини аниқлаш (шартномавий ёки эксплуататорлик) давлат бюджетининг таркибини таҳлил қилиш имконини беради. Фирманинг баланси каби давлат бюджети ҳам институционал таҳлил учун зарур бўлган етарли миқдордаги ахборотни беради. Талаб этиладиган маълумотлар қабул қилинган ва реал ижро этилган давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмларининг қатор моддаларида мужассамланган. Бундан ташқари, агар бюджет тақчиллиги мавжуд бўлса, уни қоплаш усуллари давлатнинг муҳим тавсифи ҳисобланади. Давлатни у ёки бу хилга киритишнинг **биринчи мезони** – бу даромадлар турли моддаларининг нисбати. Солиқдан ташқари тушумларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шунчалик фаол бўлади – бундай ҳолатда унинг роли шартномалар бажарилишининг оддий кафили доирасидан ташқарига чиқади. Бюджет солиқдан ташқари даромадлари улушининг динамикаси барқарор тенденциянинг мавжудлиги ҳақида гапириш имконини бермайди.

Иккинчи мезон – давлат харажатларининг таркиби ва биринчи навбатда реал молияланган ҳамда давлат бюджети тўғрисидаги қонунда қайд этилган харажатлар нисбати. Эксплуататорлик давлатида унинг мажбур қилиш салоҳиятини сақлаб қолиш ва кучайтириш билан боғлиқ харажатлар («куч ишлатувчи» вазирликларни сақлаб туриш харажатлари) ҳамда бевосита давлат аппаратини сақлаб туриш учун йўналтирилган харажатларни молиялашнинг устуворлиги ўрин тутади. Мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат аппарати харажатларни катта тайёргарлик билан амалга оширади. **Учинчи мезон** – бюджет тақчиллигини молиялаш усуллари. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг учта асосий усули – Марказий банкнинг ҳукуматга кредитлари, ташқи ва ички қазлардан эксплуататорлик давлати биринчисини афзал кўради.

Коррупция назариясининг ривожланиши давлатнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисидаги масалага нисбатан янгича ёндашувга мисол бўлади ва шу

билан бирга назарий жиҳатдан тўлиқ англаб етилмаган тажрибадан тўғридан-тўғри хулоса қилишнинг хавфлилигини ўзида намоён этади.

Фақатгина 1970-йилларга келиб коррупциянинг иқтисодий муаммо эканлиги англаб етилди. Коррупция – бу нафақат ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг, балки бутун жаҳоннинг муаммоси.

Коррупцияланиш индекси қуйидаги қатор омилларни баҳолаш усуллари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган: юридик қоидаларнинг очиқ-ойдинлиги, идоравий тузилмаларнинг етуқлиги, эркинлашиш даражаси, лицензиялар олиш ва рўхатдан ўтказишнинг қийинлиги, суд тизимларининг самарадорлиги, бюрократиянинг омилкорлик даражаси, фискал тизимнинг самарадорлиги ва очиқ-ойдинлиги, божхона ишининг самарадорлиги ва ҳ.к.

Мазкур дастурнинг асосий бандлари қуйидагилардан иборат:

- самарали нормалар ва чекловларни қабул қилиш;
- давлат хизматчилари, шунингдек давлат ва хусусий сектор соҳасида рақобатни кучайтириш;
- давлатни инсонларга яқинлаштириш: фуқаролар билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, фуқаролар фикрларини ҳисобга олиш;
- бюджетнинг ўсишини ички барқарорлаштирувчи воситаларини яратиш, масалан, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари, қарорларни ким белгилаши, қабул қилиш ва амалга ошириши устидан назорат қилиш.

Янги институционал мактабнинг ҳозирги вакиллари давлат интервенционализмини иқтисодий асослашни бозорнинг нуқсонларида ёки ночорлигида кўрмоқда. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

- ***мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш:*** трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик

ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- **ахборот билан алмашиш тармоқларини барпо этиш:** мувазанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади;

- **ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш:** давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради, янада кенг маънода эса универсал чора-тадбирлар жумласига давлат томонидан пул муомаласининг ташкил этилиши ҳам киради, чунки алмашувнинг универсал тадбир – пулнинг энг муҳим функцияларидан бири;

- **товарлар ва хизматлар билан жисмоний алмашиш тармоқлари ва механизмларини барпо этиш:** бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқлари (транспорт тармоқлари, савдолар учун уюшган майдончалар ва ҳ.к.)ни ўз ичига олади;

- **ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва низоларда «учинчи» томон ролини бажариш:** шартномаларни бажаришда қутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши шарнома томонларининг улардан оппортунистик фойдаланишидан кафолатлаш учун «учинчи» томон (суд)нинг аралашувини талаб қилади;

- **соф ижтимоий фаровонликни яратиш «чиптасиз»** муаммосини келтириб чиқаради, бу уни молиялаш учун давлат томонидан мажбурлов чораларидан фойдаланишни талаб қилади (биринчи навбатда мудофаа, кейин соғлиқни сақлаш ва таълим сингари ижтимоий фаровонликни яратиш).

Келишувлар ва алмашувнинг оддий шаклларида тортиб то ҳозирги даврнинг ривожланаётган иқтисодийетини ажратиб турувчи мураккаб

шаклларгача бўлган инсон ҳамкорлигининг эволюцияси ўз-ўзидан автоматик тарзда юз бергани йўқ.

Иқтисодий тарихнинг катта қисмида майда ишлаб чиқариш ва маҳаллий савдо-сотиқ жараёнида томонларнинг индивидуаллашган муносабатлари билан тавсифланувчи алмашув хили устунлик қилди. Бундай алмашув такрорланиб туриши, маданий гомогенлик (яъни бойликлар умумий тўпламининг мавжудлиги) ва учинчи шахслар томонидан назорат ва мажбурловнинг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай алмашув иштирокчилари учун чекловлар қонли алоқалар, гаровлар, гаровга олинганларни алмашиш каби ҳолатларлар туфайли юзага келарди.

Давлат ривожланишининг юқорида келтирилган босқичларига давлат тузилишининг қуйидаги турлари мос келади:

1) унда қонун чиқарувчи, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва умумий қоидалар мавжуд бўлмаган ҳамжамият;

2) унда мутлақ ҳуқуқларни тафсирловчи умумий қоидалар, қонун чиқарувчи орган, судлар мавжуд бўлган, лекин полиция ёки армия мавжуд бўлмаган ва бу билан қонунга риоя этишга мажбурлаш алоҳида хусусиятга эга бўлган жамият;

3) унда давлат қоидаларни белгилайди, низолар юзага келганда ҳакамлар суди функциясини бажаради ва мутлақ ҳуқуқларни таъминлайди.

5.2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг институционал жиҳатлари

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланганлик даражаси мамлакатда ижтимоий масалаларнинг қай даражада ҳал этилаётганлигига билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай институционал ўзгартиришлар жамият ижтимоий ислохотлари орқали намоён бўлади.

Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбағаллиги ёки бойлигида эмас, балки ушбу ижтимоий табақалар ўртасида ҳаддан

ташқари фарқнинг катта пайдо бўлганлигидадир. Бу эса беихтиёр улар ўртасида қарама-қаршилиқларни келтириб чиқарди.

Чунки ижтимоий зиддиятларнинг ҳаддан ташқари кескинлашуви жамиятда ижтимоий барқарорликнинг барҳам топишига, ички можароларга ва ҳатто фуқаролар урушига ҳам олиб келиши мумкин.

Бундай муаммоларни енгишда ёки барҳам топтиришда давлатнинг роли жуда муҳим ҳисобланади:

- ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан;
- бу даврнинг муқаррар қийинчиликларини эҳтиёт чоралари ҳисобига юмшатишдан;
- одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишини осонлаштиришдан иборат.

Ижтимоий бирдамликни таъминлаш ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг, ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсдан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган – деб ҳисобловчи бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир.

Давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб борар экан унинг асосий йўналишларини белгилаб беради:

- давлат ижтимоий истеъмол фондларини ташкил этиш ва улардан жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фойдаланишни кафолатлайдиган қонунларни қабул қилиш;
- давлатнинг марказлашган ижтимоий суғурта фондини ташкил этиш;
- кўрсатилган хизматлар ва самарали меҳнатлари учун давлат томонидан бериладиган имтиёзлар;
- иш ҳақи ва пенсия минимумининг давлат томонидан кафолатланиши;
- кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар;
- кам таъминланган аҳоли табақаларига моддий ёрдам кўрсатиш;

- болаликдан ногирон ва бошқа меҳнат қобилиятини йўқотганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- талабалар учун тўланадиган давлат стипендиялари;
- ишсизлик нафақаси;
- энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш;
- ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари (соғлиқни сақлаш, таълим, жиммоний тарбия, спорт ва маданият) моддий базасини қўллаб-қувватлаш

Аmmo бу ўринда шундай муаммо келиб чиқди, яъни давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳаддан ташқари аралашуви, қандай йўлда, мақсадда қилинмасин, барибир иқтисодиётнинг самарадорлигини пасайтиришга олиб келди. Чунки, бозор иқтисодиётининг шаклланиши икки субъектнинг - эркин бозор ва уни давлат томонидан тартибга солиш ўртасидаги нисбатнинг оптимал бўлишини талаб қилади.

Иқтисодиётнинг ислоҳ қилиниши натижасида мулкчиликнинг янги-янги шакллари пайдо бўлиди ва аҳоли даромадлари тизимига анча сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда аҳолининг хусусий мулкдан, тадбиркорликдан олаётган даромадлари салмоқли ўринга чиқди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ижтимоий масалаларга устуворлик берилиши билан характерланади. Унинг ижтимоий йўналишга эга бўлиши муҳим белги сифатида аниқ йўналишларга эгалигидир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг бош мақсади жамият аъзоларининг умумий фаровонлигига қаратилиши бўлиб, бу биринчи навбатда иқтисодий фаол, кўпчиликни ташкил этувчи аҳолининг фаровонлигини таъминлаш зарурлигини ва у яратган даромад ҳисобидан мухтожларга ёрдам берилишини англатади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг илдизи давлатнинг мавжудлиги ва бозор иқтисодиётининг ички механизмларида жойлашган, уни давлат ва бозор механизмларининг узвийлиги юзага чиқаради. Ижтимоийликнинг давлат механизми умумий аҳамиятга молик масалаларни куллаб қувватлаш, бу борадаги ижтимоий сиёсатни юритиш, турли дастак ва воситалар орқали таъсир этиш орқали иқтисодиёт ижтимоийлигини кучайтиради. Бозор тизими ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтириб, унинг истеъмол билан боғланишига мунтазам тус беради, бинобарин, бу ерда иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши тўлароқ юзага чиқади, чунки буни таъминловчи иқтисодий механизмлар ишлаб туради.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини рақобат қонуни ҳам таъминлайди. рақобатнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларга тинчлик бермайди, рақобатда енгилмаслик ва бозорда жон сақлаш учун улар бозорга товарларни кўплаб ва истеъмолчига маъқул нархда таклиф этадилар. бу билан ҳам иқтисодиётнинг ижтимоийлигига эришилади.

Бозор механизмнинг ўзи иқтисодиётнинг ижтимоийлигини иқтисодий фаол аҳолига, яъни ишлаб пул топадиганларга нисбатан таъминлайди. Шунга кўра ҳар бир ҳаракат қилган киши ишлаб топганини ўзи олади, шу боис боқимандалик инкор этилади. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли киши ўзи ва ўз оиласи фарвонлигини ишлаб топгани даражасида таъминлашига талаб қўйилади. Иқтисодий вазият шундайки ҳамма ўзини ўзи боқиши керак. Бундан фақат меҳнатга лаёқатсиз кишиларгина мустасно этилади. Бозор механизмида кишиларни ўз фарвонлигини таъминлаш учун интилиши мавжуд. Бу унинг ижобий маънодаги шавқатсизлигини юзага келтиради.

Бозор иқтисодиётининг ижтимоийлиги, унинг даражасига қараб ҳар хил амалга ошади. Бунинг сабаби, истеъмолнинг ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлишидир. Шундай экан, жамият ривожланиши учун унинг истеъмоли ишлаб чиқарилган моддий неъматлар миқдорига монанд бўлиши керак.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз, яъни бозор қоидаларига биноан даромад топиб ўзини-ўзи боқа олмайдиган тоифаларига тааллуқли ижтимоий муаммоларни давлат механизми бажаради. Барибир давлат механизми ҳам мавжуд ижтимоий ресурсларга таянади, бироқ давлат уларни яратмайди, чунки буни бозор кучлари бажаради. Давлат ижтимоий ресурсларни қайта тақсимлаб уларнинг бир қисмини аҳолининг ночор қатламлари тирикчилигини таъминлашга юборади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг муҳим хусусияти оммавий фаровонликни таъминлашга қаратилиши билан изоҳланади. Фаровонлик нақадар юқори бўлса иқтисодиётнинг ижтимоийлиги шунчалик кучли бўлади. Фаровонлик икки қисмдан иборат. Биринчиси, иқтисодий фаровонлик – бу хаётий неъматларнинг жон бошига истеъмоли билан тавсифланади. Иккинчиси ижтимоий фаровонлик бўлиб, бу хаёт кечиришнинг умумий шарт-шароити қандайлиги билан тавсифланади.

Ижтимоий фаровонлик – бу иқтисодиёт ижтимоийлигининг муҳим жиҳати, хаёт кечиришнинг умумий шарт-шароити ва турмуш тарзини билдиради. Фаровонлик истеъмол билан чекланмай, хаёт кечиришнинг нақадар қулайлигини ҳам талаб қилади. Биринчи навбатда хаёт кечиришнинг хавфсизлиги таъминланиши керак. Ҳамма нарса етарли бўла туриб турмуш таҳликали бўлса, фаровонлик таъминланмаган бўлади. Хавфсизлик дегани хаёт кечиришни инсон учун қўрқинчли бўлмаслиги, ишлаб даромад топиш имконини сақланиши, келажакка ишончни пайдо бўлиши, ишсиз қолиш ва қашшоқлашув хавфини бўлмаслиги ёки озлиги, ижтимоий ва экологик шароитни қониқарли бўлишини англатади. Кишилар ўртасидаги тотувлик ҳукм суриши, низоларни кам бўлиши, бўлган тақдирда ҳам уларни тезда бартараф этилиши ҳам фаровонликка ҳисса қўшади. Таҳликали ижтимоий ходисалар жумласига уюшган жинойтчилик, терроризм ва экстремизм кирадики, улар қанчалик кам бўлса, шунчалик хаёт осойишта ва фаровон кечади. Аҳолининг сиҳат-саломатлиги ҳам ижтимоий фаровонликни

тавсифлайди. Бу касалга чалиниш, уни оғир ёки енгил кечиши, уни давомийлиги, ўлим билан нақадар тугаланиш-тугалланмаслиги, эпидемиялар, уларни оқибатлари, XXI аср вабоси СПИД ни тарқалиши кабилардан иборат. Сихат-саломатлик умумлашган ҳолда узоқ умр кўриш билан якунланади.

Ижтимоий фаровонликни муҳим томони аҳолининг саводхонлик даражасидир. Бу ўқиш ёшидагиларнинг қанча қисми амалда ўқишини, хар бир кишини ўртача неча йил таълим олишини, ишлайдиганларни қанчаси саводхон бўлишини билдиради. Фаровонлик кўрсаткичи сифатида аҳоли жон бошига таълим-тарбия харажатлари ва уларнинг ЯИМ даги ҳиссаси ҳам олинади. Мамлакатларнинг молиявий имкониятларига қараб бу кўрсаткич жиддий фарқланади.

Фаровонликни юқори бўлиши кишилар ўртасидаги тенгсизлик сақланган холда ҳаммани тўқ, тинч ва хотиржам яшашини билдиради. Фаровонлик юқори жойда у паст бўлган ерга нисбатан ижтимоий аҳиллик қарор топади, ижтимоий низолар минимал даражага келтирилади, ижтимоий тўқнашувларга ўрин қолмайди. Бундай вазиятда иқтисодий ўсиш учун қулай ижтимоий шароит ҳосил бўлади.

Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамуамалоти мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинггина эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир.

5.3. Хуфёна иқтисодиёт

Қонуний равишда қайд этилган ҳуқуқларга эга бўлган алмашувнинг юқори даражадаги трансакция харажатлари ҳамма вақт ҳам энг самарали мулкдорларга мулкчиликнинг зарур ҳуқуқларига эгалик қилиш имконини бермайди. Бу ҳол алмашув умуман содир бўлмаётганлигини ва иқтисодий агентлар мулкчилик таркиби нооптималлигича қолишига рози бўлганлигини англатмайди. Аксинча, иқтисодий агентларнинг муқобил қарорни қидириши

мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга ва улар билан хуфёна, яъни давлатнинг иштирокисиз, алмашишни ташкил қилишга уриниши кўринишида амалга оширилади.

Хуфёналик – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ (қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат. Мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлаш жараёнида давлат уни энг самарали мулкдорларга бера олмайдиган, ҳуқуқлар билан алмашиш эса юқори трансакция харажатлари туфайли мумкин бўлмаган, тақиқланадиган даражадаги танг вазиятдан чиқиш йўли худди шу тариқа топилади.

Мулкчилик ҳуқуқларининг ошкора ва хуфёна тизимлари амалга оширилишига кўплаб мисоллар мавжуд. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида, қонунда мустаҳкамланган «мулкчиликнинг умумхалқ хусусияти»га қарамасдан, асосий ҳуқуқлар ҳам партиявий, ҳам маъмурий (вазирликлар, юқори ташкилотлар) буюрократия кўлида эди. Тегишлича савдолар ва битимлар шаклини ҳосил қилган низоларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари ҳам мавжуд эди, бунда алмашув предмети сифатида нафақат товарлар ва хизматлар, балки «жамиятдаги мавқе, ҳокимият ва бўйсунуш, қонунлар ва уларни бузиш ҳуқуқи» ва ҳатто ишлаб чиқариш давлат режалари ҳам иштирок этган.

Перулик олим Эрнандо де Сото тадқиқотларида Лотин Америкаси мамлакатлари мисолида хуфёна иқтисодиёт масалалари жиддий таҳлил этилган. Уларда давлат суд-ҳуқуқ тизими ва у ҳимоя қиладиган мулкчилик ҳуқуқлари алмашувларнинг фақат кичик бир қисми механизмни шакллантиради. Уларда – чакана савдо, жамоат транспорти, қурилиш каби иқтисодиётнинг бир қатор секторлари фаолияти мулкчилик ҳуқуқларининг хуфёна тизимига асосланади. Масалан, Перу пойтахти Лима шаҳрида янги

кўп қаватли турар жой биносини қуриш мэрияда рухсат олишдан эмас, балки биринчилик тамойили бўйича қурилиш учун участкани эгаллаб олишдан бошланади. Шу тариқа мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилиши хуфёна қайд этилган мулкчилик ҳуқуқи даражаси билан эмас, балки ижтимоий санкциялар ва оддий ҳуқуқ билан ҳимояланади.

Иқтисодий фаолиятни хуфёна амалга ошириш, биринчи навбатда, қонун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш харажатлари ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади. Де Сото ушбу харажатларни «қонунга бўйсунуш баҳоси», дея таърифлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қонундан фойдаланиш харажатлари (юримдик шахсни рўйхатга олиш, лицензия олиш, банкда ҳисобварақлар очиш, юримдик манзилга эга бўлиш ва бошқа расмиятчиликларни бажариш харажатлари);

- қонун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (солиқларни тўлаш; меҳнат муносабатлари соҳасида қонун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошқора суд тизими доирасида низоларни ҳал этишда суд харажатларини тўлаш).

Таъкидлаш жоизки, қонунга бўйсунуш баҳоси нафақат тўғридан-тўғри харажатларни, балки у ёки бу тадбирларни бажариш учун вақт сарфларини ҳам ўз ичига олади. Бунда унинг айнан ушбу таркибий қисми қатор ҳолатларда жуда катта бўлади. Масалан, Лима шаҳрида уй-жойни қуриш учун рухсат олиш тадбири тахминан 4 йилу 1 ой, майда улгуржи бозорини ташкил қилиш учун рухсат олиш 17 йил, кичик дўконни очиш учун рухсат олиш 43 кун вақтни олган.

Россияда корхонани рўйхатга олиш учун вақт сарфи унчалик катта эмас, лекин шу билан бирга, қонун доирасида фаолиятни давом эттириш

харажатлари тақиқланадиган даражада юқори бўлган. Биринчи навбатда, бу солиқ тўловларига тааллуқли бўлиб, кўшилган қиймат солиғи 20 фоизни, айланмадан тўланадиган солиқ 4 фоизни, фойда солиғининг ўртача ставкаси 35 фоизни, иш ҳақи фондига тўловлар (шу жумладан, даромад солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар) 60 фоизни ташкил қилган.

Турли қонунчилик меъёрларига амал қилинмаслик ҳолатларининг тез-тез учраб туриши хуфёна иқтисодиёт ўлчамининг индикатори бўлиб хизмат қилади. Бироқ, унинг миқдорий ўлчови вазифасини ҳал этишга киришишдан олдин хуфёна иқтисодиётнинг турли унсурларини таърифлаш лозим. Умуман олганда хуфёна иқтисодиёт – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, хўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмий қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфёна иқтисодиёт бир нечта унсурдан таркиб топади.

Хуфёна иқтисодиётнинг машҳур иқтисодчи Э.Файг²² томонидан таклиф этилган таснифи диққатга сазавордир.

Файгнинг фикрига кўра, ҳар бир алоҳида хуфёна иқтисодиёт турининг тафсифи унинг вакиллари бузадиган институционал қоидалар тўплами билан белгиланади, яъни уларнинг фаолияти қоидалар ва нормаларнинг ўрнатилган тизими доирасидан ташқарига чиқади ёки уни четлаб ўтади ва, ўз навбатида, ўлчанмайди ва ижтимоий жиҳатдан ҳисобга олинмайди.

У ёки бу ҳолатда қанақа қоидаларнинг бузилиши хуфёна иқтисодиёт турларини фарқлаш мезони ҳисобланади. Ушбу мезондан таснифлаш тизими учун асос сифатида фойдаланган ҳолда, Э.Файг хуфёна иқтисодий ҳаракатларнинг тўртта хилини ажратади: нолегал (махфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг қонуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юридик нормативларни бузувчи

²² Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: неоинституциональный подход. М.: РГГУ, 2000. -147 с.

иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг синоними сифатида иштирок этади. Нолегал тадбиркорлар тақиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда иштирок этади (гиёҳвондлик моддаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, чайқовчилар томонидан валюта айирбошланиши ва ҳ.к.). Бундай тақиқланган иқтисодий ҳаракатлар, қонунни четлаб ўтган ҳолда, фойдали даромад манбаи ҳисобланади. Шунингдек, сиёсий, иқтисодий ва юридик муассасалар барқарорлигига путур етказишга хизмат қилади.

2. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт институционал жиҳатдан ўрнатилган, солиқ кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисобга олинмаган иқтисодиётдан олинган даромадлар солиқ органларига хабар қилинмайди. Бунда “солиқ бўшлиғи” – солиқ тушумларини назарда тутувчи сумма билан амалда олинган даромад ўртасидаги фарқ юзага келади.

Ҳисобга олинмаган даромадларни тадқиқ этиш ривожланган мамлакатларда солиқ солиш соҳасидаги турли ўзгаришларга туртки бўлди. Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг соддалаштирилиши ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши солиқ солиш базасининг кенгайишига ва солиқ тизими харажатларининг қисқаришига олиб келди. Шу билан бир вақтда ривожланаётган мамлакатларда ҳисобга олинмаган иқтисодиёт, перулик иқтисодчи Э. де Сато “меркантилист тизим” сифатида таърифлаган самарасиз фискал институтлари мустаҳкамланган ҳолда, фаолият кўрсатишда давом этмоқда.

3. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топган. Бу ерда давлат миллий статистика тизимида рўйхатга олинмаган даромад суммаси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Э.Файгнинг фикрига кўра,

рўйхатга олинмаган даромад – бу амалдаги умумий даромад билан статистика тизими томонидан қайд этиладиган даромад ўртасидаги фарқдир.

Ривожланаётган мамлакатларда уйда ишлаб чиқариш рўйхатга олинмаган иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Миллий даромадни ҳисоблаш методикаси уйда ишлаб чиқаришнинг миллий ҳисобга киритилишини назарда тутса-да, мазкур сектор, одатда, уни ўлчашнинг қийинлиги туфайли, эътибордан четда қолади. Э.Файгнинг таъкидлашича, уйда ишлаб чиқаришнинг мавжуд баҳолари шуни кўрсатмоқдаки, у ривожланган мамлакатларда рўйхатга олинган ЯИМнинг 25-50 фоизини ташкил қилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳисобга олинмаган ва рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ўртасидаги фарқ, юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, ғоят шартли. Агар фаолият статистика органлари томонидан рўйхатга олинмаса, у ҳисобга ҳам олинмайди.

4. Норасмий иқтисодиёт. Норасмий иқтисодиёт жамият фойдасини ҳамда мулкчилик муносабатларини, лицензиялашни, меҳнат шартномаларини, молиявий кредитлаш ва ижтимоий суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган ҳуқуқларни бузган ҳолда алоҳида харажатларни тежовчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. У норасмий фаолият юритувчи иқтисодий агентлар томонидан олинадиган даромадлар билан ўлчанади.

Иқтисодиётнинг ушбу хилига уйда ишлаб чиқаришни киритиш мумкин, чунки иқтисодий нуқтаи назардан у ҳисоблашнинг қийинлиги туфайли ҳисобга олинмайди.

Норасмий секторнинг ҳозирги таърифлари, Э.Файгнинг фикрича, одатда, норасмийликнинг ҳуқуқий концепциясини назарда тутувчи Э. де Сатонинг ғояларини ўзида акс эттиради. Норасмий сектор тўғрисидаги адабиётларнинг катта қисми шаҳар иқтисодиётига бағишланган бўлса-да, албатта, қишлоқ норасмий иқтисодиёти янада катта.

Хуфёна хўжалик айланмаси, табиийки, расмий статистикага киритилмаслиги боис, хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу мақсад учун қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилади:

- монетар усул, у хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида қурилади (нақд пул массаси ҳаракатининг динамикаси хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамлари ҳақида фикр юритиш имконини беради);

- харажатлар ва даромадлар баланслари усули, унда декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади;

- бандликни таҳлил қилиш, у шуни назарда тутадикки, узоқ вақт мобайнида сақланиб келаётган рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради (рўйхатга олинмаган ишсизлар сони хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамларидан билвосита далолат беради);

- технологик коэффициентлар усули, у харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради (масалан, истеъмол қилинадиган электр энергиясининг динамикаси ва декларация қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар таққосланади);

- уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули, у хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамига эксперт баҳоларини беради;

- социологик усул, у хуфёна битимлар амалга ошириладиган алоҳида меъёрларни, уларнинг жамиятда тарқалганлигини, битимларни тузишда қанчалик қўлланишини таҳлил қилишдан иборат.

Ёритилган ёндашувларнинг турли хиллиги сабабли олинмаган натижаларни кўпинча таққослаш қийин бўлса-да, хуфёна иқтисодиёт миқдорининг айрим баҳоларини келтириш мумкин: (ЯИМга нисбатан фоиз

ҳисобида): Италия - 15-30, Бельгия - 4-13, Швеция - 0,5-17, Буюк Британия - 2-16, Франция - 15, США - 3-28, Перу -27-28. Россияда 80-йилларнинг охирида ЯИМнинг 20 фоизга яқини, 1996 йилда 23 фоиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қонунга бўйсунининг юқори баҳоси ва хуфёна иқтисодиётнинг катта ўлчамлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Бироқ хуфёна режимда алмашувларни амалга ошириш ҳам харажатлар билан боғлиқ. Харажатларнинг бир турида тежалишга эришган хуфёна иқтисодиётда фаолият юритувчи субъектлар бошқа харажатларни кўпроқ амалга оширишади – улар «хуфёналик баҳоси»ни тўлашга мажбурдирлар. Хуфёналик баҳоси бир неча унсурлардан таркиб топади.

Ҳуқуқий қоидалардан бўйин товлаш билан боғлиқ харажатлар куйидагиларни ўз ичига олади: солиқ ва бошқа молиявий маслаҳатчилар хизматларига ҳақ тўлаш; ишлаб чиқариш ҳажмининг чекланиши ва реклама натижасида йўқотилган фойда (корхона қанчалик катта бўлса ва у реклама кампаниясини қанчалик фаол юритса, назорат қилувчи органларнинг эътибори доирасига тушиш имконияти унда шунчалик катта); «иккиёқлама» бухгалтерияни юритиш харажатлари ва шу муносабат билан юзага келадиган корхонадаги ҳисоб юритиш ва назорат қилишдаги қийинчиликлардан кўриладиган йўқотишлар.

Даромадлар трансферти билан боғлиқ харажатлар. Ҳатто солиқлар тўлашдан бош тортувчи иқтисодий субъектлар ҳам ўз фаолиятидан фойдали самарани давлат билан баҳам кўради, бироқ бунда улар бунинг эвазига давлатдан ҳеч нарса олишмайди. Гап шундаки, барча иқтисодий субъектлар билвосита солиқлар ва инфляция солиғини тўлашади (биринчи навбатда бу хуфёна алмашувлар чоғидаги мутлақ нақд пулларга тааллуқли). Лекин трансфертлар бир томонлама хусусиятга эга – ошкора иқтисодий субъектлардан фарқли ўлароқ, хуфёна иқтисодий субъектлар бузилган мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан давлатга мурожаат эта олишмайди. Бунга, шунингдек, кредит олиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам кўшимча қилиш лозим – чунки ўз фаолиятини яширувчи субъектлар

ўзининг кредитга лаёқатлилигини бухгалтерия балансида асослай олишмайди.

Солиқлар ва иш ҳақиға ҳисоблаб ёзишлардан бош тортиш билан боғлиқ харажатлар. Даромад солиғи, ижтимоий суғурта фондиға ва пенсия жамғармасиға мажбурий тўловлардан бош тортиш корхонаға иш ҳақини тўлашға тежаш имконини беради, лекин бунда меҳнатнинг ўрнини сармоя билан босиш ва техника билан қайта жиҳозлашдан манфаатдорликни пасайтиради. Арзон меҳнат корхонани «йўлдан оздиради». Бундан ташқари, қўшилган қиймат солиғини ундириш тадбири хуфёна фаолият соҳасини фақат ишлаб чиқариш занжирининг четки бўғинлари – чакана савдо ва хомашёға ишлов беришнинг бошланғич босқичлари билан чеклайди. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг айнан бошланғич босқичларида ҚҚСни тўламасликдан кўриладиган фойда энг кўп миқдорға етади, айна пайтда оралик босқичларда оралик маҳсулотнинг хуфёна ётказиб берувчилари ошқора ётказиб берувчиларға қараганда ютқазиб ҳолатиға тушиб қолишади.

Қонуний қайд этилган мулкчилик ҳуқуқларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ харажатлар. Мулкчилик ҳуқуқларини хуфёна тафсирлаш фақат ижтимоий санкциялар ва муносабатларни индивидуаллаштириш йўли билан ижтимоий тузилмалар доирасида амалға оширилиши мумкин. Мулкчилик ҳуқуқлари ошқора (фуқаролик келишуви асосида) эмас, балки ижтимоий (анъанавий келишувлар асосида) белгиланади ва ҳимояланади. Шунинг учун фақат барча трансакциялар ижтимоий тузулма - қабила, оила-қариндошчилик ёки қўшни жамоа, миллий доиралар ичида амалға оширилганда, ҳуқуқларни алмашиш ва ҳимоялаш харажатлари жуда паст бўлади. «Четдан» инсон иштирокидаги ҳар қандай битимда мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмлари амал қилмай қолади. Демак, ҳуқуқлар фақат улар ичида энг юқори нархни тўлашға тайёр бўлган (яъни энг самарали ҳуқуқ эгаси) харидор топилиши шарт бўлмаган инсонларнинг қатъий чегараланган доирасиға мумкин. Коуз теоремасининг бажарилмаслигидан ташқари, мулкчилик ҳуқуқларини капиталлаштириш, ҳуқуқларни эркин

ўтказишнинг иложсизлиги ҳам маълум шахслар доираси томонидан ҳуқуқлар билан алмашувни чеклашнинг натижаси ҳисобланади (ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини сотишнинг иложи йўқ). Де Сото хуфёна қайд этилган мулкчилик ҳуқуқларини таърифлаш учун «жонсизлантирилган капитал» атамасидан фойдаланади: ушбу капиталдан гаров сифатида фойдаланиш, уни гаровга инвестиция қилиш, эркин сотиш, баъзан эса шунчаки мерос қилиб қолдириш мумкин эмас.

Шартнома тизимидан фойдаланишнинг имконсизлиги билан боғлиқ харажатлар. Шартномаларни тузишнинг хуфёна тадбири унда кўплаб иқтисодий субъектлар иштирок этадиган узок муддатли лойиҳаларнинг амалга оширилишини қийинлаштиради. Чунки узок муддатли лойиҳага маблағлар кўйишга ундовчи омил бўлиб унда иштирок этувчи инсонларнинг шахсий нуфузи эмас, балки нима бўлишидан қатъи назар сармоядорларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишига ишонч ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, шартномани қайта кўриб чиқиш зарурати туғилган ҳолларда иштирокчилар битимнинг томонларнинг ҳеч бири ундан манфаатдор бўлмаган барча икки-чикирларига эътибор қаратиши лозим бўлган суд ёки арбитражга мурожаат эта олишмайди.

Хуфёна битимнинг мутлақ икки томонлама хусусияти билан боғлиқ харажатлар. Фаолиятни ва унинг натижаларини қонундан яширишга уриниш хуфёна битим иштирокчилари доирасини мумкин қадар чеклашга ундайди. Хуфёна битим кўпроқ икки томонлама хусусиятга эга. Битимдан манфаатдор бўлган учинчи шахслар (масалан, стихияли юзага келадиган бозорлар яқинидаги мавзелар аҳолиси) унинг иштирокчилари доирасидан чиқарилган ва, демак, уларнинг манфаатлари битимда ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда, зарарли фойдаланиш ҳуқуқи, одатда, хуфёна ҳуқуқни тартибга солиш соҳасидан ташқарида қолади.

Низоларни ҳал этишнинг хуфёна тартиботларидан фойдаланиш харажатлари. Ошкора суд-ҳуқуқ тизими низоларни ҳал этишнинг қатор субинститутларига – оилавий-қариндошчилик ва мафия механизмларига эга.

Юзага келган низоларни ҳал этиш учун иккала муқобил вариантдан ҳам фойдаланиш харажатлар билан боғлиқ. Биринчидан, кўп сонли қариндошлар, юртдошлар ва бошқа «ўзиникилар» билан яхши муносабатларни ушлаб туриш эътибор белгиларини қаратиш учун вақт ва хизматлар алмашиш учун маблағлар талаб қилади. Иккинчидан, суд ва кучлилик тузилмалари функциясини бажарувчи мафия хизматларига мурожаат этиш ўзига хос солиқни тўлаш зарурати билан шартланган. Ҳатто Италияда ушбу солиқ алоҳида – *pizzo* номига эга бўлган. Ушбу солиқнинг миқдори ё корхона айланмасига нисбатан фоизларда, ёки мафия томонидан бизнесни ҳимоялаш ва низоларни ҳал этиш бўйича кўрсатилган хизматларга тенг (эквивалент) ҳисобида ҳисоблаб чиқилади. Бунда давлатдан фарқли равишда мафия ўз хизматларининг ҳар бир фойдаланувчисига «солиқнинг» алоҳида миқдорини белгилаган ҳолда монополчини камситувчи сиёсатни олиб боришга қодир бўлади. Ошкора тузилмага қараганда мафия фаолиятининг локал хусусияти ахборот манбаларининг анча кенг

Хуфёна сектор билан боғлиқ энг катта хавф-хатар – бу бозор конституциясидан кескин фарқ қилувчи хатти-ҳаракатлар ва битимлар тузишнинг алоҳида меъёрлари шаклланишидир. Хуфёна меъёрларнинг асосида уларнинг амал қилиши ҳудудий жиҳатдан ва / ёки шахсларнинг маълум доираси томонидан чегараланган ижтимоий механизмлар ётади - қонунга бўйсуниб меъёрларининг мавжуд эмаслиги, меъёрларнинг ижтимоий мансублигидан қатъи назар барча иқтисодий субъектларга амал қилишига имкон бермайди.

Хуфёна меъёрларнинг ёзилмаган ва якка ҳол хусусияти туфайли хуфёна битимлар тузиш учун барчага мос келадиган ўйин қоидаларини ифодалаб бўлмаса-да, хуфёна иқтисодиёт «конституцияси»нинг асосий унсурларини аниқлаш мумкин. Илмий манбаларда бунга мисол тариқасида иқтисодчилар ва социологлар томонидан яхши ўрганиб чиқилган Италия, Сицилия, Калабрия ва бошқа ривожланган хуфёна секторга эга бўлган мамлакатлар келтирилган.

Давлатнинг (дастлаб Испания, сўнгра Италия давлатининг) кам иштироки ва унинг маҳаллий аҳолининг турмушини ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашга лаёқатсизлиги Италия жануби тарихий ривожланишининг муҳим омиллари бўлган. Давлат ушбу минтақаларнинг узокда жойлашганлиги ва ўзи олиб борадиган «бўлиб ол ва ҳокимият ўрнат» сиёсат туфайли уларнинг мавжудлиги ҳақида шунчаки унутиб қўйди. Шунинг учун, айниқса феодал ҳуқуқнинг бекор қилиниши ва майда мулкдорлар синфининг шаклланиши муносабати билан мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва шартномалар бажарилишини таъминлашнинг давлатнинг аралашувига муқобил механизмлари талаб этилди. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш бўйича давлатга муқобил институт сифатида мафия ҳақида дастлабки тилга олинishi феодализмдан майда ва ўрта ер мулкчилигига ўтишнинг айнан шу палласига тааллуқли. «Мафия» атамаси одатда турли маъноларда ва турли хилдаги ҳодисаларни ёритиш учун қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда ушбу атамадан асосан битимларни тузишда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатнинг алоҳида меъёрлари ва наъмуналарини белгилаш учун фойдаланилади. Яъни, мафия расмий ташкилот бўлмасада, хатти-ҳаракат ва ҳукмдорлик муносабатларининг алоҳида хили ҳисобланади. Бошқача айтганда, мафия институт сифатида шахсларга ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги фаолиятини мувофиқлаштириш имконини берувчи ўйин қоидаларининг йиғиндисидир.

Биринчи меъёр «ўйин конституцияси» ўзаро ҳамкорлик мақсадларини аниқлашга тааллуқли, уни шаън меъёри сифатида ифодалаш мумкин. Мафиянинг авжига чиққан классик даври (1890-1970 йиллар)да Италия жануби аҳолисининг асосий мақсади ўзининг фойдалилигини оширишдан эмас, балки ўз шаънини ва ўз оиласининг шаънини сақлаб қолишдан иборат бўлган. Ҳатто ўзини мафия деб ҳисоблаган инсоннинг ўзини номлаши – «шаън одами» – унинг фаолияти мақсадининг анъанавий хусусиятини тасдиқлаган. Келишувлар назарияси атамасидан фойдаланган ҳолда, шаън меъёрини анъанавий келишув жумласига киритиш мумкин, чунки гап

оиланинг шаъни ва обрўси ҳақида, биринчи галда, эр-хотиннинг шаъни ҳақида кетаяпти. Шаъннинг йўқотилиши ижтимоий ўзаро муносабатлар соҳасидан чиқарилишга олиб келади – уни йўқотган инсонлар ҳатто алоҳида, қишлоқларнинг чеккаларида яшашади ва фақат ўз муҳити доирасида мулоқатда бўлишади. Ҳақиқий мафиоз учун ҳатто тижорат соҳасидаги муваффақият ҳам мустақил кадр-қиммат эмас, балки шаън белгиси сифатида кўриб чиқилади.

Агар утилитаризм меъёрини оқилона ҳаракат меъёри тўлдирса, шаънни ҳимоя қилиш ва тасдиқлашнинг асосий воситаси – «ҳасад рақобатчилиги», эркаклар эга бўлган зулм ўтказиш салоҳиятини доимий равишда таққослаш (таъкидлаш лозимки, мафиянинг маданий соҳаси – «мачизм», яъни эркакка сиғиниш)дир. Шахс томонидан ҳамкорлар эҳтиёжларини қондириш орқали фойдалиликни оширишнинг бозор тамойили (унга кўра алмашувнинг барча иштирокчилари ютади)дан фарқли ўлароқ, ҳасад рақобатчилигида иккита ғолиб бўлиши мумкин эмас: фақат битта ғолиб мавжуд – қолганлар ҳаммаси – мағлублар. Кундалик турмушни тартибга солувчи восита сифатида зулм ўтказишдан фойдаланиш учун тақиқларнинг мавжуд эмаслиги, зулм ўтказишни монополлаштиришга уриниш иқтисодий соҳадаги мафия вакилларининг хатти-ҳаракатларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мафия билан боғлиқ тадбиркорда фойда олишга чеклашлар ошқора тадбиркорниқига караганда кам. Хуфёна тадбиркор зарур ҳолларда зулм қўлланилиши билан тўхтаб қолмайди, ошқора тадбиркор эса зулм ўтказиш учун давлат монополияси оқибатида эркинликнинг ушбу даражасидан маҳрум этилган. Шунинг учун мафия билан боғлиқ корхоналарнинг рақобат жиҳатдан устунликлари рақобат натижасида эмас, балки якка (алоҳида) монополияни ҳосил қилиш ва рақобатни чеклаш натижасида юзага келади. Мафия қоидалари бўйича фаолият кўрсатувчи бозор мукамал рақобат шартларидан йироқлашади, бундай қоидаларнинг мавжуд бўлиши иқтисодий механизмларнинг амал қилиши тартибини ўзгартиради.

Навбатдаги меъёр – ишонч – анъанавий хусусиятга эга, чунки у оила доирасида локализациялашган. Оила ичида ишонч бўлмаса, унинг бошлиғининг шаъни тушунчаси ўз кучини йўқотади. Шу нуқтаи-назардан ишонч анъанавий тарзда оила турмушининг базавий тамойилларидан бирини акс эттиради ва унинг ташқарисига амал қилмайди, демак, у бозор конституциясида кўзда тутилганидек, оқилона ҳаракатнинг шарти бўлиши мумкин эмас. Мафиянинг базавий ташкилий бирлиги – cosca – 15-20 (кўпи билан 70-80, камида 7) кишидан иборат ва оила-қариндошчилик алоқалари асосида шаклланадиган гуруҳни ўзида намоён этади. Cosca фаолияти доирасига тушган барча шахслар унинг аъзолари билан дўстона муносабатлар орқали бир-бирига боғлиқ.

Оила ичидаги муносабатларни қуриш учун фойдаланиладиган ишонч мафиянинг иқтисодий фаолиятини ҳам белгилаб беради. Мафия билан боғлиқ тадбиркорларнинг рақобат жиҳатдан яна бир устунлиги бўлиб ишонч асосида шартнома муносабатларини қуриш ҳисобланади – мафия шартнома мажбуриятлари бажарилишининг энг яхши кафолати ҳисобланади. Д.Гамбетта ёзганидек, мафияни бозорнинг ишончнинг «табиий» даражаси ҳаддан зиёд паст бўлган ва битим тузиш имконини бермайдиган секторларида ва ана шундай минтақаларда (Италия Жанубида бундай ҳолат ўрин тутади) ишончни туғдириш, реклама қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи алоҳида корхона сифатида намоён этиш мумкин. Шунингдек, ишонч юқори бўлмаган шароитда амалга ошириладиган ошқора товарлар билан исталган хуфёна битимларга ва тақиқланган товарлар (қурол, гиёҳвандлик моддалари) билан исталган битимларга ҳам эътибор қаратилади. Товар сифатида ишончнинг ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда, мафия уни сотишни ғайриоддий усул билан – оила-қариндошчилик, дўстона ёки мижозлик алоқалари соҳасига манфаатдор тадбиркорни аралаштириш орқали амалга оширади. Хусусан, мафиянинг иқтисодий фаолиятини ёритиш учун кўпинча мафиянинг оилавий алоқалари асосида ташкил этиладиган «тармоқ» тушунчасидан фойдаланилади. Айнан ўзгарувчан шароитларга тез

мослашувчи тармоқлар доирасида «ўзлариники» ўртасида юқори ишонч салоҳиятидан фойдаланувчи мафиянинг асосий иқтисодий фаолияти амалга оширилади.

Битимлар бўйича ҳамкорларни «ўзиники» ва «бегона» тоифасига бўлиш принципиал жиҳатдан муҳим, бу ерда гап иккита стандарт, икки хил хатти-ҳаракат ҳақида боради. «Ўзиники» доирасида шаън ва обрўга биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали эришилади ва ҳимоя қилинади, муносабатлар ишонч асосида қурилади. «Ўзиники» ва «бегона» ўртасида «ҳасадгуйлик рақобатчилиги» бўлиши муқаррар, ишонч эса душманлик ва зулмга ўз ўрнини бўшатиб беради. Хатти-ҳаракатнинг икки ёқлама стандарти мантиғига яна бир муҳим меъёр – махфийлик киритилади. Ушбу меъёр ташқи олам билан, айниқса, давлат вакиллари билан муносабатларда тўлиқ ёпиқликни белгилаб беради, унинг тескари томони сифатида тўлиқ очиклик ва оила абзоларидан фақат ҳақиқатни гапиришни талаб қилиш иштирок этади. Ҳақиқий мафиозлар ҳамма вақт жим туришади.

6-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА АГЕНТ МУАММОСИ

- 6.1. Буюртмачи — агент тушунчасининг мазмуни.**
- 6.2. Хусусий корхоналарда буюртмачи — агент муаммоси**
- 6.3. Банк бошқарувчиси агент сифатида**
- 6.4. Жамоа корхоналарида буюртмачи — агент муаммоси**
- 6.5. Нотижорат касалхоналар менежери агент сифатида**
- 6.6. «Буюртмачи — агент» тузилишидаги рағбатлантириш**

6.1. Буюртмачи — агент тушунчасининг мазмуни

Агар ахборот ҳамма учун бирдек етиб борса, агар ходим унумдорлик мониторинги харажат-харажат талаб қилмаса, корхона эгалари ўз менежерлари ва ишчилари самарали фаолиятини таъминлашлари мумкин бўларди. Бироқ кўпчилик фирмаларда мулк эгалари тўлиқ назоратни амалга ошириш имконига эга эмас — ходимлар улардан кўра хабардорроқ. Бундай асимметрик ахборот *буюртмачи — агент* муаммосини келтириб чиқаради.

Бу хил муносабат, ҳаминша ишга ёллаш бўйича битим бир шахснинг фаровонлигини бошқасининг фаолиятига боғлиқ қилиб қўйганида юзага келади.

Ҳаракатни амалга оширувчи томон *агент* деб аталади, мазкур ҳаракат таъсир ўтказадиган томон эса *буюртмачи* бўлади.

Бизнинг мисолимизда менежерлар ва ишчилар агент ҳисобланади, мулкдор эса буюртмачи. Буюртмачи — агент муаммоси шундан иборатки, менежерлар ўз мақсадини кўзлаши мумкин ва бунга ҳатто мулк эгасининг фойдасини камайтириш ҳисобига бўлса-да, эришишга ҳаракат қиладилар.

Бу тахлит муносабат жамиятимизда тарқалган. Масалан, врачлар касалхоналар учун агент ҳисобланади ва улар агент сифатида миждоз танлаши, ўзлари маъқул деб билган, лекин даволаш муассасаси мақсадларига мос келмайдиган, муолижани амалга ошириши мумкин. Айни шу каби кўчмас мулк бошқарувчиси, шу мулк эгасининг агенти сифатида, мулкни эгаси хоҳлаган тарзда сақламаслиги мумкин.

Тўлиқ бўлмаган ахборот ва қиммат тушувчи мониторинг агентлар хатти-ҳаракатига қай тарзда таъсир этиши мумкин? Менежерларни мулкдор манфаатларини кўзлаб ишлашига рағбатлантирувчи восита қандай? Бу буюртмачи — агент муаммосини ҳар қандай тадқиқотида марказий масаладир. Мазкур бандда буни биз бир неча нуқтаи назардан кўриб чиқамиз. Биринчидан, биз хусусий ва жамоа корхонасидаги мулкдор — менежер муаммосига тўхталамиз. Иккинчидан, биз мулкдорлар буюртмачи — агент муаммосини ҳал қилиш учун ишга ёллаш бўйича шартнома муносабатларидан қандай қилиб фойдаланишлари мумкинлигин муҳокама қиламиз.

6.2. Хусусий корхоналарда буюртмачи — агент муаммоси.

Айрим шахслар ёки молиявий институтлар 10фоиздан кўпроқ бўлган, 100 та йирик саноат корпорациясидан эса фақат 16 тага акция пакетларига эгалик қиладилар. Маълумки, анча йирик фирмалар менежерлар томонидан бошқарилади.

Кўплаб акция эгалари фирма капиталининг арзимас фоизига эгалик қилишларининг ўзиёқ уларга менежер фаолияти ҳақидаги маълумот олишини мушкуллаштиради. Мулкдорлар (ёки улар вакиллари)нинг вазифаларидан бири бошқарувчилар хатти-ҳаракатини кузатишдир. Лекин бундай мониторинг ахборотни тўплаш ва қайта ишлаб чиқишни талаб қилади, бу арзон тушмайди, айниқса, айрим шахслар учун. Агар акциядор корпорация бошқарилишига оид ахборотларни олиш учун кўп пул ва маблағ сарфласам, унда бу ахборотлар бошқа инвесторлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Лекин, ҳали, бу сарфларнинг ўрнини қандай тўлдириш аниқ эмас. Маълумки, бундай ахборотларни олиш иқтисодиёт кўламига боғлиқ, бундай маълумот қандай сотилиши мумкинлиги эса аниқ эмас. Мазкур вазият ахборотни ижтимоий бойликка айлантиради. Бунда ахборот рақобатли бозори юзага келишини кутиш учун асос йўқлигини, менежерлар фойдани

максималлаштиришдан фараз қилувчи ўз мақсадларини ишдан ажраб қолиш рискисиз кўзлаб ҳаракат қилишлари мумкин.

Шундай қилиб, хусусий корпорацияларнинг менежерлари шахсий мақсадларини кўзлаши мумкин. Лекин бу мақсадлар қандай? Бир нуқтаи назарга кўра бошқарувчилар амалда фойдадан кўра ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ғамхўрлик қиладилар: юқори ўсиш суръати ва бозордаги улушнинг катталиги пул тушуми кўпайишини таъминлайди. Бу ўз навбатида менежерлар ўзларини хотиржам ҳис этишларига имкон беради. Бошқа нуқтаи назар — эътиборни ўсишдан кўра нафлиликка, яъни менежерлар ўз фаолиятдан кўрадиган нафга қаратади. Бундан менежерлар кўзлаган нарса, фойда эмас, балки, ўз нуфузи, корпорацияда ҳукмронликни, кўшимча имтиёзларни ва бошқа афзалликларни таъминлаш, шунингдек, лавозимда узоқ муддат қолишдир. Менежерлар мақсади тўғрисидаги бу икки нуқтаи назар ишбилармон кишилар оптималлаштириш билан шуғулланишларини инкор этмайди, балки бу нуқтаи назарлар муқобил мақсадли функцияни билдиради. Лекин, чекланган ахборот фирманинг оптималлаштириш хатти-ҳаракати билан чиқишиб кетади деган таъкид хусусида бахслашиш мумкин.

Аммо, баъзи муҳим омиллар борки, улар менежерларнинг мулкдор мақсадларидан четга чиқиши имконини чеклайди. Биринчидан, агар акциядорлар бошқарувчи ўзини лойиқ тарзда тутмаётганини сезиб қолсалар норозилик **баён қилишлари** мумкин. Фирма жорий ишига раҳбарлик қилувчиларни алмаштиришлари мумкин (Бунга корпорация директорлари кенгаши ёрдамида эришилади, чунки кенгашнинг вазифаси менежерлар хатти-ҳаракати кузатиб бериш ҳисобланади). Иккинчидан, корпорация бошқарувида бозор усули кучли ривожланиши мумкин. Агар фирма яхши бошқарилмаганда, уни назорат қилиш мулкдорлар қўлига ўтиши аниқ бўлиб қолади, натижада менежерларда фойдани максималлаштиришга рағбат пайдо бўлади. Учинчидан, яхши ривожланган менежерлар бозори мавжуд бўлиши мумкин. Улардан, фойдани максималлаштирувчиларига талаб бўлса, улар

катта маош оладилар, бу ўз навбатида бошқа менежерларда шундай мақсадни кўзлаш истагини пайдо қилади.

Афсуски, акциядорларни бошқарувчилар хатти-ҳаракатини назорат қилиш воситаси чекланган ва такомиллашмаган. Корпорация раҳбариятининг алмашиши, масалан, иқтисодий самарадорликни таъминлашдан эмас, балки шахсий ҳукмронлик мақсадларидан келиб чиқиши мумкин.

Менежерлар бозори ҳам самарасиз бўлиши мумкин, чунки юқори босқич раҳбарлари кўпинча пенсия ёшига етиб қолган ва узоқ муддатли контрактга эга бўлади. Шунинг учун буюртмачи — агент муаммосини шундай ечимини топиш керакки, мулкдорлар менежерлар учун рағбатни давлат ҳокимиятига мурожаат этмай танлай билсинлар. Ана шундай қарорлардан баъзиларини кейинги мисолларда кўриб чиқамиз.

6.3. Банк бошқарувчиси агент сифатида

Фойдали максималлаштиришни рад этиш фирма раҳбарияти ўзгаришига олиб келадиган рақобатли муҳитда капитал қўйиш самарадорлигини таъминлаш зарур ва менежерлар ўз шахсий заруратларига пул сарфлашни афзал кўрмасликлари мумкин. Бироқ, рақобатсиз муҳитда икки муҳим омил, фирманинг капитал қўйилмаларига улар эгаларининг мавқеига боғлиқ ҳолда таъсир этади. Биринчидан, барча фирмалар бундай бозорда бозор ҳокимиятига эга бўлади, бу ҳокимият уларга товар чиқариш даражасини, демак, сарфларни пасайтириш имконини беради. Иккинчидан, агар фирма менежерлар томонидан бошқарилса, улар ўз лавозим жадвалидагиларни идорасига ишловчиларга пул сарфини ошириш, хонасига мебеллар ва бошқа ҳашамдорлик жиҳозлари олишлари мумкин. Пенсилваниядаги банк соҳасидаги тадқиқотлар иккинчи омил моҳиятини баҳолашга ёрдам беради. Мазкур тадқиқотда 365 банкнинг 1970 йилдаги фаолияти ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади ва улар умумий харажатлари уч тоифа бўйича баҳоланади: иш ҳақи ва маошлар, мебел ва жиҳозлар, эгаллаган хоналар учун сарфлар. Унинг натижалари менежерлар ва мулкдорлар

бошқарувидаги банклар ўртасидаги иш ҳақи ва маошларга сарфлар бўйича арзимас фарқ мавжудлигини кўрсатади. Асосий фарқлар мебелларга харажатлар, жиҳозлар ва хонага қилинган сарфларда кўринди. Менежерлар раҳбарлигидаги банкларда (булар бозорда ҳам ҳукмрон) икки жиҳат бўйича эгаси бошқарувидаги банкларга кўра тахминан 6 фоиз кўп чиқим қилинади.

Танланган банклар миқдори етарлича бўлганидан, натижа ҳеч қандай тасодифийлик билан боғлиқ бўлмади. Шунинг учун мазкур тадқиқот менежердан фойдаланувчи ва рақобатсиз тармоқларда ҳаракат қилувчи фирма харажатларнинг муайян моддаларини, ҳатто фойдани максималлаштириш зарарига бўлса ҳам, бажаришни маъқул кўрадилар. Қисқаси, гап буюртмачи — агент муаммоси хусусида бормоқда.

6.4. Жамоа корхоналарида буюртмачи — агент муаммоси.

Буюртмачи — агент чизмаси бизга бошқарувчиларнинг жамоа ташкилотларидаги хатти-ҳаракатини тушунишга ҳам ёрдам беради. Бу жойда менежерлар ҳокимият ва имтиёзлардан манфаатдор бўлиши мумкин. Бунга ташкилотни «самарали» даражасидан ташқарига кенгайтириш туфайли эришилади. Чунки жамоа секторида менежерлар хатти-ҳаракатини назорат қилиш қийин, бунга кафолат йўқ.

Давлат муассасаларида қонунчилик асосида ўтказиладиган текширувлар, асосан самарасиз бўлади, чунки, муассаса ўз сарфлари ҳақида қонунчилик идорасидан кўра яхшироқ билади. Гарчи жамоа секторида баъзи бир хусусий бозорда менежерларни интизомли қилиб турадиган бозор кучлари бўлмаса-да, давлат муассасаси самарали назорат қилиниши мумкин. Биринчидан, давлат ташкилоти менежерлари фақат улар иш ҳажми ҳақидагина қайғурмайдилар. Амалда уларнинг кўпчилиги харажати паст даражада жамоатчилик ишларини афзал биладилар, чунки «жамият манфаати» уларга фарқсиз эмас. Иккинчидан, давлат корхоналаридаги бошқарувчилар хусусий корхонадагилардан кам бўлмаган даражада менежерлар бозорининг қаттиқ талабларига боғлиқдирлар. Агар улар маъқул

бўлмаган мақсадни кўзласалар, келгусида катта маош олиш имкони камаяди. Учинчидан, қонунчилик ва бошқа ҳукумат идоралари назоратчи вазифасини ўтайди. Масалан, Давлат бухгалтерия хизмати ва шунингдек, Менежмент ва бюджет бошқармаси бошқа давлат муассаса мониторингига кўп куч сарфлайди.

Жамоа секторидаги менежерлар маҳаллий ҳокимият томонидан федерал ҳокимиятдан кўра қаттиқроқ назорат остига олинадилар. Фараз қилайлик, масалан, шаҳарнинг бирор транспорт бошқармаси автобусда ташувни самарали даражадан юқори даражага кенгайтиради. Бунда шаҳар аҳолиси бошқарма раҳбари алмаштирилишига эришиши, агар бунга муваффақ бўлинмаса, транспорт муқобил туридан фойдаланади. Турли жамоа хизматлари ўртасидаги рақобат хусусий фирмалар ўртасидаги каби самарали бўлиши мумкин, бу билан менежерларнинг фойдани максималлаштиришга йўналтирилмаган хатти-ҳаракатини чеклаш мумкин.

6.5. Нотижорат касалхоналар менежери агент сифатида

Давлат раҳбарлигидаги жамоа корхоналарида юзага келувчи муаммолар давлат бошқарувидаги нотижорат корхоналарига ҳам тааллуқли. Тижорат ва нотижорат ташкилотлар мақсади фарқлими? Кейингилар олдингилардан кўра самаралироқми? Шундай савол аниқланиши мумкин бўлган соҳалардан бири Соғлиқни сақлаш ҳисобланади, ваҳоланки, Қўшма Штатларда ҳаддан зиёд тижорат ва нотижорат даволаш муассасалари мавжуд. 14 асосий даволаш тармоғидаги 725 касалхонани тадқиқ этиш айтиш шу муаммога бағишланган. Икки тур касалхона самарадорлигини натижаларини қиёслашда инвестиция самараси ва ўртача сарфлар бўйича кўрсаткичлардан фойдаланилди.

1977 ва 1981 йилларда бу касалхона турлари бўйича фойда фарқли бўлганлиги тадқиқотдан аниқланди. Масалан, 1977 й.да тижорат касалхоналари 11,6фоиз, нотижорат касалхоналар эса — 8,8 фоиз самарадорликка эга бўлганлар. 1981 йилда биринчиларнинг самараси 12,7 фоиз, кейингиларники — фақат 7,4 фоиз. Бу касалхоналар учун самара ва

сарфлар бевосита қиёслаш унчалик тўғри эмас, чунки улар турли функцияни бажарадилар. Масалан, турар жойда тиббий хизмат кўрсатиш дастурси нотижорат даволаш муассасаларидан 24 фоиз, тижорат муассасалардан эса фақат 6фоиз амалга оширилади. Худди шундай фарқни махсус хизматлар билан таъминлашда ҳам кўриш мумкин: биринчи тур касалхоналардан 10 фоиз ва юрак-қон-томир бўлими бўлган иккинчи тур касалхоналардан эса 5 фоиз да шундай бўлишга эга бўлган. Бундан ташқари, тижорат касалхоналаридан 43 фоиз и ва нотижорат касалхоналарнинг фақат 29 фоизи болалар бўлимига эга.

Регрессив таҳлилдан фойдаланиб хизматлардаги фарқларни харажатлар кўрсаткичига таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Мазкур тадқиқотдан маълум бўлдики, хизматлардаги фарқларни ҳисобга олмаганда, бир иш кунига тўғри келадиган ўртача харажатлар нотижорат даволаш муассасаларида 8 фоиз га юқори бўлган. Бундан кўринадики, назарий прогнозга кўра касалхоналарнинг тижорат мавқеида бўлишига унинг иш натижаларига таъсир этади: нотижорат даволаш муассасалари рақобатга дуч келмай, тижорат муассасаларидан фарқли равишда харажатларга бўлган эътиборни сусайтириши мумкин.

Албатта, биз бу натижалар асосида нотижорат касалхоналар фойдасиз деган хулоса чиқара олмаймиз. Шунини ёдда тутиш керакки, улар жамият субсидиялашни истаётган хизматни кўрсатмоқда. Бироқ, шундай касалхоналарни бошқариш билан боғлиқ харажатлар уларни солиқ тўлашдан озод қилиш масаласи ҳал этилаётганда эътиборга олиниши лозим.

6.6. «Буюртмачи — агент» тузилишидаги рағбатлантириш

Биз нима учун буюртмачи — агент вазияти юз берганда менежерлар ва мулкдорлар мақсади фарқланишини кўрдик. Шу муносабат билан мулкдорлар менежер ва ишчиларни, иложи борича, улар мақсадини амалга оширишга интилишлари учун мукофотлаш тизимини қандай ташкил этиш

керак бўлади? Бу саволга жавоб бериш учун аниқ бир муаммони кўриб чиқамиз.

Кичкина бир корхона соат ишлаб чиқариш учун иш кучи ва техникадан фойдаланади. Унинг эгаси фойдани максималлаштирмоқчи. Улар чилангар-таъмирловчига ишониши лозим, чунки шуларнинг зўр бериши соатли синиш эҳтимолига таъсир этади ва демак, фойда даражасига ҳам. Фойда яна бошқа, деталлар сифати ва қолган ишчилар ишончлилиги каби тасодифий омилларга ҳам боғлиқ. Мониторингга серчиқим бўлгани туфайли мулкдорлар ҳам чилангар-таъмирловчи куч-ғайратини бевосита ўлчай олмайди, шунингдек унинг куч-ғайрати билан фойда даражаси ўртасидаги боғлиликни ишонч билан белгилай олмайди. 6.6.1- жадвалда ушбу вазият акс этган.

6.6.1- жадвал

Соатлар ишлаб чиқаришдан келадиган фойда.(долларда)

	Муваффақиятсизлик	Муваффақият
Куч-ғайрат кам сарфи ($a = 0$)	10 000	20 000
Куч-ғайрат кўп сарфи ($a = 1$)	20 000	40 000

Жадвалдан кўринадикки, чилангар-таъмирловчи кам ёки кўп куч-ғайрат сарфлаши мумкин. Куч-ғайрат кам сарфи кўрсатилган тасодифий омилларга боғлиқ ҳолда ёки 10 000 долл., ёки 20 000 долл. фойда беради. Биз фойданинг паст даражасини муваффақиятсизлик, юқорисини муваффақият деб атадик. Агар чилангар-таъмирловчи куч-ғайрати катта бўлса, унда даромад ёки 20 000 долл. (муваффақиятсизлик), ёки 40 000 долл. (муваффақият)ни акс эттиради. Бундай рақамлар ахборот етишмаслиги муаммосини яхши акс эттиради, чунки мулкдор фирма фойдаси 20 000 долл.ни ташкил этганда чилангар-таъмирловчи қандай куч-ғайрат сарфлаганини билолмай қолиши мумкин¹.

¹ Даромаднинг 20 000 долл. тенглиги ҳар икки ҳолда ҳам тадқиқотимизни заифлаштиради, лекин умумий тарзда бу бўлиши мумкин.

Энди фараз қилайлик, чилангар-таъмирловчининг мақсади бўш вақтни йўқотиш ва ёқимсиз иш билан боғлиқ сарфлардан «холи» иш ҳақини максималлаштириш. Соддалаштириш учун куч-ғайрат кам сарфини 0 ва кўп сарфини 10 000 долл.ни ташкил этади деймиз. (Расмий тарзда $c = 10\,000$ а долл.).

Бунда биз мулкдорлар нуқтаи назаридан буюртмачи — агент муаммосини ифодалай оламиз. Уларнинг мақсади қанча ишлаб чиқаришнинг ноаниқлиги ва чилангар-таъмирловчи хатти-ҳаракатини кузатиш мумкин эмаслиги шароитларида кутилаётган фойдани максималлаштиришдир. Мулкдорлар ишчи билан меҳнатга тўланадиган ҳақ хусусида контракт тузиши мумкин, лекин бунда рағбатлантириш тарзи чилангар-созловчи куч-айратига эмас, балки корхонанинг ўлчаш мумкин бўлган иш натижалари(фойда)га тўли²ича асосланиши керак. Бу боғлиқликни биз тўлов тарзи $w(\pi)$ кўринишида ифода этамиз, улар аҳамиятлилигини фақат ўлчаш мумкин бўлган фойдага боғлиқлигини таъкидлаймиз.

Тўловнинг қандай тарзи энг яхши ҳисобланади? У бевосита куч-ғайратга асосланган рағбатлантириш тизимини алмаштира оладими? Бугун биз фақат биринчи галдаги жавобни беришимиз мумкин. Тўловнинг энг яхши тарзи ишлаб чиқариш жараёнининг табиатига, ҳам мулкдорлар, ҳам бошқарувчилар мақсади нақадар ноаниқлиги боғлиқ. Уни ташкил этиш ҳамма вақт ҳам бевосита куч-айрат билан боғлиқ мукамал даражадаги самарадорликни таъмин этмайди. Информация етишмаслиги иқтисодий самарадорликни пасайтириши мумкин, чунки мулкдор фойдаси ва чилангар-таъмирловчи даромади бир вақтда камаяди.

Чилангар-таъмирловчи куч-ғайрат харажат этганлик учун кетган сарфлар чегирилгандан сўнг қолган фойда ва даромад миқдорини максимумлаштирилган шароитда тўлов тарзини қандай ташкил этишини кўрамиз.

Фараз қилайлик, аввал, мулкдорлар унга қатъий қилиб тайинланган тўловни таклиф этадилар. Унинг исталган миқдорини кўриш мумкин, биз соддалаштириш учун уни 0 га тенг деб оламиз. (0 даража тўловни бошқа қиёсий ишлардаги иш ҳақидан юқори эмас деб қараш мумкин). Бундай ҳақ

тўловда чилангар-таъмирловчида куч-ғайратини оширишга қизиқиш қолмайди. Бундан келиб чиқадики, меҳнатга олдиндан тайинлаб қўйилган ҳақдан самарали натижа келиб чиқмайди. $a=0$ бўлганда ва $w=0$ да мулкдорнинг кутилаётган фойдаси 15 000 долл.ни ташкил этади, чилангар-таъмирловчи 0 соф даромад олади.

Уларнинг ҳар иккиси учун бошқача тўлов тарзи фойдали бўлур эди. Унда чилангар-таъмирловчи ўз куч-ғайрати эвазига мукофот олиши мумкин. Фараз қилайлик, мулкдорлар қуйидаги ҳақ тўлаш тарзини таклиф этадилар:

агар $\pi=10\,000$ долл. ёки $20\,000$ долл. бўлса, унда $w=0$;

агар $\pi=40\,000$ долл. бўлса, унда $w=24\,000$ долл.

Мукофотлашнинг бундай тизимига амал қилганда чилангар-таъмирловчи кам куч сарфлаш даромад келтирмаслигини билади. Шу билан бир вақтда кўп куч сарфлаш 12 000 доллар келтириши мумкин, бу 2000 долл. харажат чегирилгандан қолгани бўлади. Маълумки, чилангар-таъмирловчи кўп куч сарфлашни маъқул кўради. Мулк эгалари ҳам бундан ютади, чунки кутилган ялпи фойда 30 000 долл. ва соф фойда 18 000 долл.га тенг бўлади.

Бу мулк эгалари учун тўлашнинг ягона муваффақиятли шакли эмас. Фараз қилайлик, мулкдорлар ишчининг даромадда шериклик қилиши ҳақида келишиб оладилар, қачонки, у 15 000 долл.дан юқори бўлса;

$w=0,8(\pi - 15\,000 \text{ долл.})$.

Агар чилангар-таъмирловчи кам куч сарфласа, у кутаётган даромад нулга эга бўлади. Лекин у кўп куч сарфлашни маъқул кўрса, бунда кутилаётган даромад 12 000 долл.га тенг бўлади, бу меҳнатга куч сарфлаш харажатини ҳисобга олганда 20 000 долл.ни ташкил этади (Буюртмачининг соф фойдаси аввалгидек 18 000 долл.га тенг).

Шундай қилиб, мисолимизда фойдани улушбай тақсимлаш юқорида баён этилган мукофотлаш тизимидаги натижани таъминлайди. Анча мураккаб вазиятларда ҳар икки тизимнинг рағбатлантириш самараси турлича бўлади. Бироқ, бу мисол аслида буюртмачи-агентнинг барча муаммоларини ҳал қилиш йўлини акс эттиради. Агар ишга меҳнат қўшган ҳиссани бевосита

аниқлаш мумкин бўлмаса, унда якуний натижа учун рағбатлантириш тизими агентларни мулкдорлар мақсадига бўйсунтиришга мажбур қилиши мумкин.

7-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ТАШҚИ ТАЪСИР ВА ИЖТИМОЙ НЕМАТЛАР

7.1. Ташқи таъсирлар

7.2. Ташқи салбий таъсир ва самарадорлик

7.3. Ижобий ташқи таъсирлар ва самарасизлик

7.4. Ижтимоий неъматлар

7.5. Самарадорлик ва ижтимоий неъматлар

7.6. Институционал кафиллик ва маънавий масъулият.

7.1. Ташқи таъсирлар

Ушбу бобда биз эътиборни *ташқи таъсирлар* — ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик фаолиятига қаратамиз (булар бозорда фақат билвосита акс этади) ва *ижтимоий неъматларга* — барча истеъмолчиларга фойда келтирувчи неъматларга қаратамиз. Лекин буларнинг бозор таклифи етарли эмас ёки мутлақо мавжуд эмас. Ташқи таъсир ва ижтимоий неъматлар бозорда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади ва шундай қилиб, давлат сиёсати учун жиддий муаммо бўлиб қолади.

Масалан, чиқиндиларни дарё ва ирмоқларга ташлашга агар умуман рухсат этиш мумкин бўлса фирмаларга қай даражада рухсат этилиши мумкин? Автомобил чиқарадиган газлар миқдорини белгиловчи меъёр қай даражада қатъий бўлиши керак? Ҳукумат миллий мудофаага, таълим, назарий тадқиқотлар, телевидениега қанча пул сарфлаши керак?

Ташқи таъсирлар мавжуд бўлганда товар нархи унинг ижтимоий қийматини акс эттириши шарт эмас. Шу билан боғлиқ ҳолда фирмалар ҳаддан зиёд ёки ҳаддан ташқари кам ишлаб чиқариши мумкин, натижада фирманинг бозор фаолияти норентабел бўлади. Биз тавсифни ташқи таъсирлардан бошлаймиз ва улар бозорда қандай қийинчилик туғдиришини кўрсатамиз. Сўнг биз унга қарши курашнинг баъзи мумкин бўлган воситаларига баҳо берамиз. Ташқи таъсирнинг бир қатор мумкин бўлган

муқобил воситалари бор, булардан бири давлат-ҳуқуқий бошқаруви билан боғлиқ бўлса, бошқалари турли шахслар ўртасида асосан битимга келишни тақозо этадилар ёки кимга ташқаридан ноҳуш таъсир ўтказган бўлсалар, шулар томонидан ташқи таъсирга масъулларни судлов йўли билан тақиб қилиш ҳуқуқини билдиради.

Биз ижтимоий неъматларни таҳлил этамиз. Қўшимча истеъмолчига бериладиган ижтимоий неъматнинг чегарали сарфлари нулга тенг ва одамлар ушбу неъматни истеъмол этмай туролмайдилар. Биз хусусий сектор ҳисобидан таъминлаш қийин бўлган ижтимоий неъматлар ва бозор таклиф қилиши мумкин бўлган неъматларни фарқлантираемиз.

Ташқи таъсирлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида, истеъмолчилар ўртасида ва истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида юзага келиши мумкин.

Бир томоннинг фаолияти иккинчи томон сарф-харажати юзага келтирса, ташқи таъсирлар *салбий* бўлиши мумкин, ёки бир томон фаолияти иккинчи томонга фойда келтирса у *ижобий* бўлиши мумкин.


Пўлат куювчи завод дарё сувига оқавасини чиқарса, унда балиқ овловчиларга салбий ташқи таъсир юзага келади. Дарёга завод қанча кўп оқава чиқарса, овланган балиқ миқдори шунга камаяди. Ташқи салбий оқибат шунинг учун ҳам юзага келадик, пўлат қуйиш фирмаси ишлаб чиқариш ҳақида бир қарорга келганда балиқчилар зарарида намоён бўладиган ташқи қўшимча харажатни ҳисобга олишга унда рағбат бўлмайди. Уй соҳиби ўз уйини қайта бўяб чиқса ва гулзор барпо этса ижобий ташқи таъсир юзага келиши мумкин. Гарчи уйни қайта бўяш ва гулзор қилишда қўшнилар ҳам ютиши кўзда тутилмаган бўлса-да, бундай фаолиятдан барча қўшнилар ютиши мумкин,. Уларнинг ютуғи - ижобий ташқи таъсир натижаси ҳисобланади.

7.2. Ташқи салбий таъсир ва самарадорлик

Ҳамонки, ташқи таъсир бозор нархларида акс этмас экан, улар иқтисодий самарасизлик сабаби бўлиши мумкин. Нима учун шундай бўлишини аниқлаш учун ўзимизнинг пўлат қуйиш заводининг дарёга оқава чиқариши ҳақидаги мисолимизга мурожаат этамиз. 17.1- расмда рақобатли бозордаги пўлат қуйиш заводининг ишлаб чиқаришга оид қарори кўрсатилган, 7.2.1 *b*- расмда эса барча пўлат қуйиш заводлари айти шундай ташқи таъсирни юзага чиқаради деб фараз қилингандаги талаб ва таклиф эгри чизиклари берилди. Фараз қилайлик, фирма фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омиллари қайд этилган нисбатлардаги ишлаб чиқариш функциясига эга. Шундай қилиб, оқава ҳажми фақат ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ҳисобига қисқариши мумкин. Ташқи таъсир табиатини икки босқичда таҳлил этамиз:

- фақат битта пўлат қуювчи завод атроф муҳитни ифлослантирганда;
- барча пўлат қуювчи заводлар уни худди шу тарзда ифлослантирганда.

Пўлатга бўлган нарх P_1 7.2.1 *b*- расмдаги талаб ва таклиф эгри чизиғи кесишган нуқтада ётади.



7.2.1- расм. Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қилишга кетадиган ишлаб чиқариш сарфларининг ўзгариши

Расмнинг *a* қисмидаги эгри чизик MC пўлат қуйиш фирмасининг чегарали сарфларининг одатдаги эгри чизиғи. Фирма q_1 миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб фойдани максимумлаштиради, бунда чегарали харажатлар

нархга тенг (ва чегарали даромадга тенг, чунки фирма бозор нарhini берилган миқдор сифатида қабул қилади). Маҳсулот чиқариш ҳажми фирма томонидан ўзгартирилганда дарё оқимнинг қуйида ишловчи балиқчилар зиммасига тушадиган қўшимча сарфлар ҳам ўзгаради, 17.1а- расмда бу ташқи сарфлар *чегарали ташқи сарфлар эгри чизиги* (MEC)да берилган. Атроф муҳит ифлосланиши кўпгина турлари учун бу эгри чизиқ юқори томон қиялаб кетади, зеро фирма қўшимча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарар ва дарёга қўшимча равишда чиқиндилар оқизар экан, балиқ овчилар қўшимча зарари ҳам ортади. Жамият нуқтаи назаридан фирма ҳаддан зиёд миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаради. Самарали ҳажмда маҳсулот чиқариш шундай даражада бўладики, бунда маҳсулот нархи уни ишлаб чиқаришдаги *чегарали ижтимоий харажатларга* тенг бўлади. Мазкур чегарали ижтимоий харажатлар ишлаб чиқариш чегарали харажатлари билан ифлосланишидан келадиган ташқи чегарали харажатлар йиғиндисини ифода этади. 17.1а- расмдаги чегарали ижтимоий харажатлар ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажми учун чегарали харажат билан чегарали ташқи харажатларни қўшиб, ҳосил этилган. Чегарали ижтимоий харажатлар эгри чизиги MSC ишлаб чиқариш ҳажми q^* бўлганда нарх чизигини кесиб ўтади. Чунки, мазкур ҳолда фақат бир завод чиқиндиларни дарёга оқизади, шу сабабли маҳсулотнинг бозор нархи ўзгармай қолади. Бироқ, фирма ҳаддан зиёд миқдорда маҳсулот чиқаради (q^* ўрнига q_1) ва анча миқдорда чиқиндилар чиқаради.

Энди барча пўлат эритувчи заводлар ўз чиқиндиларини дарёга ташлаганларида нима юз беришини кўриб чиқамиз. 17.1в- расмда MC^1 эгри чизиги саноат тармоғи умумий таклифи эгри чизиги ҳисобланади. Тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ атроф муҳитни муҳофазасининг чегарали харажатлари MEC^1 бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг ҳар бир ҳажмидан зарар кўрган ҳар бир кишининг чегарали харажатлари умумий миқдорини акс эттиради. MSC^1 эгри чизиги ўзида *барча пўлат эритиш фирмалари* учун атроф муҳит муҳофазасининг чегарали харажатлари ва

ишлаб чиқаришнинг чегарали харажатларини ифодалайди. Натижада, $MSC^1 = MC^1 + MEC \frac{1}{2}$ ҳосил бўлади.

Ташқи таъсир мавжудлигида ишлаб чиқариш самаралими? 17.1b-расмдан кўринадик, маҳсулот қўшимча бирлигидан келган чегарали даромад чегарали ижтимоий харажатларга тенг бўлса, тармоқ самарали ишлаб чиқариш ҳажмига эришади. Талаб эгри чизиғи истеъмолчилар чегарали юту²ини белгилайди, шу сабабли ишлаб чиқаришнинг самарали ҳажми Q^* чегарали ижтимоий харажатлар MSC^1 чизиғи билан талаб эгри чизиғи D кесишган жойда ётади. Тармоқ ишлаб чиқариш рақобатли ҳажми Q_1 га тенг ва у талаб эгри чизиғи ва таклиф эгри чизиғи MC^1 нинг кесишган жойида ётади. Маълумки, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми ҳаддан зиёддир.

Бизнинг мисолимизда маҳсулот ҳар бир бирлигини чиқариш муайян миқдордаги оқава сувни ташлашни билдиради. Демак, биз эътиборни атроф муҳитни битта фирма ёки бутун тармоқ ифлос қилишига қаратамизми йўқми, барибир иқтисодий самарасизлик оқава сувни ҳаддан зиёд дарёга оқизувчи ортиқча ишлаб чиқариш сифатида намоён бўлади. Бу самарасизликнинг сабаби нархни нотўғри шаклланишидадир. 17.1b- расмдаги бозор нархи P_1 жуда паст, чунки бу фирма ишлаб чиқаришидаги чегарали хусусий харажатларни акс эттиради, кескин чегарали ижтимоий харажатларни билдирмайди. Фақат анча юқори нарх P^* ўрнатилганда пўлат эритиш фирмаларидаги ишлаб чиқариш ҳажми самарали бўлади.

Мазкур самарасизлик туфайли жамият харажатлари қандай бўлади? Q^* дан кўп бўлган ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳажми учун ижтимоий харажатлар чегарали ижтимоий харажатлар билан чегарали ютуқ (талабнинг эгри чизиғида берилган) ўртасидаги фарққа тенг. Натижада умумий ижтимоий харажатлар MSC^1 ва D ўртасидаги фарқни самарадорлик даражасидан юқори бўлган ишлаб чиқариш бутун ҳажмига татбиқан ҳисоблаб чиқиш йўли билан аниқланиши мумкин. 17.1b- расмда мазкур ижтимоий харажатлар ишлаб чиқариш миқдори Q^* дан Q_1 гача ошганда MSC_1


ва D эгри чизиқлари орасидаги чизиқлар тортилган юза сифатида кўрсатилди.

Ташқи таъсирлар ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли даврлардаги самарасизликка олиб келади. 8- бобдан кўрдикки, агар маҳсулот нархи ишлаб чиқариш *ўртача сарфларидан* юқори бўлса, фирма саноатнинг рақобатли тармоқига киради ва нарх ўртача сарфдан паст бўлса ўз ишини тўхтатади. Узоқ муддатли мувозанатда нарх узоқ муддатли ўртача сарфларга тенг бўлади. Салбий ташқи таъсирлар юз берганда ишлаб чиқаришнинг хусусий ўртача харажатлари ўртача ижтимоий харажатларга нисбатан кам бўлади. Оқибатда, гарчи самарадорлик нуқтаи назаридан улар ишни тўхтатишига тўғри келган бўлса-да, баъзи фирмалар ишлаб туради. Шундай қилиб, салбий ташқи таъсирлар кўпчилик фирмаларнинг тармоқда қолишини рағбатлантирар экан.

7.3. Ижобий ташқи таъсирлар ва самарасизлик

Ташқи самара ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ҳаддан ташқари кам бўлишига олиб келиши мумкин; уй соҳибининг уйини бўяш ва гулзор қилиши мисолини эсга олинг. 7.3.2- расмдаги уфқий ўқ уй эгасининг уйни таъмирлаш ва ландшафтни ўзгартиришга қўйган капиталини (долл.да) ўлчайди; уйни таъмирлаш чегарали харажатларининг эгри чизиғи таъмирлаш ишининг нархи унинг ҳажмига боғлиқлигини кўрсатади. Бу чизиқ уфқий, чунки таъмирлаш ишининг нархи унинг ҳажмига боғлиқ эмас. Талаб эгри чизиғи D таъмирлашдан уй эгаси кўрадиган чегарали хусусий ютукни ўлчайди. Уй эгаси q_1 , ҳажмда инвестициялашни маъқул кўради (талаб ва чегарали харажатлар эгри чизиқлари кесишган нуқта). Лекин таъмирлаш қўшниларга ҳам ташқи самара келтиради, бунини *МЕВдан* иборат *чегарали ташқи самара чизиғи* кўрсатади. Бу мисолда мазкур эгри чизиқ қуйи томон қиялама, чунки чегарали ташқи самара кўлами кичик таъмирлаш иши учун юқори бўлади, лекин таъмирлаш ишларининг ҳажми ортиши билан бу камаяди.

Чегарали ижтимоий ютуқ (MSB) ишлаб чиқариш ҳар бир кўлами даражаси учун чегарали хусусий ютуқ ва чегарали ташқи ютуқларни қўшиб ҳисоблаб чиқарилади. Хуллас, $MSB=D+MEB$.



7.3.2- расм. Ташқи ютуқлар

Ишлаб чиқариш ҳажми q^* нинг самарали даражаси шундай бўладики, бунда қўшимча таъмирлашнинг чегарали ижтимоий ютуғи унинг чегарали харажатларига тенг даража ҳисобланади. У MSB ва MC эгри чизиқлари кесишган нуқтада бўлади. Уй эгаси уйни таъмирлаш ва ландшафтни қайта режалашга капитал қўйишдан тўлиқ ютуққа эриша олмайди, натижада самарасизлик юз беради. Оқибатда нарх P_1 ҳаддан ташқари катта ва ижтимоий исталган даражадаги таъмирлаш ишлари ҳажмидаги капитал қўйишни рағбатлантормайди. Бунинг учун P^* нинг анча паст қийматда бўлиши талаб этилади. 7.3.2- расмдан кўринадики P^* нархда уй эгаси q^* ҳажмдаги таъмирлаш ишлари кўламини маъқул кўради.

Фирмаларнинг илмий-тадқиқот ишларига сарф-харажатлари ижобий ташқи таъсирга яна бир мисол бўла олади. Тадқиқот ишлари натижаси бўлмиш янгиликни кўпинча бошқа фирмалардан муҳофаза қилиб бўлмайди. Фараз қилайлик, масалан, битта фирманинг тадқиқот ишлари янги конструкторлик ечимига олиб келди. Агар бу ечимни патентлаш мумкин бўлса, фирма бозорга янги тур маҳсулот чиқариб сезиларли даражада фойда

кўради. Агар қонунчилик асосида лицензиясиз, яъни конструкциявий ечимдан бошқа фирмаларнинг ҳам фойдаланиши (ёки шунга яқинроқ тасарруф этиш) мумкин бўлса, мазкур фирмалар худди шундай маҳсулотни бозорга чиқаради. Бу билан янгиликни ишлаб чиққан фирмани рақобат натижасида унинг фойдасини бир қисмидан маҳрум этишлари мумкин. Бунда тадқиқотчилик иши унга катта бўлмаган мукофотни кутади, эҳтимол бозор фойдаси сарфларни оқламайди ҳам.

7.4. Ижтимоий неъматлар

Ташқи таъсирлар бозорда қийинчиликлар туғдириши ва бу гоҳо давлат аралашувини оқлашига ишонч ҳосил қилдик. Давлат товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи сифатида хусусий фирмалар ўрнини эгаллаши керакми, агар керак бўлса, қандай ҳолларда? Бу қисмда биз хусусий ишбилармонлар бозори ҳам умуман товар ишлаб чиқаришни таъминлай олмаслиги, ҳам ишлаб чиқарилган товарларга нотўғри нарх белгилаши мумкинлигини тавсифлаймиз.

Ижтимоий неъмат икки эътиборга молик хусусиятга эга: улар рақобатда иштирок этмайди ва улар истисно этилмайди. Агар ишлаб чиқариш даражаси ҳар қандай белгиланса ҳам қўшимча истеъмолчи учун унинг чегарали харажатлари нулга тенг бўлади. Хусусий сектордаги кўпчилик неъматларнинг чегарали харажатлари уларнинг ҳажми катта бўлганда ишлаб чиқариш чегарали сарфлари мусбат бўлади. Лекин бир қатор неъматлар бўйича қўшимча истеъмолчилар сарфларни оширмайди. Тез ҳаракатланиладиган шосседан транспорт ҳаракати кам бўлгандаги фойдаланишни кўриб чиқамиз. Шоссе мавжуд ва у тикилинч эмас, қатнаш қўшимча сарфлари у бўйича нулга тенг. Ёки бошқа мисол — маёқдан фойдаланиш. У қурилиб, фойдаланишга топширилганда қўшимча кемалар эксплуатация харажатларига ҳеч қандай қўшимча қилинмайди.

Албатта, кўпчилик неъматлар истеъмолда рақобатли. Масалан, сиз бирор мебелни сотиб олганингизда, уни яна кимдир сотиб олиши мумкинлиги истисно бўлади: шундай қилиб, мебел — рақобатли товар. Рақобатли товарлар айрим шахслар ўртасида тақсимланади. Рақобатсиз товарлар истеъмолига айрим шахслар пул тўлай олиш имконидан қатъи назар, уларни ҳамма ола биладиган бўлиши керак.

Ижтимоий неъмат истисносиз, агар кишилар уни истеъмол этишдан мустасно қилинмасалар. Бунинг оқибати ўлароқ, истисносиз неъматлар учун нарх белгилаш қийин ёки мумкин эмас, яъни уларга тўғридан-тўғри ҳақ тўламай улардан фойдаланиш мумкин. Истисно этилмас неъматга яна бир мисол бўлиб, миллий мудофаа ҳисобланади. Агар миллат мудофаа тизимини таъмин этса, барча фуқаро унинг самарасидан бепул баҳраманд бўлади.

Истисно этилмайдиган неъматлар ўз табиатига кўра умуммиллий бўлиши шарт эмас. Агар штат маъмурияти ёки шаҳар маъмурияти қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш дастурни амалга оширса, бундан барча фирмалар ва истеъмолчилар ютади. Моҳиятан дастур берадиган ўша имтиёзлардан айрим олинган фермерни маҳрум қилиш мумкин эмас. Кўпгина моддий бойлик, албатта, истиснолидир. Масалан, автомобиллар истисноли (рақобатли)дир. Агар магазин янги автомобилни битта истеъмолчига сотса, бунда у бошқа шахсларнинг мазкур машинани сотиб олиш имконини истисно этади.

Баъзи неъматлар истисноли, лекин рақобатсиз. Масалан, ҳаракат тирбанд бўлмаган кезде кўприкдан ўтиш рақобатсиз, чунки кўшимча машиналар пайдо бўлиши бошқа автомобиллар тезлигига таъсир этмайди. Аммо кўприкдан ўтиш истиснолидир, чунки, унинг эгалари мазкур кўприкдан фойдаланишни таъқиқлаши мумкин.

Бошқа мисол: телевизион сигнални олайлик. Сигнал эфирга берилган заҳотиёқ телекўрсатувдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади, лекин бунинг чегарали харажатлари нулга тенг, шунинг учун бу неъмат рақобатсиз! Лекин кўрсатув сигналлари истисноли ҳам бўлади, чунки сигнални скремблировка

қилиш ва дескремблировкага имкон берадиган код ўрнатиш, телекомпанияларга истеъмолчилар сонини чеклашлари учун шароит яратади.

Бир қатор неъматлар истисносиз, лекин рақобатли. Ҳаво истисносиз ҳисобланади, лекин рақобатли бўлиши мумкин, агар бир фирма ишлаб чиқариш чиқиндисини атмосферага чиқарса, ҳаво сифатига ва ундан бошқалар тўлиқ равишда фойдаланиш имконига салбий таъсир этади. Океан ёки катта сув ҳавзаси истисносиз, лекин унда балиқ овлаш рақобатли, чунки, биттасининг кўп миқдорда балиқ овлаши, бошқасига балиқ кам қолишига олиб келади.

Ижтимоий неъматлар ҳам рақобатсиз, ҳам истисносиз, чегарали харажатлар нуллигида кишиларга фойда келтиради — ҳеч бир инсоннинг ундан фойдаланиши истисно бўлмайди.

Миллий мудофаа ижтимоий неъматнинг мумтоз мисол бўлиб хизмат қилади. Мудофаа тизими истисносиз, биз кўрдикки, у рақобатсиз ҳамдир, чунки унга чегарали харажатлар, яъни битта қўшимча кишини мудофаа хизмати билан таъминлашга кетадиган нулга тенг. Аввал қайд этганимиздек, маёқ ҳам ижтимоий неъмат ҳисобланади, чунки у рақобатсиз ва истисносиз. Гап шундаки, кемалар ундан фойдаланишда имтиёз учун тўлов белгилаш анча мураккаб.

Давлат таъминловчи ижтимоий неъматлардан бошқа неъматлар рўйхати анча қисқа. Кўпгина ижтимоий неъматлар ёки истеъмолда рақобатли, ёки истисноли, ёки ҳам униси, ҳам буниси. Масалан, ўрта мактабдаги таълим истеъмол этишда рақобатлидир. Битта қўшимча болага таълим бериш учун кетган чегарали сарфлар мусбат миқдордир. Чунки бу билан синфда болалар сони ошгани сари қолган болаларга кам эътибор берилади.

Худди шундай тарзда ўқишга ҳақ тўлашнинг киритилиши баъзи бир болаларнинг таълим олиш имкониятини истисно этади.


Ижтимоий таълим маҳаллий ҳокимият томонидан таъминланади, шунинг учун ўзида ижобий ташқи таъсирни акс эттиради, лекин, ижтимоий неъмат ҳисоблангани учун эмас.

Ниҳоят, миллий боғни бошқаришни кўриб чиқамиз. Боғга кириш ва чодир ўрнатиш учун нархни ошириб, кенг жамоатчиликни боғдан фойдаланиши (яъни, уни истеъмол этиш) истисно қилиниши мумкин. Боққа кўпчиликни келиши ундан фойдаланиш самарасини оширади, боғдан кўшимча машина ўтиши боғдан бошқалар оладиган манфаатни қисқартириши мумкин.

7.5. Самарадорлик ва ижтимоий неъматлар

Биз кўрсатиб ўтдикки, индивидуал тарзда истеъмол этиладиган товарлар ишлаб чиқаришнинг самарали ҳажми кўшимча товар ишлаб чиқаришдан келган чегарали фойдани шу товарни ишлаб чиқаришга кетган чегарали харажатлар билан таққослаб белгиланади. Чегарали даромад ва чегарали харажатлар тенг бўлганда самарадорликка эришилади. Айни шу қоида ижтимоий товарларга ҳам татбиқ этилиши мумкин, лекин таҳлил усули бошқача. Индивидуал товарларда чегарали ютуқ истеъмолчи кўрадиган самара билан ўлчанади. Ижтимоий товарларни кўриб чиқар эканмиз, биз ҳар бир киши маҳсулот кўшимча бирлигини қандай баҳолайди, деган саволга жавоб топишимиз керак. Чегарали ютуқ мазкур товардан фойдаланувчи барча кишилар унга берган баҳоларини кўшиб аниқланади. Агар чегарали ютуқ ишлаб чиқариш чегарали харажатларига тенг бўлса, ижтимоий товар ишлаб чиқаришди унинг самарали ҳажмига эришилади.

7.5.1- расмда ижтимоий товар ишлаб чиқариш самарали ҳажми кўрсатилди.



7.5.1- расм. Ижтимоий товар ишлаб чиқариш самарали ҳажми

D_1 — битта истеъмолчининг ижтимоий товарга бўлган талаби, D_2 — иккинчи истеъмолчи талаби. Талабнинг ҳар бир эгри чизиғи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир ҳажми учун истеъмолчи оладиган чегарали ютуқни кўрсатади. Масалан, ижтимоий товар 2 та бирлиги мавжуд бўлганда биринчи истеъмолчи товар учун 1,50 долл. тўлашга рози ва шу 1,50 долл. чегарали ютуқни ташкил этади.

Айни шундай тарзда иккинчи истеъмолчида чегарали ютуқ 4,00 долл.га тенг.

Ҳар икки истеъмолчи чегарали ютуғи ҳажмини ҳисоблаш учун ҳар икки талаб эгри чизиғини *тик йўналишида* қўшамиз.

Масалан, маҳсулот чиқариш ҳажми 2 бирликни ташкил этганда, биз чегарали ютуқ 1,50 долл.ни чегарали ютуқ 4,00 долл.га қўшамиз ва чегарали ижтимоий ютуқ 5,50 долл.га эга бўламиз.

Ижтимоий товар ишлаб чиқариш ҳар бир ҳажми учун шундай ҳисоб-китоб ўтказилганда, биз ижтимоий товарга умумий талаб эгри чизиғи D ни оламиз.

Чегарали ижтимоий ютуқ чегарали харажатларга тенг бўлганда маҳсулот чиқариш самарали ҳажмига эришилинади. Бу талаб эгри чизиғи ва чегарали харажатлар эгри чизиғи кесишган жойда юз беради. Бизнинг

мисолимизда чегарали харажатлар 5,50 долл.га тенг. 2 та бирлик ишлаб чиқариш самарали ҳажмини ўзида акс эттиради.

2 та бирлик ишлаб чиқариш нима учун самарали ҳажми бўлишини кўриш учун маҳсулот 1 та бирлиги ишлаб чиқарилса, нима бўлишига назар ташлаймиз: чегарали харажатлар 5,50 долл.лигича қолади, лекин чегарали ютуқ 7,00 долл.га яқинланади. Чегарали ютуқ чегарали харажатлардан кўп бўлганидан, жуда кам моддий бойлик ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз. Айти шу тарзда, фараз қилайлик, 3 бирликда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Энди чегарали ютуқ 4,00 долл.га яқин, бу 5,50 долл. бўлган чегарали харажатлардан кам ва ҳаддан зиёд моддий бойлик ишлаб чиқарилади.

Фақат чегарали ижтимоий ютуқ чегарали харажатларга тенг бўлганда ижтимоий неъмат самарали ишлаб чиқарилади.

7.6. Институционал кафиллик ва маънавий масъулият

Узоқ вақт мобайнида фойдаланиладиган товарлар — телевизорлар, радиоаппаратлар, кино- ва фототоварлар, музлатгичлар бозорини кўриб чиқамиз. Бу товарларни кўпгина фирмалар ишлаб чиқаради, лекин уларнинг баъзи бири, бошқаларига нисбатан ишончли. Агар истеъмолчи қайси марка анча ишончлироқлигини аниқлай олмаса, бунда яхши маркалар анча юқори нархларда сотилмайди. Юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар бу ҳақда истеъмолчиларга хабар беришни истайдилар, лекин уларни қандай ишонтиришлари мумкин? Жавоб шундай *кафолатлар* ва *кафиллик* асосида.

Кафолатлар ва кафилликлар маҳсулот сифати ҳақида самарали сигнал беради, чунки бу тарздаги узоқ муддатли мажбуриятлар паст сифатли товарни ишлов чиқарувчиларга юқори сифатли товар чиқарувчиларга қараганда қиммат тушади. (Биринчиси кафолат бўйича хизматни тез-тез кўрсатишни талаб қилади. Хизмат ҳақини эса ишлаб чиқарувчи тўлайди). Бунинг натижасида паст сифатли товар ишлаб чиқарувчилар узоқ муддатли кафолатлардан манфаатдор эмас. Шундай қилиб, истеъмолчилар кафолатни

адолатли тарзда товарнинг юқори сифатли эканини тасдиқловчи сигнал сифатида баҳолайдилар ва улар учун юқори ҳақ тўлайдилар.


Агар бирор агент тўлиқ суғурталанган бўлса ва чекланган ахборотга эга. Суғурта компанияси томонидан диққат билан кузатув остига олиниши мумкин бўлмаса, бунда унинг хатти-ҳаракати полис сотиб олгандан сўнг ўзгариши мумкин. Маънавий масъулият муаммоси юзага келади. Бу суғурталанувчи томон унга пул тўлашга олиб келувчи эҳтимоли бор ёки аҳамиятли ҳодисага таъсир этиши мумкин бўлганда юзага келиши мумкин. Масалан, агар мен ўз соғлиғимни барча ҳоллар учун суғурта қилдирганман, бунда мен докторга шартномада чекланганидан кўра тез-тез бориб тураман. Агар суғурта компанияси ўз миқозини кузатиш имконига эга бўлса, бунда у кимнинг эътирози кўпроқ бўлса, улар шунга катта пул тўлови белгилаши мумкин.

Лекин компанияда бундай имконият бўлмаса, тўлов кутилгандагидан кўп бўлиши аниқ. Маънавий масъулият таъсирида суғурта компаниялари суғурта бадалини оширишга мажбур бўлади ёки умуман суғурта битим тузишдан воз кечади. Қиймати 100 000 долл. турадиган улгуржи дўкон эгалари ва улар суғурта компанияси қабул қиладиган қарорни кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, ёнғинга қарши чораларни 50 долларлик дастурсини амалга ошириб, мулк эгалари ёнғинни юзага келиш эҳтимоли 0,005 га тенг бўлишини таъминлайди. Бундай дастурсиз унинг эҳтимоли 0,001 гача ошади. Буни билган ҳолда, агар суғурта компанияси дастурни амалга оширишга қодир бўлмаса у бир дилеммага дуч келади. У таклиф этаётган полис ёнғинга қарши кураш дастурси бажарилган тақдирдагина суғурта пулини тўлаш шартини ўз ичига ололмайди. Дастур амалга ошган тақдирда компания улгуржи дўконни ёнғиндан кўриладиган зарарга тенг бадал пулига яъни, 500 долл.га суғурта қилиши мумкин бўлади ($0,005 \cdot 100\ 000$ долл.). Суғурта полиси сотилган ҳамон мулк эгаларида дастурни бажаришга бўлган рағбат сўнади, агар бахтсизлик юз берса, бунда уларнинг молиявий зарари тўлиқ қопланади. Шундай қилиб, полисни 500 долл.га сотиб Суғурта компанияси

зарар кўради, чунки ёнғиндан кўриладиган зарар 1000 долл.ни ташкил этади.(0,01 · 100 000 долл.).

Маънавий масъулият муаммоси шунинг учун ҳам юзага келадики, суғурталанишни истовчи шахслар муайян ноаниқлик вазиятида риск даражасига таъсир этиши мумкин. Афсуски, бу муаммо фақат суғурта компаниялари учунгина мавжуд эмас. Маънавий масъулият бозорлар ресурсларни самарали тақсимлаш имкониятига ҳам таъсир этиши мумкин. Майли, масалан, 7.1-расмдаги *D* бир ҳафтадаги автомобилда неча милл юк ташишга талабни англатсин. Талаб эгри чизиғи пастлаб боради, чунки автомобилда юк ташиш нархлари ошиши билан истеъмолчилар муқобил ҳаракатланувчи воситадан фойдаланишга ўтадилар. Олдин, шундай ўйлайлик, ташиш сарфлари суғурталаш қийматини ўз ичига олади ва суғурта компаниялари йўл ҳодисаси рискинни аниқ баҳолашлари мумкин. Бундай ҳолда маънавий масъулият бўлмайди. Машина ҳайдовчилар ташишнинг анча хавфли турига суғурта бадали оширилишини (бахтсизлик юз бердими-йўқми, бундан қатъи назар) биладилар, ўз навбатида ташиш умумий харажатларини оширадилар (бир милл йўл босиш харажати доимий ҳисобланади). Масалан, агар ташиш харажатлари бир миллга 1,50 долл. бўлса (шундан 50 цент суғуртага тўғри келади), бунда ҳайдовчи бир ҳафтада 100 милл юришга қарор қилади.

Энди тахмин қилайлик, суғуртанинг бадал пули айрим ҳайдовчилар одатига боғлиқ эмас, шунга кўра маънавий масъулият муаммоси юзага чиқади. Шу билан бирга ҳайдовчилар ҳар қандай қўшимча сарфлар катта гуруҳга сочилади, фақат уларнинг арзимас улуши, ҳар бирига алоҳида тушади деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларини шундай тутадиларки, гўё Суғурта бадали ташишнинг миллардаги масофасига боғлиқ эмасдек. Бунда қўшимча бир миллга ташиш 1,50 долл. эмас 1,00 долл. туради ва йўл босиб ўтиш миллари сезиларли даражада ошади — 100 дан 140 миллгача.



7.1-расм. Маънавий масъулият юки самараси

Мазкур мисол умумий қондани акс эттиради: хизмат учун одамлар пулини тўлайдиган нархни пасайтира бориб, маънавий масъулият юки уларни хизматлар самарали даражасидан ошиқ бўлган талабни билдиришга мажбур қилади.

8-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

8.1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари ҳақидаги назариялар

8.2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда институционал ўзгаришлар ва унинг сабаблари.

8.3. Истеъмолчилар ҳуқуқи институционал объект сифатида.

8.1. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари ҳақидаги назариялар

Хўжалик юритиш жараёнида кишилар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар ўрнатилади. Бу муносабатлар маълум тизим тарзида намоён бўлади. Таниқли иқтисодчи В. Леонтьевнинг фикрига кўра, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти бу катта бир тизим бўлиб, ўз ичига турли-туман фаолият турларини қамраб олади. Иқтисодий фаолият маълум иқтисодий тизим шароитида амалга ошади.

Иқтисодий тизимга иқтисодчилар турлича таъриф беришади. Масалан, П.Грегори ва Р.Стюартларнинг фикрича, иқтисодий тизим — бу маълум географик ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш, даромад ва уни тақсимлашга доир қарорлар қабул қилиш, амалга ошириш механизмлари ҳамда институтлари (тартиблари) мажмуидир. Ф. Прайор бўлса, иқтисодий тизим иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиш ва унинг натижаларига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи барча институтлар, ташкилотлар, қонун-қоидалар, эътиқод, позиция, анъаналар, баҳолар, тақиқлар ва ахлоқий тамойилларни ўз ичига олади, деб таърифлайди.

Профессор А.Ўлмасов иқтисодий тизимга қуйидагиларни киритади: а) иқтисодий ресурслар; б) иқтисодий алоқалар ёки муносабатлар; в) иқтисодий механизм; г) иқтисодий сиёсат.

Иқтисодий механизм — бу иқтисодий тараққиётни таъминловчи ва бир-бирини тақозо этувчи воситалар бўлиб, унга иқтисодий стимуллар (рағбат берувчи кучлар), ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолни ташкил этиш, иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви, иқтисодий фаолият кооперацияси ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш усуллари киради. Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашиб бориши билан иқтисодий алоқалар мураккаблашади. Турли-туман хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келиши ва ривожланиши юз беради. Натижада, улар ўртасида муносабатлар, алоқаларни тартибга солишнинг зарурати келиб чиқади. Бунинг учун махсус сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий механизмлар яратилади. Улар бир бутун ҳолда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини ташкил этади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти жамиятда кечади. Ҳар қандай жамият эса ўзига хос ички тузулишга эга. Тизим эса уни ягона, бир бутун ҳолда ифодалаб беради. Ижтимоий-иқтисодий тизим — жамият жумладан иқтисодиёт тараққиётининг умумий шарт-шароитидир.

Тизим деб турли элементлар, қисмлардан иборат ўзаро узвий боғланган, маълум тартиб асосида таркиб топган бутунликни тушунилади. Иқтисодий тизим жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди. Иқтисодий алоқалар, жараёнлар мисоли занжир бўлса, ҳар бир хўжалик, фаолият юритиш субъекти ана шу занжирнинг ҳалқаси тарзида намоён бўлади. Бу алоқалар, муносабатлар хўжалик фаолияти юритаётган кишилар ўртасида юз беради. Шунинг учун ҳам одатда уларни **ижтимоий-иқтисодий тизимлар** деб юритилади.

Иқтисодга оид адабиётларда иқтисодий тизим ва унинг ривожланиш тенденциясига турлича ёндашилади. Айримлар, ижтимоий-иқтисодий тизимларга унинг таркибий қисмларини умумий жиҳатига кўра ривожланиш тенденциясини аниқлаш керак, дейишади. Чунки тизимлар ривожланишининг асосий тенденцияси бу умумийликка, унификацияга

интилишидир. Бошқалари, иқтисодий тизимларни уларнинг фарқларига кўпроқ аҳамият бериб ўрганиш керак, чунки уларнинг фарқлари сифат жиҳатидан янги хўжалик тизими вужудга келишига ва иқтисодий ўсишга олиб келади, деб ҳисоблашади.

Ҳозирги дунё турли-туман иқтисодий тизимлар мавжудлиги билан характерланади. Улар тарихий даврларда вужудга келади, ривожланади, бири иккинчиси билан алмашинади. Жамият ҳаётини яхшироқ тушуниш учун унинг тарихий тараққиёт жараёнини бир бутун ҳолда кўриб, ривожланиш босқичлари, фазаларини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг алмашинувиغا нисбатан кенг ёйилган ёндашувлардан бири формацион ёндашувдир.

Формацион ёндашиш асосида жамият тарихий тараққиёти ривожланишининг қонуний босқичлари ва моддий ишлаб чиқаришнинг беш усули: *ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм* ажратиб кўрсатилади.

Материалистик назарияда тизимлар мулкӣ, синфӣй мезонлар асосида қаралиб, формация деб аталади. Ишлаб чиқариш усули иқтисодий базис — асос сифатида ажратилиб, у устқурма — давлат билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий формацияни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш усулининг ўзи ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Ишлаб чиқариш кучлари ишчи кучи ёки бошқача айтганда, маълум малака ва тажрибага эга кишилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат воситалари ва меҳнат ашёларидан иборат. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари, ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий гуруҳларнинг тутган ўрни, улар ўртасида фаолият айирбошлаш, яратилган маҳсулотни тақсимлаш, истеъмол муносабатларидан иборат. Уни шартли чизма орқали ифодалаш мумкин.

Асримизнинг 60- йилларида материалистик таълимотдан тубдан фарк қиладиган, уни алмаштира оладиган таълимот сифатида ривожланиш босқичларига цивилизацион ёндашув назарияси пайдо бўлди. Бу назарияга америкалик иқтисодчи Уолтер Ростоу ўзининг 1960 йилда нашр қилинган «Иқтисодий ўсиш босқичлари» китоби билан асос солди. У жамият тараққиётини 5 босқичга бўлади. Улар қуйидагилар:

8.1.1-чизма



1. Анъанавий (традицион) жамият. Бу жамият қишлоқ хўжалиги устуворлиги, йирик ер эгалари ҳукмронлиги, меҳнат қуролларининг оддий, примитивлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги билан характерланади. Шунинг учун унда жамғариш ҳам бўлмайди.

2. Ўтқинчи жамият. Бу босқич марказлашган давлатнинг вужудга келиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ҳунармандчилик ҳамда тадбиркорликнинг вужудга келиши билан характерланади. Жамғариш бошланади.

3. Индустириал жамиятга ўтиш. Бу даврда меҳнат қуролларининг такомиллашуви, саноатда инқилоб юз беради. Унинг натижасида меҳнат унумдорлиги ўсади. Ишлаб чиқариш инфраструктураси шаклланади,

ривожлана бошлайди. Қўл меҳнати ўрнига машиналашган меҳнат келади. Жамғариш кам бўлса ҳам аввалгига нисбатан ўсиб боради.

4. Етуклик босқичи ёки индустриал жамият. Бу босқичда йирик машиналашган индустрия вужудга келади. Фан-техника тараққиёти жадал боради. Йирик саноат, айниқса оғир саноат ривожланади. Саноат иқтисодиётнинг етакчи соҳасига айланади. Урбанизация (шаҳар аҳолисининг кўпайиши) рўй беради. Жамғариш жадал боради, кейинги босқич учун асос яратилади.

5. Оммавий истеъмол жамияти. Бу босқичда оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқариш устувор аҳамиятга эга бўлади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланади. Узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш етакчи ўринга чиқади. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти истеъмол учун ишлайди. Бу концепцияда ривожланиш асосини ишлаб чиқариш омиллари ривожланиши ва уларнинг таркибий тузилишини ўзгариши ташкил этади.

Иқтисодий тизимларнинг ривожланишини характерлайдиган бошқа назариялар, янгича ёндашувлар ҳам мавжуд. Ана шулардан бири жамиятнинг цикли ривожланиш назариясидир. Бу назарияга кўра, кишилиқ жамияти ривожланишининг 7 цивилизациясини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Неолитик — дунёда бу цивилизациянинг вужудга келиб, кейинги цивилизацияга қадар давом этган вақт — 30-35 асрга тенг; **қулдорлик** (бронза асри) — 20-23 аср; **антик** (темир асри) — 11-13 аср; **дастлабки феодал** — 7 аср атрофида, **тоиндустриал цивилизация** — 4,5 аср, **индустриал** — 2,5 аср, **постиндустриал** — 1,3 аср атрофида давом этган.

Бу назарияга биноан кишилиқ жамияти тараққиёти гоҳ секин, гоҳ тез давом этишига, айрим мамлакатларда цивилизация даврлари фарқ қилишига қарамай охир-оқибат умумий натижа — постиндустриал цивилизацияга олиб келади.

8.2. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда институционал ўзгаришлар ва унинг сабаблари

Иқтисодий фаолият юритишни амалга оширар эканлар, одамлар иқтисодий тизим яратадилар. У ўз навбатида индивидуал танлов стимулларига таъсир кўрсатади. Ҳар бир киши бирон-бир танловни лозим топар экан, бошқалар учун стимул ўзгаради. Ҳар сафар қонун ёки тартиб ўзгарганда муқобил вариантлар чекланади ёки стимуллар ўзгаради. Иқтисодий ҳаётни ўзгариши асосида кишиларни манфаатлари ётади.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўзгариши, бирини ўрнига иккинчисини келиши курашлар орқали содир бўлади. У мулкчиликни ўзгариши, мулкчиликда янги қонун, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, институционал таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши, кишиларни иқтисодий жиҳатдан муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, фаолиятларини стандартларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Уни доирасида иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратилади. Бу янги иқтисодий тизимни шакллантириш учун етарли шароит бўлади.

Тизим ўзгаришларга қараб мослаша оладими? У мувофиқ равишда истеъмол талабига, ресурслар таклифи ва технологик ўзгаришларга реакция қила оладими? Бир тизимнинг иккинчиси билан алмашилиши кўп жиҳатдан ҳар бир тизимни ана шу саволларга қай даражада жавоб бера олишига боғлиқ.

Маълумки ҳар қандай тараққиёт асосида қарама-қаршиликлар ётади.

Иқтисодиётни тизим сифатида ривожланишида ҳам бир-бирига қарама-қарши икки тенденция амал қилади:

1. Тизим таркибий қисмлари мувозанатига, улар ўртасидаги алоқаларни сақлашга интилиш;

2. Ўзгаришлар, яъни техник ва ижтимоий жиҳатдан янги таркибий унсурлар вужудга келиши, турли омиллар таъсири туфайли мувозанатни бузилиб туриши.

Натижада мавжуд тизим ўрнига аввалгисига нисбатан инсоният нуқтаи назаридан мукамалроқ тизим ўрнатилади. Бунда иқтисодий тизимлар тарихан динамик тарзда, кенгайиб боровчи спиралсимон тарзда ривожланади.

Ижтимоий иқтисодий тизимларнинг ўзгариши сабабларини классик мактаб вакиллари ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият туфайли юз беради, деб кўрсатадилар. Ишлаб чиқариш кучлари доимо ишлаб чиқариш муносабатларига нисбатан тез ривожланади ва ишлаб чиқариш муносабатлари орқада қолади. Улар мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари доирасига сиғмай қолади. Мувозанат бузилади. Жамиятда янги ишлаб чиқариш кучларининг тараққий даражасига мос муносабатлар ўрнатилади. Мувофиқ равишда янги ишлаб чиқариш усули, унга мос усткурма ўрнатилади. Мувозанат тикланади. Ижтимоий-иқтисодий тизим ўзгаради.

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар фикрига кўра, иқтисодий тизимлар ривожланиб, бирини ўрнига иккинчисини ўрнатилишига турли-туман иқтисодий ривожланиш омиллари ҳамда улар ўртасидаги таъсир ва акс таъсир сабаб бўлади. Иқтисодий ҳаётнинг ҳар бир томони техник, ҳудудий-географик, ижтимоий, сифат ва миқдор, ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзгаради. Ана шу омилларнинг тутган ўрни, аҳамиятига кўра, иқтисодий ривожланиш юз берар экан, мувофиқ равишда иқтисодий алоқаларни тартибга солишни ўзгаришини ҳам тақозо қилади. Бу омилларни ўзгариши, таъсири натижасида тартибга солиш ва унинг институционал, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ўзгаришларга ҳам олиб келади.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида жамият ривожланишининг бош манбаи, тизимлар ўзгаришининг сабаби сифатида эҳтиёжлар билан ресурслар, техник ва ижтимоий структуралар ўртасидаги қарама-қаршиликлар кўрсатилади. Бу қуйидаги қонуниятларда ҳам ўз ифодасини топади:

1. Эҳтиёжлар юксалиб боради. Инсон чекланган ресурслар шароитида уларни қондириш учун йўл қидиради.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологик жиҳатидан ўзгаришлар юз беради. Инсон ресурслар чекланганлигини енгиб ўтиш йўлларини топади. Бу техник, технологик ихтиролар бўлиб, иқтисодий имкониятларни кенгайтиради. Бу ўзгаришларни вақти келиб иқтисодий тизим ҳисобга олишга мажбур бўлади. Яъни иқтисодий тизим тарихий динамик бўлиб қолади.

Кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичларида узоқ вақт эҳтиёжларни ривожланмаганлиги, уларни нисбатан узоқ вақт ўзгармаганлиги сабабли техник тараққиёт жуда секин юз берган. Техник тараққиётни дастлаб шаклланган урф-одатлар ҳамда улар асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий структура ҳам чеклаган. Дастлабки инсонга ҳамма табиатдаги неъматлар бирдай қарашли бўлган пайтда, бор неъматларни истеъмол қилиши оқибатида очликка маҳкум бўлишдан деҳқончилик ва чорвачилиқни ўрганиш, яъни **ишлаб чиқаришни бошлаш билан йўл топган бўлса**, табиатда ресурсларни чекланганлиги, уларни пала-партиш, самарасиз ишлатишдан мулкчилик муносабатлари келиб чиқиши, мувофиқ равишда **мулк ҳуқуқларини белгилаш билан йўл топди**. Хусусий мулкчилик ресурслардан энг самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Шу билан бирга хусусий мулк жамият аъзоларини табақаланишига олиб келади.

Минглаб йиллар давомида ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари ер ва меҳнат бўлиб, кишилар ўз эҳтиёжларини оғир машаққатли қўл меҳнати ва уни ташкил қилиш билан қондиришган. Ишлаб чиқариш омилларидан нақадар самарали фойдаланиш аввало меҳнат омилига боғлиқ. Шунинг учун ҳам дастлаб меҳнат омилини меҳнатга мажбур қилиш йўли билан (қулдорчиликда), у қутилган натижани бермагач, қулга нисбатан эркин, маълум даражада ишлаб чиқаришдан манфаатдор, маълум даражада хўжалиқ юритиш мустақиллиги, ўз оиласига эга деҳқон (феодализмда) меҳнатига

асосланганлиги натижасида аввалгига нисбатан ишлаб чиқариш омилларидан нисбатан самарали фойдаланиладиган тизимга ўтилди.

Товар ишлаб чиқаришни вужудга келиши ва ривожланиши борган сари техник ихтироларга ҳам кенг йўл очиб борди. У ўз навбатида эҳтиёжларни қондиришни янги усуллари, кишилар манфаатлари, алоқаларини тартибга солишнинг янги тизимини вужудга келтиришни зарур қилиб қўяди.

Иқтисодий ўзгаришлардан ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар, алоҳида кишилар турли даражада манфаатдор. Ҳар бири ўз манфаатидан келиб чиқиб баҳолайди.

Ҳозирги пайтда аралаш иқтисодиёт кишилик жамияти томонидан муваффақиятли тарзда яратилган тизим сифатида тан олинмоқда. Чунки у иқтисодий тизимнинг самарали амал қилиш муаммоси ва уни ифодалаган иқтисодиётнинг асосий беш саволи, жумладан, тизим ўзгаришларга мослаша оладими, истеъмол талаби, ресурслар таклифи ва технологиянинг ўзгаришига мувофиқ равишда реакция қиладими? деган саволларга ижобий жавоб беради. У нафақат истеъмол талаби, ресурслар таклифи, технологиялар ўзгаришларига қараб тез мослаша олади. У мувофиқ равишда истеъмол талабига, ресурслар таклифи ва технологик ўзгаришларга тез реакция қилади. Кишиларнинг эркин, мустақил фаолият юритиши, муқобил вариантлардан ихтиёрига кўра танлаш имконини яратади. Ўзгаришларга тезда мослашибгина қолмай, балки фаолият турлари, унинг мулкӣ, ташкилий-ҳуқуқӣ асослари, стимуллари, охир-оқибат барча иқтисодий муносабатларни ўзгаришига фаол таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда барча мамлакатлар аралаш иқтисодиёт тизимини танламоқда.

8.3. Истеъмолчилар ҳуқуқи институционал объект сифатида

Институционал назарияларнинг асосий қисми истеъмолчилар манфаатига, уларнинг ҳуқуқлари талқинига бағишланган. Истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида тузиладиган шартномалар ҳуқуқӣ муносабатлар жумласига киради. Шартнома ҳуқуқӣ

муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди. Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари, яна ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Истеъмолчилар манфаати нуқтаи назардан шартнома тушунчасида асосий белги, асосий шарт-тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувлари ҳисобланади. Тарафларнинг ҳар қайсиси томонидан шартнома бўйича олинadиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳар хил бўлса ҳам, улар оқибатда ягона ҳуқуқий натижа беради. Масалан, бирон-бир нарсага нисбатан эгаллик ҳуқуқи ўтказилади ёки бирон-бир ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи олинади. Бундай муносабатлар қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар, товарни сотиб олиш, ишни бажариш, хизматни кўрсатиш билан боғлиқ айрим фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан, жумладан, олди-сотди шартномалардан, яъни, чакана олди-сотди, кўчмас мулкни сотиш, энергия таъминоти шартномаларидан; уй жой ижараси шартномасидан, шу жумладан, ижарага топширилган уй-жой жойлашган бинодан ижарачини тегишли равишда фойдаланишини амалга ошириш учун ишни бажариш, хизмат кўрсатиш, зарур коммунал хизмат кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, кўп квартирали уй-жой биносидаги умумий мол-мулкни ва уй-жойдаги коммунал хизмат кўрсатиш қурилмаларини таъмирлашдан; пудрат шартномасидан (маиший пудрат, қурилиш ишлари пудрати, лойҳалаш ва қидирув ишлари пудрати); прокат шартномасидан; йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан; воситачилик

шартномасидан; омонат сақлаш шартномасидан; истеъмолчи-фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, молиявий хизматлар кўрсатишга оид шартномалардан, жумладан, фуқароларга шахсий эҳтиёжлари учун кредитлар бериш, банк омонати шартномасидан, мижоз-фуқароларнинг ҳисоб рақамини очиш ва юритиш, мижознинг тегишли кўрсатмасига асосан ҳисоб китобларни амалга ошириш, фуқароларнинг қимматли қоғозлари ва бошқа бойликларини қабул қилиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш, уларга турли маслаҳат хизматларини кўрсатишдан; ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш (алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқалар) шартномаларидан ва шунга ўхшаш фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган, фуқароларнинг шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган бошқа шартномалардан келиб чиқиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз.

Фуқаро олди-сотди шартномаларида сотиб олувчи сифатида иштирок этади. Олди-сотди шартномалари икки турга: яъни чакана ва улгуржи олди-сотди шартномаларига бўлинади. Фуқаро-истеъмолчи сифатида чакана олди-сотди шартномаларида иштирок этади. Чунки, ФКнинг 425-моддасида белгиланишича чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олиши эътироф этилган. Ушбу товарни сотиб олувчи-жисмоний шахс истеъмолчидир. Чунки у товарни шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки бошқа мақсадларда сотиб олаётган шахсдир. Истеъмолчи чакана савдо билан шуғулланаётган корхонадан фақат ўзи учун эмас балки оила аъзолари учун ҳам товар сотиб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро – истеъмолчига унинг истеъмол меъёрига қараб товарлар сотилиши нотўғри бўлади. Чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сотувчи томонидан дўкон пештахтасига сотувга товар қўйилишининг ўзи барча истеъмолчилар билан алоҳида

шартлар асосида шартнома тузишни таклиф қилиши (оммавий оферта) сифатида қабул қилинади. Унга асосан сотувчи мурожат этган истеъмолчига товарни сотиш, истеъмолчи эса уни талаб қилишга ҳақли бўлади. Ушбу турдаги шартномани таҳлил этиб, шартнома субъекти сифатида ҳам сотувчини ҳам истеъмолчини ўзига хос жиҳатларини кўриб ўтиш керак. Бу ерда сотувчи сифатида фақат товарларни чакана сотиш билан шуғилланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти (савдо корхонаси)гина намоён бўлади. Чакана олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчи бўлиб эса товарни чакана савдо ташкилотидан ёки яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркордан шахсий, уй-рўзгор ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда сотиб олувчи жисмоний ҳамда юридик шахс бўлиши мумкин. Мисол учун бирор бир ташкилот (нодавлат ноижорат ташкилот) томонидан унинг офисини жиҳозлаш учун мебель сотиб олганда чакана олди-сотди шартномаси билан расмилаштирилади. Демак бундан хулоса қилиш мумкинки, Фуқаролик кодексининг чакана олди-сотди тўғрисидаги нормаси “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда акс этирилган нормалари таъсир доирасидан кенг.

Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳам истеъмолчи ўзига хос ўринга эга. Албатта барча иш ва хизмат билан боғлиқ муносабатларда иштирок этаётган жисмоний шахсни, яъни фуқарони биз истеъмолчи деб атай олмаймиз. Истеъмолчи деб бундай муносабатларда, иш ва хизматдан шахсий, оилавий, уй рўзгор ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган, яъни фойда олишни мақсад қилиб қўймаган ҳолда фойдаланаётган жисмоний шахс-фуқаро тушунилади. Ҳозирги кунда аҳолига ишлар ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланиб бормоқда. Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда истеъмолчи асосий ўринни эгаллайди, чунки барча иш ва хизмат унинг истеъмолчисига яъни буюртмачисига қаратилади. Бу муносабатлар бозорида жуда шиддатли “кураш” кетади. Ишлар ва хизматларни қуйидагича фарқлаш мумкин: “Ишда

натижа моддий кўринишда топширилади (мисол учун қурилиш пудрати шартномаси). Хизмат кўрсатишда эса, натижа моддий-ашёвий кўринишда бўлмайди(мисол учун, репититорлик, сайёҳлик хизмати).

Пудрат шартномаси (маиший пудрат, қурилиш ишлари пудрати, лойиҳалаш ва қидирув ишлари пудрати) тарафлари пудратчи ва буюртмачилардир. Пудрат шартномасида агар фуқаро иш натижасидан фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун буюртма берса уни биз истеъмолчи деб атай оламиз. Шу жумладан, прокат шартномасида; йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида; воситачилик шартномасида; омонат сақлаш шартномасида, ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш шартномаларида шахсий, тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда иш ва хизматга буюртма берувчи ва унинг натижасидан фойдаланувчи жисмоний шахс-фуқарони истеъмолчи деймиз. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида истеъмолчи билан тадбиркор ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мустаҳкамланди.

Истеъмолчининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиши шартномаларида иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ўз зиммасига олган ҳуқуқ ва мажбуриятларида намоён бўлади. Масалан, медицина хизмати кўрсатиш соҳасида истеъмолчи – миждоз замонавий тиббий даволаш усуллари асосида даволанишига, тезкор зарурий ёрдам кўрсатишларини талаб қилишга ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафи сифатида истеъмолчи, ҳар доим қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар асосида ўзининг даволаниш ва тиббий муолажа, ҳамда соғлигини тиклашга бўлган эҳтиёжини амалга оширади.

Ҳозирги кунда амалиётда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг баъзи турларида ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчиликнинг етарли эмаслиги туфайли, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари етарли даражада кафолатланмаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолатлар, репититорлик, маслаҳат хизматида ва бошқаларда кузатилмоқда. Шу

муносабат билан ушбу хизмат турларини тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш ва унда истеъмолчи ҳуқуқлари устуңлигини таъминлаш лозим.

Йўловчи багаж ва юк ташиш шартномаларида, хусусан шаҳар транспортида йўловчи ташиш шартномасида фуқаролар истеъмолчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Шаҳар транспортида йўловчи ташиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади ва бунда йўловчи истеъмолчи ҳисобланади. Йўловчи ташувчининг хизматидан фойдаланувчи шахс сифатида истеъмолчи мақомига эга бўлиб, транспорт хизматидан умумий фойдаланишдаги транспортда фойдаланганда ҳамма вақт ҳам шахсий мақсадларда фойдаланмасида, у истеъмолчи сифатида ҳаракат қилади.

Банк омонати шартномасида фуқаролар омонатчи бўлган ҳолларда у истеъмолчи ҳисобланиб, маблағларини банкка фуқаролар томонидан қўйилиши, банкнинг мижози ҳисобланган фуқарога молиявий хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлади. Фуқароларга молиявий хизмат кўрсатиш шартномаларида фуқаро – мижоз – истеъмолчи сифатида эътироф этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётимизга фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг янги турлари кириб келди. Бу истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янгидан-янги хизмат турларини вужудга келишига олиб келди. Ана шундай хизмат турларидан бири, истеъмолчиларга товарлар харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредити хизмати ҳисобланади. Истеъмол кредити одатда маиший электр асбоб-ускуналарни, мебел ва бошқа турли уй рўзғор буюмларни харид қилишда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳозирги кунда аҳолига савдо хизмати кўрсатувчи бир қатор дўконларда харидорларга истеъмол кредитлари таклиф этилади. Истеъмол кредити муайян банк орқали истеъмолчига товарларни сотиб олишда фоиз асосида берилиб, муайян муддатда тегишли фоизлар асосида қайтариб берилади.

Истеъмол кредити доимий иш жойи ва даромадига эга бўлган истеъмолчиларга берилади. Бунда товарнинг қийматидан келиб чиқиб, кредит муддати ва фоизлари аниқланади.

Омонат сақлаш шартномасида омонат сақловчи, доимий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, бу муносабатлар юк топширувчи фойда олиш мақсадини кўзламаган бўлса, бу ҳолатда юк топширувчи истеъмолчи ҳисобланади. Масалан, ломбардда омонат сақлаш шартномасида юк топширувчи истеъмолчи ҳуқуқларига эга бўлади.

ФКнинг 914-моддасига кўра шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланди. Бунда жисмоний шахс-суғурталанувчи, ўзининг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу суғурта туридан фақат жисмоний шахс-инсон фойдалана олади. Чунки фақат биологик шахс бўлмиш инсонгина ҳаёт кечиради ва соғлиғига қайғуради. Зеро шахсий суғурта шартномасида суғурталанувчи ушбу хизматдан фойдаланувчи истеъмолчи мақомига эга бўлади. Ҳозирги кунда фуқаролар ўртасида суғурта муносабатлари яхши йўлга қўйилмаганлиги ва суғуртага солиқнинг бир тури сифатида қараш оқибатида суғурта шартномалари ва суғурта хизмати кам мурожаат этиш ҳолати кузатилмоқда. Суғурта хизмати истеъмолчилар манфаатларини қондиришга қаратилган хизматнинг бир тури сифатида амалиётга кенг жорий этилиш ва бунинг учун ҳуқуқий тарғиботни кўчайтириши лозим.

Қимматли қоғозлар бозорида истеъмолчиларнинг иштироки бевосита «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

Истеъмолчи ҳуқуқлари устунлигининг қонун ҳужжатларидан тўлиқ таъминланиши, ҳуқуқий муносабатларнинг заиф томони ҳисобланган истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида ва уларни ҳимоя қилишларида муҳим омил саналади. Шу муносабат билан истеъмолчилар ҳуқуқлари устунлигини таъминлашнинг бош мезони сифатида қонун нормаларида белгиланган истеъмолчи ҳуқуқлари механизмининг изчиллигини ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг қатъий тартибини белгилаш лозим бўлади.

Фуқаронинг истеъмолчи сифатидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда иштироки энергия таъминоти шартномасида ҳам кузатилади. ФКнинг 469-моддасига мувофиқ, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергиядан турмушда фойдаланадиган фуқаро абонент ҳисобланади. Энергия таъминоти шартномаси фуқаролар билан турмушда фойдаланиши учун тузилганда оммавий шартнома бўлиб, фуқаролар истеъмолчи ҳисобланади. Энергияни туташтирилган тармоқ орқали етказиб беришни таъминлаш энергия таъминоти шартномасининг энг муҳим белгиларидан бўлиб ҳисобланади ва у айнан шу белгиси билан бошқа турдаги шартномалардан фарқ қилади.

Фуқаролар билан тузиладиган энергия таъминоти шартномаси қўшишлиш шартномаларидан бири бўлиб, абонент фақатгина мавжуд намунавий шартнома ва ундаги шартларга қўшилади ҳолос. Истеъмолчи – фуқаро – абонент энергия таъминоти шартномасининг заиф тарафи бўлиб, шартнома шартларини белгилашда ҳеч қандай ҳуқуқ ва эркинликка эга эмас. Барча оммавий шартномалар каби, энергия таъминоти шартномаси ҳам қўшилиш шартномаси бўлиб, бу борада истеъмолчи абонентларга ҳеч қандай ҳуқуқлар берилмаган. Бу ҳолат Намунавий шартномаларда фуқаро – абонент

талаби билан критилиши мумкин бўлган ҳолатларни киритишга имкон бермайди.

Истеъмолчиларга энергия етказиб беришнинг ўзига хос хусусиятлари ва бирмунча қийинчиликлари мавжуд, чунки энергия етказиб беришда махсус мосламаларнинг бўлишлиги, жумладан, электр тармоқлари, газ қувурлари, трансформатор ва насос станцияларисиз бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Шунингдек, энергияни истеъмол қилишда махсус мосламалар қўлланилишини тақозо қилади. Булар: инженерлик коммуникациялари, ўлчов ва назорат қилувчи асбоблар ва энергиядан фойдаланишда қўлланиладиган хавфсизликни таъминловчи асбоб-ускуналар. Энергия билан таъминловчи ҳамда истеъмолчи (абонент) ўртасидаги техник қурилмалар-энергияни қабул қилиш ва ундан хавф-хатарсиз фойдаланишини таъминловчи воситалар туташтирилган тармоқ бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, истеъмолчи иштирокидаги энергия таъминоти шартномасини тузишда истеъмолчининг манфаатлари устунлигини таъминлаш зарурияти ва намунавий шартнома шартларини белгилашда истеъмолчилар ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан маслаҳатлашиш зарур бўлади.

Мулк ижараси шартномасида, тўғрироғи, прокат шартномасида фуқаролар истеъмолчи сифатида қатнашади. ФКнинг 558-моддасига мувофиқ, прокат шартномаси бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол мақсадларида фойдаланади.

Прокат шартномаси оммавий шартномалар жумласидан бўлиб, агар прокат шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, прокат нарсасини олишни хоҳлаган ҳамма шахсларга прокат берувчи имконияти даражасида талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни барча учун бир хил шароитда прокатга беришга мажбур. Прокат шартномасининг иккинчи томони ижарага олувчи фуқаро бўлганда ва у шартнома объектидан истеъмол мақсадларида фойдаланганда истеъмолчи

бўлиб ҳисобланади. Зеро, оммавийлик касб этувчи мазкур муносабатларда ижарага олувчи - фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида берилган истеъмолчининг фуқаролик ҳуқуқий мақомини гавдалантиради. Яъни, прокат шартномасидаги ижарага олувчи фуқаро, мулкни истеъмол мақсадларида фойдаланиш учун олади (агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса), ижарага берувчи шартнома тузиш истагида бўлган ҳар қандай фуқаро билан шартнома тузишга мажбур. Прокат шартномасида истеъмолчи ҳуқуқларининг устунлиги ва унинг шартнома тузишдаги хусусиятлари энергия таъминотида истеъмолчининг ҳолатидан фарқ қилиб, прокат шартномасида истеъмолчи энергия таъминоти шартномасидаги истеъмолчига қараганда кенгроқ ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлади. Хусусан, ижарага берувчи билан шартнома шартларини ўзаро келишув асосида мустақил белгилаш, шартнома тузиш вақтида ўз талабларини қўйиш ва ҳ.зо. Бир сўз билан айтганда, прокат шартномасидаги истеъмолчини шартноманинг заиф тарафи деб номлаш мумкин эмас.

9-БОБ. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАР ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

9.1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлик.

9.2. Экологик муаммолар ва институционализм.

9.3. Экологик хавфсизлик ва Орол муаммолари.

9.1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлик.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очiq эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса «қалб нидоси» бўлиб келган.

Табиий ва минерал хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф-муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга

етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилғи ва минерал хом ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча захарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидроэнергетика лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини (БАМ, Турксиб каби темир йўлларни, автомобиль, нефть-газ магистралларини ва ирригация тармоқларини) бунёд этиш нафақат табиий захираларни қашшоқлаштирди. Бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди.

Бу муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашди. МДҲга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига бетартиб суратда ўтиши, табиий ва минерал хом ашё захираларидан фойдаланишда бошқарувнинг барҳам топгани, назорат қилинмаганлиги натижасида улар ташиб кетила бошланди. Ваҳшийларча қазиб олинди ва арзон нархларда экспорт қилинди. Айрим «янги бойваччалар» деб аталувчи ва коррупция домига илинган бутун-бутун гуруҳлар учун кўшимча фойда олиш манбаига айланди. Шу билан бирга, улар ўзларининг очкўз манфаатлари йўлида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг экологик хавфсизлигини, саломатлиги ва фаровонлигини қурбон қилмоқдалар. Бениҳоя улкан моддий бойликлар, инсониятнинг ноёб ютуқлари виждонсизларча ўғирлаб кетилмоқда, йўқ қилиб ташланмоқда. Бу билан бутун атроф-муҳитга ҳам жуда катта зарар етмоқда, иқлим бузилмоқда. Энг ёмони эса бир неча авлод кишиларининг табиий ҳаёт ва фаолият шароитларига путур етмоқда.

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш – ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Бу хавфни анча кеч, 70-йилларнинг бошларидагина англай бошладик. Ўшанда мазкур масала дунё миқёсидаги тараққиётга бағишланган дастлабки ғарб моделларида кескин қилиб қўйилган эди. Бу ҳол бамисоли «бомба портлагандай» таъсир этди. Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф-муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг «XXI аср йўли» деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисми эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз бераётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Таркибида олтингугурт қўш оксиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши

кўпайди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-сахроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, кимёвий қурооллар ва оммавий қирғин қуроолларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавфдир.

Ҳозир, XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф-муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этиб ўтган.

Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларини экологик

жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга бўлинади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

9.2. Экологик муаммолар ва институционализм

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон - табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага

айланди. Уларни қирилиб кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Афсуски, бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда, мутахассисларнинг баҳолашича, жуда мураккаб, айтиш мумкинки, хавфли вазият вужудга келмоқда. Бундай вазият нимадан иборат?

Биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Марказий Осиё шароитида ер Аллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечирishi учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса, яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса, юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркменистонда — 9,4 ни ташкил этади. Республикамизда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Украинада — 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил

айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда. Шунини ҳисобга олсак, яқин йиллар ичида, ҳатто XXI аср арафасидаёқ ер захиралари билан таъминланиш муаммоси янада кескинлашиши мумкин.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бораётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда. Айни чоғда табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа ҳодисалар рўй бермоқда.

Илгари нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги туфайли шамол ва сув таъсирида емирилиш тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу чора-тадбирлар жуда паст суръатларда ва сифатсиз олиб борилган. Ҳатто 80-йилларнинг охирида амалда бутунлай тўхтатиб қўйилган эди. Республикада 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийб ярми бузилиш хавфи остида қолган.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Ерларни оммавий суратда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келди. Сўнгги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етди. Фақат 1975 - 1985 йиллар мобайнида 1 миллион гектарга яқин янги ер майдонлари ўзлаштирилди. 1990 йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985 йилдагига қараганда 1,5 баравар кўпайди.

Экин майдонлари таркибида сўнгги вақтларга (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатида пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлигининг пасайишига, унинг сув-физикавий хоссалари ёмонлашувига, тупроқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари ортишига олиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини ифлослантирди. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмади, ҳамма жойда пахта назоратсиз суғорилди. Тупроқнинг нами кўпайиб кетди. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш, кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схемалари номукамаллиги кўп миқдорда ағдармалар, кул, шлак ва бошқа моддалар тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Булар деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни эгаллабгина қолмай, балки тупроқни, ер усти ва ер ости сувларини, атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларига ҳам айланмоқда. Республикада заҳарли чиқиндилардан фойдаланиш саноати эса ҳозирча яратилган эмас.

Ўзбекистон ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион куб метр ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда, жўғрофий, геологик-гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларни комплекс

ўрганмай туриб ташкил этилган. Уларда қаттиқ маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ибтидоий усуллар билан амалга оширилмоқда. Айниқса, республиканинг йирик шаҳарларида маиший чиқиндиларни ишлатиш ва зарарсизлантириш соҳасида мураккаб вазият вужудга келган. Республикада ҳали ҳануз маиший чиқиндиларни саноат усулида қайта ишлаш масаласи ҳал қилинмаган. Ягона Тошкент маиший чиқиндилар тажриба заводи 1991 йилдагина ишлай бошлади.

Радиоактив ифлосланиш, айниқса, катта хавф туғдирмоқда. Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонларни маҳкамлаш ҳамда кўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш лозим.

Навой вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавfli ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив кумни шамол учуриши хавфи бор.

Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат. Буларнинг барчаси энг аввало табиий захиралардан фойдаланишни тубдан яхшилаш зарурлигини тақозо этади.

9.3. Экологик хавфсизлик ва Орол муаммолари

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Сув табиатнинг бебаҳо инъомидир. Айниқса, суғориладиган ҳудудларда бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт

ҳам тугайди. Шундай бўлса-да, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув захираларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда.

Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув захираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш мақсадида фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларини, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбул ҳаётий шарт-шароитларни яратиш учун энг аввало бу ерларга сувнинг ўтишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга Орол денгизи ҳавзасининг чекланган сув захираларини биргалашиб, келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб этилади.

Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурати билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш мақсадида суғориш тармоғининг режими ва ўлчамларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади. Эндиликда коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқава сувларни дарё ва сув омборларига оқишишни батамом тўхтатиш зарур.

Сув захираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60-йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Саноат, чорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор-зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғориш учун мутгасил юқори ҳажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди.

Дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштирмоқда. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг

мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дельталарида тупроқнинг шўрланишини кучайтирмоқда. Бу эса кўшимча мелиорация ишларини амалга оширишда, зовур тизимларини барпо этиш ва тупроқ шўрини ювишда яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон ва кўшни минтақалар шароитида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли пунктларини одатдаги водопровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йилликнинг ўзида тахминан 1,5 баравар ортди. Шунга қарамай, ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши республикада, айниқса, Орол бўйида касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа - Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди. Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва суғорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни «жонсизлантириб қўйилганлиги» хаёлга келмасди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 45 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20–25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди.

1911–1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг

квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10–11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи – 32,5 метрга, сув ҳажми – 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «кўлбола» кумли-шўрхок саҳрога эга бўлди. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15–75 миллион тонна чанг кўтарилади.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳилнинг ҳозирги чизиғидан йироқларда бўлган балиқчиларнинг қачонлардир қудратли флотилиясининг занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бўзкўл, Олтинкўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда. Ҳудуд ботқоққа айланмоқда. Сувнинг тобора тақчиллашиб бораётганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги

тупроқ ва ўсимлик қатламининг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, суғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши — булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мумкин эди. Ҳозирги вақтда уни бошқариш жуда мураккаб бўлиб қолди. Кейинчалик эса бу жараён яна ҳам мушкуллашади ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия Қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил

январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошҳовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди - Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутди ва эътиборни қўйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

— қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

— сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усулларини ишлаб чиқиш, суғоришда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

— минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

Тўртинчидан, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларини кўзгатиб турувчи, атмосферани чанг-тўзонга чулғагувчи Қорақум ва Қизилқум саҳроларидек йирик табиий манбалар мавжуд. Сўнги ўн йилликлар мобайнида Орол денгизининг қуриб бориши туфайли чанг ва туз кўчадиган яна бир табиий манба пайдо бўлди.

80-йилларнинг бошларида қўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли кўплаб туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингугурт гази, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узоқларга, асосан республиканинг чегарадош туманлари – Сурхондарё

вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари худудига тарқалмоқда.

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш иши билан қўшиб олиб борилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи кўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Ўзбекистон МДХ давлат бошлиқларининг 1992 йил 8 февралда имзоланган Битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Давлатлараро Экология Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. МДХ мамлакатларининг ана шу экология Кенгаши доирасидаги ҳамкорлиги аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида келишиб олинган, мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган.

Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин

бузилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

Қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур.

Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

Республиканинг фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала. У атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бош омилларидан биридир. Фойдали қазилмаларни олиш ва қайта ишлаш чоғида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд. Эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва бутун бошли заводларни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қараганда, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш) лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш - биринчи даражали вазифадир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсирчан чора-тадбирларни рўёбга чиқариш яқин вақт ичидаёқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш – республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг

дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради.

Табиий ресурсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни ва роли, сўзсиз улкандир. Табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини ифлослантирди. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмади. Барча худудларда пахта назоратсиз суғорилди. Тупроқнинг нами кўпайиб кетди. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келди.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон - табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат.

10-БОБ. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

10.1. Ижтимоий ҳамкорлик ва бизнес фаолияти.

10.2. Иқтисодий модернизациялашда ижтимоий ҳамкорлик.

10.3. Ижтимоий ҳамкорликда оиланинг институционал жиҳатлари.

10.1. Ижтимоий ҳамкорлик ва бизнес фаолияти.

Ижтимоий ҳамкорлик – бу ўзаро келишув бўлиб, унга фалсафий жиҳатдан ёндашганда, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг миллий тараққиёт манфаатлари йўлида ҳамжиҳатлигига эришишдан иборат бўлса, иқтисодий жиҳатдан ёндашганда катта гуруҳлар ва аҳоли қатламларининг иш берувчи ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлиги асосида ишсизликни камайтириш, аҳолининг даромадини ошириш, халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантиришда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларини бирлаштиришдан иборатдир.

Ижтимоий ҳамкорлик концепциясида жамиятнинг замонавий ҳаётида қуйидаги принциплар эътиборга олинади:

1. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ривожланиш.
2. Фуқаролик жамияти учун ижобий ижтимоий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

Ижтимоий ҳамкорлик меҳнаткашлар ҳуқуқларини бозор муносабатларига мос ҳолда ҳимоя қилишни кўзда тутди. Ижтимоий ҳамкорлик сиёсати жамиятнинг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш орқали ижтимоий соҳа фаолиятини бошқа соҳалардаги фаолият билан интеграциялашни йўлга қўяди. Иқтисодий муносабатлардаги ижтимоий ҳамкорлик орқали ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни кўзда тутган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, меҳнат шароитларини яхшилаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда меҳнаткашларнинг турмуш тарзини яхшилашга эришилади.

Республикамизда бозор муносабатлари шаклланган ва ривожланган ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш энг муҳим масалалардан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ижтимоий ҳамкорликни табиий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий-ҳуқуқий омиллар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Самарали ижтимоий ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар доимо самарали иқтисодий натижалар олиб келади.

Кичик бизнес субъектларининг хорижий компаниялар билан халқаро миқёсда фаолият олиб боришидаги ҳамкорлик келишувларида ижтимоий натижаларга, яъни мутахассислар малакасини юксалтиришга, даромадларини ошириш ва халқаро тажрибаларни эгаллашларига эришилади. Жумладан, миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлиликни ошириш, хавф-хатарни камайтириш, халқаро бозорни ўрганиш усулларини ҳам ўзлаштириб борадилар.

Ижтимоий ҳамкорлик келишувидаги иқтисодий омиллар натижасида эришиладиган ижтимоий-иқтисодий ютуқлар қуйидагилардан иборат.

1. Ишсизлик бартараф этилади, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотув ҳажми кенгаяди.
3. Аҳолининг яшаш турмуш тарзи яхшиланади.
4. Меҳнат ҳақи аҳоли эҳтиёжларини қондира олади.
5. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади.
6. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади.
7. Бизнес билан шуғулланувчилар халқаро бизнес тажриба-ларига эга бўладилар.
8. Халқаро бизнес фаолияти тараққий этади.
9. Инновацион бизнес билан шуғулланувчилар шаклланади.
10. Инновацион бизнес ривожланади.

Хорижий ҳамкорлар бизнес ҳамкорликни ижтимоий ҳамкорлик билан уйғунлашган ҳолда тузишлари мақсадга мувофиқдир. Масалан, айрим

хорижий компаниялар Япония бозорига кириш мақсадида малакали ишчи кучи ҳамда дистрибьюторлик имкониятларидан фойдаланиш учун Япониянинг маҳаллий компаниялари билан ҳамкорлик қиладилар ва бу ҳамкорлик асосида маҳаллий мутахассислар иш билан таъминланади.

Бизнеснинг ривожланиш циклида айрим бизнес субъектлари даромадни ва савдо тушумини кўпайтириш учун жўғрофий диверсификацияни амалга оширадилар, яъни бошқа мамлакатларда фаолият юритадилар. Бунда ушбу субъектлар бир неча хорижий бозорларга киришда самарали усул ҳисобланган ижтимоий ҳамкорлик келишувини амалга оширадилар. Шунингдек, халқаро миқёсда бизнес фаолиятини олиб боришда компаниялар турли давлатлардаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар сармоя ҳамда даромадларига салбий таъсир этишидан хавотирга тушадилар ва бундай хатарли шароитларда кутиладиган зарарни камайтириш мақсадида хорижий компаниялар маълум бир улушга эгалик қилиш учун маҳаллий бизнес субъектлари билан қўшма корхоналар тузадилар. Бундай ҳолатларда республикамизда ҳамкорликнинг асосий шартларидан бири ишчи ўринларини яратиш этиб белгиланган. Ушбу янги ишчи ўринларини яратишга йўналтирилган вазифалар ижтимоий ҳамкорлик асосида бажарилади ва бундай ҳамкорликда маҳаллий бизнес субъектлари махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни жалб этишга ҳаракат қилади. Демак, ижтимоий ҳамкорлик асосида бизнес фаолиятига хос таълим ҳам ривожланади.

10.2. Иқтисодиётни модернизациялашда ижтимоий ҳамкорлик

Ҳозирги даврда инновацион талабларнинг кўчайиши жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий–иқтисодий жараёнларни модернизациялаш заруриятини тақозо қилмоқда. Миллий иқтисодиётни модернизациялашдан кутилган мақсад тараққий этган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашдан иборат. 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар

стратегияда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришган, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланиш вазифаси қўйилган. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш мақсадни амалга ошириш воситаларини белгилаб олиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттиришни тақозо қилади.

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, модернизациялашни шартли равишда иккита турга ажратиш мумкин.

Биринчи турида институционал модернизациялаш, яъни ижтимоий ҳаётни модернизациялаш назарда тутилади. Бунда жамиятнинг турли қатлам ва гуруҳларини интеллектуал жиҳатдан юксалтириш орқали инновацияларни яратишга кенг имконият яратилади. Сиёсий нуқтаи-назардан олиб қаралганда, кенг имкониятлар демократия асослари тўлиқ ўрнатилган тизимда мавжуд бўлади.

Иккинчи тур модернизациялашда технологик модернизациялаш, яъни иқтисодиётда диверсификациялашни жадаллаштириш ҳамда саноат сиёсатини фаоллаштириш кўзда тутилади. Бунда иқтисодиёт реал тармоқларида асосий капиталга сарфланаётган инвестициялар кўламини кенгайтириш орқали саноатлашган иқтисодиётга ўтиб борилади. Миллий иқтисодиётда яратилаётган ялпи ички маҳсулот қиймати таркибида саноатнинг улушини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланилади. Ҳар икки турда ҳам модернизациялашнинг асосий субъектлари: давлат, жамият ва бизнес ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муҳим ҳисобланади.

Субъектлараро боғлиқлик тўғри ёки қарама-қарши тарзда юз бериши мумкин. Давлат жамият аъзолари инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва кафолатлайди. Бизнес-тадбиркорлик учун эркинликлар беради ва қулай муҳит яратади. Жамият давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади, бизнес учун инновацион лойиҳаларни яратиб беради. Меҳнат ресурслари бизнесни ҳаракатга келтиради ва ишчи кучи сифатида жамиятга учун хизмат қилади. Бизнес давлатнинг молиявий тушумларини

кўпайтиради. Жамият аъзоларида капиталнинг жамғарилиши ва бойишига олиб келади.

Институционал ўзгаришларда ўзаро боғлиқ бўлган механизмнинг амал қилиши, иқтисодий самарага эришиш учун ижтимоий жиҳатдан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши муҳим ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда ижтимоий ҳамкорлик субъектларнинг ўзаро таъсирда бўлиши ва ижтимоий-иқтисодий модернизацияни ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида майдонга чиқсагина мақбул ечимга эришилади.

Ўзгаришларга институционал қарашлар давлат-жамият, давлат-бизнес ҳамкорлигининг ошишини таъминлайди. Мақсад модернизациялаш орқали ривожланган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини қувиб етиш ва ҳар бир субъектнинг манфаатларига тенг ён босишдан иборат. Технологик ва институционал модернизация бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Институционал модернизациялаш иккига ажратилади: устки модернизация ва остки модернизация – босқичма-босқич ривожланиш. Таҳлиллар натижасига кўра, Трансформация даври иқтисодиёти учун остки модернизация – босқичма-босқич ривожланиш сценарийси мақбул ечим сифатида қаралади. Модернизация сиёсати асосида ижтимоий ва маданий капиталга ихтисослашув варианты қўлланилади.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсиши унинг ижтимоий ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Эндиликда иқтисодий ўсиш, биринчи навбатда, ишсизлик, камбағаллик, алоҳида мамлакатлар ва жаҳон миқёсида ижтимоий тенгсизликнинг кучайиб бориши каби ижтимоий муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган бошланди. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда демократик давлатлар тажрибасига муражаат қилинганда, институционал модернизациялаш негизида нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва партияларнинг ҳаракатини жонлантириш, фаоллаштириш каби қатор вазифалар белгилаб олинади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида саноатлаштириш, инновацияларни кенг қўллаш орқали технологик модернизация юқори босқичга кўтарилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинади:

- модернизация давлатдан бошланиб, жамият ва бизнесга тенг таъсир кучига эга;

- модернизация суръатини ошириш орқали давлат-жамият-бизнес ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ошади;

- миллий иқтисодиётни модернизациялаш мураккаб, кўпқиррали жараён бўлиб, жамиятнинг ҳамма жабҳаларидаги янгилашнига тизимлашган ҳолда ёндашишни тақозо этади.

10.3. Ижтимоий ҳамкорликда оиланинг институционал жиҳатлари.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастур вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнларида кучли ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу стратегия замирида ҳаётини тамойиллар, жумладан, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатлари ўз ифодасини топган. Маълумки, ўзбек моделининг ўзагини ташкил этадиган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришни назарда тутди. Кучли ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароит яратмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтож оилаларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ўзбекистон ўзига хос демографик вазиятга эга. Унинг аҳолиси таркибида 18 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар жами аҳолининг 37,1 фоизини ташкил этади. Шунингдек, жами аҳоли таркибида 14 ёшгача бўлганлар сони 28,5 фоиздир.

Моддий тўқислик инсон ҳаётидаги асосий мезонлардан биридир. Табиийки, кўп фарзандли кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бўлган ҳам моддий, ҳам маънавий имконият кам фарзандли яхши

таъминланган оиладагига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу икки оила орасидаги моддий фаровонлик даражаси тахминан беш мартага фарқланади. Бу эса ўз навбатида, кўп фарзандли кам таъминланган оилада тарбияланган болаларнинг тиббиёт меъёрлари даражасида овқатланмаслиги, яхши кийинмаслиги, билим олиш ва ўқиб - ўрганиш учун имкониятлари чекланганлигига, натижада, бундай оилада тарбияланган болаларнинг дунёқараши ва фикрлаш даражалари ўз тенгдошларидан тубдан фарқ қилишига олиб келади. Оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти оилаларнинг муҳтож қатламларига ёрдам бериб, уларнинг кучли табақалашшига йўл қўймайди ва институционал тартибга солишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка давлат ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилади. Ижтимоий сиёсатнинг республикамизда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги фақат иқтисодий вазиятагина эмас, балки ижтимоий ҳамкорлик ва институционал жиҳатларга, жумладан соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали ўзбек оиласига мадад бериш ҳақидаги ғамхўрлик ҳамда халқнинг миллий кадриятларига асосланган ҳолда кексаларга, ҳимоясизларга меҳр-мурувват кўрсатиш эҳтиёжи билан ҳам боғлиқдир. Институционал ёндошувларда оила институтини, айниқса болалар ривожланишидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу ёндошувлар фарзанларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча ишларни амалга оширишга қаратилган. Институционал ташкилот сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва маъсулияти, хусусан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани эътиборга лойиқдир. Чунки маҳалла жамоатчилиги оилалар аҳволидан яхши хабардор бўлишади. Ўзбекистонда вояга етмаган болалари бўлган ва кам таъминланган оилаларга аниқ тарзда

ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилган. Тадбирларда ижтимоий нафақаларни тўлашнинг аниқ манзиллилигини оширган ҳолда оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тўлашни ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ва муддатларини сақлаб қолишни ҳамда вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда ҳисобга олиндиган болаларнинг энг катта ёшини 14 ёшгача пасайтиришни назарда тутувчи ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хулоса қилиб айтилганда, институционал қарашларда оила институти муҳим объект сифатида жиддий тадқиқ этилади. Институционализм ва оила институти методологик ва илмий-амалий жиҳатдан ўзаро бирликни ва айти пайтда бир бирини ўзгаришлар таъсирида бўлишини белгилаб бериувчи базис муносабатларни устқурма ҳамкорлигида тақозо қилувчи тизим сифатида амал қилади.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларнинг йирик йўналишлари шаклланди. Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларини ўрганишнинг энг кенг тарқалган ёндашувларига кўра, улар учта йўналишни ўз ичига олади: неоклассика, институционализм ва кейнсчилик. Бироқ, мамлакатимизда мазкур йўналишлар – айниқса, институционализм йўналиши соҳасидаги илмий-назарий, ўқув-услубий жабҳалар яхлит баён этилган адабиётларни етарли, деб бўлмайди.

Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита классик ва неоклассик назариялар билан боғлиқ. Бинобарин, неоклассика тамойилларидаги юқорида кўрсатилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, бозор моделини тузишга йўналтирилган назария – институционализм ҳисобланади. Ушбу назариянинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, бозор муносабатларини таҳлил қилишнинг янги соҳасидир. Институционализм билан неоинституционализм ўртасида, камида, учта асосий фарқ мавжуд.

1. Агар “эски” институционалистлар замонавий иқтисодий назария муаммоларини жамиятдаги бошқа фанлар усуллари билан ўрганишга интилган ҳолда ҳуқуқ ва сиёсатдан иқтисодиёт томон боришса, неоинституционалистлар бунга тўғридан-тўғри қарама-қарши йўлдан боришади, яъни улар ўз таҳлилида неоклассик иқтисодий назария воситаларига таянади, замонавий микроиқтисодий усулларни қўллаган ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганади.

2. “Эски” институционализм асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга томон интилди, бунинг натижасида,

қатор иқтисодчиларнинг фикрига кўра, умумий институционал назария юзага келмади; неоинституционализм дедуктив йўлдан бориб, неоклассик иқтисодий назариянинг умумий тамойилларидан ижтимоий ҳаётнинг муайян ҳодисаларини изоҳлашга интилмақда.

3. “Эски” институционализм радикал иқтисодий тафаккур оқими сифатида асосий эътиборни инсонлар манфаатларини ҳимояловчи жамоалар (асосан, касаба уюшмалари ва ҳукумат) хатти-ҳаракатига қаратди; неоинституционализм қайси жамоа аъзоси бўлиш унинг учун фойдали эканлигини ўз манфаатларига амал қилган ҳолда ҳал этувчи мустақил индивидга эътибор қаратади.

4. “Эски” институционализм методологик холизмдан фойдаланади, уни умумий тарзда қуйидагича таърифлаш мумкин: “институтлар бирламчи, индивидлар иккиламчи”. Ушбу ҳолат неоинституционал назарияга асос қилиб олинди.

XIX аср охири – XX аср бошларида оламда бўлиб ўтган аниқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли жаҳондаги мамлакатларнинг салоҳиёти кескин ўзгарди, илгари илғор бўлган давлатлар 2-ўринларга (Англия, Франция), нисбатан қолақ бўлган давлатлар эса 1-ўринларга чиқиб олишди (АҚШ, Германия). Худди шу даврда етакчи мамлакатларда эркин рақобатга асосланган иқтисодиётдан кўпинча монополистик (моно-бир) иқтисодиётга ўтиш кучайди. Монополия кучайиши монопол фойда олишга имкон яратди ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир қила бошлади. Шу сабабли антимонопол чоралар қўллаш ғояси илгари сурилди, бу биринчи АҚШда рўй берди. Кейинчалик (ва ҳозирда) барча давлатлар бундай чорани қўллайдилар. Антитрест сиёсати йўли билан иқтисодиёт устидан ижтимоий назоратнинг турлича метод (усул)лари қулланила бошланди. Ана шу усулларнинг назарий асослари юзага келди ва ҳозирда ҳам мавжуд.

Институтларнинг ўзаро таъсири ва ҳамжиҳат фаолияти ижтимоий ҳодисалар, масалан, оила, давлат, монополия, касаба уюшмалари ва бошқа муассасалар ётади, яъни жамоат руҳининг намоён бўлиши, юриш-туриш ва

ўйлаш усулини халқнинг маълум гуруҳлари учун одатий, анъанавий, шунингдек ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа кўринишларини ўз ичига олади. Бу йўналиш мафкурачиларининг фикрича, иқтисодий категориялар бўлган хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда, савдо ва бошқалар жамият руҳининг пайдо бўлиши шаклидир. Демак, улар объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тўла тан олмайдилар ва жамоат руҳиятининг эволюциясини таҳлил этадилар.

Институционал назариялар вакиллари иқтисодиётни бир бутун тизим сифатида қараб, хўжалик агентлари ўртасидаги муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ўзаро таъсирда бўлиши ҳамда сиёсий ва психологик муҳитга боғлиқ равишда жамият ривожига таъсир кўрсатиши талқин қилинган. Институционализмда тадқиқот объекти жамиятда амал қилаётган институтлар ҳисобланади. Институтлар сифатида корпорациялар, касаба уюшмалари ва давлат қаралиб, бунда юридик меёрлар, ғоявий-ахлоқий ва рухий ҳолатлар, урф-одатлар, хулқ-атвор меёрлари ва ўзгаришларга нисбатан ёндошувлар бир тизимни ҳосил этиши реал воқийлик эканлиги тадқиқ этилади.

Ҳозирги давр институционализмнинг асосий ғояси шуки, инсон постиндустриал жамиятнинг асосий иқтисодий омили, асосий ресурси сифатида қаралади ва янги жамият шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун ўз сиёсатини қайта кўриб чиқиши керак бўлади, XXI аср эса «инсон асри» деб эълон қилинади.

Институционал ёндашувга мувофиқ давлатни алоҳида ташкилот сифатида кўриб чиқиш лозим. Давлатни институт (ижтимоий шартнома негизида расмий қоидалар тизимини шакллантириш ва уларга амал қилиш механизми) сифатида ҳам, ташкилот (давлат бошқарув аппарати таркиби, қонуний жазолаш ва мажбурлаш тизими) сифатида ҳам тадқиқ этиш мумкин. Институционал назарияларнинг асосини индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизимига иқтисодиёт конституцияси дейилади. Иқтисодиёт конституцияси буйруқбозлик ва бозор тизимларидаги ўзаро зид нормаларга амал қилади. Масалан, бозор тизими фақат индивидлар ўзларининг кундалик иқтисодий фаолиятида у асосланадиган нормалардан фойдаланган даражага қараб барқарор ва такрор ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи индивидлар ўртасидаги битимлардан макроиқтисодий даражага ўтиш бозор хатти-ҳаракатлари нормалари орқали амалга оширилади.

Бозор конституциясининг яна бир нормаси эмпатия бўлиб, бунда индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизиқишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат қилади. Айрим шахслар доираси билан чекланмаган эмпатия индивиднинг ўз ҳаракатларида эркинликка чиққани билан боғлиқ. Инсоннинг фаолияти қанча эркин бўлса, у атрофдагиларнинг ҳаракатини шунча яхши тушунади ва уни олдиндан айта олади. Бу эркинлик нормасининг рационал асосланган мақсадга эришишда тўсиқ эмас, балки муваффақият шартига айланишини таъминлайди. Сўнгги норма легализм бўлиб, бунда қонунни ҳурмат қилиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади. Бу норма айнаи чоғда, мулкый ҳуқуқларнинг самарали ҳимоя қилинишига ҳам йўл очади. Юқорда баён этилганлардан шу нарса келиб чиқадики, бозор конституцияси нормаларида ҳам айрим нуқсонлар мавжуд бўлгани ҳолда, уларнинг ўзаро боғлиқ тарзда амал қилиши тизимнинг мунтазам такомиллашувига хизмат қилади.

Кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар энг аввало ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи тақозо этадиган мулк муносабатларидир. Ишлаб чиқарилган моддий неъматлар истеъмол қилиниши керак. Бироқ бирон-бир маҳсулотни истеъмол қилмоқ учун кишилар энг аввало уни ўзлаштириб олишлари керак. Ўзлаштириш бўлмаса, ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш кишилар ўртасида алоҳида

ижтимоий муносабатлар, яъни уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва меҳнат натижаларига ўзлариникидек ёки ўзганикидек қарашдан иборат муносабатларига мувофиқ келувчи таъмоил мулкчилик муносабатлари дейилади.

Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашув муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитни вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосий вазифалардан бири мулкчилик масаласини ҳал қилиш ҳисобланади. Шу сабабли мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳуқуқий механизмнинг жамиятнинг кундалик ҳўжалик ҳаётидаги ролини ўрганади. Бунда мулк ҳуқуқларини оптимал тақсимлаш масаласи марказий муаммо сифатида эътироф этилади. Институционал иқтисодиёт назариясига кўра, ким мулкдор ҳисобланиши тўғрисидаги масала эмас, балки мулк ҳуқуқларини тафсиллаш тўғрисидаги масала анча муҳим ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқлари деганда, неъматларнинг мавжуд бўлиши муносабати билан инсонлар ўртасида юзага келадиган ва улардан фойдаланишга тааллуқли бўлган руҳсат этилган кундалик муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабатлар неъматлар борасидаги хатти-ҳаракатнинг исталган шахс бошқа инсонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда уларга амал қилиши ёки уларга амал қилмаганлик учун харажатлар қилиши лозим бўлган нормаларини белгилайди.

Ҳозирги қарашларга неоклассик ва институционал оқимлар ёндршувининг синези, яъни қоришмаси хосдир. Буни МДҲ мамлакатларидаги тадқиқотлардан кўриш мумкин. Булар орасида Россия олимларининг тадқиқотлари салмоқли ўрин эгаллайди. Улар бозор ислохатлари муносабати билан ўтиш даврида ҳўжаликларни адаптив яъни янги шароитга мослашувини тадқиқ этдилар. Россия олимлари ишларида ҳўжаликларнинг меҳнат, истеъмол товарлари ва молия бозорида ўзини

қандай тутишлари кўрсатилади. Буларда хўжаликларни иқтисодий – ижтимоий гуруҳларга ажратишнинг илмий мезонлари, улар хатти харакатларининг энг аввало истеъмоли ва жамғаришдаги мойилликлар трансформацияси, бунга Россия менталитетининг таъсири ва шунга боғлиқ ҳолда ички бозорнинг ўзгариши асослаб берадилар.

Уй хўжалиги кўлам жиҳатидан министртура ҳосил этувчи ғоят кичик гуруҳ бўлса-да, унинг ички тузилиши ғоят мураккабдир. Бу ерда қонқариндошлик, иқтисодий ва социал муносабатлар ўзаро тирмашиб кетгани ҳолда амал қилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мумкин. Илмий адабиётни ўрганиш ва ундаги ғояларни умумлаштирган ҳолда шунини айтиш мумкинки, типология этнодемографик, иқтисодий ва социал мезонлар асосида ўтказилиши мумкин. Уй хўжалиги кўп ҳолларда оила асосида қурилади, шу сабабли унга этнодемографик характеристикасини бериш мумкин.

Жамиятда аҳоли моддий таъминланганлик даражасига кўра, бир нечта гуруҳларга ажралади. Улар квинтель гуруҳлари деб номланади. **Биринчи** Квинтел ўта камбағаллар, ғоят кам таъминланганлар; **иккинчи** Квинтель камбағаллар – кам таъминланганлар. **Учинчи** Квинтель – ўрта ҳоллар, яъни ўрта синф вакиллари; **Тўртинчи** Квинтель – бойлар; **Бешинчи** Квинтель – ғоят бойлар. Бу гуруҳлар таҳлили микро ва макро даражада трансакция харажатлари доирасида қаралади.

Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиб, макродаражада гап жараёнларни корхона (фирма), алоҳида иқтисодий субъектлар даражасида таҳлил қилиш ҳақида, макродаражада эса умуман иқтисодий тизимни таҳлил қилиш ҳақида боради.

Давлат – маълум ҳудудда жойлашган, этник ва бошқа миллатлар бирлигидан ташкил топган, ўзининг ҳудудий чегараларига ва рамзларига, бошқарув шакли ва мақомига эга бўлган субъектдир.

Давлатни фуқаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома орқали таърифлаш «принципал-агент» муаммосини олдинги ўринга суради. Бу ерда биринчи галда ким «принципал» ва ким «агент» эканлигини аниқлаб олиш талаб этилади. Жавоб умуман аниқ эмас. Фуқаро ҳам, давлат ҳам икки тарафлама рол ўйнайди. Бир томондан, фуқаро давлатга айрим функцияларнинг бажарилишини юклаган ҳолда унинг таркибини белгилайди, яъни у «принципал», давлат эса «агент» ҳисобланади. Иккинчи томондан, фуқаро «агент» ролида иштирок этиб, шартномалар бажарилишининг кафили сифатида давлатнинг қарорларига бўйсунди.

Ҳар қандай давлатда унинг аъзолари расмий ёки норасмий шартномалар орқали муносабатларини амалга оширишади. Шартномавий давлат бу – фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган мажбурият сифатида қарайди.

Иқтисодий агентларнинг муқобил қарорни қидириши мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга ва улар билан хуфёна, яъни давлатнинг иштирокисиз, алмашишни ташкил қилишга уриниши кўринишида амалга оширилади.

Хуфёналик – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ (қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат. Мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлаш жараёнида давлат уни энг самарали мулкдорларга бера олмайдиган, ҳуқуқлар билан алмашиш эса юқори трансакция харажатлари туфайли мумкин бўлмаган, тақиқланадиган даражадаги танг вазиятдан чиқиш йўли худди шу тариқа топилади.

Иқтисодий фаолиятни хуфёна амалга ошириш, биринчи навбатда, қонун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш харажатлари ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади.

Хуфёна иқтисодий ҳаракатларнинг тўртта хилини ажратади: нолегал (махфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият. Шунга кўра хуфёна иқтисодиёт қуйидаги номларда аталади.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг қонуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юридик нормативларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг синоними сифатида иштирок этади.

2. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт институционал жиҳатдан ўрнатилган, солиқ кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади.

3. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра, белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топган.

4. Норасмий иқтисодиёт. Норасмий иқтисодиёт жамият фойдасини ҳамда мулкчилик муносабатларини, лицензиялашни, меҳнат шартномаларини, молиявий кредитлаш ва ижтимоий суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган ҳуқуқларни бузган ҳолда алоҳида харажатларни тежовчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади.

Институционализмда *ташқи таъсирлар* — ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик фаолияти ҳамда *ижтимоий неъматлар* — барча

истеъмолчиларга фойда келтирувчи неъматлар тадқиқ этилади. Лекин буларнинг бозор таклифи етарли эмас ёки мутлақо мавжуд эмас. Ташқи таъсир ва ижтимоий неъматлар бозорда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади ва давлат сиёсати учун жиддий муаммолар келтириб чиқаради.

Ижтимоий неъматлар ҳам рақобатсиз, ҳам истисносиз, чегарали харажатлар нуллигида кишиларга фойда келтиради — ҳеч бир инсоннинг ундан фойдаланиши истисно бўлмайди.

Тизим деб турли элементлар, қисмлардан иборат ўзаро узвий боғланган, маълум тартиб асосида таркиб топган бутунликни тушунилади. Иқтисодий тизим жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди. Иқтисодий алоқалар, жараёнлар мисоли занжир бўлса, ҳар бир хўжалик, фаолият юритиш субъекти ана шу занжирнинг ҳалқаси тарзида намоён бўлади. Бу алоқалар, муносабатлар хўжалик фаолияти юритаётган кишилар ўртасида юз беради. Шунинг учун ҳам одатда уларни **ижтимоий-иқтисодий тизимлар** деб юритилади.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларни ўзгариши, бирини ўрнига иккинчисини келиши курашлар орқали содир бўлади. У мулкчиликни ўзгариши, мулкчиликда янги қонун, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, институционал таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши, кишиларни иқтисодий жиҳатдан муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, фаолиятларини стандартларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Уни доирасида иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратилади. Бу янги иқтисодий тизимни шакллантириш учун етарли шароит бўлади.

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларини экологик

жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга бўлинади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

Экологик хавфсизлик нуқтаи-назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон – табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида қўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Ижтимоий ҳамкорлик – бу ўзаро келишув бўлиб, унга фалсафий жиҳатдан ёндашганда, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг миллий тараққиёт манфаатлари йўлида ҳамжиҳатлигига эришишдан иборат бўлса, иқтисодий жиҳатдан ёндашганда катта гуруҳлар ва аҳоли қатламларининг иш берувчи ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлиги асосида ишсизликни камайтириш, аҳолининг даромадини ошириш, халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантиришда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларини бирлаштиришдан иборатдир.

Институционал қарашларда оила институти муҳим объект сифатида жиддий тадқиқ этилади. Институционализм ва оила институти методологик ва илмий-амалий жиҳатдан ўзаро бирликни ва айна пайтда бир бирини ўзгаришлар таъсирида бўлишини белгилаб бериувчи базис муносабатларни устқурма ҳамкорлигида тақозо қилувчи тизим сифатида амал қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

7. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2014. – 480 бет.

2. Жўраев Т.Т., Тожибоева Д. “Иқтисодиёт назарияси” . Дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014. – 420 бет.

3. Беркинов Б.Б. Трансакция харажатларини камайтириш иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили: Илмий анжуман маърузалари тўплами. – Тошкент, ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти, 2010. – 0,3 б.т.

4. Б.Б.Беркинов. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.

5. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник./ Под общей ред. д.э.н., проф. А.А.Аузана. – М.: ИНФРА – 2006. – 416 с.
6. Институциональная экономика: Учебник. / Под общ. ред. А.Олейника. – М.: ИНФРА – М, 2007. – 704 с.
7. Р.А.Агабемян, Г.А. Баядурян. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.
8. О.С. Сухарев. Институциональная экономика: теория и практика / О.С.Сухарев; Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.
9. Бренделева Е.А. Неинституциональная теория. Учебное пособие / Под.ред. проф. М.Н.Чепурина. – М.: ТЕИС, 2003. – 253 с.
10. Введение в институциональную экономику: Учебное пособие/ Под.ред. Д.С.Львова. – М.: Из-во “Экономика”, 2005. – 636 с.
11. [Гребенников](#) В.Г. **Эволюция институциональных систем.** - М.: "Наука", 2004. – 240 с.
12. Грибов А. Ю. Институциональная теория денег: сущность и правовой режим денег и ценных бумаг.- М.: РИОР, 2008. – 200 с.
13. Институциональные основы формирования многоукладной экономики. Монография под общ. ред. И.Л.Бутикова. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 272 с.
14. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: Учебник /Под общей ред. д.э.н., проф. А.А. Аузана. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 416 с.
15. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело, 1993. – 143 с.
16. Кузьминов Я.И. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты: учебник для студентов вузов. – М.: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2006. – 442с.
17. Неделькина Н.И. Институты права собственности в Республики Узбекистан. // Иқтисодий ислохотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истикболлари: Ўзбекистон

Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – Б. 146-148.

18. On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edrdward Elgar, 1995. –с. 19.

III. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
3. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
4. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
5. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
6. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
7. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
8. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.